ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАъЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОМОН СУВОНОВ, ЯРКИНАЙ НУРУМБЕКОВА

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

5110500-География ўқитиш методикаси,

5110900 – Педагогика ва психология таълим йўналишлари

Аннотация

Ушбу ўқув қўлланмада мавзуларнинг назарий асосларини мукаммал ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослашга мўлжалланган вазифалар, айрим жиҳатларини чуқур егаллашга қаратилган топшириқлар, олган билимларни амалга татбиқ етиш йўл-йўриқлари қайд етилган.

Ушбу ўқув қўлланмада муаллифлар ҳозирги кунда “Педагогик маҳорат” фанида еришилган енг сўнгги ютуқлар нуқтаи назаридан ёндашган. Ўқитувчилик ҳамиша навқирон касб. Шунинг учун унинг илмий – назарий ва амалий – методик асослари йилдан йилга ўз хусусиятларини бойитиб боради. Қўлланмада педагогик маҳорат фанининг назарий ва методологик асосларига, мазмуни, функцияси, таркибий қисмларига, уларнинг вазифаларига жиддий еътибор берилган. Шу билан бирга ўқув–тарбиявий жараённи бошқаришда ўқитувчи ва тарбиячининг ўз касбига миллий–маънавий жиҳатдан муносабати қандай бўлиши кераклиги ёритилган.

Қўлланмада таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб бораётган ўқитувчиларга, тарбиячиларга, педагогик фаолиятга тайёрланаётган талабаларга касбий педагогик маҳоратни егаллаш ҳамда уни узлуксиз такомиллаштириб бориш тўғрисида тавсиялар берилган.

Ўқув қўлланма Гулистон давлат университети Ўқув қўлланма Гулистон давлат университети Илмий Кенгаши томонидан (10-баённома, 27/07/2013 й.) нашрга тавсия қилинди.

Аннотация

Данной учебное пособие расскровает научное и практические стороны формирования педагогического мастерства будуҳих специалистов.

В нём отражены основное компоненты педагогического мастерства, её формирование и внедрения в практическую деятелност педагогов.

Учебное пособие рекомендуеця к изданию Научно-методическим Советом ГГУ, (протокол №10 от 27/07/ 2013 г.)

Аннотатион

О.Сувонов, Я. Нурумбекова А метҳодисал елаборотион ин “Педагогисал скилл”. Гулистан. 2013 й.216 пг.

Тҳис едусационал - анд - метҳодисал елаборатион ис интендед интҳендед то студй тҳе тҳеоретисал басес тҳороугҳлй, анализе, таскс фор тҳе сомпаринг аналйсис, сел-дирестед woркс, усе гаинед knowледгес ин прастисе.

Тҳис метҳодисал елаборатион ис ресоммендед фор принтинг бй едусационал-метҳодис соммиттее оф Гулистан стате университй.

Ушбу о`қув услубий мажмуа Гулистон давлат университети илмий кенгашининг 2013 йил 27 июл №10 сонли баённомаси билан чоп етишга тавсия етилди. Ушбу о`қув қўлланма Гулистон давлат университетининг бакалавриат педагогика ва психология таълим ё`налишидаги барча талабалар учун тавсия етилади.

Масъул муҳаррир: Педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳ. Абдукаримов

Тақризчилар: Педагогика фанлари номзоди, доцент А. Болибеков

Педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳ. Абдукаримов

M U N D A R I J A

Кириш. 4
Фан бўйича рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезони. 7
“Педагогик маҳорат” фани бўйича таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари.....10
1-мавзу. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти 11
2-мавзу. Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари..... 19
3-мавзу. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.....38
4-мавзу. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.....47
5-мавзу: Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси.....54
6-мавзу: Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот.....68
7-мавзу: Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ.....79
8-мавзу: Педагогик низолар ва уларни бартараф етиш технологияси.....89
9-мавзу: Педагогик техника педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатида.....96
10-мавзу. Ўқитувчининг нутқ маҳорати.....104
11 - мавзу. Ишонтириш ва педагогик таъсирчанлик.....112
12-мавзу: Ўқитувчининг дарс жараёнидаги маҳорати.....118
13-мавзу: Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати.....124
14-мавзу: Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш.....131

15-мавзу: Ўқитувчининг ота-оналар билан ишлаш маҳорати.....139
15--мавзу Илғор педагогик тажрибани тўплаш ва оммалаштириш.....142
Амалий машғулотлар.....145
Лаборатория машғулотлари ишланмаси.....146
Фан бўйича мустақил иш топшириқлари.....148
Назорат саволлари.....151
Ўтилган мавзулар бўйича якуний хулосалар.....152
Фан бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар.....153
Информацион – услубий таъминот.....159
Глоссарий.....162

СОНТЕНТС

Интродустион
Ассессмент сритериа он тҳе субжест
Сонсептуал басес оф среатинг едусатион течнологиес он Педагогисал Мастерй
Тҳеме 1. Нотион оф педагогисал мастерй, иц роле ин тҳе активитй оф а теачер
Тҳеме 2. Ҳисторй оф педагогисал тҳоугҳт анд иссуес оф теачеръс мастерй ин счоол прастисе
Тҳеме 3. Педагогисал скилл ин теачеръс активитй
Тҳеме 4. Теачеръс соммунисатион скиллс
Тҳеме 5. Султуре анд псйчологй оф соммунисатион ин теачеръс активитй
Тҳеме 6. Соммунисатион бетweeн теачер анд а леарнер
Тҳеме 7. Педагогис чарм анд десенсй
Тҳеме 8. Педагогисал сонфлисц анд тҳе wайс оф ресолвинг тҳем

Тҳеме 9. Педагогис течниқуе ас а сомпонент оф педагогисал мастерй
Тҳеме 10. Теачеръс спеech скиллс
Тҳеме 11. Суггестион анд педагогисал сенситивитй
Тҳеме 12. Теачеръс скиллс дуринг а лессон
Тҳеме 13. Теачеръс менторинг скилл
Тҳеме 14. Селф менторинг анд woркинг
Тҳеме 15. Гатҳеринг инновативе педагогисал течнологиес анд имплементатион
Прастисал сессионс
Лабораторй woркс
Тҳемес он индепендент студй
Сонтрол қуестионс
Сонслусионс
Ссиентифис проблемс оф тҳе субжест
Информатион-метҳодологисал провисион
Глоссарй

K I R I S H

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларида жаҳонга юз тутиши, ўз тараққиёт йўлини белгилаб олганлиги, бозор иқтисодиёти муносабатларига тобора чуқурроқ кириб бораётганлиги олий ва ўрта махсус таълим олдига юксак маънавий-ахлоқий вазифаларга ега бўладиган, ҳар жиҳатдан рақоботбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда.Ушбу вазифани ҳал етишда, шубҳасиз «Педагогик маҳорат» фанининг ҳам ўз ўрни мавжуд. Шуниси диққатга сазаворки, мажмуада жаҳон педагогикаси намоёндаларининг педагогик маҳоратга доир қарашлари билан бир қаторда буюк Шарқ мутафакирларининг ҳам бу соҳадаги қарашларига алоҳида ўрин ажратилган.

Мазкур ўқув қўлланмаТДПУ олимлари томонидан 2008 йилда тайёрланган намунавий ўқув дастури асосида ёзилган бўлиб, бакалавриат даражасида таълим олувчиларга мўлжалланган. Ўқув қўлланма замонавий педагогик технологияларнинг Гулистон давлат университети олимлари томонидан ўрганилган ва такомиллаштирилган ёндашувга асосланган ҳолда баён етилган. Мажмуада Республиканинг машҳур ўқитувчилари, Сирдарё вилояти халқ таълимининг илғор ходимлари ҳамда университетда фаолият юритган устоз-мураббийларнинг тажрибалари ва маҳорат хусусиятлари таҳлил етилган. Назорат саволлари, амалий ва лаборатория машғулотлари учун ишланмалар, уларни бажариш тартиби, мустақил иш топшириқлари, тегишли адабиётлар рўйхати тавсия қилинган.

Мазкур ўқув қўлланма педагогик йўналиш талабалари учун тайёрланган бўлиб 85 соатга мўлжалланган. 22 соат маъруза, 12 соат семинар, 10 соат лаборатория, 41 соат мустақил таълим машғулотларини ўз ичига олади. Ушбу қўлланмани тайёрлашда Аъзамжон Холиқовнинг “Педагогик маҳорат” қўлланмасидан фойдаланилди.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ИХ-сесиясидаги маърузасида таъкидлагандек: «Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий замирини мустаҳкамлаш» зарурдир, бунинг учун миллий баркамол кадрларни тайёрлаш замон талабидир. Мазкур ўқув қўлланмамана шу талабга акс садо сифатида майдонга келди, десак хато бўлмайди.

Ўқув- услубийҚўлланма охирида якуний хулосалар, ўзлаштирган билимларни синаб кўриш учун назорат саволлари, тегишли адабиётлар рўйхати ва фанда ечимини кутаётган асосий илмий муаммолар мавзулари келтирилган. Ўқув қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳаларини билдирган ҳамкасбларга муаллифлар ўз миннатдорчилигини изҳор етади.

Манзилимиз: 707012. Гулистон шаҳри, ИВ мавзе, Университет,«Педагогика ва психология» кафедраси.

“PEDAGOGIK MAHORAT” FANI BO’YICHA TA’LIM TEXNOLOGIYALARINI ISHLAB CHIQISHNING KONTSEPTUAL ASOSLARI

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил етилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мултимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил

фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка йўналтириш, еркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концепцияси аниқ белгиланиши ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. “Педагогик маҳорат” фани ўқитишнинг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар қуйидагилардан иборат.

Фаннинг мақсади: бакалаврларни педагогик маҳорат, педагогик техника ва педагогик маданият назарияси ҳамда амалиёти бўйича билимли, етук малакага ега бўлишларини таъминлаш.

Фаннинг вазифалари: шарқ алломаларининг ўқитувчи ва унинг педагогик маҳоратига берган баҳолари, маҳоратнинг таркиб топиши, шаклланиши, енг юксак даражага етишининг шарт-шароитлари ва қонуниятларини ўргатиш;

Мустақиллик шароитида пайдо бўлган педагогик маҳорат қирралари; тадқиқотчилик, ижодкорлик, компютер саводхонлиги, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилдириш.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу еса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини емас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишга еътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам етмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб егаллашнинг мукаммал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Егалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ етилишига шароит яратади.

Диалогик ёндашув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил етиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда еришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий етишга еътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал етиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология васиталари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб етади.

Ўқитиш методлари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визиуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

Ўқитиш васиталари*:* ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-коммуникация технология воситалари кенг кўламда татбиқ етилади.

Коммуникация усуллари*:* тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага еришиш таъминланади.

Бошқариш усуллари ва тартиби*:* ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга еришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш*:* бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади.

Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириқлари ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

Fanni o'qitish texnologiyasi:
1-mavzu. "Pedagogik mahorat haqida tushuncha, uning o'qituvchi faoliyatida tutgan o'rni va ahamiyati" mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	**Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни**	**Амалга оширувчи шахс, вақт**
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1. Дарс мақсади:** Педагогик маҳорат ҳақида тушунча бериш, унинг таркибий қисмларига аниқлик киритиш, педагоглик касбига қизиқишни ошириш. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Педагогик маҳорат тушунчасига таъриф берадилар. • Педагогик маҳоратнинг моҳиятига изоҳ берадилар. • Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини тавсифлайдилар. **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Касб маҳорати, педагогик маҳорат, оптимизм, инсонпарвар-гуманист, шахсий хусусиятлар, гуманистик йўналиш, касбий билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик техника, методология, назарий, услубий технологик билимлар, фаолият елементлари, ўз-ўзини касбий тарбиялаш. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза. **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали маъруза, намойиш етиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, ФСМУ, тақдимот.	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гурухда ишлаш босқичи:** Талабаларга муаммоли савол беради. Мавзуга оид муаммолар:	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	• *Касб маҳорати ва педагогик* маҳорат тушунчаларини бир-бири билан таққослаб, ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқланг. Маҳоратли педагог деганда педагогик фаолиятнинг қандай қирраларини тушунасиз? • Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини аниқлаб, ҳар бирининг педагогик маҳоратда тутган ўрнини таҳлил қилинг. Уларнинг ичида қай бирини устивор деб биласиз? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • . Педагогик маҳорат - юксак даражада педагогик фаолият юритишга ўзини йўналтира билиш учун зарур бўлган шахсий хусусиятлар йиғиндисидир. • Педагогик маҳоратни қуйидаги таркибий қисмлар ташкил етади: • инсонпарварлик (гуманистик) йўналиши; • касб билимдонлиги; • педагогик қобилиятлар (дидактик, ташкилотчилик, перцептив, сугестив, академик); • педагогик техника. • Педагогик маҳоратнинг асосий пойдевори - касбий билимлардир. • Педагогик техника - бу ўқитувчи хатти-ҳаракатини ташкил етиш шакли. • Педагогик маҳоратни шакллантириш мумкин. Педагогик олий ўқув юртларида биринчи кунлардан касб тарбиясига алоҳида еътибор берилиши зарур. Бўлажак ўқитувчининг шаклланиши таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади.	
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини ўрганиб чиқинг. • Ҳар бирининг таърифини келтиринг. • Улар ўртасидаги боғлиқликни аниқланг. • Педагогик фаолиятнинг компонентларини ўрганиб чиқинг. • Ҳар бир компонентни таққосланг.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**

	• Тарбиянинг бугунги кундаги асосий воситаларини кўрсатинг. • Педагогик маҳоратни шакллантириш йўлларини аниқланг. • Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий омилларини кўрсатинг. • Педагогик маҳоратни шакллантиришда педагогик-психологик ва мутахассислик фанларининг ўрнини аниқлаб, бир-бири билан қиёсланг. • Ўз-ўзини тарбиялашнинг педагогик маҳоратни шакллантиришдаги аҳамиятини таҳлил қилинг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (Педагогик маҳорат, 16-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

1-mavzu. “Pedagogik mahorat haqida tushuncha, uning o’qituvchi faoliyatida tutgan o’rni va ahamiyati” mavzusidagi ma’ruza mashg’ulotining texnologik xaritasi

Асосий саволлар:

1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча.
2. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Педагогик маҳоратни таркиб топтириш ва шакллантириш йўллари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Касб маҳорати, педагогик маҳорат, оптимизм, инсонпарвар-гуманист. шахсий хусусиятлар, гуманистик йўналиш, касбий билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик техника, методология, назарий, услубий технологик билимлар, фаолият елементлари, ўз-ўзини касбий тарбиялаш.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Касб маҳорати ва педагогик маҳорат тушунчаларини бир-бири билан таққослаб, ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқланг. Маҳоратли педагог деганда педагогик фаолиятнинг қандай қирраларини тушунасиз?
2. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини аниқлаб, ҳар бирининг педагогик маҳоратда тутган ўрнини таҳлил қилинг. Уларнинг ичида қай бирини устивор деб биласиз?

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Педагогик маҳорат ҳақида тушунча бериш, унинг таркибий қисмларига аниқлик киритиш, педагоглик касбига қизиқишни ошириш.

<u>Идентив ўқув мақсадлари:</u>

Педагогик маҳорат тушунчасига таъриф берадилар.

Педагогик маҳоратнинг моҳиятига изоҳ берадилар.

Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини тавсифлайдилар.

1-саволнинг баёни:

Инсоният томонидан минглаб касб-ҳунар бажариб келинади. Ҳар бир касб юқори савияда бажарилиши, касб маҳоратининг талабларига жавоб бериши керак.

Педагогик маҳорат деганда педагогик фаолият юритишда мураббийнинг қобилиятларини олий даражада намоён етиши, бутун борлиғини таълим-тарбияга йўналтириш тушинилади.

Педагогик маҳорат узоқ вақт давомида ўқиш-ўрганиш, машқ қилиш, тажрибалар асосида ҳосил қилинади. Педагогик маҳоратнинг бошқа касб маҳоратларидан фарқи шундаки, у бир қанча қирраларга бўлинади.

Хулоса килиб айтганда, педагогик маҳорат - юксак даражада педагогик фаолият юритишга ўзини йўналтира билиш учун зарур бўлган шахсий хусусиятлар йиғиндисидир.

Педагогик **маҳоратни** қуйидаги таркибий **қисмлар** ташкил етади:

- **инсонпарварлик (гуманистик) йўналиши;**
- **касб билимдонлиги;**
- **педагогик қобилиятлар (дидактик, ташкилотчилик, перцептив, сугестив, академик);**
- **педагогик техника.**



1. Ўқитувчи шахсининг инсонпарварлик (гуманистик) йўналиши - ғоялари, қизиқиши, қадрий йўналишлари.

Ҳар бир ўқитувчи шахсининг педагогик йўналиши турлича, кўп қиррали. Унинг қадрий йўналишини**:** 1) ўз-ўзида билимдон, талабчан, ҳақиқий ўқитувчини кўришга; 2) педагогик таъсир етиш воситаларига (ўқув материали ва ҳакозо); 3) ўқувчига, болалар жамоасига; 4) педагогик **фаолият** мақсадига - фаолият объекти, воситаларини - ўзгартиришга қаратилган бўлиши мумкин, яъни гуманистик стратегия.

.



2. Касбий билимдонлик.

Педагогик маҳоратнинг асосий пойдевори - касбий билимлардир. Ўқитувчининг билимлари, бир томондан, ўзи ўқитадиган предметларга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, уларни ўзлаштирадиган ўқувчиларга қаратилган. Касбий билимларнинг мазмуни ўзи ўқитадиган предметни, унинг методикасини, педагогика ва психологияни билишни ташкил етади.

Педагогнинг маҳорати - билимларни "инсонийлаштириш" дадир, уларни аудиторияга оддий китобдангина емас, балки ўзининг дунёқараши сифатида баён етади.

Педагогнинг касбий билимлари асосида педагогик онг шаклланади, унинг ҳаракатлари асосида ётувчи принциплар ва қоидаларга амал қилинади.

3. Педагогик қобилиятлар.

Бу психологик жараёнда кечадиган хусусият бўлиб, педагогик фаолият самарасига таъсир етади. Педагогик қобилиятларни бир қанча йирик олимлар (Гоноболин Ф.Н.,Кузмина Н.В., Крутецский В.Н. каби) тадқиқ етганлар.

Қайд етилган муаллифларга суянган ҳолда шахснинг педагогик

фаолиятига тегишли асосий олтита қобилиятини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Мулоқот қила олиш, бу ўз ишига, кишиларга бўлган муносабат, хайрихоҳлиқ, яхшиликни раво кўриш.
2) Идрок ета олиш қобилияти - касбий ҳушёрлик, сезгирлик, педагогик зеҳн.
3) Шахс жўшқинлиги - иродавий таъсир кўрсата олиш ва мантиқан ишонтира олиш қобилияти.
4) Ҳиссий турғунлик - ўзини қўлга олиш қобилияти.
5) Оптимистик фараз, баҳолаш қобилияти.
6) Ижодий қобилият.

4. Педагогик техника

Бу педагогик маҳоратнинг тўртинчи таркибий қисми - ўқитувчи хатти-ҳаракатини ташкил етиш шакли. Фақат билиш, йўналиш ва қобилиятларгина кўникмаларсиз яхши натижалар гарови емас.

Педагогик техника ўз ичига икки гуруҳдаги кўникмаларни олади: ўз-ўзини бошкара олиш кўникмалари ва педагогик вазифаларни ҳал етиш жараёнида ўзаро таъсир етиш кўникмалари. Биринчи гуруҳ. кўникмалари - бу ўз танаси, ҳиссий ҳолати, нутқ техникасини бошқаришига қаратилган. Иккинчиси – дидактик, ташкилотчилик кўникмалари, алоқали ўзаро таъсир техникасига ега бўлиш. (бу ҳақда кейинчалик алоҳида тўхтаймиз).



Назорат саволлари:

1. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини ўрганиб чиқинг.
2. Ҳар бирининг таърифини келтиринг.
3. Улар ўртасидаги боғлиқликни аниқланг.

2 —савол бўйича дарснинг мақсади:

Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари моҳиятини очиб бериш, педагогик

фаолиятнинг ҳар бир компонентини тушунтириш, ўз фаолиятини ташкил ета олиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсади:
2.1. Педагогик фаолият компонентларига изоҳ берадилар.
2.2. Педагогик маҳоратни бир тизим сифатида асослайдилар.

2-саволнинг баёни:

Ҳар қандай фаолият каби педагогик фаолият ҳам ўз ичига ўзига хос хусусиятлар билан фарқ қилувчи қуйидаги компонентлар (таркибий қисмлар) ни олади: мақсад, восита, объект, субъект.

Енг аввало педагогик фаолиятнинг мақсади ўзига хос хусусиятга ега.

1.Ўқитувчи ишининг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни ўқитувчи еркин ҳолда ўз меҳнатининг натижасини танламайди, унинг ҳаракатлари ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

2.Ўқитувчининг фаолияти ҳар доим бошқаларни бошқариш фаолиятидир.

3. Бошқа киши фаолияти (таълим-тарбия)ни бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки, педагогнинг мақсади тарбияланувчининг келажагини ифодалайди.

Педагогик меҳнатнинг объекети -инсон, шаклланаётган шахс маънавий дунёсининг нозик томонлари – ақл, ҳиссиёт, ирода, еътиқод, ўз-ўзини англаш кабилар.

Субъект - тарбияланувчига таъсир етувчилардир, яъни педагог,ота-оналар, жамоа тарбияланувчига таъсир кўрсатувчи асосий қурол - ўқитувчи шахси, унинг билим ва кўникмаларидир.

Тарбиянинг асосий воситалари - бу тарбияланувчилар иштирок етадиган ҳар хил *фаолият* турларидир: меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш, бадиий - естетик ва бошқа фаолиятлар.

Юқорида айтиб ўтилганидек педагогик фаолиятнинг асосий компонентлари бу мақсад, субъект, воситалардир. Педагогнинг вазифаси бу елементларни бошқаришдан иборатдир.

Назорат саволлари:

1. Педагогик фаолиятнинг компонентларини ўрганиб чиқинг.
2. Ҳар бир компонентни таққосланг.
3. Тарбиянинг бугунги кундаги асосий воситаларини кўрсатинг.

3-савол бўйича дарснинг мақсади:

Педагогик маҳоратни таркиб топтириш йўллари ъбилан талабаларни таништириш, ўз маҳоратини шакллантириб бориш кўникмасини ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий омилларини санаб ўтадилар.

3.2. Ўз-ўзини касбий тарбиялаш усулларига аниқлик киритадилар.

3-савол баёни:

Педагогик маҳоратни шакллантириш мумкин. Педагогик олий ўқув юртларида биринчи кунлардан касб тарбиясига алоҳида еътибор берилиши зарур. Бўлажак ўқитувчининг шаклланиши таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади. Асосий ўринни психологик-педагогик фанлар тизими егаллайди (педагогика назарияси ва тарихи, янги педагогик технология, педагогик маҳорат, психология). Мутахассислик фанлар фундаментал билим бериш билан биргаликда бўлажак ўқитувчини дунёқарашини, методологик билимларини шакллантиради.

Педагогик маҳорат амалиёт даврида янада ривожланади ва талабаларда амалий кўникма, малакалар текширилади. Педагогик маҳорат ривожланишида муҳим ўринни бўлажак ўқитувчини ижтимоий - педагогик фаолияти бажаради. Бу фаолият қанча мазмунли ва кенг бўлса, шунча унинг самарадорлиги ошади.

Шуни алоҳида қайд етиш лозимки, ҳеч қандай олий таълим муассасаси тайёр ҳолдага маҳоратли педагогни етказиб бера олмайди. Маҳоратга еришишнинг енг самарали ва тўғри йўли ўз-ўзини тарбиялашдир. Ўз-ўзини тарбиялаш усул ва воситалари ниҳоятда кўп, қолаверса ўқитувчиликнинг ўзи ижодий соҳа ҳисобланади, изланишни талаб етади.

Назорат саволлари:

1. Педагогик маҳоратни шакллантириш йўлларини аниқланг.
2. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий омилларини кўрсатинг.
3. Педагогик маҳоратни шакллантиришда педагогик-психологик ва мутахассислик фанларининг ўрнини аниқлаб, бир-бири билан қиёсланг.
4. Ўз-ўзини тарбиялашнинг педагогик маҳоратни шакллантиришдаги аҳамиятини таҳлил қилинг.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Педагогик фаолиятдаги педагогик маҳоратнинг ўрнини аниқлаш.
2. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг қулай тизимини ишлаб чиқиш.
3. Педагогик маҳоратни шакллантириш юзасидан амалий тавсиялар яратиш.
4. Бўлажак ўқитувчиларнинг олий ўқув юртидаёқ маҳорат қирраларини егаллашига еришиш.
5. Педагогик маҳоратни шакллантиришда педагогик амалиётнинг ўрнини аниқлаш.

Мустақил иш топшириқлари:

1. «Халқ таълими», «Бошлангич таълим» - ойномаларида педагогик маҳоратга оид мақолаларни ўқиб таҳлил етиш.
2. Ўз педагогик маҳорат сифатларига баҳо бериш.
3. Ўз-ўзини тарбиялаш усулларини ўзлаштириш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Педагогик маҳорат - юксак даражада педагогик фаолият юритишга ўзини йўналтира билиш учун зарур бўлган шахсий хусусиятлар йиғиндисидир

2. Педагогик маҳоратни қуйидаги таркибий қисмлар ташкил етади:

- инсонпарварлик (гуманистик) йўналиши;

- касб билимдонлиги;
- педагогик қобилиятлар (дидактик, ташкилотчилик, перцептив, сугестив, академик);
- педагогик техника.

3. Педагогик маҳоратнинг асосий пойдевори - касбий билимлардир.

4. Педагогик техника - бу ўқитувчи хатти-ҳаракатини ташкил етиш шакли.

5. Педагогик маҳоратни шакллантириш мумкин. Педагогик олий ўқув юртларида биринчи кунларидан касб тарбиясига алоҳида еътибор берилиши зарур. Бўлажак ўқитувчининг шаклланиши таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади.

Мавзуга оид адабиётлар

Асосий адабиётлар:

1. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т. 1997. 10-12 б.

2. И.А.Зязюн «Основў педагогического мастерство» М. 1989. 26-28 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Чориев Р. Педагогик маҳорат –таълим тарбия сифати кафолати. Халқ таълими. 1-сон. 2004 йил.

Интернет адабиётлари:

2. 1. ҳттп:ҒҒ W W W . гулдуҒ уз Ғ.
3. 2. ҳттп:ҒҒ W W W . гулдупортал.уз Ғ.
4. 3. ҳттп:ҒҒ W W W . зиуонет. уз Ғ.
5. 4. ҳттп:ҒҒ W W W . гулду. знҒ уз Ғ.

Fanni o'qitish texnologiyasi:
2-mavzu. Pedagogik fikr tarixi va maktab amaliyotida o'qituvchi mahorati masalalari

ТҒр	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **Дарс мақсади:** Ўқитувчиликнинг масъулиятли ва фахрли касб еканлигини ёритиб бериш, педагоглик касбига қизиқиш уйғотиш. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Ўқитувчилик касбининг фахрли ва масъулиятли жиҳатини ажратиб кўрсатади. • Ўқитувчилик касбининг ижтимоий моҳиятини	**Ўқитувчи**

	очиб беради. • Ўқитувчилик касбини бошқа касбларга таққослайди. **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Ўқитувчи, тарбиячи, касб ва мутахассислик, ўқитувчининг касбий ва шахсий сифатлари, касбий педагогик билим, кўникма ва малакалар, ўз-ўзини касбий тарбиялаш. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза. **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали маъруза, намойиш етиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, ФСМУ, тақдимот.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **Талабаларга муаммоли савол беради** ***Мавзуга оид муаммолар:*** 1. Ўқитувчилик касби фахрли ва масъулиятли соҳа ҳисобланади. Унинг фахрланадиган жиҳатларини аниқланг. Ўқитувчини нималарга масъул деб ҳисоблайсиз? Жамиятда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда ўқитувчининг ролини изоҳланг. 2. Бугунги кун ўқитувчиси олдига қўйилган талаб ва вазифаларни таҳлил қилинг. Ўқитувчидан қандай руҳий ва жисмоний сифатлар талаб етилади? Агар жисмоний жиҳатдан нуқсони бўладиган бўлса, у киши ўқитувчиликка лойиқми? Руҳий камчилиги бўлса-чи? 3. Ўқитувчилик касби ижтимоий моҳиятга ега деб ҳисобланади. Ўқитувчиликнинг ижтимоий хусусиятларини аниқланг. Ҳозирги шароитда ҳамма ўқитувчилар ушбу талабларга жавоб бера оладиларми? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Ўқитувчилик касбининг фахрли жиҳатлари	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	шундаки, ҳар қандай касб егаси дастлабки маълумотни ўқитувчидан олади, жамият тараққиётига бевосита ҳисса қўшади. • Албатта бу касбнинг масъулиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жамият унинг қўлига ишонган ҳолда ёш авлодни топширади. У жамиятнинг ишончли вакили сифатида ёшларга билим бериши, уларда Ватанга, меҳнатга бўлган ижобий муносабатларни шакллантириши лозим. • Педагоглик касби ўқитувчидан қуйидаги анотомо-физиологик хусусиятларни талаб етади: тўрт мучанинг бут бўлиши (қўл, оёқ); кўриш, ешитиш, нутқ органларининг соғлом бўлишини; юрак, қон айланиш тизимининг ўз меъёрида ишлаши. • *Педагогик кўникмалар* - бу турли ўзгарувчан шароитларда педагогик вазифаларни ҳал етишга қаратилган хатти-ҳаракатлар мажмуасидир.	
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Нима учун ўқитувчилик шарафли ва масъулиятли касб дейилади? • Ўқитувчида бўлиши лозим бўлган шахсий ва касбий фазилатларга таъриф беринг. • Ўқитувчилик фаолияти учун қандай педагогик билим ва кўникмалар зарур? • . Ўқитувчи шахсининг анатомо-физиологик хусусиятларини аниқланг. • Ўқитувчининг асосий касбий хусусиятларини баён етинг. • Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талабларни аниқланг. • Ўзингиз маҳоратли деб санаган бирор ўқитувчининг егаллаган шахсий ва касбий фазилатларини таҳлил қилинг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (Педагогик маҳорат, 22-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

	тегишли ўзгартиришлар киритади.	

2-mavzu. Pedagogik fikr tarixi va maktab amaliyotida o'qituvchi mahorati masalalari

Асосий саволлар

1. Енг қадимги даврлардан ерамизнинг X асригача ўқитувчилик фаолияти тўғрисида ижтимоий қарашлар.
2. Юнон файласуфлари асарларида ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ҳақидаги ғоялар.
3. Европа олимлари ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш тўғрисида.
4. Ҳозирги даврда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар:

Ўқитувчи, тарбиячи, касб ва мутахассислик, ўқитувчининг касбий ва шахсий сифатлари, касбий педагогик билим, кўникма ва малакалар, ўз-ўзини касбий тарбиялаш.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Ўқитувчилик касби фахрли ва масъулиятли соҳа ҳисобланади. Унинг фахрланадиган жиҳатларини аниқланг. Ўқитувчини нималарга масъул деб ҳисоблайсиз? Жамиятда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда ўқитувчининг ролини изоҳланг.
2. Бугунги кун ўқитувчиси олдига қўйилган талаб ва вазифаларни таҳлил қилинг. Ўқитувчидан қандай руҳий ва жисмоний сифатлар талаб етилади. Агар жисмоний жиҳатдан нуқсони бўладиган бўлса, у киши ўқитувчиликка лойиқми? Руҳий камчилиги бўлса-чи?
3. Ўқитувчилик касби ижтимоий моҳиятга ега деб ҳисобланади. Ўқитувчиликнинг ижтимоий хусусиятларини аниқланг. Ҳозирги шароитда ҳамма ўқитувчилар ушбу талабларга жавоб бера оладиларми?

1-савол бўйича дарснинг мақсади:

Ўқитувчиликнинг масъулиятли ва фахрли касб еканлигини ёритиб бериш, педагоглик касбига қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўқитувчи касбининг фахрли ва масъулиятли жиҳатини ажратиб кўрсатади.
2. Ўқитувчилик касбининг ижтимоий моҳиятини очиб беради.
3. Ўқитувчилик касбини бошқа касбларга таққослайди.

1-саволнинг баёни:

Таълим ва тарбия тарихини ўрганар еканмиз, унинг ривожланиши, йиллар давомида шаклланиб бориши устоз ва шогирд фаолиятига боғлиқлигининг гувоҳи бўламиз. Енг қадимги даврлардаёқ мударрислар (ўқитувчилар) таълим ва тарбиянинг самарали таъсир усулларини қидириб топиб, ҳаётга татбиқ ета бошлаганлар. Бунинг натижасида ерамиздан олдинги даврлардаёқ таълим-тарбиянинг самарадорлигига еришилиши учун ўқитувчига бўлган талаблар кучайиб борган. Ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш юзасидан турли ғоялар, назария ва тавсиялар пайдо бўла бошлаган.

Милоддан аввалги ВИИ – ВИ асрларда Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш кучларининг ортиб бориши билан ижтимоий ҳаётда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Турк ва форс тилида сўзлашувчи халқлар ўртасида ўзаро маданий алоқалар юзага келди. Ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлашда асрлар давомида қўлланиб келинган, йерли аҳолининг ўзига хос урф – одати ва анъаналарига мос равишда татбиқ етилган таълим ва тарбиянинг ноёб усул ва воситалари, тадбир ва шакллари вужудга кела бошлади. Ҳали мактаб бўлмаган, педагогик фикр таркиб топмаган даврдаёқ қабила аъзоларининг болаларда меҳнацеварлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик сифатларини таркиб топтириш соҳасидаги ақл идроки ва усуллари йиллар давомида ҳаёт тажрибаси ва синовларидан ўтиб, сайқалланиб ўша даврнинг олижаноб меваси сифатида бизнинг даврримизгача етиб келди.

ВИИ асрларга келиб Ўрта Осиёда илм-фан ва маданият соҳасидаги ривожланиш бевосита таълим ва тарбия берувчи мударрисларнинг қизғин фаолияти ҳамда уларга қўйиладиган талабларнинг ниҳоятда ранг-баранглиги ва хилма-хиллиги билан диққатга сазовордир. Илк ибтидоий жамоа ва қулдорлик даврларидан бошлаб, болаларнинг таълим ва тарбиясига жавобгар уламолар ҳамда мударрислар насиҳат, тушунтириш, рағбатлантириш, мақташ, намуна кўрсатиш, танбеҳ бериш, таъқиқлаш, мажбур қилиш, пўписа қилиш, қўрқитиш каби усуллардан фойдаланганлар. Бироқ мударрисларнинг ўзи болага таълим-тарбия бериш учун мукаммал амалий ва назарий билимга ега бўлиши керак еди. Шу сабабли мударрислар саводли мадраса толиблари орасидан танланган ва маълум муддат тайёргарликдан ўтишган.

Марказий Осиёнинг Хоразм заминида шаклланган енг қадимий ва “...ўтмишдаги динларнинг енг кучлиларидан бўлган” *(Ю.А.Раппопорт)* зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да бола таълим-тарбиясига оид қизиқарли маълумотлар берилган. “Авесто”да таъкидланадики, билим ва тарбия ҳаётнинг енг муҳим тиргаги бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало ёзишни ўрганиш асосида билим олиши керак, сўнгра еса одоб-ахлоқи билан енг юксак поғонага кўтарилсин. Коҳин муаллимлар оқсоқоллар Кенгаши томонидан танланиб, қатъий белгиланган қоидалар асосида ёшларга таълим ва тарбия беришган. “Авесто”да болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари қуйидаги тартибда тавсия етилган:

а) диний ва ахлоқий тарбия;

б) жисмоний тарбия;

в) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Махсус тайёргарликдан ўтган муаллимлар болаларни етти ёшидан бошлаб диний тарбияга асосланган мактабларга жалб қилишган. Мактабларда “муқаддас яшил кўйлак” кийдириш маросими ўтказилгач, коҳин муаллимлар болаларни “Авесто”да келтирилган мададкор кучларни улуғловчи езгулик ва яхшилик маъбудасига сиғинтиришган. Дуолар қуйидаги сўзлар билан бошланган: “Мен зардуштийлик динига содиқ қолишга ваъда бераман, **мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши амалларга** ишонаман...”. Маросимдан сўнг муаллимлар болаларга совғалар улашишган. Муаллимлар машғулотлар жараёнида болаларга нисбатан жисмоний жазодан кўра кўпроқ ўз динига ишонч ва еътиқодни, дунёдаги барча яхшилик ва езгуликларнинг бунёдкори, илоҳий Ахурамаздага сиғинишни, одамлар бошига ёвузлик ва ёмонликларни ёғдирувчи Ахримандан еса нафратланиш ҳиссини тарбиялар едилар. Болаларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши билан бирга ўз динининг барча расм-русумларини тўлиқ бажаришига, ўрганилаётган фанларни пухта билишига, ахлоқий поклигига, меҳнацеварлик, ростгўйлик, саховатлилик каби фазилатларни егаллашига коҳин муаллимлар жавобгар едилар. “Авесто”да ер, сув ва ҳаво муқаддас деб еълон қилиниб, муҳитни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уриш билан жазоланарди. Табиатни асраш, уни обод қилиш ёшлик даврлариданоқ улар онгига сингдирилган. Зардуштийлик дини таълимотида илгари сурилган умуминсоний қадриятлар мажмуаси езгулик ва яхшилик, жаҳолат ва ёмонлик, таълим ва тарбия ҳақидаги ғоялари билан улкан педагогик таъсир кучига ега бўлган. Бунда тарбиячи муаллимларнинг ўз касбига садоқатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Буюк алломаларимиз ўз асарларида мударрислар касбининг нозиклигини, маъсулиятли еканлигини ва мураккаблигини, шу билан бирга шарафли еканлигини, ёритиб, муаллимнинг маҳорати, уларга қўйилган талаблар, фазилатларига оид қарашлар, шогирдлар билан муносабатга киришиш маҳорати, муомаласи тўғрисида ўз

мулоҳазаларини билдирганлар. Уйғониш даврининг етук намоёндалари Абу Наср Форобий, Шайх Саъдий Шерозий, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Давоний кабиларнинг ижодий мероси педагогик тафаккурни шакллантиришда бўлажак мураббийларга муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Улар авлодлардан авлодларга ўтиб, ўз қимматини йўқотмаган мударрисларни, тарбиячиларни тайёрлаш тажрибаларини умумлаштириб, бойитиб боришган. Зеро, инсоният келажаги ва курраи заминнинг гуллаб яшнаши фақат таълим ва тарбияга боғлиқ еканлигини буюк мутафаккирлар чуқур ҳис қилишган. Шунинг учун муаллимлар кучи ва ғайрати билан баркамол авлодни тарбиялаш уларнинг енг ёрқин орзуси бўлиб келган. Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаб ўтган алломаларнинг бу борада ўз ўрни ва ҳурмати бор. Баркамол авлодни тарбиялаш, бунда муаллимнинг ўрни тўғрисида алломаларимиз ижодий меросидан жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин.

Абу Наср Форобий (873-930) Ўрта Осиё халқлари маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олимдир. Форобий ўрта асрда фанни биринчи бўлиб классификация қилиб чиққан. У арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқани муҳим тарбиявий фанлар деб атади. Ушбу фанларни ўргатувчи ўқитувчини ҳар томонлама мукаммал билимга ва тажрибага ега бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Чунончи, ўз асарларида “...устоз шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки ортиқча зулм, шогирд дилида устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда ҳам юмшоқ кўнгилли бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб қолади. Шунинг учун ўқитувчи болаларнинг феъл-атворига қараб таълим-тарбиянинг “қаттиқ” ёки “юмшоқ” усулларидан фойдаланиши мумкин”, дейди. Бунда устоз мударрисга қуйидаги талабларни қўяди:

- тарбияланувчилар ўқиш ва ўрганишга иштиёқманд бўлсалар таълим-тарбия жараёнида юмшоқ усуллар қўлланилади;
- тарбияланувчилар ўзбошимча, итоациз бўлсалар, қаттиқ, яъни мажбурловчи усуллар қўлланилади.

Унсурул Маолий Кайковуснинг «Қобуснома» асарида фарзанд тарбиясининг барча қирралари ва йўналишларига батафсил тўхталинган. Ушбу асар ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида инсонни маънавий жиҳатдан камолотга етказишда муҳим аҳамият касб етади. Мазкур ноёб асар кўплаб Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилиниб шуҳрат қозонган.

Кайқобус асарда ҳар бир ёшни ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбиясида турмуш тажрибаси муҳим аҳамият касб етишини айтади. Болаларни фақат яхши мударрис тарбияни ҳаёт билан боғлаган ҳолда камолотга етказиш мумкин деб, унинг йўлларини ва усулларини баён етган. Китобда жавонмардлар егаллаши зарур бўлган қуйидаги йўналишларда таълим-тарбия бериш назарияси кўзда тутилган:

1. Билим ВА билимдонлик ҳақида.

2. Ҳунар ва турли касб егалари ҳақида.

3. Турмуш ва хулқ-одоб коидалари ҳақида.

4. Жисмоний етуклик ҳақида.

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ХИИИ асрда Еронда яшаб ижод қилган йирик шоир ва мутафаккирдир. У файласуф-шоир бўлиши билан бирга тажрибали мураббий ҳам бўлган. Шоир “Гулистон” асарида ўз даври мударрисларини турли тоифага бўлиб, уларни таърифлайди. Қаттиққўл ўқитувчиларни “..башараси тиришган, тили заҳар, ёмон хулқли, одамларни ранжитадиган, гадой табиатлик, очкўз, уни кўриши билан шогирдларининг кайфияти учар” шогирдлар ундан билим ва тарбия ололмайдилар. Яна бир тоифадаги ўқитувчилар “...содда, яхши ва юмшоқ кўнгилли одам. Унар-унмасга сўзламас еди ва болаларни ранжитадиган сўзлар оғзидан чиқмас еди. Унинг фариштадек ахлоқлилиги ва меҳрибонлигини кўрган болалар мураббийни менсимай қўйдилар. Унинг юмшоқ табиатлик еканлигини билишиб, илмни ҳам ўрганмадилар. Алқисса болалар ўйин ва тўполонга берилиб вақтни бекорга ўтказдилар”.

Байт: Устод муаллим бўлса беозор,
Гўдак ели бозорда харсанг ўйнар.

Бу ҳолатга Шайх Саъдий икки хил таъриф беради. Биринчидан, Саъдий яшаган даврда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам мактабда ўқувчиларни қаттиққўллик билан ўқитганлар. Иккинчидан, Шайх Саъдий бу ҳолни ўз кўзи билан кўрган ва қаттиққўл ўқитувчига нисбатан норозилик билдирмаган, илм ва тарбия беришда қаттиққўлликни афзал кўрган: “жабр устод боз меҳр падар” деб таъкидлайди, яъни ўқитувчининг жабри ва жазоси ота меҳридан ҳам афзаллигини айтади.

Абу Али ибн Сино (980-1037) ўз асарларида инсон камолотида уч нарса – ирсият, муҳит, тарбия муҳим рол ўйнашини таъкидлаб, бунда мударрислар болаларга таълим беришдек масъулиятли бурчни бажариб, шу уч ҳолатга жавобгарлик ҳисси билан ёндашишини уқтиради ва мударрисларга фаолиятда муваффақиятга еришиш гарови бўлган қуйидаги тавсияларни беради:

1) Болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш.

2) Берилаётган билимнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига еътиборни қаратиш.

3) Таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш.

4) Ўқувчининг хотираси, билимларни егаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини назорат қилиш.

5) Болаларни фанга қизиқтира олиш.

6) Берилаётган билимларнинг енг муҳимини ажратиб бера олиш.

7) Билимларни ўқувчиларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда тушунарли олиб бориш.

8) Ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига еришиш.

Шарқнинг буюк машойихларидан бири **Абу Носир Тусий** ўзининг «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» номли асарида қуйидагиларни ёзади: «Мураббий мунозараларини тўғри олиб бориш, рад етиб бўлмайдиган даражада исбот қилиши, ўз фикрларини тўғрилигига ишониши, нутқи мутлақо соф ва равон бўлиши лозим. Мураббий нутқи ҳеч қачон заҳархандали, қўпол ва қаттиқ бўлиши мумкин емас. Дарс пайтида ўзини тута олмаслиги дарсни бузади».

Буюк мутафаккир **Абдураҳмон Жомий**нинг «Искандар хиродномаси” асарида муаллимлар ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилган: “муаллим ақлли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номуносиб тутган мураббий ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди” . Шоир муаллимнинг ҳаётдаги ўрнини қуйидаги байтида баён қилади:

Устод, муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қора бўлурди жаҳон.

Алишер Навоий (1441-1501) ижодида муаллимларга муносабат алоҳида е`табор берилган. Унинг фикрича, ҳар бир инсон ўзига таълим ва тарбия берган устозини, ўқитувчисини умрбод ҳурмат қилиши ва уни еъзозлаши керак. Ўқитувчи меҳнатини ҳар қандай хазина билан ўлчаб бўлмайди:

Ҳақ йўлинда ким сенга, бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо, онинг ҳаққин юз ганж ила.

Алишер Навоий ёш авлод тарбиясини ҳар қандай тасодифий мураббийга ишониб топшириб бўлмаслигини айтиб, ўқитувчига юксак талабларни қўяди. Болани тарбиялаш ва унга билим бериш, унинг қобилиятини ўстириш учун ниҳоятда саводли ўқитувчи ва маҳоратли тарбиячи бўлиш керак. Алишер Навоий ўқитувчини фақат дарс берувчи, билим берувчи деб билмайди, балки маҳоратли тарбиячи бўлиши лозим деб илм ва одобни бирга олиб борилишини, бу икки жараён ҳеч қачон ажралмаслигини таъкидлаб ўтади.

Буюк аллома ўзининг “Маҳбуб-ул қулуб” асарида ўқитувчи халқ олдида обрўга, ҳурмат ва иззатга сазовор бўлиши кераклигини, у халқ ғами билан яшашини, халққа ёрдам берувчи, халқ билан бирга бўлиши лозимлигини айтади. Нодон, мутаасиб, жоҳил мударрисларни танқид қилиб, мударрис олимлар орасидаги енг сара “малак қиёфали” киши бўлиши, яъни соф кўнгилли, пок қалбли, инсофли, карам-мурувватли, одобли, вафоли, кишиликнинг енг яхши ва олижаноб ҳислатларини ўзида акс еттирувчи бўлиши керак дейди. Айниқса мадрасаларда таълим-тарбия билан шуғулланувчи мударрисларга жиддий талабларни қўяди: «Мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони унга бош ўрин бўлмаса, ярамасликлардан қўрқса ва нопокликдан қочса... наинки,

ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни қилиш мумкин, балки ҳалол деса, қилмас ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса, бу мударрис емас, ёмон одатни тарқатгувчидир». Демак, мударрис билимли, фозил ва донишманд бўлиши, кишиликнинг енг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган олижаноб ва камтарин бўлиши, ҳар қандай ярамас ишлардан ҳоли ва пок бўлиши, ўз хулқи ва одоби билан бошқаларга намуна бўлиши лозим.

Айни ўринда ўқитувчи меҳнатини енг мураккаб ва машаққатли иш еканлигини холисона баҳолайди: “Унинг иши одам қўлидан келмас, одам емас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашдан ожизлик қиларди. У еса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима ецин. Шуниси ҳам борким, у тўдада фаҳм-фаросати озлар ҳам бўлади, ундай кишига юзларча машаққат қилса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларда унинг ҳаққи кўпдир. Агар шогирд подшоҳликка еришса унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийдир”.

Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) “Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” асарида устоз-шогирд муносабатларига кенг тўхталган. У муаллимларнинг шогирдларига берадиган ҳар бир ўгитини қадрлайди. “Марака жойларида” (дарс─маъруза ўқиладиган жой) шогирдлар муаллимнинг ҳар бир сўзини еътибор билан тинглашини ва унга амал қилишини таъкидлайди. Жумладан, аллома шундай ёзади: ”Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродат устига, деб жавоб бергин. Агар иродат нима деб сўрасалар, само ва тоатдир, деб айтгин. Агар само (ешитиш) ва тоат нимадир деб сўрасалар нимани устоз айца, уни жон қулоғи билан ешитиш, чин кўнгли билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалга адо етишдир деб айт”. Кошифий асарида шогирдликнинг 8 та одобини кўрсатиб ўтади:

- биринчи бўлиб салом бериш;
- устознинг олдида кам гапириш;
- бошни олдинга егиб туриш;
- кўзни ҳар томонга югуртирмаслик;
- гап сўрамоқчи бўлса, аввал устоздан ижозат сўраш;
- устоз жавобига еътироз билдирмаслик;
- устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик;
- ўтириб туришда ҳурмат сақлаш.

Кошифий устозлик шартларини ҳам баён қилади: “Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмайди ва кимки устозсиз бир ишни қилур ерса, ул ишнинг асоси мустаҳкам бўлмайди. Кимки, устозсиз иш бошлаган бўлса, иши ва амали самара қозонмайди, устознинг етагини тутиб шод бўл, бир муддат устозга хизмат қилгинда, сўнгра ўзинг устоз бўл. ...Агар устоз тарбиясини олган комил инсон ким деб сўрасалар, у

пок мазҳабли ўз айбини кўрадиган, доно ва тамизли кишидир деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва бахилликдан асар бўлмайди”.

Кошифий бола тарбиясида мактаб ва муаллимниг алоҳида роли борлиги ҳақида гапириб, муаллимлар доно, билимли, ширинсухан, адолатли бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Аллома мураббийлар тўғрисида яна бир асари «Ахлоқи Муҳсиний»да шундай ёзади: «Мураббий (болага) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамизда мулойим ва хушфеъл бўлиш мақсадга мувофиқдир».

Аз Замахшарий дейдики: “мураббий ўқиб турсагина мураббий бўла олади, агар ўқишни тўхтатиб қўяр екан, унда мураббийлик ўлади”.

Бу доно фикрга ёшидан, педагогик маҳоратидан, қандай дарс беришидан қатъий назар барча ўқитувчилар роя қилишлари мақсадга мувофиқдир.

2. Юнон файласуфлари асарларида ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ҳақидаги ғоялар

Антик даврдаги мактаблар Спарта, Афина ва Рим тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида фаолият олиб борганлар. Қадимги Юнонистонда бундай жойлар академия деб номланган. «Академия» сўзи афсонавий қаҳрамон Академа номидан келиб чиққан. Ерамиздан аввалги В асрда Афина яқинидаги Академа сўзи билан номланувчи жойда Платон ўз шогирдларига маърузалар ўқиган бўлиб, кейинчалик таълим-тарбия бериш учун ташкил етилувчи масканлар ҳам шундай ном билан атала бошланган.

Ерамиздан аввалги В аср Юнонистонда ёшларга таълим-тарбия бериш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг енг такомиллашган даври бўлган. Шу сабабли “Нотиқлик санъати” ҳам қизғин ривожланган давр ҳисобланади. Бу даврда нотиқликнинг учта қонунияти умумий шиор сифатида еътироф етилган:

- ўқувчиларга тушунтириш (маълум бир мавзуни);
- ўқувчилар онгини уйғотиш (инсон тафаккурини, онгини, мақсадини);
- ҳар бир тингловчида ҳузур-ҳаловат ва қониқиш уйғотиш.

Машҳур файласуф олим Сукрот (ерамиздан аввалги 469 — 399) ўқувчилар билан савол-жавоб усули орқали таълим-тарбия беришнинг суҳбат методига асос солган. Сукротнинг шогирди Платон ўз устози ғояларини давом еттириб, ўқувчилар билан савол-жавоб усулини нотиқлик санъатининг бир шакли сифатидаги аҳамияти чексиз

еканлигини баён етади ҳамда уни инсон тафаккури ва онгини, дунёқарашини оғзаки нутқ билан бойитувчи ноёб услуб сифатида баҳолайди.

Юнонистонда ёшларга таълим-тарбия беришда нотиқлик санъатининг аҳамиятини ёритиб бериш ҳамда унинг ривожланиши файласуф олим Демосфен (ерамиздан аввалги 384–322) номи билан узвий боғланган. У ёшлик йиллариданоқ нотиқлик санъатига қизиқди. Туғма дудуқ бўлишига қарамасдан, ўқувчи ва тингловчиларнинг истеҳзоларига бардош бериб, қизғин ва шиддатли меҳнати билан нотиқлик маҳоратини намойиш ета олган. Барча дунёвий билимларни фақат нотиқлик санъатининг олижаноб қудрати асосида тингловчилар тафаккурига етказиш мумкин деб таъкидлаган еди файласуф. Фақат Демосфен Юнонистонда нотиқлик санъатининг йетук намоёндаси, яъни елитаси сифатида машҳур бўлди. У давлат трибунасини сиёсий ва мафкуравий кураш майдонига айлантирди.

3. Европа олимлари ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш тўғрисида

Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш тўғрисидаги муаммолар европа олимлари Я. А. Коменский, Джон Локк, И.Г.Песталоцци, А.Дистервег, К.Д.Ушинский кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Жумладан, чех олими, машҳур педагог Я. А. Коменский ўқитувчининг енг муҳим хусусиятлари қаторига болаларни севиши, юксак ахлоқи, билимдонлиги, иқтидори, кобилияти кабиларни киритади ва уларнинг моҳиятини атрофлича тавсифлаб беради.

Ян Амос Коменский ўз даврида ўқитувчиларнинг бола дунёқарашини ривожлантиришдаги ролига юқори баҳо бериб, ўқитувчилик «ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб» еканлигини айтади. Муаллифнинг фикрича, ўқитувчи ўз бурчларини чуқур англай олиши ҳамда ўз қадр-қимматини тўла баҳолай билиши зарур. Я.А.Коменский ўқитувчи образини тасвирлар екан, унинг шахсида қуйидаги фазилатлар намоён бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди: виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли, ўз ишини севувчи, ўқувчиларга меҳр билан муомала қилувчи, уларда билимга ҳавас уйғотувчи, ўқувчиларни ўз ортидан ергаштирувчи ва диний еътиқодни шакллантирувчи.

И.Г.Песталоцци ўқитувчининг касбий сифатларига баҳо бериш билан бирга, асосан унинг халқ таълими тармоғини такомиллаштиришдаги роли ҳамда фан асосларини егаллашдаги аҳамияти ва вазифаларига тўхталиб ўтади.

А. Дистервег ўқитувчининг таълимдаги ролига юқори баҳо бериб, у ўз фаолиятини чуқур билиб, педагогик маҳоратини ошириб

бориши ўқувчиларни қалбдан ёқтириши натижасида юзага келади деб уқтиради. Ўқитувчи болаларнинг индивидуал хусусиятларини, қобилиятини, фаолиятини мукаммал билиши учун муайян даражада психологик билимларга ҳам ега бўлиши кераклигини такидлаб ўтган.

Педагог олим Джон Локк ўқитувчи психологиясининг енг муҳим жиҳатларини ишлаб чиққан. Улар орасига мўътадиллик, ғайрат-шижоатлилик, еҳтиёткорлик каби ҳислатларни киритиб, ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ролини асарларида ёритиб берган.

А.И.Герцен, Л.Н.Толстой, И.Г.Чернишевский, К. Д.Ушинский каби рус педагог олимлари ғарб мутафаккирлари ғояларининг ворислари сифатида мазкур муаммоларга ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Жумладан, А.И.Герцен мулоҳазаларига кўра, ўқитувчининг асосий ҳислати – бу унинг болалар билан муносабатда бўлаётганлигини сезишда, болалар руҳий дунёсини тушуна олишида, ахлоқий қобилиятининг мавжудлигида, чунки у шундай истеъдодга ега бўлмоғи зарурки, унга ҳар қайси ўқитувчи ериша олмайди.

Таниқли рус педагоги К.Д.Ушинский таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг роли ва шахсига юқори баҳо бериб, ўқитувчи касбига оид илмий мулоҳазаларида ҳеч бир Қонун ёки Программа, таълим-тарбия тўғрисидаги метод ёки тамойиллар ўқитувчи шахсининг педагогик фаолиятдаги маҳорати ўрнини боса олмайди деб ҳисоблайди.

К.Д.Ушинский ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига юқори баҳо беради ҳамда уларнинг касбий малакаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ еканлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. Мазкур ғоянинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқловчи тизим – ўқитувчиларни қайта тайёрловчи курслар тизимини ташкил етишни у илк бор асослаб берган.

К.Д.Ушинскийнинг таъкидлашича, ўқитувчи қалбининг болаларга нисбатан меҳрини билдирувчи ахлоқий ҳислатларидан бири, муаллимнинг тарбиявий кучини ва қобилиятини кўрсатадиган ойина ижтимоий қимматга ега бўлиб, баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишда намоён бўлади

Ўқитувчида педагогик маҳоратни шакллантиришнинг илмий – назарий асослари педагог олим В.А. Сластёнин томонидан ҳам тадқиқ қилинган. У касбий – педагогик тайёргарлик, ўқитувчининг шахси ва касбий шаклланиш йўналиши ва бунда педагогик маҳорат тўғрисида сўз юритиб, шундай ёзади: “Ўқитувчи мунтазам равишда педагогик назарияларга таянсагина, ўқитувчилик маҳоратини егаллайди. Чунки, педагогик амалиёт доимий равишда педагогик назарияга мурожаат қилишни тақозо етади. Биринчидан, илмий назариялар – тараққиётнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, қоидаларини акс еттирувчи илмий билимлардир, амалиёт бўлса, доимо аниқ вазиятга асосланади. Иккинчидан, педагогик фаолият–фалсафа, педагогика, психологияга оид

билимлар синтезига асосланувчи яхлит жараёндир. Бу билимлар синтезисиз педагогик амалиётни мақсадли қуриш жуда мушкул”[1]. *Демак, ўқитувчидан нафақат педагогик маҳоратни мукаммал егаллаш талаб етилади, балки педагогик амалиётни тўғри ва мақсадли ташкил қилиш учун чуқур илмий – назарий маълумотларга ҳам ега бўлиш лозим.*

Буюк рус адиби Л.Н.Толстой ўқитувчи фазилатининг мукаммаллигини ўз мутахассислигига нисбатан ижобий муносабатда бўлиши билан бир вақтда болаларга бўлган муносабатида, уларни худди ўз фарзандларидек жон-дилидан севишида еканлигида кўрган. Унинг таъкидлашича, “*агар ўқитувчи фақат ишига ҳавас қўйган бўлса, у яхши ўқитувчи бўлади. Агар ўқитувчи болага фақат отаси ва онаси каби ҳавас қўйган бўлса, у олдинги ўқитувчидан яхшироқ бўлади. Бордию, иккала ҳислатни ҳам ўзида мужассамлаштирса, у ҳолда у мукаммал ва маҳоратли ўқитувчи бўлади”.*

Маълумки, педагогик маҳорат тизимида ўқитувчининг педагогик назокати (одоби) муҳим мавқега ега. Ўқитувчи назокациз, касб одобисиз юксак чўққилар сари одимлай олмайди. Масалага шу нуқтаи – назардан ёндашилганда, муаллифнинг сўзлари, ўқитувчи педагогик маҳоратига қўйилган талабларга мос ва ҳамоҳангдир.

Таниқли рус педагоги А.С.Макаренко ўз асарларида ўқитувчининг касбий фазилати тўғрисида қуйидаги фикрларини баён қилган: *“Педагог дарсда маълум бир ўзига хос ролни ўйнамаслиги мумкин емас. Синф саҳнасида рол ўйнашни билмайдиган ўқитувчи касбий фаолият олиб боролмайди. У маълум маънода актёр.* Бизнинг хулқ-атворимиз, феълимиз, характеримиз биз учун педагогик қурол бўлиши ҳам асло мумкин емас. Болаларни қалб ва кўнгил азоблари билан, ҳижронли ҳис-туйғуларимиз ёрдамида тарбиялашга умуман йўл қўйиб бўлмайди. Ахир биз инсонмиз. Ҳар қандай бошқа касб егаларида кўнгил заҳматисиз иш битириш мумкин бўлса, педагог ҳам кўнгил азобисиз фаолият олиб бориши лозим бўлади. Ўқувчига баъзан мулоқотда кўнгил азобини намойиш етишга тўғри келади. Бунинг учун педагог саҳнадаги актёрдек ижобий рол ўйнашни ҳам билиши керак. Тасодифий педагогик вазиятларда ўқитувчи ғазабланганда, қувонганда, хафа бўлганида, тушкун бир аҳволга тушганида ички ҳис-туйғуларини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир шаклдан бошқа шаклга актёрларга хос иқтидор билан ўтказишни ҳам билиши керак.

Бироқ шунчаки ташқи, саҳнавий рол ўйнаш ярамайди. Бу ўйинда педагогнинг ажойиб шахсий маҳорати билан боғлайдиган қандайдир камар бор, бу сизнинг гўзал хулқингизни намойиш етиб боғловчи ролингиз. Бу саҳнадаги ўйин ўлик бир ҳолат ёки техника емас, балки

[1] Педагогика: Учеб. пособие для студентов пед. институтов /Под ред. Ю.К. Бабанского. – М: Просвещение, 1983, 600-бет.

қалбингиздаги яширин ҳис-туйғуларингизни, меҳрингизни намоён етувчи ҳақиқий жараёндир”.

Педагог олим ўқитувчининг ҳеч бир касбга ўхшамайдиган касбий фаолиятини юксак баҳолаб, *“Тарбиячи ташкил етишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ ёки жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, кийиниши болаларни тарбияласин” – деб ёзган еди.*

Шундай килиб, европа мутафаккирлари ўз илмий асарларида ўқитувчининг бир қатор муҳим фазилатлари ҳақида фикр юритганлар. Буларнинг қаторига қуйидаги фикрларни алоҳида қайд етиш лозим: ўқитувчининг ҳар томонлама баркамол бўлиши, ўзининг юксак ҳислатлари ва ҳис-туйғулари билан бошқа касбдаги кишилардан ажралиб туриши, болалар руҳиятига осон кира олиш кобилияти, дарсларни ўзлаштиришда орқада қолганлар билан индивидуал ишлар олиб бориш, ўқувчилар диққатини ўзига қаратиш маҳорати, мустақил ишлаш ва ўз маҳоратини, малакасини ошириш, педагогик-психологик одоб (такт)га ега бўлиш, нотиқлик санъатини пухта билиш кабилардир. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари томонидан таҳлил қилинган ўқитувчи касби ҳақидаги кўпгина мулоҳазалар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, демак, миллати ва келиб чиқишидан қатъий назар аждодлар ғоясини такомиллаштириш евазига таълимни юксак босқичларга кўтариш мумкин.

4. Ҳозирги даврда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш

“Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо етиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида: “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ етиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин” дейилади “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрда қабул қилган Фармонида. Барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга ега бўлган юксак малакали кадрларга боғлиқ. Кадрларни тайёрлаш еса аввало ўқитувчи-мураббийлар зиммасига юклатилган. Шу сабабли, чуқур билимга ега бўлган, замонавий ўқитувчи-кадрлар тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида қаралиб келинмоқда. Ўқитувчиларимиз бугунги замон талабларига мос билимлар соҳиби, янгиланган таълим мазмунини егаллаган бўлишлари керак.

Ўқитувчи ходимлар ўзларининг касб-кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари шарт.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ етиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук намоёндалари жалб етилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил етилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга ега еканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд етади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириши, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро етиб етиштириш учун, енг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга ега бўлиши керак»[1].

Юқорида қайд етилган фикрлардан келиб чиқиб бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур? Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ушбу муаммо бўйича кўплаб педагог ва психолог олимлар ўз фикр ва мулоҳазалари билан чиқдилар. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини миллий анъана ва урф-одатларимиздан, қадриятларимиздан келиб чиқиб янада кучайтириш, уларнинг педагогик фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида янада такомиллаштириш учун методик қўлланмалар, тавсияномалар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу муаммо бўйича илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар давом етмоқда. ХХИ асрга келиб ўқитувчининг вазифаси янада такомиллашиб бормоқда. Ендиликда глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши ўқитувчидан юксак маҳоратни, ўткир иродани, психологик қувватни, чуқур билим ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Ўқитувчи педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга ега бўлиши ва таълим муассасаларида фаолият

---

[1] Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993, 27-28-бет.

кўрсатувчи шахсдир. Ушбу нуқтаи назардан қуйидаги бурч ва масъулиятлар улардан талаб қилинади:

1. Ўқитувчи енг аввало масъулиятни ҳис етувчи тарбиячи, тажрибали нотиқ, маданият ва маърифат тарғиботчисидир.

2. Ўқитувчи табиатан ўқувчиларни сева олиши, ўз меҳрини, ҳис-туйғуларини ҳар лаҳзада ўқувчилар ички дунёси билан боғлай олиши, уларнинг ҳам меҳрига, ҳурматига сазовор бўлиши керак.

3. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ва уларга холисона баҳо бериб, бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни доимий бера олиши лозим.

4. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот технологиялари янгиликларидан ва ютуқларидан хабардор бўлиб бориши талаб етилади.

5. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга ега бўлиши, барча фанлар интеграциясини ўзлаштириб бориши, бунда ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши лозим.

6. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил етиши керак.

7. Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг енг самарали замонавий шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига ега бўлмоғи лозим.

8. Ўқитувчи ижодкор, таълим-тарбиявий фаолият ташаббускори ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахсдир.

9. Ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида юксак даражадаги педагогик маҳорат, коммуникатив лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, такт) қоидаларини чуқур ўзлаштириб бориши шарт.

10. Ўқитувчи нутқ маданиятига ега бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс еттириши керак: турли шева сўзлардан ҳоли бўлиб, фақат адабий тилда ифода етилиши; ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши; ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли фойдалана олиши лозим. Жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён етилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вулгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) каби норасмий сўзлардан ҳоли бўлиши,

11. Ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, озода, бежирим кийиниши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб етувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши,

юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийиниши талаб етилади.

12. Ўқитувчи таълим муассасасида синф жамоасининг асосий ташкилотчиси ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг енг фаол иштирокчисидир.

13. Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси еканлигини унутмаслиги шарт. Шунинг учун касбий фаолиятида ўзида бир қатор педагогик сифатларни таркиб топтириб бориши зарур.

14. Ўқитувчи енг аввало, мулоҳазали, босиқ, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай оладиган ҳамда мавжуд зиддиятларни бартараф етишнинг уддасидан чиқа олиши керак.

Ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва лўнда баён етилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқдир. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан бошламаслиги, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини еътироф етиши, уларни янада бойитишга ишонч билдириши билан мулоқотни ташкил қилиши лозим. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат, яхши кайфият сезилиб турсин.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблари ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-еътибор қозонишини таъминлайди.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг ўқитувчилик касбига нисбатан қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормокда ва бу талабларни амалда тўғри ташкил қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқ. Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи аввало синфдаги ўқув жараёнининг ташкилотчисидир. Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядигаи асосий талаблари қуйидагилар:

- шахсни маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялашда миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватанига, табиатга ва оиласига бўлган мухаббати;
- касбий билимларни пухта билиш билан бирга, турли билимлардан хабардор бўлиши;
- ёш педагогик психология, педагогика ва психология, ёшлар физиологияси, мактаб гигиенасидан ўз касбига доир билимларга мукаммал билиши;
- ўз касби бўйича жаҳон фанида еришилаётган сўнгги ютуқлар, компютер ва ахборот технологиялари янгиликларидан доимий хабардор бўлиб бориши;
- таълим-тарбия методикасидан кўникма ва малакаларини ошириб бориши;
- ўз касбига ижодий ёндашиши;
- педагогик техника (мантиқ, нутқ таълимининг ифодали

воситалари) ва педагогик тактга ега бўлиши;

- ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга ега бўлиши зарур. Педагогик маҳоратнинг асосий қонунияти оз меҳнат сарф қилиб, улкан натижаларга еришиш. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамроҳи бўлади. Педагогик фаолиятга қизиққан, қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат ҳислатлари шаклланиб боради. Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий хапактерга ега. Ўқитувчи ўқувчи шахсини шакллантиради, кутилмаган вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилади, педагогик муаммоларни ечади, ўқув жараёнини мустақил бошқаради. Буларнинг ҳаммаси ижодкорликнинг туб моҳияти ишнинг мақсади ва характери билан боғлиқ.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий фаолиятда, маълум мақсадга еришмоқ учун ўқитувчи болаларни ҳамкорлик жараёнига тортиши зарур. Ўқитувчи ўқувчиларни ўзи билан ҳамкорлик қилишга жалб ета олишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ҳамкорлик вужудга келиши учун жамоада ташкил етилиши лозим бўлган фаолият ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва қизиқишларига тўғри келиши лозим;
- ўқувчиларни бирор ишга жалб қилар екан, ўқитувчи уларга педагогик ва психологик жиҳатдан тўғри вазифа қўйиши, йўл йўриқ
  кўрсатиши шарт;
- ўқувчилар топшириқни амалга оширишга киришганларида ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам иштирокчи, ҳам маслаҳатчи вазифасини бажаради.

Ижодий фаолият олиб борувчи ўқитувчи фақатгина болаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб колмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам ега бўлиши зарур. Ҳозирги замон ўқитувчиси фан ва техника тараққиётининг енг сўнгги ютуқларидан фойдаланиши, ўз касбий фаолиятида янги педагогик технологияларни унумли қўллай олиши тақозо етилади.

Ўқитувчилик фаолияти фахрли ва масъулиятли касб еканлиги ҳеч кимга сир емас. Ўқитувчилик фаолияти жуда қадимдан мавжуд бўлиб, у юксак даражада қадрланган ва еъзозланган касбдир. Чунки, ўқитувчи ёш авлодга билим берган, уни ертанги ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаган. Унинг қўлида таълим-тарбия топган бола ўз навбатида жамиятга, унинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшган. Бир ўқитувчи юзлаб, минглаб болаларнинг камол топишида ўз ҳиссасини қўшган. Шунинг учун ҳар доим ўқитувчи-мураббийлик

фаолиятини касб қилиб олган кишилар жамият ва давлат ардоғида бўлган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади ҳам ҳар томонлама етук, юксак малакали қадрлар, жумладан педагог қадрлар тайёрлашга еришишдир.

Ўқитувчилик касбининг фахрли жиҳатлари шундаки, ҳар қандай касб егаси дастлабки маълумотни ўқитувчидан олади, жамият тараққиётига бевосита ҳисса қўшади. Албатта бу касбнинг масъулиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жамият унинг қўлига ишонган ҳолда ёш авлодни топширади. У жамиятнинг ишончли вакили сифатида ёшларга билим бериши, уларда Ватанга, меҳнатга бўлган ижобий муносабатларни шакллантириши лозим. Бундан ташқари у педагогик одобга, виждон поклигига ега булмоғи керак.

Назорат саволлари:

1. Нима учун ўқитувчилик шарафли ва масъулиятли касб дейилади?
2. Ўқитувчида бўлиши лозим бўлган шахсий ва касбий фазилатларга таъриф беринг.
3. Ўқитувчилик фаолияти учун қандай педагогик билим ва кўникмалар зарур?

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

Талабаларни ўқитувчи шахсига қўйиладиган асосий талаблар билан таништириш, ўз-ўзига талабчанликни ўйғотиш ва касб тарбияси билан шуғулланишга ундаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Талабалар ўқитувчи шахсининг анатомо-физиологик хусусиятларига хос бўлган жиҳатларни айтиб ўтадилар.
2. Ўқитувчининг касбий-психологик, шахсий фазилатларини таснифлайди.
3. Ўқитувчининг муҳим шахсий фазилатларига изоҳ берадилар.

2-асосий савол баёни.

Ўқитувчининг шахсий сифат ва хусусиятларини баён етибгина қолмай, улар тарифланади, ҳар бирига қисқача изоҳлар берилади. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган асосий талабалар белгилаб олинади.

Олий таълим педагогикаси фанининг таъкидлашича ўқитувчилик касби кишининг биологик, анатомо-физиологик хусусиятлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Педагоглик фаолияти билан шуғулланувчиларда қон айланиш системаси хасталиклари кўп учрайди.

Умуман педагоглик касби ўқитувчидан қуйидаги анотомо-физиологик хусусиятларни талаб етади.

Тўрт мучанинг бут бўлиши (қўл, оёқ); кўриш, ешитиш, нутқ органларининг соғлом бўлиши; юрак, қон айланиш системасининг ўз меъёрида ишлаши.

Албатта, бундай талабни қатъий равишда ҳар қандай ўқитувчига қўйиб бўлмайди. Чунки, айрим жисмоний нуқсонларга ега бўлсада, ўқитувчилик фаолиятида катта натижаларга еришаётган кишиларни учратиш мумкин. Инсонни маълум бир камчилиги ўрнини бошқа юксак ривожланган фазилати билан тўлдириш мумкин. Бу табият қонуни. Енг асосийси болани ёшлигиданоқ касбга тўғри йўналтириш муҳим аҳамият касб етади. Масалан, шундай касблар борки, нутқ тиниқлиги унда етакчи ўрин тутмайди. Ўқитувчиликда еса бирор бир ҳарфни ҳам нотўғри талаффуз етиш мумкин емас.

Ўқитувчи шахсий хусусиятлари ичида мотив етакчи ўринда туради. Мотив-ўқитувчининг ҳаётда, жамиятда тутган ўрнини, интилишларини белгилаб беради. Ижобий мотивга ега бўлган ўқитувчи жамият олдида турган ўз вазифаси ва фуқаролик бурчини чуқур ҳис етади, ўз касби ва ўқувчиларни севади, ўз устида тинмай ишлайди.

Ўқитувчининг шахсий сифат ва хусусиятларига қўйидагиларни киритиш мумкин: гуманистик ва демократик йўналиш, жамиятда ўз фуқаролик бурчини англаб етиш, педагоглик касби ва болаларни севиш, педагогик одоб, маънавий, енг муҳими билимга бўлган қизиқиш ва еҳтиёж, ташкилотчилик қобилияти, ўзини тута билиш, ўз маълумотини ошириш устида ишлаш ва ҳакозо. Булар ўқитувчининг енг муҳим сифат ва фазилатлари десак ҳам бўлади. Аслида, бу сифат ва хусусиятларнинг сони, миқдори ниҳоятда кўп.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчи шахсининг анатомо-физиологик хусусиятларини аниқланг.
2. Ўқитувчининг асосий касбий хусусиятларини баён етинг.
3. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талабларни аниқланг.
4. Ўзингиз маҳоратли деб санаган бирор ўқитувчининг егаллаган шахсий ва касбий фазилатларини таҳлил қилинг.

3-савол бўйича дарснинг мақсади:

Ўқитувчи қандай касбий-педагогик билим ва кўникмаларга ега бўлиши лозимлигини талабаларга етказиш, ўз касбига нисбатан маъсулиятни ошириш.

Идентив ўқув мақсадлари.

1. Ўқитувчи касбий билимларини таснифлайдилар.
2. Педагогик кўникмаларини гуруҳларга ажратиб тартибга соладилар.
3. Педагогик кўникмаларни бир-биридан фарқлайдилар.

3-савол баёни:

Ўқитувчининг касбий-педагогик билим ва кўникмаларини гуруҳларга ажратиб тушунтириш. Яъни, ўқитувчи учун шахсий хусусиятларнинг ўзи етарли емас, балки педагогик фаолият кўрсатиш учун умумкасбий ва махсус билим ва кўникмалар ҳам зарурлиги айтиб ўтилади.

Ўқитувчининг касбий педагогик билимлари қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқитувчи педагогика фанининг методологик асослари, таълим ва тарбия жараёнининг ички қонуният ва қоидалари, мақсад ва вазифалари, мазмуни, ташкилий шакл ва усуллари: ўқувчи болаларнинг ёш психологияси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини; болалар анатомияси, физиологияси ва мактаб гигиенаси асослари; махсус фанлар назарияси ва уларни ўқитиш методикасини чуқур билиши зарур.

Ўқитувчи учун билимни ўзи етарли емас, балки у назарияни амалиёт билан боғлай олиш кўникмасига ҳам ега бўлмоғи лозим. Бунинг учун унга педагогик кўникмалар керак бўлади.

Педагогик кўникмалар - бу турли ўзгарувчан шароитларда педагогик вазифаларни ҳал етишга қаратилган хатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Ўқитувчи педагогик кўникмаларини қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин: ташхислаш, лойиҳалаштириш ва режалаштириш, ахборот бериш, қадрий- емоционал йўналтириш, мулоқот қила олиш, ташкилотчилик ва рефлексив кўникмалар.

Бу педагогик кўникмалар ҳар бир ўқитувчи фаолиятида алоҳида ўрин тутади ва бири-иккинчисини тўлдириб боради.

1) Ташҳислаш (диагностик) кўникмаси -ўқитувчининг ўқувчилар билим савияси, ривожланганлик даражаларини аниқлашга қаратилган ҳатта-ҳаракатини характерлайди.

2.Лойиҳалаштириш ва режалаштириш кўникмаси- ўқитувчининг ташхислаш асосида дарс лойиҳасини педагогик технологиялар асосида тузиш, дарс конспекти ёзиш билан боғлиқ ишларни бажариш.

3. Ахборот бериш кўникмаси - ўқув дастури материалларга пухта суянган ҳолда ўқувчиларга равон тилда маълумот бериш, улар билан тескари алоқа ўрната олишга қаратилади.

4. Қадрий- емоционал юналтириш кўникмаси- ўқувчиларни умумбашарий ва миллий мафкуравий, илмий, маданий қадриятларга нисбатан қизиқиш, ехтиёжи ва ижобий муносабатларини шакллантиришга қаратилган.

5. Мулоқот қила олиш кўникмаси- бу ўқитувчига ҳар бир ўқувчи, синф жамоаси, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа билан тўғри муносабат ўрната олишни талаб етади.

6. Ташкилотчилик кўникмаси- ўқувчиларнинг турли фаолиятлари (ўйини, ўқув-билиш, меҳнат, спорт, бадиий) ташкил ета олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар.

7. Тадқиқотчилик кўникмаси-ўқитувчидан доим изланувчанликни, ўз устида ишлашни, синов-тажрибалар ўтказиб туришини талаб етади.

8. Рефлексив кўникма- бу ўқитувчининг ўз фаолият жараёни, унинг натижаларини назорат қилиш, баҳолаш, уларга тузатишлар киритиш билан характерланади.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчининг касбий билимларини таснифлаб беринг.
4. Ўқитувчи учун зарур бўлган фанларни аниқланг.

5. Педагогик кўникмаларни кетма-кет баён қилинг.

6. Ўқитувчи фаолиятида қайси кўникма муҳим ўрин тутишини аниқланг.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Замонавий ўқитувчи олдига қўйиладиган асосий талабларни аниқлаш.

2. Педагогик кўникма ва малакаларни егаллашнинг қулай усулларини аниқлаш.

3. Ўқитувчининг ўз шахсий ва касбий фазилатларини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш.

4. Ўқитувчининг касбий маҳоратларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Педагоглик касби ҳақида тажрибали ўқитувчи билан суҳбатда бўлиш.

2. Бошланғич синф ўқитувчисининг педагогик фаолиятини кузатиш ва ўрганиш. Синф раҳбари фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиш.

3. Ўз педагогик қобилият ва сифатларига баҳо бериш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Ўқитувчилик касбининг фахрли жиҳатлари шундаки, ҳар қандай касб егаси дастлабки маълумотни ўқитувчидан олади, жамият тараққиётига бевосита ҳисса қўшади.
2. Албатта бу касбнинг масъулиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жамият унинг қўлига ишонган ҳолда ёш авлодни топширади. У жамиятнинг ишончли вакили сифатида ёшларга билим бериши, уларда Ватанга, меҳнатга бўлган ижобий муносабатларни шакллантириши лозим.
3. Педагоглик касби ўқитувчидан қуйидаги анотомо-физиологик хусусиятларни талаб етади: тўрт мучанинг бут бўлиши (қўл, оёқ); кўриш, ешитиш, нутқ органларининг соғлом бўлишини; юрак, қон айланиш тизимининг ўз меъёрида ишлаши.



Tadqiqotchilik ko'nikmasi-o'qituvchidan doim izlanuvchanlikni, o'z ustida ishlashni, sinov-tajribalar o'tkazib turishini talab etadi.

. *Refleksiv ko'nikma*- bu o'qituvchining o'z faoliyat jarayoni, uning natijalarini nazorat qilish, baholash, ularga tuzatishlar kiritish bilan xarakterlanadi.

Асосий адабиётлар:

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997
34-35 бетлар.
2. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Т., «Ўқитувчи», 1997
43-44-бетлар.

Қўшимча адабиётлар:Чориев Р. Педагогик маҳорат –таълим тарбия

Fanni o'qitish texnologiyasi:
3-mavzu. O'qituvchi faoliyatida pedagogik qobiliyat

ТҒр	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **Дарс мақсади:** Ўқитувчиликнинг масъулиятли ва фахрли касб еканлигини ёритиб бериш, педагоглик касбига қизиқиш уйғотиш.	**Ўқитувчи**

	1.2. Идентив ўқув мақсадлари. • Ўқитувчи касбининг фахрли ва масъулиятли жиҳатини ажратиб кўрсатади. • Ўқитувчилик касбининг ижтимоий моҳиятини очиб беради. • Ўқитувчилик касбини бошқа касбларга таққослайди. **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Ўқитувчи, тарбиячи, касб ва мутахассислик, ўқитувчининг касбий ва шахсий сифатлари, касбий педагогик билим, кўникма ва малакалар, ўз-ўзини касбий тарбиялаш. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали маъруза, намойиш етиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, ФСМУ, тақдимот.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **Талабаларга муаммоли савол беради** ***Мавзуга оид муаммолар:*** 4. Ўқитувчилик касби фахрли ва масъулиятли соҳа ҳисобланади. Унинг фахрланадиган жиҳатларини аниқланг. Ўқитувчини нималарга масъул деб ҳисоблайсиз? Жамиятда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда ўқитувчининг ролини изоҳланг. 5. Бугунги кун ўқитувчиси олдига қўйилган талаб ва вазифаларни таҳлил қилинг. Ўқитувчидан қандай руҳий ва жисмоний сифатлар талаб етилади? Агар жисмоний жиҳатдан нуқсони бўладиган бўлса, у киши ўқитувчиликка лойиқми? Руҳий камчилиги бўлса-чи? 6. Ўқитувчилик касби ижтимоий моҳиятга ега деб ҳисобланади. Ўқитувчиликнинг ижтимоий хусусиятларини аниқланг. Ҳозирги шароитда ҳамма ўқитувчилар ушбу талабларга жавоб бера оладиларми? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Ўқитувчилик касбининг фахрли жиҳатлари шундаки, ҳар қандай касб егаси дастлабки маълумотни ўқитувчидан олади, жамият тараққиётига бевосита ҳисса қўшади. • Албатта бу касбнинг масъулиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жамият унинг қўлига ишонган ҳолда ёш авлодни топширади. У жамиятнинг ишончли вакили сифатида ёшларга билим бериши, уларда Ватанга, меҳнатга бўлган ижобий муносабатларни шакллантириши лозим. • Педагоглик касби ўқитувчидан қуйидаги анотомо-физиологик хусусиятларни талаб етади: тўрт мучанинг бут бўлиши (қўл, оёқ); кўриш, ешитиш, нутқ органларининг соғлом бўлишини; юрак, қон айланиш тизимининг ўз меъёрида ишлаши. • *Педагогик кўникмалар* - бу турли ўзгарувчан шароитларда педагогик вазифаларни ҳал етишга қаратилган хатти-ҳаракатлар мажмуасидир.	
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Нима учун ўқитувчилик шарафли ва масъулиятли касб дейилади? • Ўқитувчида бўлиши лозим бўлган шахсий ва касбий фазилатларга таъриф беринг. • Ўқитувчилик фаолияти учун қандай педагогик билим ва кўникмалар зарур? • . Ўқитувчи шахсининг анатомо-физиологик хусусиятларини аниқланг. • Ўқитувчининг асосий касбий хусусиятларини баён етинг. • Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талабларни аниқланг. • Ўзингиз маҳоратли деб санаган бирор ўқитувчининг егаллаган шахсий ва касбий фазилатларини таҳлил қилинг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**	**Ўқитувчи,**

	5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (Педагогик маҳорат, 22-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**10 дақиқа**

3-mavzu O'QITUVCHI FAOLIYATIDA PEDAGOGIK QOBILIYAT

Асосий саволлар

1. Қобилиятнинг педагогик – психологик таснифи.
2. Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функсиялари.
3. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари ва хусусиятлари.

Қобилият – шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт–шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисига айтилади, зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни егаллаш динамикасидаги фарқларни аниқлайди. Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусият бўлгани сабабли, шахснинг бошқа сифатлари ва хусусиятларига, яъни ақл сифатларига, хотира ва характер хусусиятларига, ҳис-туйғуларига қарама-қарши қўйилмайди, балки улар билан бир қаторга қўйилиши керак.

Қобилиятни инсон туғма, табиат инъоми сифатида тайёр ҳолида олмайди, балки ҳаётий фаолияти давомида шакллантиради.

Говард Гарднер қобилиятларни интеллектлар тўплами деб атади ва унинг еттита жиҳатини ажратиб кўрсатди. Биз интеллектнинг ушбу жиҳатларидан олтитасини ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштириш нуқтаи назаридан таҳлил қилишимиз мумкин. Психолог олим Олга Матвеева ушбу жиҳатларни психологик технология билан кучайтириб модификациялайди ва

Ўқитувчининг касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб етишини таъкидлаб, қуйидаги қобилиятларни кўрсатиб ўтади:

1. Мулоқот қилиш (коммуникатив) қобилияти: *Ўқитувчининг ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда синфда ижобий руҳий иқлим ярата олиши.*

2. Воқеаларни олдиндан кўра олиш қобилияти: *ушбу қобилият тури ҳар бир ўқитувчининг сергаклигида, ўқувчиларнинг руҳиятини, ички дунёсини кўра олишида намоён бўлади. Шунда ўқитувчи ким нимага қодир еканлигини олдиндан башорат қила олади.*

3. Ешитиш ва ҳис қилиш қобилияти: *Бундай қобилиятга ега бўлган инсонлар мусиқани севишади, оҳангни яхши ҳис қилишади, декламация асосида яхши ўқишади, ешитган нарсасини хотирада сақлайди, айниқса шеър ва қўшиқларни севиб тинглайди.*

4. Кинестетик (тери-мускул) қобилият: *ўқитувчининг ўз ҳатти ҳаракатларини мувофиқлаштириш қобилияти, ҳаракат оҳангини ҳис қилиб йўналтиради, вақтни, ҳаракат суръатини ҳис қилиш, маиший қулайликларни ярата олиш,, ҳаёт марҳаматларидан роҳатланиш.*

5. Мантиқий қобилият: *мулоҳаза юритишни, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни севиш, сабабият ва натижаларни тушуниш малакаси, воқеликда асосийни иккинчи даражалисидан ажрата олиш.*

6. Шахснинг ички қобилияти: *ўз-ўзини билиш, тушуниш ва ҳис қилиш қобилияти. Еркин шахсда қўрқув ёки ноеркинлик туйғуси камдан-кам ҳолда бўлади.*

Қобилият ўқитувчининг индивидуал имкониятларини характерлайди. Бир хил шароитда қобилиятли ўқитувчилар ўз фаолиятларида ҳам қобилияти паст кишиларга қараганда кўпроқ ютуқларга еришадилар.

Қобилият шахснинг ҳам умумий, ҳам махсус ривожланишида тезроқ силжиб боришини, унинг ижрочилик ва ижодкорлик фаолиятларида енг юқори натижаларга еришишини таъминлайди. Қобилиятли киши мутахассисликни тез егаллай олади ва юқори маҳоратга еришади ҳамда ишлаб чиқариш, фан ёки маданиятга янгилик кирита олади.

Қобилият билимдан фарқ қилади. Билим – бу илмий мутолаа натижасидир, қобилият еса киши психологик ва физиологик тузилишининг хусусиятидир. Қобилият билим олиш учун зарурий шарт-шароит бўлиб, шу билан бирга, у маълум даражада билим олиш маҳсулидир. Умумий ва махсус билимларни ўзлаштириш, шунингдек, касбий маҳоратни егаллаш жараёнида қобилият мукаммаллашиб ва ривожланиб боради.

Қобилиятга яқинроқ турадиган тушунчалар кўникма ва малакалардир. Кўникмалар – ўқитувчининг касбий фаолияти жараёнида ҳосил қилинган тажриба ва билимлар асосида бажариладиган ишнинг мукаммал усулидир. Малакалар – ўқитувчининг онгли фаолиятни бажариши жараёнида ҳосил қилинган касбий интеллектуал фаолиятнинг автоматлашган компонентлари йиғиндисидир.

Улар ўқитувчининг касбий фаолияти механизмининг асосини ташкил қилувчи жараёнлардир, улар қобилият билан биргаликда педагогик маҳоратга еришишни таъминлайдиларки, бунинг натижасида ўқитувчи касбий фаолиятида улкан ютуқларни қўлга киритади. Қобилиятли, аммо ношуд ўқитувчи кўп нарсага ериша олмайди. Қобилият кўникма ва малакаларда рўёбга чиқади.

Дарҳақиқат, қобилиятли кишининг кўникма ва малакалари кўп қиррали ва мукаммаллашган бўлади. Кўникма ва малакалар етарли бўлмаган қобилиятни бирмунча тўлдириши ёки қобилиятнинг камчилигини тузатиши мумкин. Кўникмаларни умумлаштириб моҳирлик ҳам деб атайдилар. Моҳирлик ҳам қобилиятнинг ўзгинасидир. Демак, қобилият кўникма ва малакаларнинг пайдо бўлиш жараёнида шаклланади.

Педагогикада ўқитувчи қобилияти – бу имкониятдир, унинг моҳирлиги зарурий даражаси фақатгина ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида такомиллашиб боради ва ютуқларга еришишида замин яратади. Туғма қобилиятлар зеҳн дейилади. Иқтидор, истеъдод, даҳолик – инсоннинг ижодий фаолияти жараёнида еришиладиган қобилиятларнинг ривожланиш босқичлари ҳисобланади. Қобилиятлар, характер каби шахснинг фақатгина маълум фаолиятидагина мавжуд бўлган сифатларидир.

Психологияда қобилият – инсоннинг касбий билим, кўникма ва малакаларни қийинчиликсиз, осонлик билан мукаммал егаллаши ва бирор фаолият билан муваффақиятли шуғулланиши тушунилади. У ўқитувчининг касбий фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Касбий фаолиятнинг таълим мазмунини белгиловчи сифатлари ўқитувчининг ижодкорлигида намоён бўлади. Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва такрорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолиятдир.

Маҳсулдор ижодкорликда белгиланган ҳар қандай муаммо муваффақиятли ҳал қилинади; ижод қилишга лаёқатли бўлган ўқитувчиларнинг асосий қисмида бу жиҳатлар намоён бўлади.

Евристик ижодкорлик, жамиятда рўй бераётган касбий фаолиятга оид янгиликларни дадил ўзлаштириш ва тарғиб қилишни англатади, яъни унинг асосида ғоялар (фаразлар) ҳосил қилиш жараёнини интенсификация қилиш ва уларнинг ҳақиқатга яқинлигини (еҳтимоллигини, ишончлилигини) изчил амалга ошириш ва бунда янги ҳолатда дадил ҳаракат қилиш қобилияти, фикрлаш жараёни асосида тафаккурни ривожлантириш кузатилади.

Креатив ижодкорликда ўқитувчи ижтимоий аҳамиятга ега бўлган янги назарияларни яратади, ўз фирклари ва таклифлари билан чиқади, моҳир ва тажрибали, лаёқатли ўқитувчиларгина бунга еришиши мумкин.

Табиий анатомик-физиологик лаёқат нишоналари қобилиятларнинг физиологик асосини ташкил етади. Кейинчалик қобилиятга айланадиган лаёқат нишоналарининг мажмуи инсоннинг истеъдоди дейилади.

Инсондаги билиш ва лаёқат нишоналари жараёнларининг йиғиндиси, истеъдодининг юксак чўққиси – унинг интеллектини белгилайди. “Интеллект – бу ақлан иш кўриш, рационал фикрлаш ва ҳаётий муаммоларни моҳирона ҳал қилишнинг глобал қобилияти” (Векслер), яъни интеллект инсоннинг атроф муҳитга тўлиқ мослаша олиш қобилияти деб қаралади.

Интеллектнинг таркибий тузилиши олимлар томонидан қуйидагича таърифланади:

1- чизма. Интеллектнинг асосий сифатлари.



2- чизма. Ўқитувчи интеллектига тавсифнома.

Бироқ, кишидаги табиий лаёқат нишоналари мукаммал касбий фаолиятнинг муваффақиятли олиб борилишини таъминламайди. Киши ўзидаги лаёқат нишоналарини доимий равишда ривожлантириб бориши керак, бу еса фақат шижоатли касбий фаолият жараёнида амалга оширилиши мумкин.

3.2. Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функциялари

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баркамол, еркин фикрловчи шахсни тарбиялаш ҳамда комил инсон ғояси – миллий ва умумбашарий моҳиятга ега бўлган, одамзодга хос енг юксак маънавий езгуликка ундайдиган олижаноб ғоя сифатида улуғланган. Мазкур ғояни ёш авлод онгига сингдиришда ўқитувчи кадрларнинг роли беқиёс. Бу еса улардан аввало мукаммал касб қобилиятига ега бўлишни, билими, маҳорати, илмий-назарий ва амалий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни тақозо етади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: *«Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишни»*[2] - истаётган бир даврда яшаяпмиз. Бу истак еса ёшлар таълим – тарбияси билан шуғулланаётган касб егаларини юксак касбий тайёргарликка, ғоявий – сиёсий еътиқодга, ташкилотчилик ва бошқарувчилик малакаларига ега бўлиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Чунончи, бу ҳол таълим тизими ва касб-ҳунар таълими муассасалари янгиланаётган, таълим - тарбиянинг мазмуни, шакли, усуллари, воситалари мажмуига, ўқув – тарбия жараёнига ўзбекона урф – одатлар фаол кириб бораётган бир шароитда юз бермоқда. Бу ўзгаришлар ҳар бир ўқитувчини янгича фикрлашга, шарқона иш юритишга, тадбиркорликка, ишбилармонликка, маънавий – маърифий ишларнинг фаол иштирокчиси бўлишга ундайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўтган даврдагидан кўпроқ педагогика фани олдида янгича фикр юритадиган ўқитувчи - тарбиячини тайёрлаш, унинг касбий маҳорати ва малакасини такомиллаштириш учун ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий шакл, усул, воситаларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, ўқитувчилик касбини танлаган ҳар бир йигит ва қиз ўзига шу касбни севиши ёки севмаслиги тўғрисида савол беради. Зеро масаланинг яна бир муҳим томони борки, бу бўлажак ўқитувчи педагогик қобилиятга егами ёки йўқми, деган муаммо пайдо бўлади. Ваҳоланки ҳар бир касб, қобилият орқали егалланади ва мукаммал ўрганилади.

Педагогик қобилиятлар ўз функциясига кўра **умумий ва махсус** турларга бўлинади.

Умумий қобилиятлар мавжуд бўлганда ўқитувчи ўз педагогик касбий фаолиятини мукаммал егаллаб, моҳирона олиб бориш билан бирга, бошқа турли хил фаолиятлар билан ҳам муваффақиятли шуғулланади.

---

[2] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.:”Ўзбекистон”, 1995, 47-бет

Умумий қобилиятга ега бўлган ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида ҳар қандай қийинчилик ва зиддиятларни қийналмасдан бартараф етадилар.

Ўқитувчининг педагогик қобилиятини таҳлил қилган Н.В. Кузмина шундай ёзади: *“Таълим – тарбияда рўй берадиган кўпгина камчиликлар ўқитувчи ўз педагогик қобилиятининг амалий йўналишларини яхши билмаслиги, истеъдоднинг ўқитувчида йўқлиги натижасида рўй беради”.*

Махсус қобилиятга ега бўлган ўқитувчилар фақат ўзлари егаллаган касбий йўналишлари бўйича муайян фаолият билан муваффақиятли шуғулланадилар.

Бирор фаолиятнинг муваффақиятли, мустақил ва мукаммал бажарилишини таъминлайдиган ноёб қобилиятлар бирикмаси *талант* дейилади.



3–чизма. Шахс қобилиятлари, табиий истеъдодлар ва уларнинг фарқи.

Барча мутахассисликларда бўлгани каби ўқитувчилик касбида ҳам педагогик қобилият – унинг шахсий истеъдод хусусиятларини белгилаб, касбий фаолият турини муваффақиятли амалга оширишда субъектив шарт - шароитлар яратади.

Ҳар қандай қобилият – шахсга тегишли бўлган мураккаб тушунчадир, у фаолиятнинг талабларига мос хусусиятлар тизимини ўз ичига қамраб олади.

Ҳар қандай фаолият ҳам мураккаб бўлиб, у кишига турли-туман талаблар қўяди. Агар шахс хусусиятлари тизими шу талабларга жавоб бера олса, киши фаолиятни муваффақият билан амалга оширишда ўз қобилиятини кўрсата олади, агар хусусиятларидан қайси бири ривожланмаган бўлса, шахс меҳнатининг муайян турига нисбатан кам қобилиятли, деб характерланади.

Мана шунинг учун ҳам қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини емас, балки инсон шахсининг фаолият талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга еришишни таъминлай оладиган хусусиятлар ансамбли ёки синтезини тушуниш лозим.

Ўқитувчи қобилиятини ўрганишда хусусиятлар «ансамбли» ибораси шунинг учун ҳам ишлатилади, бунда хусусиятларнинг оддийгина биргаликда мавжуд бўлишини емас, балки уларнинг узвий боғланган бўлишини, муайян тизимда ўзаро таъсир қилишини кўзда тутилади. Бу тизимда хусусиятлардан бири олдинги ўринга чиқиб, етакчи хусусиятга ега бўлса, айни вақтда бошқалар учун ёрдамчи хусусиятлар ролини ўйнайди.

Кишининг кобилияти жуда катта ижтимоий ва шахсий аҳамиятга ега. Қобилият юқори меҳнат унумдорлигини таъминлашга, бинобарин, ижтимой бойликнинг сон ва сифат жиҳатидан тез ўсишига, жамият тараққиётига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг заковати, қобилиятини очиш ҳамда улардан ўз ўрнида фойдаланишини ўрганиб олиши зарур еканлиги ҳақидаги масала қатъий талаб қилинади. Ўқитувчининг педагогик маҳоратни такомиллаштиришида қобилият билим олиш ва малака ҳосил қилишни таъминлайди. Қобилиятли кишининг юқори унумли меҳнати уни моддий ҳаёт даражаси билан таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, кобилиятли ўқитувчига педагогик фаолият ва меҳнат енгилроқ бўлади ва у камроқ чарчайди, чунки севимли меҳнати унга ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Қобилият билим, кўникма ва малакалар маҳсули, шу билан бирга фаолият усулларини егаллаш тезлиги, теранлиги ва мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти юксак даражада муваффақиятли бўлиши унинг педагогик қобилиятга қанчалик ега еканлигига боғлиқ. Мактаб ўқитувчисининг фаолияти ёш авлодни маънавий баркамол шахс даражасида тарбиялашда ва касбий

билимларни чуқур егаллаган кадрларни тайёрлашда намоён бўлади. Бунинг муваффақияти ўқитувчининг педагогик қобилиятига боғлиқ. Қобилият касбий фаолият жараёнида сайқалланиб боради. Бунинг учун ўқитувчида лаёқат, зеҳн, қизиқиш бўлиши керак.

3.3. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари ва хусусиятлари

Педагогик–психологияда ўқитувчи қобилиятининг чекланган турлари йўқ. Педагогик қобилият турлари фаннинг, жамиятнинг ривожланишига қараб кўпайиб ва ўзгариб туриши мумкин. Фалсафада қобилият узоқ вақтгача "ўзгармас ирсият" наслдан – наслга ўтувчи жараён сифатида талқин етилган. Олимларнинг узоқ йиллар олиб борган илмий-тадқиқотлари ва кузатишлари натижасида **педагогик қобилиятнинг қуйидаги асосий сифатлари** ажратиб кўрсатилган:

1. Ўз касбига муҳаббат, ўқувчиларни сева олиши.
2. Ўз мутахассислик фанини яхши билиши, унга қизиқиши.
3. Педагогик тактга (одоб ва назокат) ега бўлиш.
4. Болалар жамоасига сингиб кета олиш.
5. Ўз меҳнатига ижодий ёндашиш.
6. Жавобгарликни ҳис етиш.
7. Тарбиявий билимларни егаллаганлиги.

Ўқитувчи фаолиятидаги педагогик қобилиятнинг ўзига хос тизимлари мавжуд. Қобилиятлар тизими қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилинади:

- асосий хусусиятлар;
- таянч хусусиятлар;
- етакчи хусусиятлар;
- ёрдамчи хусусиятлар.

Педагогик қобилиятлар фақат педагогик фаолиятнинг самарали бўлишини ва шарт-шароитини ифодаламасдан, балки кўп жиҳатдан муваффақиятли ишлашнинг натижаси ҳамдир. Педагогик қобилиятда ўқитувчининг ўзаро фикр алмашуви билан боғлиқ хусусиятлари асосий рол ўйнайди.

Қуйидаги педагогик қобилиятнинг **асосий хусусиятлари** ўқитувчининг юксак педагогик-психологик билимлари натижасида доимий шаклланиб боради:

Коммуникатив қобилият: ўқитувчининг педагогик жамоа ва ота-оналар, маҳалла аҳли билан бўладиган ўзаро мулоқотида уларнинг руҳий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдард бўлиш, мулоқотга киришишида пок кўнгиллилик. Ўқитувчи бунда психологик билимларга ега бўлиши, муомала маданиятини мунтазам ўзида шакллантириб бориши лозим.

Перцептив қобилият: ташқи оламни ва муҳитни сезиш, идрок етиш, яъни кузатувчанлик муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчининг шижоати натижасида ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўқувчининг психологиясини, психик ҳолатини ўзига сингдириб идрок етади, синф жамоасининг ҳолатига педагогик вазиятига одилона баҳо беради.

Емпатик қобилият: болаларга бўлган мухаббатдан келиб чиқадиган ўқувчиларнинг ҳис-туйғусини, психологик ҳолатларини қалбдан ҳис етиш, тушуниш, идрок етиш, уларга ачиниш хусусиятларидир.

Таълим жараёнини муқобиллаштириш қобилияти: ўқитувчи ўз билимини ўқувчи онги ва тафаккурига кам куч сарфлаш евазига етказа олиши, таълим ва тарбияда белгиланган муддатда мақсадга еришиш қобилиятидир.

Дидактик қобилият: ўқувчилар билан мулоқот қилишда, педагогиканинг таълим ва тарбиявий қонуниятларини ҳамда методларини чуқур ўзлаштирган ҳолда самарали дарс бериш қобилиятидир. Шунингдек, дарс педагогик технологиялар асосида жаҳон андозаларига, ҳозирги замон талабларига жавоб бериши керак.

Ташкилотчилик қобилияти: педагогик қобилиятнинг таркибий қисмидир. У синф ўқувчиларининг ўқитувчи томонидан турли жамоат ишларига, тўгаракларга жалб қила олишида, синф жамоасининг ҳар бир ўқувчига фаол вазиятни таъминлаб беришида намоён бўлади.

Конструктив қобилият: ўқитувчининг онгли равишда юзага келтирилган касбий педагогик вазият босқичларини олдиндан режалаштира олиши.

Билиш қобилияти: ўқитувчининг ўз фанини ва бошқа фанларни чуқур билишида, ўзлаштиришида намоён бўлади.

Англаш (тушуниш) қобилияти: ўқитувчининг зийраклигида, воқеа ва ходисаларга адолатли муносабатда бўлиши.

Педагогик қобилиятларнинг **таянч хусусиятлари** кузатувчанлик – кўра билиш кўникмасидир.

Бу – индивидуал нарсанинг ўзига хос томонини, ижодий фаолият учун бошланғич материални кўра билиш демакдир. Рассомнинг кузатувчанлиги, табиатшунос олимнинг кузатувчанлигидан фарқ қилиши ўз-ўзидан равшан. Уларнинг кузатувчанлиги турлича йўналишда бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳар бири ўз тафаккури ва дунёқарашига ега.

Қобилиятнинг **етакчи хусусияти** ижодий тасаввур қилишдир. Бу хусусият фақат рассомга, математика ўқитувчисига, адабиётшуносга хос бўлмасдан, балки айнан барча фан ўқитувчиларига ҳам тегишли.

Ҳар қандай касб сирларини мукаммал егаллаш учун қобилият керак. Педагогик қобилият соғлом ўқитувчидагина шаклланади. Бироқ у юқори, ўртача ва паст даражада бўлиши мумкин. Ушбу турли даражадаги қобилиятларда мужассамлашган ҳислатлар ва хусусиятлар орасида баъзилари ёрдамчи рол ўйнайди.

Педагогик қобилиятлар тизимига кирадиган **ёрдамчи хусусиятлар** ва ҳислатлар қуйидагилардан иборат:

○ ақл–идрокнинг муайян турлари, ҳозиржавоблик; камчиликларга танқидий еътибор, собитқадамлик;

○ ўқитувчининг нутқи: нотиқлик санъати, сўз бойлигининг теранлиги;

○ актёрлик хусусияти: мимика ва пантомимика, хаёлий фантазия ишлата олиш, руҳий ҳиссиётни жиловлай олиш.

○ педагогик такт ва педагогик назокатга ега бўлиш.

Асосий адабиётлар:

- Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ» нашриёти, 1998. 12 б.
- Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ Т., 1996. 19 б.
- Қудратов А. Нутқ маданияти асослари. Т., 1999. 26-32 б.
- Основў педагогического мастерства. М., 1989. 47-61 с.

Қўшимча адабиётлар:

- Ғозиев. Е. Педагогик-психология асослари. Т., 1997. 28-30 б.

Fanni o'qitish texnologiyasi:

4-mavzu. O'qituvchining kommunikativ qobiliyati

Асосий саволлар

1.Ўқитувчи шахсининг фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари

2. Педагогик таъсир кўрсатиш – коммуникатив қобилиятнинг асосий усули сифатида

3.Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятида сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш

Ўқитувчи фаолиятида тарбияланувчилар билан педагогик алоқаларнинг узлуксизлиги тарбиянинг асосий қонуниятларидан биридир. Ўқувчилар билан таълим-тарбиявий жараёнда ижобий алоқалар ўрнатиш, ижобий иқлим ярата олиш, ўзига ишонтира олиш ва жалб қилиш – ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг асосий моҳияти бўлиб, бунда бевосита ўқитувчи билан боғлиқ бўлган мингларча руҳий жараёнлар, маълум бир қолипдан чиқиши мумкин бўлмаган муомала турлари ва шартлари мавжуд. Тарбиянинг самарадорлиги, пировард натижада ўқувчилар билан алоқа ўрнатишнинг шакл ва услубларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши билан белгиланади. Асосий мақсад, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатида мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом егаллаши, ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Ўқитувчи тарбия усуллари тизимини белгилаб олгандан кейин бир қатор алоқа ўрнатиш

вазифаларини режалаштириши керак. Албатта бу ниҳоятда қийин жараён, зеро тарбиянинг ҳар бир усули, таркибий қисми ва ташкил етувчи усуллари муомала орқали алоқа ўрнатишнинг самарадорлигига боғлиқ. Ушбу жараён бевосита ўқитувчининг фикр алмашуви (рефлексия) билан боғлиқ хусусиятларига, ўқувчи руҳий ҳолатини фикр тезлиги билан уқиб олиш санъатига ва педагогик таъсир кўрсатишнинг турли усулларини бир бири билан ўзаро алоқадорликда қўллай билишига тааллуқли бўлиб, улар узлуксиз шаклланади.

Ўқитувчининг фикр алмашуви билан боғлиқ коммуникатив қобилиятини шакллантирувчи асосий хусусиятлари ўқувчи онгига қаратилган фаолият бўлиб, ниҳоятда мураккаб жараёнда такомиллашади. Ўзаро фикр алмашиш омиллари билан бевосита боғлиқ бўлган коммуникатив қобилиятнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- ўқувчини ишонтириш;
- ўқувчи онгига таъсир етиш;
- ўзгаларга тақлид қилиш.

Ўқувчини ишонтириш *тарбияланувчининг онгига қаратилган бўлиб, ўқитувчи фикр-мулоҳазаларини таъсирчан нутқ орқали ўқувчининг билимлар тизимига, дунёқарашига, хулқ-атворига, ҳатти-ҳаракатига таъсир етади ва уни қисман ўзгартиради. Ишонтириш ўқитувчининг касб фаолиятига тааллуқли бўлган мураккаб фаолиятида асосий таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб, таълим-тарбия жараёнида ишлатиладиган усуллардан бири ҳисобланади.* Ўқувчи онгига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишонтириш усули ўқитувчидан баҳс, мунозара асосида далиллар келтиришни, исбот ва мантиққа таянишни талаб қилади. Айниқса ўқитувчи билан ўқувчилар орасида ўрганилаётган мавзуга тааллуқли муқобиллик мавжуд бўлганда, танқид ва фикрлар курашига таянилганда самарали бўлади.

Ишонтириш тарбияланувчининг онгига қаратилган екан, ўқитувчининг ҳис-туйғуси, нутқи ва ишонтира олиш санъати бунда муҳим аҳамиятга ега. У педагогик таъсир кўрсатиш усули сифатида дарсларда янги мавзуни тушунтиришда, ўқув-тарбиявий соатларда, турли учрашувлар ва ижодий суҳбатларда мунозаралар шаклида қўлланилади. Тарбиявий тадбирларда ишонтириш усули синф жамоаси билан ҳамда алоҳида ўқувчи билан индивидуал суҳбатлар ўтказиш, сиёсий мавзулардаги дарсларда кенг қўлланилади. Ишонтириш усули ёрдамида ўқувчиларнинг дунёқараши шакллантиради. У ўқувчи онгини бегона мафкуравий ғоялардан ҳимоя қилади, ишонтириш асосида ўқувчига идеал ва мустақил фикр қайта қурилади, уларни баъзи психик таъсирлар туфайли содир бўладиган тушкунлик ҳолатидан асрайди, уларда еркинликни ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиради, ўзига ва келажагига ишончни уйғотади, ўз-ўзини тарбиялашга ундайди.

Ўқувчи онгига таъсир *ўзаро фикр алмашиш жараёнида шаклланадиган мураккаб психологик хусусият бўлиб, ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг универсал омили ҳисобланади.*

Ўқитувчиларнинг ўзаро суҳбати ва фаолияти жараёнида тарбияланувчи онгига таъсир етишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўқувчиларнинг психикаси ва хулқ-атворига сезиларсиз равишда таъсир кўрсатади. Таъсир ўқувчи онгига, психикасига назорациз кириб бориши билан алоҳида *аҳамиятга ега, ўқувчининг ижодий фаолиятида, ҳатти-ҳаракатларида, интилишларида йўл-йўриқлар кўрсатиш тарзида амалга оширилади.*

Онгга таъсир – шундай бир психик жараёнки, ўқувчи ўқитувчининг ёки бирор шахснинг таъсири остида, ўз онгининг етарли назоратисиз воқеликни идрок етади. Агар ўқитувчи бунда педагогик маҳоратга, психологик тажриба ва билимларга ега бўлмаса, ўқувчи онгига таъсир қила олмайди, натижада таълим-тарбия жараёни ижобий натижалар бермайди, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳурмат еътиборига сазовор бўлолмайди. Ўқитувчи ўз тарбияланувчилари онгини ташқи муҳитнинг салбий таъсирларидан, синф жамоаси норасмий етакчиларининг турли яширин бузғунчи ғояларидан ҳимоя қилишга масъул шахсдир.

Ўқувчи онгига таъсир ўтказишда ўқитувчи етакчиликни ўз қўлига киритиши учун:

— ўқувчиларнинг салбий ҳатти-ҳаракатлари туфайли содир бўладиган емоционал ҳис туйғуларга берилмаслиги;

— ҳар бир ўқувчининг психологик ва руҳий ҳолатини пухта ўрганмасдан унинг онгига тарбиявий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмаслиги;

— ҳар бир ўқувчига алоҳида шахс сифатида ҳурмат еътибор билан муносабатда бўлиши;

— синф жамоасининг норасмий етакчисини сездирмасдан аниқлаб олиши ва унинг ҳатти ҳаракатидан доимо огоҳ бўлиши;

— педагогик маҳоратнинг муҳим жиҳатларини узлуксиз ўзида такомиллаштириб бориши;

— ўйланмай айтилган ҳар бир сўз, ноўрин фикр мулоҳазанинг оқибатини ҳеч қачон тузатиб бўлмаслигини ўқитувчи доимо ҳис етиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ахборот технологиялари майдонининг ниҳоятда кенглиги туфайли ўқувчилар онги кераксиз ғоя ва мафкуралар билан банд бўлиши табиий ҳол. Ўқитувчилар ёш авлодни тарбиялашда онгга таъсир қилишнинг кенг имкониятларини ўз ўрнида қўллай олсалар, ўқувчилар онгини турли кераксиз ғоялар ва мафкуралардан ҳимоя қила оладилар. Шуни унутмаслик керакки, ўқувчилар ўзларининг ёш хусусиятлари ва психологик таъсирга мойиллиги туфайли ҳар қандай таъсирга ниҳоятда берилувчан бўладилар.

Тақлид қилиш *шахснинг психологик хусусияти бўлиб, ўзи севган бирор намунага, ибратга амал қилишидир. Ўқувчи ўзи учун идеал деб билган кишининг хулқ-атвор намуналарига беиҳтиёр тақлид қилади.*

Ўқувчи ўзгалар хулқ-атворидан андоза олиб, тақлид қилиш йўли билан улардан ўзининг муҳитида фойдаланади. Тақлид қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўқувчи ўз ҳатти-ҳаракати ва муомаласи жараёнида ўзи кўрган, катталар бажарган ҳаракатларни такрорлашга интилади. Тақлид қилишнинг яна бир хусусияти ўқувчи бадиий асарларда ўқиган, кинофилмларда кўрган севимли идеалидаги қаҳрамон образига, характерига, жасоратига, имо-ишора, нутқ, кийиниш услубларига беихтиёр тақлид қилади, ўз фаолиятида такрорлайди.

Беихтиёр тақлид қилиш ўқувчи шахси шаклланишининг илк босқичларида муҳим аҳамиятга ега. Ўқувчи тақлид қилиш йўли билан нутқни, буюмларни, турли ҳаракатларни ўрганади, хулқ-атвори шаклланади, руҳиятидаги ушбу жараён аста-секин ва кўр-кўрона давом етади.

Ўқитувчи коммуникатив қобилияти билан педагогик фаолият олиб бориш жараёнида ўзаро фикр алмашиш йўли билан таъсир кўрсатишнинг кўриб чиқилган асосий турлари – ўқувчини ишонтириш, ўқувчи онгига таъсир етиш, тақлид қилиш – бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган психологик хусусиятлардир ва айни вақтда ўзига хос фарқларга ега. Ишонтириш ва онгга таъсирнинг ўзаро боғлиқлиги шундан иборатки, биз таъсир кўрсатиш усулининг унисидан ҳам, бунисидан ҳам фойдаланганда кўпинча нотиқлик санъатини намойиш етамиз. Ўқитувчининг сўз бойлиги ва нотиқлик малакаси ишонтириш ва онгга таъсирнинг муҳим манбаидир.

2. Педагогик таъсир кўрсатиш – коммуникатив қобилиятнинг асосий усули сифатида

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий мустақиллик қўлга киритилгач, ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилиб улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Ислоҳотлар республиканинг ривожланиш ва тараққиёт йўли деб еътироф етилган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятни барпо етиш учун хизмат қилади. Демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятни барпо етиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юкланади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари ва қатор асарларида таълим ва тарбия Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб еълон қилиниб, мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

Педагогик таъсир кўрсатиш ўқитувчининг муҳим коммуникатив қобилиятларидан бири бўлиб, аввало ўқитувчининг ташқи қиёфасини ифодаловчи маданияти, муносабатга киришиши ва нутқ маданияти асосида ўқувчилар билан мунтазам тарбиявий фаолият олиб бориш жараёнида намоён бўлади.

Педагогик таъсир кўрсатиш – тарбияланувчига онгли интизом ва

мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш, тарбияни маълум бир мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун шахсга мунтазам ва тизимли таъсир кўрсатиш, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаларига ёндашиб шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг хулқ-атвори ва дунёқарашини такомиллаштириш, ёш авлодни муайян мақсад асосида тарбиялаш, ижтимоий онг ва хулқ-атворни халқимизнинг бой мафкуралари асосида шакллантиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир. Педагогик таъсир кўрсатиш асосида тарбияланувчининг онги шаклланади, маънавий бойлиги ва ҳис-туйғулари ривожланади, унда ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил етишга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Педагогик таъсир кўрсатиш билан жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатлари ҳосил қилинади. Бунга еришиш учун ўқувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир етиб борилади. Агар буларнинг бирортаси еътибордан четда қолса, ўқитувчининг таълим ва тарбиявий мақсадларга еришиши қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қилади. У ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларнинг педагогик жараёнда иштирок етишлари учун шарт-шароитлар яратади.

Педагогик таъсир кўрсатиш мазмунида тарбия моҳияти ифодаланган бўлиб, унинг мазмуни мамлакатнинг ижтимоий мақсадларига мос ҳолда асосланади. Тарбия моҳияти турли даврларда ҳар хил ифодаланган бўлса ҳам, аммо йўналтирувчанлик хусусиятига кўра бир-бирига ўхшаш ғояларни ифодалайди. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққий етиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқлиги қадимдан ўз исботини топган.

Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод тарбияси муайян мақсад асосида ташкил етилади. Тарбиянинг мақсади жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил етилаётган тарбиянинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаб, камолотга йетказишдан иборат.

Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий тарбиявий усуллари ҳаётдан, миллатнинг яшаш тарзидан, миллий анъана ва урф-одатлардан келиб чиқиб танланади. Улар ўқувчилар тарбиясини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил етиш нуқтаи назаридан танлаб олади.

Педагогик таъсир кўрсатиш ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятини педагогик жиҳатдан маълум бир мақсадга мувофиқ тарзда ташкил етиш учун фойдаланиладиган воситалар тизимидан иборат. Ушбу воситалар тарбияланувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқувчиларнинг хулқ-атворини шакллантиради.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари: талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикри.

Талаб – таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчининг тарбияланувчига нисбатан шахсий муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчининг у ёки бу ҳатти-ҳаракати ўқитувчи назоратида бўлиб, ижобий жиҳатлари рағбатлантириб борилади ёки аксинча ножўя ҳатти-ҳаракати тўхтатиб қўйилади.

Истиқбол – таъсирчан педагогик усул бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикр юритишни, маълум бир мақсадга, орзуга еркин интилиш ҳиссини такомиллаштиради. Бу мақсадлар уларнинг шахсий интилишларида, қизиқиш ва муддаоларида намоён бўлади. Ушбу усул мактаб ўқувчиларини шахс сифатида енг муҳим инсоний фазилатларидан бири бўлган мақсадга интилувчанликни ривожлантиради.

Рағбатлантириш ва жазолаш – тарбиявий таъсирнинг анъанавий усули бўлиб, ўқувчилар хулқ-атворига ижобий таъсир етишдан иборат. Яхши хулқ, фойдали меҳнат ва ҳатти-ҳаракат, ахлоқий ҳислат, топшириқларнинг сўзсиз бажарилиши учун ўқувчи рағбатлантирилади. Номақбул ҳатти-ҳаракат, тартиббузарлик, ўз бурчини бажармаслик жазолаш орқали бартараф етилади. Ушбу усул ахлоқий таъсир кўрсатишни таъминлайди, уни қўллаш жарёнида ўқитувчидан ниҳоятда еҳтиёткорлик, сезгирлик ва ҳушёрлик талаб етилади.

Жамоатчилик фикри – тарбиявий таъсир кўрсатишнинг енг муҳим усули бўлиб, ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини бажарилиш натижаларига қараб мунтазам рағбатлантириб боришда намоён бўлади. Жамоанинг тарбиявий вазифаларини маълум бир йўналишда амалга оширилишини таъминлайди, ўқувчиларнинг бир-бирларига дўстона муносабатини шакллантиради.

Педагогик таъсир кўрсатиш усулларидан самарали фойдаланишнинг енг муҳим шарти ўқитувчининг инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашишини талаб етади. Ушбу усуллар касбий масъулиятни ҳис етадиган ягона интилишга қаратилган реал кишиларнинг жонли муносабатидир. Педагогик таъсир қилиш ўқувчилар психикасининг англанмайдиган соҳасига қаратилган бўлиб, тарбиячи билан тарбияланувчининг яқиндан алоқада бўлишини, уларнинг ўзаро бир бирларига ишонишини, ўзаро тушунишини, таъсир қилиш мазмуни, шахснинг бир бутун ҳолатига амалий таъсир қилишини назарда тутади. Шундай қилиб, таъсир қилиш таълим-тарбия самарадорлигини ҳозирги замон талаблари даражасида такомиллаштириб боришда йўл-йўриқ яратиб, ўқувчиларнинг фаоллигини рағбатлантиради.

Ўқитувчи тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсирга ега еканликларини, уларнинг ҳамкорликдаги коммуникатив муносабатлари ҳамда фаолиятлари ўртасидаги боғланишнинг мавжудлиги, унинг самарадорлигини белгилашини унутмаслиги шарт. Ўқитувчи синф жамоасига ва алоҳида тарбияланувчига педагогик таъсир кўрсатишида муваффақиятларга еришиши учун, ўқувчилар орасида ўзаро педагогик муносабатлар тизимини оқилона режалаштириши ва психологик муҳитни ижобий томонга ўзгартириши лозим. Тўғри ташкил етилган ва

ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган, ёш авлоднинг қалби ва онгини асрашга, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган педагогик муносабатлар тизимини ташкил етиш учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчи руҳиятини чуқур билиб олиши, уларнинг ички имкониятларидан хабардор бўлиши, ахборот бериши, фикр алмашиши, улар қайғусини, туйғуларини тушуниши ва ҳамдард бўлиши зарур. Педагогик муносабатда муваффақиятларга еришиш учун ўқитувчи:

- ўқувчилар билан бўлажак муносабатни моделлаштира олиши;
- муносабатда бўладиган синф жамоаси хусусиятларини олдиндан билиши;
- бевосита самимий ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабат ўрнатиш;
- муносабатда устунликка ега бўлиб, уни демократик талаблар асосида оқилона бошқариш;
- муносабатнинг ижобий ва салбий жиҳатларини узлуксиз таҳлил етиб бориши лозим.

Ўқитувчи тарбиячи сифатида тарбияланувчи ўқувчини ўзи учун ҳамиша тарбия объекти деб ҳисоблаши керак. Бироқ тарбияланувчи ўқитувчи-тарбиячи билан еркин ва онгли муносабатда бўлишга еришсагина, тарбиявий муносабатлар самарали характер касб етади. Тарбия жараёнининг коммуникатив муносабатлар жараёнида ўзига хос қатор **қоидалари** ҳам мавжуд бўлиб, ўқитувчи ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишда уларни мукаммал билиши ва амал қилиши лозим:

- тарбиянинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаётий фаолият билан боғлиқ ҳодиса еканлиги;
- шахсни жамоада тарбияланишида ўзига хос хусусиятлари;
- тарбияланувчи шахсга нисбатан талабчан бўлиш ва унинг шахсини ҳурмат қилиш;
- тарбияланувчининг ёш ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва мунтазам олиб борилишини таъминлаш.

3. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятида сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш

Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш ўқитувчининг маданий савиясида ва ўқувчи мулоқотида муҳим аҳамият касб етади. Чунки инсоннинг “ақл-заковати, фикр-туйғулари, билими ва маданият савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода етилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” *(Азиз Юнусов)*. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказишни амалда ўз педагогик фаолиятида қўлловчи ўқитувчи ўз ҳиссиётларини, ижодий таъсирланишини бошқариш кўникмаларига ега

бўлиши ва ўз ҳис-туйғуларини фақат таълим–тарбиявий мақсадни амалга ошириш учун ифодалаши ҳамда ўқувчи қалбини ноўрин сўзлар билан жароҳатлаб қўймаслиги, сўзларни аниқ ифодалашда педагогик такт нормаларидан чиқиб кетмаслиги лозим. Сўз қудрати ҳақида Р.Декартнинг қуйидаги фикрлари ўқитувчиларга ҳам бевосита тааллуқлидир: “Сўзларнинг маъноларини, қудратини одамларга аниқ ифодалаб тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини барча англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз”.

Бунда ўқитувчининг ширинсуханлиги мужассамлашган нотиқлик санъати ҳамда актёрлик қобилиятини намоён қила олишини алоҳида еътироф етиш керак. Ўқитувчи актёрдек тайёр текстни ёд олмайди, бироқ у ҳар гал такрорланмас вазиятда ижод қилади. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш ўқитувчидан фикрларни, педагогик қобилият техникасини, ижодкорликни талаб қилади.

Ўқитувчининг имо–ишоралари ва юз ҳаракатлари сўз билан оғзаки таъсир қилишни кучайтиради. Юз ҳаракатлари ва имо-ишоралар нутқда овознинг баланд-пастлиги билан мос келиши керак. *Огоҳлантирувчи сўзлар, нотиқлик санъати асосида таъсир етиш, вазифани ижро етишга ундовчи буйруқлар, таъқиқланган ибораларни ишлатмаслик, ҳазил орқали фикрини англатиш, ўқувчининг еркин мулоҳазаларини маъқуллаш ёки ножўя ҳаракатлари учун айблаш сўзнинг оғзаки таъсир етувчи компонентларидир*. Сўз билан имо-ишоранинг ва юз ҳаракатларининг бирлиги маълум қилинаётган ахборот ҳажмдорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириши лозим. Ҳар қандай шароитда ўқитувчи ўқувчилар билан синфда учрашишга махсус ҳозирлик кўриши фойдалидир.

Ўқитувчи деярли ҳар бир ҳаракатда жиддий фикр юритиши оқибатини тасаввур қилиши керак. Дарҳақиқат, ўқитувчининг ҳар қандай ҳазили ёки бачкана қилиғи дарҳол тескари реакция бериши мумкин. Ҳатто енгил ҳазилга ҳам синф ўқувчилари қизғин жавоб беради, уларнинг фикрини қайтадан “жамлаб” диққатини жалб етиш ва иш кайфиятини яратиш кейин жуда қийин бўлиши мумкин.

Сўз билан оғзаки таъсир қилишда ўқитувчи нутқи ниҳоятда мухтасар, равон, ва мулойим бўлиши, интонациялар ўз ўрнида ишлатилиши керак. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш қудрати Шарқ халқларида азалдан маълум бўлган. Чунки, ўқитувчининг “Маъноли ва бежирим гапира билиши, нутқ дарёсидаги мақбул ва номақбул тўлқинларни илғай олиши, сўзнинг орқа ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиши, нутқий фаҳму фаросат, таҳрли сўз одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган”, деб таъкидлайди олим Н.Маҳмудов.

Ҳозирги даврда ўқитувчи фаолиятида учрайдиган коммуникатив муносабатларда сўз билан оғзаки таъсир етиш ниҳоятда хилма хил бўлиб, бевосита педагогик таъсир кўрсатишнинг нисбатан мустақил кўринишини ўзида мужассамлаштиради. Билиш, англаш, експрессив

(ҳис-туйғуга берилиш ҳолати), ижтимоий анъанавий мулоқот, инсон ҳолатини сўзсиз тушуниш, дилкашлик ўқитувчининг педагогик фаолиятида учрайдиган доимий такрорланиб турадиган коммуникатив муносабатларнинг турларидир. Тарбиявий жараённи ташкил етишда уларни назарда тутиш лозим.

Айниқса педагогик таъсир кўрсатишни ташкил етишда сўзнинг аҳамияти билан боғлиқ бўлган педагогик муомала маданиятига ва тарбиячининг ўзбекона ширин сўзлигига алоҳида талаблар қўйилади. Сўзлашганда одоб ва ехтиром ўқитувчининг педагогик маҳоратида учрайдиган муҳим инсоний фазилати сифатида намоён бўлади. Хушмуомалалик – ўқитувчи-тарбиячининг синфда индивидуал иш олиб бориш жараёнида ота-оналар ҳамда ўқувчилар билан мулоқотни аниқ бир тарбиявий мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил ета олиши ва таълим-тарбиявий фаолиятни тўғри бошқара билишидир. Ўқитувчининг касбий фаолиятида хушмуомалаликнинг ёш ўқитувчи амал қиладиган қуйидаги мезонларини алоҳида ажратиб кўрсатиш ўринлидир:

- ўқувчиларга сўз билан оғзаки таъсир қилишда ширинсуханлик ва инсонийлик туйғуларини намойиш етиш;
- сўз билан оғзаки таъсир етишнинг барча босқичларида ҳиссий осойишталикнинг намоён бўлиши;
- ўзаро фикр алмашишга доир сифатлар, кўникмалар ва малакаларнинг мавжудлиги;
- ўқувчининг таълим ва билим олишга бўлган иштиёқини кучайтириш;
- мустақил фикр юритиш, ўз фикрини еркин баён ета олиш, инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантириш.

Ўқитувчи касбий маҳоратида муҳим аҳамиятга ега бўлган ва инсоний фазилат хушмуомалаликни ўзида шакллантириш учун мунтазам иш олиб бориши зарур. Ўқитувчи педагогик фаолиятига оид шахсий ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро фикр алмашиш ва алоқадорликка доир қуйидагиларни тавсия етиш мумкин.

1. Касбий фаолият жиҳатидан ўз-ўзини англашни (муомалада ўзаро фикр алмашишга доир сифатларни, ижобий ва заиф томонларини аниқлашни) амалга ошириш ва шу асосда ўзаро фикр алмашиш асосида ўз-ўзини тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш.

2. Ўз касбий фаолиятига қуйидаги йўналишларда баҳо бериш мақсадга мувофиқ: кишилар билан бўлган муомаладан сўнг олинган таассуротларни таҳлил қилиш, ўқувчилар билан муомаланинг сўнгги ҳолатини ўрганиб, муомала ҳақида ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, муомаладаги имкониятларингизни атрофдагилар (ўқитувчилар жамоаси, ота-оналар, ўқувчилар) қандай баҳолаши ҳақидаги тасаввурларга ега бўлиш.

3. Ўзида инсонпарварликнинг асосий хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтисослаштирилган ўз-ўзига таъсир ўтказувчи “аутоген” машқлар асосида ишлаш.

4. Ўқувчилар ва ота-оналар билан турли жамоат ишларини олиб бориш, бундан ўзаро фикр алмашиш фаолиятида кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

5. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказишда салбий кайфиятларни енгиш тажрибасини шакллантирадиган ва хушмуомалаликни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини яратиш.

6. Хушмуомалаликда миллий анъана ва урф-одатларимиз, ўзбекона муомала маданияти, миллий маънавиятимиз нуқтаи назаридан ёндашиш.

Таклиф етилган ушбу тизим асосида педагогик фаолият олиб бориш ўқитувчи касбига оид шахсий фазилатлардан бири бўлган инсонпарварлик ва хушмуомалаликни шакллантиради. Ўқитувчи касбий фаолияти давомида нутқидаги сўз қудратини такомиллаштириб боради. У ўзбек тилининг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали сўз бойлигини гўзал, равон, ифодали, таъсирчан бўлишига интилади. Зеро, гўзал ва таъсирчан сўзлай билиш ҳам санъат. Бу санъатдан бебаҳра бўлган ўқитувчининг касбий маҳорати шаклланмайди. Қайси фанни ўқитишдан қатъий назар, ўқитувчининг асосий қуроли сўз бойлигидир, у сўз қудрати асосида коммуникатив қобилиятини намойиш етади. Ўз она тилида пухта, лўнда ва жарангдор гаплар туза олиш ва уни нутқий маҳорат билан ифодалаш таълим муассасаларида ўрганилаётган ҳар бир фан ўқитувчиси учун енг зарур коммуникатив қобилиятларидан биридир.

Fanni o’qitish texnologiyasi

5-mavzu: «O’qituvchi faoliyatida muloqot madaniyati va psixologiyasi» mavzusidagi ma’ruza mashg’ulotining texnologik

ТҒр	**Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни**	**Амалга оширувчи шахс, вақт**
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1.Дарс мақсади:** Талабаларга педагогик техника ҳақида умумий тушунчаларни ва қоидаларни баён етиш.Педагогик техниканинг ўқитувчилик фаолиятидаги ўрнини кўрсатиб бериш. Педагогик техникани егаллашга қизиқиш уйғотиш. Педагогик техника елементларини мунтазам машқ қилиб боришга одатлантириш. **1.2.Идентив ўқув мақсадлари.**	**Ўқитувчи**

	• Педагогик техниканинг моҳияти ва ўқитувчи фаолиятидаги аҳамиятини сўзлаб беради. • Педагогик техниканинг таркибий қисмларини гуруҳлаштиради. • Педагогик техника таркиб топтиришда малакалар ҳосил қилишни далиллайди. **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар.**Педагогик техника, ташқи қиёфа, ҳиссиёт, мимика, пантомимика, технология, асаб тизими, гапириш техникаси, талаффуз, нафас олиш, товуш мароми. 1.4.**Дарс шакли:** гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Ўқув қўлланма, компютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** • Педагогик техниканинг педагогик маҳоратга еришишдаги аҳамиятини таҳлил қилинг. Ўқитувчи фаолиятида тана ҳаракатининг, юз ҳаракатининг, гапириш техникасининг ва ўқитувчининг ҳиссиётини жиловлай олишнинг аҳамиятини кўрсатинг. • Педагогик техниканинг таркибий қисмларини ўрганиб чиқинг. Сиз педагогнинг фаолиятида қай бирини устун деб ҳисоблайсиз? • Педагогик техника икки асосий гуруҳга ажратилади. Ҳар иккала гуруҳга доир кўникмаларни бир-бири билан таққосланг. Улар ўртасидаги боғлиқликни ва фарқни ажратиб кўрсатинг **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Педагогик техника ўқитувчи фаолиятининг	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	ички моҳияти билан ташқи кўринишини бирлаштирувчи воситадир. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчи билан мулоқотда бўлишнинг усуллари ва воситаларининг йиғиндисидир. • Ўқитувчининг ташқи қиёфаси деганда, унинг тана тузилиши, қадди-қомати, бўй-басти билан бир қаторда, гавдасини тутиши, кийиниши, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши, ҳаракатлари, юриш-туриши тушунилади. • Гапириш билан боғлиқ бўлган касб егалари, айниқса, ўқитувчилар ўз товушларини еҳтиёт қилиши, парваришлаши талаб қилинади. Акс ҳолда товуш аппарати тез шикастланиши мумкин.	
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Педагогик техника тушунчасининг моҳиятини ўрганиш. • Педагогик техниканинг ўқитувчи фаолиятидаги аҳамиятини айтиб беринг. • Педагогик техниканинг таркибий қисмларини ўрганиб, бир-бири билан таққосланг. • Мураббийлик фаолиятида ташқи қиёфанинг аҳамиятини изоҳланг. • Ҳиссиётни жиловлай олишнинг қандай тарбиявий аҳамияти бор? • Сизнингча мураббийнинг тана ҳаракати, юз қиёфаси қандай бўлиши лозим? • Ўзингиз билган бирор ўқитувчининг тана, юз ҳаракати ва ҳиссиётини бошқаришини таҳлил қилинг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (30-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

5-mavzu: O'QITUVCHI FAOLIYATIDA MULOQOT MADANIYATI VA PSIXOLOGIYASI

Асосий саволлаор

1. Ўқитувчи касбий фаолиятида мулоқот маданиятининг шаклланиши
2. Педагогик мулоқотда муомала маданияти
3. Шарқона тарбия ва муошарат одобининг мулоқотга таъсири
4. Мулоқот асосида маънавий маданиятни шакллантириш мезонлари ва омиллари.

Ўқитувчи касбий фаолиятида мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси кишилик жамиятининг еҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Шу боисдан ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да касб танлаш мотивлари, касбий тайёргарлик, касбий лаёқат ва касбий маҳорат билан чекланиб қолмасликни, балки бўлғуси педагог кадрлар шахсий фаолиятида касбий маданиятни таркиб топтириш мутлақо зарур еканлиги таъкидланади. Республикамизда ўқитувчилик касбининг ўзига хос етнопсихологик фазилатлари, ҳислатлари, қобилиятлари иш услублари, педагогик маҳорат сирларини егаллаш йўллари, шахслараро мулоқот маданияти юзасидан турли даврларда ҳар хил илмий изланишлар олиб борилган.

Мулоқот маданиятининг тарбияловчи имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсий сифатлари билан белгиланишини таъкидлаб ўтиш лозим. Педагогик мулоқот маданиятининг ҳар жиҳатдан тўғри танланган, ўқитувчининг маънавий савияси, бетакрор хусусиятларига мувофиқ келувчи услуби қуйидаги вазифалар мажмуини ҳал қилишга ёрдам беради:

биринчидан, мулоқотда ҳар бир ўқувчига алоҳида еътибор ва дилкашлик, синф жамоаси билан умумий мулоқот жараёнини соддалаштиради, ўқитувчининг еркин педагогик фаолияти учун замин тайёрлайди, зиддиятли вазиятларни осон ҳал қилади;

иккинчидан, ҳар бир ўқувчи билан ўзаро муносабатни еркин мулоқот асосида ташкил қилиш, уларнинг ёш хусусиятларига монанд педагогик ва психологик мулоқот услубларини танлаш, унинг руҳиятини билишга, ички дунёсига "кириб бориш"га йўл очади;

учинчидан, педагогик мулоқотда ўқитувчининг маънавий-ахлоқий нормалари муваффақиятлар калити бўлиб, таълим-тарбия самарадорлигини оширади, мулоқотнинг барча босқичларида ўқитувчининг ўз фаолиятидан қониқиш ҳиссини хотиржамлигини таъминлайди.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқот маданияти индивидуал услубларини шакллантириш методикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчилар билан мулоқот қилиш маданиятининг индивидуал шахсий хусусиятларини ўрганиши. Ўқувчилар шахсий хусусиятларини мустақил таҳлил қилиш, ҳар томонлама тавсиф бериш, ўқитувчининг мулоқотни тўғри ташкил етиши асосида амалга ошади.

2. Шахсий мулоқотда рўй берадиган камчиликларни аниқлаш ва дарҳол уларга барҳам бериш чораларини излаб топиш: мулоқотда қўполлик, менсимаслик ва бошқа салбий ҳолатларни енгиш.

3. Ўқитувчи ўзи учун мулоқот маданиятининг қулай бўлган услубларини ишлаб чиқишга доир фаолиятни ишлаб чиқиши ва ўз-ўзини кузатиш билан ютуқ ва камчиликларни таққослаш.

4. Ўзининг мулоқот маданияти услубларига мувофиқ келувчи миллий анъана ва маънавиятимизга хос жиҳатлардан унумли фойдаланиш.

5. Мулоқот маданиятида педагогик фаолият қонуниятларидан четга чиқмаслик, бу услубни мустаҳкамлаш (педагогик амалиёт ва малака ошириш жараёнида).

Педагогик фаолиятни ендигина бошлаётган ёш ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини ошириш мақсадида ўқувчилар билан мулоқот маданиятини шакллантириш устида мунтазам иш олиб боришлари зарур.

Таълим-тарбиявий жараённи ташкил етишда педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бевосита ўзаро муносабатини маълум бир мақсад сари ҳамжиҳатликка йўналтирувчи кучдир. Бу ўринда ўқитувчи қуйидаги вазиятларни еътиборга олишини алоҳида таъкидлаш лозим:

- ўқитувчининг илк тарбиявий фаолиятидан бошлаб мулоқот маданиятига риоя қилиши, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан ҳар кунги муомалани вазиятга қараб режалаштириши, ҳар бир ҳаракат, сўз оҳангига еътибор, анъанавий мулоқотнинг енг яхши хусусиятларини ўзлаштириши;

- мулоқот асосида синф жамоасидаги турли вазиятларни қайд етиш, ўқувчилар ҳатти-ҳаракатининг олдинги ҳолати билан, тарбиявий фаолиятдан кейинги ҳолатини қиёслаб чиқиб баҳо бериш;

- ўз мулоқот услуби натижаларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, камчиликларни узлуксиз бартараф етиб бориш. Зарур сўз, овоздаги ёқимли оҳанг, ҳулқ-атворни вужудга келтириш;

- педагогик мулоқот маданиятининг самарали кечиши учун унинг шарт-шароитларини билиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, ўқувчилар билан ўзаро муомаланинг “устоз-шогирд” анъаналарига хос бошланиши ва ўзаро фикр алмашиш асосида муҳим вазифаларни ҳал қилиш билан муомала объектининг диққатини ўзига жалб қилиш;

- мулоқот объекти, яъни ўқувчининг диққатини ўзига жалб қилиш деганда нимани англаш керак? Бунинг маъноси ўқитувчи ўзининг

хушмуомалалиги, маданияти, гўзал хулқи, мулоқотда ўқувчилар қалбига йўл топа олиши билан ўз маҳоратини намойиш қилиб, мулоқот маданиятининг ташкилий шаклларига ижтимоий-психологик негизни асос қилиб олишидир.

Кўрсатиб ўтилган вазиятлар асосида педагогик таъсир кўрсатиш учун ўқитувчининг педагогик мулоқот маданиятига, етикаси ва одоб-ахлоқига, дилкашлигига, муошарат одобига алоҳида талаблар қўйилади. Ушбу фазилатлар ўқитувчининг синф жамоасида, ота-оналар билан мулоқот қила билишида, ўқувчилар билан аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тарбиявий фаолиятни ташкил етишида ва уларни бошқара олишида муваффақиятлар гаровидир. Касбий фаолиятнинг ноёб фазилати бўлмиш педагогик мулоқот маданиятига амал қиладиган ёш ўқитувчи қуйидаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши лозим:

- мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий талаблари ва еҳтиёжларига мос бўлган юксак маънавият даражасидаги қарашлар, кучли ва барқарор еътиқод, давлатимиз идеаллари, миллий ғоя ва мафкурасига содиқлик, ватанпарварлик, фидойилик туйғулари шаклланган ижтимоий-сиёсий фаол шахс;

- ўқувчиларга самимий меҳр–муҳаббат, уларнинг ҳар қандай еҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳатти-ҳаракатлари мотивларини, хулқ-атворларини тушуниш кўникмаси ва малакасининг шаклланганлиги;

- жамиятда рўй бераётган ҳодисалар, жаҳонда рўй бераётган воқеалар, табиатга, борлиққа, шахслараро, гуруҳлараро, миллатлараро муносабатларга нисбатан педагогик кузатувчанлик, янгиликка, ижодий изланишга нисбатан интилиш қобилиятининг мавжудлиги;

- педагогик фаолиятнинг барча жабҳаларида одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари, муносабатларидаги хусусиятларни оқилона тушуниш, ўз фаолиятига нисбатан рефлексив муносабатни таркиб топтириш;

- ҳар қандай фавқулотда вазиятларга, жамиятда рўй бераётган янгиликларга нисбатан ҳамда ижтимоий – иқтисодий ўзгаришларга омилкорлик ва ақл идрок билан муносабатда бўлиш, ўз олдига тўғри мақсад қўя олиш, режа тузиш, бевосита назорат қилиш, бошқариш ва ўз имкониятларини намоён ета олиш;

- педагогик фаолиятларда, жамоатчилик тизимида муваққат гуруҳий муносабатларда, оммавий ҳаракатларда ташкилотчилик ва бошқарувчанлик қобилиятини намойиш етиши;

- дунёқараши ва тафаккур кўламининг кенглиги, дунёвий билимларни билишга нисбатан қизиқишининг серқирралиги, илмий изланишларга мойиллилиги, муайян илмий салоҳият ва педагогик маҳорат даражасини мунтазам ошириб бориши;

- ўқувчилар билан мулоқотда лаёқатлилиги, нутқ маданиятининг мантиқан ихчам, маъноли, таъсирчан кучга егалиги, психологик таъсир ўтказиш билан қуролланганлиги.

Ҳар бир ўқитувчи учун ўқувчиларга тўғри, омилкор ахборот узатиш ва унга суҳбатдошини ишонтира олиши касбий зарурият ҳисобланади.

Бунда ўқитувчининг мулоқот маданияти, маънавий оламининг кенглиги муҳим аҳамиятга ега. Ўқитувчининг педагогик фаолияти узлуксиздир, шу сабабли у мулоқот маданиятини ҳам мунтазам шакллантириб боришида қуйидаги йўналишларга еътибор бериши лозим:

1. Юксак педагогик фаолият нуқтаи назаридан ўз-ўзини англаши, (муомалада ўзининг ўзаро фикр алмашишга доир сифатларини, ижобий ва заиф томонларини билиши) ва шу асосда ўзаро фикр алмашиш йўли билан ўз-ўзини тарбиялаши.

2. Кишилар билан ўзаро муносабатда коммуникатив иқтидорини шакллантириб бориши, мулоқот асосида тўғри башорат қилиш сезгиларини машқ қилдириши, мулоқотда ўзининг идеал тасаввурларини, имкониятларини бошқалар (ўқитувчилар жамоаси, ўқувчилар, ота-оналар) қандай баҳолаши ҳақидаги рефлексив тасаввурларини таҳлил қилиши.

3. Ўзида муошарат одобининг муҳим хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтисослаштирилган машқлар асосида ишлаши.

4. Ўқувчилар ва ота-оналар билан тарбиявий мақсадларга қаратилган турли жамоат ишларини олиб бориши, бунда ўзаро фикр алмашиш асосида педагогик ташкилотчилик қобилиятини такомиллаштириб бориши.

5. Мулоқот жараёнида пайдо бўладиган салбий ҳолатларни енгиш кўникмаларини шакллантириши, дилкашлик ва хушмуомалаликни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини яратиши.

Ўқитувчи мулоқот маданияти асосида фаолият олиб борган тақдирда ҳам, ўқувчилар жамоаси орасида турли тушунмовчиликлар, зиддиятлар пайдо бўлиши табиий ҳол. Ҳар қандай тажрибали ўқитувчининг педагогик мулоқоти жараёнида ўзига хос қийинчиликлар юзага келади. Синфда содир бўладиган ҳар қандай педагогик вазиятга жавобгар шахс ўқитувчидир. Бу барча даврлар педагогик фаолиятида намоён бўладиган типик ҳодиса.

Айниқса, ушбу ҳолат ендигина ўз фаолиятини бошлаган ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида муаммоли вазиятларни пайдо қилади. Ёш ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан олиб борадиган таълим-тарбиявий фаолиятини доимий назорат қилиш, уларга тўғри йўналиш бериш, барча ўқув муассасалари педагогик жамоатчилигига, устоз ўқитувчилар зиммасига юклатилиши лозим. Педагогик фаолиятда хато ва камчиликларга йўл қўядиган ўқитувчининг ёшига ва иш тажрибаси кўламига одатда ўқувчилар ҳеч қачон еътибор бермайдилар. Чунки, ўқувчилар ёшидан ва тажрибасидан қатъий назар барча ўқитувчиларни устоз деб атайдилар. Ўзбекистонда таълим-тарбия ва педагогик мулоқотнинг ўзига хос анъаналари, миллийлигимизга мос шакл ва методлари мавжуд.

Зеро, И.А.Каримов асарларида таъкидланганидек, *“Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк*

маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда”. Бу улкан машаққатлар евазига амалга оширилиб келинаётган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишидир. Ҳозирги замон ўқитувчисидан ҳаёт синовларига бардошли бўлиш, миллат қадриятларини англаш, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш, юксак маърифатли ва улкан салоҳиятли бўлиш, енг сўнгги замонавий технологияларни мукаммал билиш талаб етилади.

Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида юз бериши мумкин бўлган турли зиддиятли вазиятларни тезда бартараф етиши учун, аввало ўз иқтидорига, педагогик маҳоратига таяниши керак. Педагогик мулоқот асосида еришиладиган ютуқлар ўқитувчининг ижодий меҳнати маҳсулидир. Бу меҳнатнинг салбий ва ижобий томонлари бўлиши шубҳасиз. Фақат ҳар бир вазиятни оқилона баҳолаш, уни тўғри режалаштириш, тарбиявий жараёнларда ақл-идрок билан мулоқотни ташкил етишнинг ўзи кифоя.

Ўқитувчи билан ўқувчининг мулоқотда бир-бирларини ўзаро тушунмасликлари, мулоқот воситаларининг қашшоқлиги, ҳар бир ўқувчининг руҳиятига қараб муомала қилинмаслиги, барчага бир хил мажбурий итоаткорлик муносабати, ўқувчиларни тор доирадаги интизомга чақирувчи емоционал жиҳатдан салбий тус берилган буйруқ шаклидаги мулоқот доимий зиддиятларни келтириб чиқаради. Педагогик мулоқот усуллари устида ишлашнинг асосланган тизимини тузиш учун, ҳар бир ўқитувчи ўзининг муаммоларидан, йўл қўйилган камчиликларидан келиб чиқиб, қийинчиликларни таҳлил қилиш билан бартараф етиши лозим.

Педагогик мулоқотга доир барча машқларнинг умумий йўналишини мавжуд педагогик вазиятларда малака ҳосил қилиш учун, ҳар бир мулоқот иштирокчиларининг имкониятларини очишга кўмаклашувчи унинг шахсий ҳислатларини ривожлантириб боришни таъминловчи воситалардан фойдаланиш таклиф қилинади. Мулоқотга баъзи ўқувчиларнинг субъектив қарашларини аниқлаш, шу ўқувчи билан мулоқотни оқилона ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгилаш, унинг хулқини тузатиш ёки унда шунчаки ишонч кайфиятини яратиш керак.

Мазкур вазиятларда ўзаро ҳаракатларнинг тизимли воситалари мажмуаси қуйидагича белгиланиши мумкин:

• мулоқот жараёнида тарбияланувчи объектнинг жавоб ҳаракати имкониятларини олдиндан кўра билиш;

• объектда психологик тўсиқ ва салбий қарашларни келтириб чиқарувчи воситаларни қўлга киритиш;

• вазиятнинг ўзгаришига қараб фойдаланиш мумкин мулоқотларнинг бир нечта моделига ега бўлиш;

• ўқувчилар жамоаси фикрларини тинглаш, уларнинг мулоҳазаларига қўшилиш, уларга ҳамдардлик кўникмасини ривожлантириб бориш;

• ўзаро мулоқот натижаларини баҳолаш ва еришилган ютуқлар ҳамда камчиликларни педагогик-психологик воситалар асосида таққослаш.

Педагогик фаолият ва педагогик мулоқот характери ўқитувчининг шахси, унинг қарашлари нуқтаи назарларида ва хулқида намоён бўладиган ғоявий сиёсий савияси, профессионал тайёргарлиги ва билишга интилиши билан узвий боғлиқ. Бу асосий ҳислатлардан ташқари ўқитувчининг умумий ва бошқа қобилияти, унинг мойиллиги характери, муваққат психик ҳолатлари, шунингдек, тўпланган тажрибаси муҳим аҳамиятга ега. Ўқитувчи шахсининг профессионал жиҳатларини ўз-ўзини тарбиялаш йўлларидан бири ўзининг сифат ва ҳислатларини, шунингдек педагогик фаолият ва мулоқотларининг барқарор хусусиятларига, ўқитувчи билимининг савияси ва тарбияланганлиги натижасида еришилган натижаларини таҳлил қилишга доир машқларда ҳам намоён бўлади.

2. Педагогик мулоқотда муомала маданияти

Мустақилликдан кейин амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар туфайли улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Одамларнинг онги, дунёқараши ўзгарди. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига еришишни назарда тутади. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилишида, ҳар бир фуқаронинг билим олишида, ижодий қобилиятини шакллантиришда, интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришда ўқитувчининг мулоқот маданияти ва муомаласи муҳим аҳамиятга ега. Шунинг учун таъкидлаш жоизки, ўқитувчи касбига нисбатан талаб ва жавобгарлик ҳам кучайди, уларнинг жамият олдидаги вазифалари янада ошди. Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига чиқариш, ўқувчиларда мустақил ва еркин фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш каби долзарб вазифаларга жавобгарлик ўқитувчилар зиммасига юклатилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: *«Ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, енг муҳими, ўз мустақил фикрига ега, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига еришиш таълим-тарбия ва*

маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши керак... бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга ега бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб етади». Бу вазифаларнинг бажарилишига, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий амалга оширувчиси бўлган ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро муомалага киришиш маданияти орқали еришилади. Ўқувчи маънавий муҳитининг шаклланиши ўқитувчининг юксак ахлоқ намунаси орқали намоён бўлади. Бу ўринда ўқитувчининг шахсий ва ижтимоий ҳаракати педагогик мулоқот маданияти замирида шаклланиб, такомиллашади.

Педагогик мулоқотда ўқитувчининг енг яхши фазилатлари ва ҳатти-ҳаракатлари ўқувчининг идеали сифатида намоён бўлади. Ўқувчининг ўқитувчи шахси ҳақидаги қарашлари, унинг ҳатти-ҳаракати, педагогик маҳорати маънавий маданиятига мос келмаса, яхлит педагогик жараённи мукаммал ташкил етиш ҳам ижобий натижалар бермайди. Ўқитувчи субъекти билан, ўқувчи объекти ўртасидаги қаттиқ авторитар интизом ҳам ўзаро мулоқот маданиятига салбий таъсир етади, натижада ўқувчининг ички ҳиссиёти ҳамда шахсий фазилатлари ривожланмайди.

Педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи фаолиятини муваффақиятга йўналтирувчи енг муҳим восита, бунда ўқитувчининг муҳим фазилати, унинг мулоқот маданиятига асосланган муомаласидир. Муомала барча фалсафий ва психологик фанларда ўзига хос таърифга ега. Педагогиканинг категорияси сифатида **муомала** ўқувчилар қалбига йўл топа олиш, уларга ёндашиш учун меҳрини қозониш, педагогик нуқтаи назардан таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан ўзаро алоқа боғлашга қаратилган ўқитувчининг педагогик қобилиятидир.

Ўқитувчи ўқувчилар билан муомалага киришиш асосида:

1. Ўз ижодкорлигини ва педагогик маҳоратини намойиш қилади.

2. Ёш авлодни миллий мафкурамиз ва миллий маданиятимиз руҳида тарбиялайди.

3. Шарқона удум ва урф-одатларимиз асосида баркамол шахсни шакллантиради.

4. Ўзининг таълим-тарбиявий имкониятларини намойиш етган ҳолда, ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топади.

Муомала ўқитувчи фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўзида улкан педагогик имкониятларни мужассамлаштиради. Педагогик муомалада ўқитувчи қуйидагиларга қатъий амал қилиши лозим:

- ўқитувчида тарбиялаш маҳоратининг шаклланганлиги. Унинг тарбиявий жараёнга оид сўз ва оҳангни танлай билиши ва таъсир ўтказа олиши;

- муомала объекти бўлмиш ўқувчи диққатини жалб қилувчи нутқ, пауза, ҳаракат, имо-ишораларни ўз ўрнида ишлатиши, тарбиявий таъсирни билиши;

- ўқувчининг ички руҳиятини, психологик хусусиятларини билган ҳолда муомалага жалб етиши, дарсни бошлашдан олдин ўқувчиларни таълим ва тарбиявий мулоқотга тайёрлаши;

- ўқувчига оғзаки, ўзаро таъсир кўрсатишнинг тарбиявий усулларини билиши. Ўқитувчининг нутқи равон, ўқувчи онгига ижобий таъсир қиладиган бўлиши.

Ниҳоят, ўқитувчининг ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадики, у ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабабларни турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида унинг ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвоп усулларидан фойдаланади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбияни бошқариш воситаси сифатида қаралиб, бирлаштирувчи ҳамда ўрнини тўлдирувчи вазифасини бажаради. Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала педагогик фаолиятдан олдин содир бўлади.

Педагогик мулоқот ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўзаро ахборот алмашиш жараёни вазифасини бажаради. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида бевосита ўз тарбияланувчилари, умуман ўқувчилар жамоаси ҳақида, унда рўй бераётган турли ички ҳодисалар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотларга ега бўлади ва ўзининг келгуси таълим-тарбиявий режаларини ҳамда педагогик фаолиятини белгилайди. Шу билан бирга, ўқитувчи мулоқот асосида ўз тарбияланувчиларига маълум бир мақсадга қаратилган ахборотлар тизимини маълум қилади. Бунда ўқитувчи томонидан йўл қўйиладиган арзимас бир хатолик, адолацизлик, қўполлик ўқувчилар билан ўзаро мулоқот маданиятининг бузилишига сабаб бўлади ва тузатиб бўлмайдиган оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро мулоқот маданиятига еришиши натижасида қуйидаги ҳолатлар пайдо бўлади:

- педагогик мулоқот орқали ўқитувчи тарбияланувчи объект билан ўзига хос муомала муҳитини яратади. Бундай муҳитда ўқитувчи ўзининг психологик, мимик, пантомимик, нотиқлик санъати, таъсир ўтказиш каби қобилиятлар тизимини намойиш етади;

- ўқитувчининг ширинсуханлиги, очиқ чеҳрали бўлиши, самимий муомаласи мулоқотда ижобий натижаларга еришиш калитидир;

- ўқувчилар жамоаси билан муомалада ўқитувчининг доимо психологик билимларга таяниши таълим-тарбиявий фаолиятда бир хил мувозанатни сақлайди;

- ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан ўзаро мулоқотга киришар екан, яхши муомаласи билан улар ҳиссиётида яширинган енг нозик қатламларни ҳам англаб олишга қодир бўлади.

Мукаммал шаклланган педагогик мулоқот маданияти асосида объект ва субъектнинг ички ҳиссиёти билан улар ҳаракатларининг

уйғунлашуви содир бўлади. Ушбу ўзаро уйғунлашувни юзага келтирадиган мулоқотнинг асосий боғловчиси сўздир. Сўз – мазмунан ўқитувчининг нутқида, маърузасида, диалог, монолог ва декламацияларида ўз ифодасини топади.

Педагогик мулоқот маданияти воситасида ўқитувчи ҳар қандай ахборотни қараб чиқар екан, ўқувчининг шахси ва психологик хусусияти ҳақидаги ахборотларнинг муҳимлигини алоҳида еътиборга олиши лозим. Педагогик мулоқот маданияти, ўқитувчини ғоят хилма-хил шароит ва кўринишларга мослашишига имконият яратади. Булар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмасада, ўқувчи ички дунёсида содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишларининг аломатларини билиб, таълим-тарбиявий фаолият олиб боради.

Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушуниб, мулоқотга киришиши лозим. Ўқитувчининг мулоқот маданияти асосида гапирадиган ҳар бир сўзи, фикри, турли ҳодиса ва жараёнлар ўқувчилар томонидан ҳар хил кўринишда тушунилади, бу ўқувчининг фикр-мулоҳазасига, ички дунёсининг теранлигига, тафаккури ва дунёқарашининг кенглиги билан изоҳланади, бунда ўқитувчи маҳоратининг учта жиҳатига алоҳида еътибор қаратилади: ҳаётий тажрибаси; педагогик фаолият жараёнида егаллаган кўникма ва малакаси; муайян ўқувчилар жамоаси билан муомалада бўлиш тажрибаси.

3. Шарқона тарбия ва муошарат одобининг мулоқотга таъсири

Одамларнинг меҳр-оқибати, бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат еътиборда бўлишлари мулоқот жараёнида намоён бўлади. Халқимизда азалдан мулоқот саломлашиш маданиятидан бошланади. Саломлашиш турли халқларда ҳар хил амалга оширилади. Халқимизда саломлашиш ахлоқлиликнинг юксак намунаси сифатида еътироф етилиб, унинг негизида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, шу миллатнинг руҳий хусусиятлари, ўзаро муносабатларининг маънавий асослари, бўлажак мулоқотнинг характери, ўзаро ҳамкорлиги акс етади. “Қуръони карим”да саломлашиш одоби мусулмон аҳлининг қатъий мажбурий бурчи тарзида баён етилади: “Ей мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва егаларига салом бермагунингизча кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд ушбу еслатмадан ибрат олсангизлар”.

Аждодларимиз маданий ва маънавий мероси, улар яратган сўз, халқ тилининг туганмас бойлиги ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб етади. Бу ўринда Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хисрав Деҳлавий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Кайковус, Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Заҳириддин

Муҳаммад Бобур ва бошқа Шарқ ва ғарб донишмандларининг бой меросларида фарзандларни тарбиялаш ва камолотга етказиш асосий муаммо сифатида тарғиб қилинган.

Улар сўзни ва нутқни таълим-тарбияда илоҳий неъмат ва ҳикмат деб билишган ҳамда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва аҳамияти борлигини, тарбияда сўздан кучлироқ ва қудратлироқ нарса йўқлигини, тилга еътибор – елга еътибор еканлигини, сўз сеҳри мўъжизалар ярата олишини таъкидлаб келганлар. Буларнинг барчаси мударрис ва шогирдларнинг самимий мулоқоти жараёнида амалга оширилган. Мударрислар баркамол ва тарбияланган инсоннинг ўнта нишонаси борлигини алоҳида таъкидлашган:

– биринчиси: халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик;
– иккинчиси: ёшликдан ўз нафсига ерк бермаслик;
– учинчиси: бировлардан асло айб қидирмаслик;
– тўртинчиси: ёмонлик ва омадсизликни яхшиликка йўйиш;
– бешинчиси: агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш ва
– кечиримли бўлиш;
– олтинчиси: муҳожирлар ҳожатини чиқариш;
– еттинчиси: доимо ел ғамини ейиш;
– саккизинчиси: айбини тан олиш;
– тўққизинчиси: ел билан очиқ чеҳрали бўлиш;
– ўнинчиси: одамлар билан доимо ширин муомалада бўлиш.

Мулоқот Шарқона тарбияда ахлоқ қўрки саналган. Муаллим ҳар бир ўқувчининг қандай дунёқарашга егалиги, тафаккури, билим савияси, ҳаётга нисбатан муносабати одамлар билан ўзаро мулоқотида намоён бўлишини уқтирган. Шарқ мутафаккирлари меросида мулоқот – азалдан инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси бўлган. Мулоқотнинг асосий қуроли тил ҳисобланган. Шунинг учун ҳам тил – алоқа қуроли сифатида таърифланади.

Инсоннинг тили ширин, муомала маданиятига ега бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-еътибор топади. Кўп гапириш ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, айтиладиган ҳар бир сўзга ҳурмат билан, ўйлаб ёндашиш лозимлигини уқтириб ўтганлар. Ўқитувчи “сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатларни ўйла”ши *(И.П.Павлов)* керак. Алишер Навоий адабий меросларида муомала маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида ноёб фикрларни баён қилган. Бйгунги кунда ҳам бу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган емас. «Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги еса фойдали. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир», - дейди Алишер Навоий.

Ўқувчилар нутқини ўстиришда ўқитувчининг тил бойлиги муҳим аҳамиятга ега: бир томондан, ширин тиллилик ўқувчини ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқитувчининг тил бойлиги нутқининг образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлишини таъминлайди, натижада ўқувчи диққатини ўзига жалб етади. Зотан, тил ва нутқнинг теранлиги, ўқитувчининг маҳоратини, маънавий бойлигини, ўқитувчилик қобилиятининг қай даражада еканлигини ифодалайдиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади. Америка шоири Ролф Емерсон: “Нутқ қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур қилади”, дейди. Шарқ мутафаккирлари ижодида тил ва нутқ воситалари орқали нотиқ, воиз, бадиҳагўй, қиссахон каби махсус санъат аҳиллари ва мударрислар диний, таълим-тарбиявий, исломий ақидаларни оммага сингдиришгани, панд-насиҳатлар қилишгани баён етилади. Ушбу нутқ соҳиблари кенг қамровли билимга, бой ахборотга ега бўлишган.

Алишер Навоий “Воиз олимнинг ўзи аввало ҳалол иш кўрувчи бўлишини, унинг насиҳатидан чиқмасликни” асарларида баён етган. Шунинг учун тил ширинлиги ва нотиқлик санъати устида ишлаш, нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ҳар бир ўқитувчининг енг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти хисобланади. Таълим-тарбия жараёнида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда беқиёсдир. Ўқитувчининг тили нутқий қобилияти ўқувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ-автори ва фикр юритишларига улкан таъсир етувчи кучли воситалардир. Ўқитувчининг “тил бойлиги ва нотиқлик санъати барча замонларда ёнма-ён яшаб келган” *(А.П.Чехов).* Унинг ҳис туйғуси, интилишлари, ирода ва еътиқоди нутқида акс етади. Ўқитувчи тил бойлиги билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, Ватанга садоқат, ғазабланиш, нафратланиш ҳиссиётларини уйғотади, билим олишга ундайди. Шунинг учун ўқитувчи “тилнинг халқ ўтмиши, ҳозирги ва келажак авлодни буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жипсликка айлантирувчи енг ҳаётий, енг бой ва енг мустаҳкам восита” *(К.Д. Ушинский)* еканлигини унутмаслиги керак.

Кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларида ширинсуханлик, гўзаллик, сўзлашув оҳангидаги мулойимлик “Мёшарат одоби” дейилади. Муошарат одоби инсоннинг гўдаклигида ота-она бағрида, оилада шакллантирилиши керак. “Қуш уясида кўрганини қилади”, дейилади халқ мақолларида. Оилада ўрганилган муошарат одобининг пойдевори мустаҳкам бўлади. Бола мактабда, улғайгач еса, ижтимоий муҳитда кўникма ҳосил қилиш жараёнида оиласида ўрганилган муошарат одобининг куч-қудратини доимо ҳис қилади.

Ўқувчиларга муошарат одобини шакллантириш учун ўқитувчининг ўзи аввало хушмуомалалигини намойиш етиб, ўқувчилар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, улар билан ҳамдард, ҳамфикр бўлиб, ўрнак бўлиши муҳим аҳамиятга ега. Шарқ мутафаккирлари асарларида муошарат одоби турли кўриниш ва номларда баён етилади. Жумладан, Ал Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида асосий ғоя – фозил кишилар образи. У ким бўлишидан қатъий назар шоҳми, гадоми, оддий фуқароми фозил кишидир. Шаҳарнинг фозил кишилари бир-бирларига

нисбатан ҳурмат ва иззатда бўладилар. Ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд, дўстлар, қариндошлар ўртасида шарқона назокат, меҳр ва еҳтиром мавжуд. Форобий асарида бундан бир неча аср илгари ҳам ота-боболаримизнинг маънавияти нақадар юксак бўлганлиги ва бу авлодларга ўрнак бўлиши таъкидланади. Оноре де Балзак "Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатли еканлигидан далолат беради", дейди. Инглиз донишманди Жон Либбок: "Одамлар боодоблилик ёрдамида ҳаттоки куч билан еришиш мумкин бўлмаган ғалабаларга еришиши мумкин"лигини айтади. Демак, муошарат одоби нафақат миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг кўзгуси бўлган, балки дунёдаги барча халқларнинг ноёб инсоний фазилати сифатида еътироф етилган.

Инсоннинг енг улуғ, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашидир. Бй фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка қўшилиш, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабатда ўқувчиларнинг дилига тўғри келмайдиган қўпол ва дилозор муносабат олиб борувчи ўқитувчиларни ҳеч ким ёқтирмайди. Ўқувчилар хушфеъл, ширинсухан, адолатпарвар, муомаласи ширин ўқитувчи ва тарбиячиларни дилдан ёқтиришадилар ва ҳурмат-еътибор қилишади. Инсонлар орасида муносиб ўринини топиш, иноқ ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон ҳеч қачон ўзининг ютуғи билан, бадавлатлиги билан, илм-ҳунари билан мақтанмайди, ҳамма вақт камгап, содда бўлади. Аммо инсондаги камтарлик самимий бўлмоғи запйп.

Ширин сўз мулоқотга киришишнинг асосий қуролидир. У инсон қалбини илитади, қўпол сўз инсон калбини жароҳатлайди. Ўқитувчининг "ақл-заковати, фикри, ҳис-туйғулари, билими ва маданий савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода етилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади" *(Азиз Юнусов).* Чунки сўзнинг қудрати катта. Ўқитувчи ўз сўзига, тилига ниҳоятда еҳтиёткор бўлмоғи лозим. Енг аввало, ўқувчиларга муомала маданиятини, катталар олдида ўзини тута билиши, гапини бўлмаслиги, ёши улуғларга гап қайтармасликни ўргатиш зарур.

Мулоқот маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз зарур. Ўқитувчининг қанчалик билимли, ақл-заковатли еканлиги ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан олиб борадиган мулоқоти орқали намоён бўлади.

Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказадилар, амалга оширадилар. Шу туфайли сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишини ҳаёт тақозо етади. Сўзга бой, ширинсухан кишиларнинг муомалалари ёқимли, иши ҳам юришган бўлади. Бундай

кишиларни ёқтирадилар, ҳурмат қиладилар. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъатдир. Бу санъатнинг илдизи муошарат одоби бўлиб, уни мукаммал ўрганиш ҳар бир инсон учун зарур. Шй билан бирга, она тилини мукаммал ўрганмоқ ва соф адабий тилда ўқувчилар билан мулоқот қилиш ўқитувчининг нотиқлик қобилиятидир.

4. Мулоқот асосида маънавий маданиятни шакллантириш мезонлари ва омиллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ҳақида ўз фикрларини баён етган: *“Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи – халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон еркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга еришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир”*.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминида Шарқ маънавий маданиятининг муҳим жиҳатлари уйғониш даврида ривожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод етган ал-Хоразмий, ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Шайх Саъдий, Тусий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби кўплаб мутафаккирларнинг ижодлари педагогик тафаккур тараққиётида, инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотида, умумбашарий маънавий қадриятларнинг юксалишида муҳим босқич бўлди. Улар Шарқона ахлоқ-одоб талаблари асосида комил инсонни тарбиялашнинг маънавий асосини яратишга муваффақ бўлдилар.

Ушбу давр маънавий қадриятлари мазмунида аввало, инсоннинг ички ва ташқи ҳолати, ҳиссиёти, меҳнатга, турмушга муносабати, меҳр-оқибати, муҳаббати, садоқати, билим ўрганишга интилиши, маънавий кайфияти, ақл идроки, ерки, инсонни табиатнинг енг буюк маҳсули сифатида куйлаш, тасвирлаш, олий ахлоқли, юксак инсоний фазилатларга ега бўлган адолатли жамоа вакилини тарбиялаш ғояси илгари сурилган. Уларнинг ёш авлод маънавий маданиятини тарбиялашдаги аҳамияти ҳам нақадар бебаҳо еканлигини таъкидлаб, Президентимиз И.А.Каримов **“Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида** маънавият тушунчасига шундай таъриф беради: *“...Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-еътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг **мезонидир**, десак менимча тарихимиз ва бугунги*

ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода етган бўламиз”. Демак, маънавий маданият манбаларида илгари сурилган ғояларга амал қилиш, уларни ёш авлодга ўргатиш ва онгига сингдириш ўқитувчининг жамият ва Ватан олдидаги юксак бурчидир.

Инсон ўз қадр-қимматини ва ўзлигини умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнида англай бошлайди. Таълим муассасаларида ўқитувчи томонидан ўзаро мулоқот асосида олиб бориладиган қуйидаги хусусиятлар негизида ўқувчиларда мулоқот орқали маънавий маданиятни шакллантириш **мезонлари** *(О.Мусурмонова)* ифодаланган:

- ҳар бир инсоннинг қизиқишларини кўра билиш, ҳис етиш ва ҳурмат қилиш;
- миллий-маънавий маданият манбаларини ўрганиш, ўзлигини англашга еҳтиёж;
- инсон ҳаётида меҳнатнинг ўрнини тўғри тушуниш;
- инсонпарварлик, меҳр-оқибат, иймон, еътиқод, миллий қадриятларни еъзозлаш;
- Ватанга муҳаббат, садоқат, ўз манфаатларини жамият, халқ манфаатларидан юқори қўймаслик;
- ота-она, қариндошлар ва бошқа атроф-муҳитидаги кишиларга нисбатан мурувватли, саховатли бўлиш.

Ўқитувчи таълим-тарбиявий жараёнда ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришда мулоқотнинг чексиз имкониятларидан фойдаланиб онг ва фаолият бирлигини таъминлаши тақозо етилади. Маънавий онг ўқувчининг дунёқараши, билими, ҳис-туйғуси, идроки, иродаси ва диққатининг мажмуаси бўлиб, у ўқитувчининг педагогик маҳорати негизида таълим-тарбиявий фаолият асосида шакллантирилади. Ўз навбатида онг ҳам фаолиятга таъсир кўрсатади ва уни тартибга солади.

Ўқувчи тарбиявий муҳитда уюштирилган маънавий фаолиятда маънавий маданият муаммоларини еркин, онгли ва адолатли еча олишга интилиши таъминланиши керак. Ўқитувчи билан ўзаро мулоқот жараёнида ўқувчи онгли равишда ўз муносабатларини билдиришга, тўғри хулоса чиқара олишга, миллий ғурур асосида уларни авайлашга, асрашга, севишга, умрбоқийлигини таъминлаши маънавий бурчи еканлигига ўргатилади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида: *“Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқлигидир. Таълимни тарбиядан, тарбияни еса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. ....Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини,*

инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин”, – деб таъкидлайди.

Маънавий маданиятнинг муҳим белгиларини шакллантиришда, таълим-тарбия тизимини маънавий муҳит, маънавий фаолият ва маънавий англаш босқичларидан иборат андозалар асосида ташкил етишда ушбу мезонлар талабларига риоя қилиш белгиланган мақсадни самарали амалга ошириш имкониятини беради. Бунда ўқитувчининг мулоқоти асосида ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш жараёнига таъсир етувчи қуйидаги **омиллар** ҳам муҳим аҳамиятга ега:

1. Ўқувчи маънавий фаолият асосида ўзлигини англашни шакллантириш учун маълум бир муҳитда маънавий қадриятлар билан ҳаракат орқали мулоқотга киришади. Ҳаракациз муҳит ва фаолият бўлиши мумкин емас. Шунинг учун ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш самарадорлигини *маънавий ҳаракат омили* таъминлайди.

2. Маънавий қадриятларнинг моҳияти, маънавий-ахлоқий тажриба, ўқитувчининг таъсирчан нутқий мулоқоти воситасида ўқувчи онгига сингдирилади. *Нутқий алоқалар* тарбия жараёни объектлари ва субъектлари орасида кечади ва ўқувчи маънавий маданиятини шакллантирувчи *омил* бўлиб хизмат қилади. Ўқувчининг хулқ намунаси, маънавий ҳаракати, нутқий алоқалар самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчининг мулоқоти асосидаги фаолият муносабатлари билан белгиланади.

3. Маънавий қадриятларнинг тарбиявий моҳиятидан таъсирланиш ва амалий фаолиятда уларга таяниш, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилишини таъминлаб, ўқувчи маънавий маданиятини тарбиялашдаги аҳамиятини такомиллаштириш таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиларидан (ўқитувчи ва ўқувчи) доимий ижодкорликни талаб қилади. *Ижодкорлик* – миллий-маънавий қадриятлар асосида ўқувчи маънавий маданиятини шакллантиришда *муҳим омил* ҳисобланади. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида унинг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади.

4. Ўқувчи маънавий маданиятини шакллантиришнинг муваффақияти *ўқитувчининг мулоқот олиб бориш психологик тактикаси омилларига* ҳам боғлиқ. Ушбу омилни ҳаракатлантирувчи шароитлар:

– ўқитувчининг педагогик-психологик билимлар ва махсус фанлар интеграцияси бўйича чуқур билимга ега бўлиши;

– мутахассислиги бўйича касбий маҳорати;

– ўқувчилар билан ўзаро дўстона мулоқот маданияти;

– ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини тез билиб олиши;

– ўқитувчи маънавий маданиятининг шаклланганлик даражаси;

– таълим-тарбиянинг замонавий усул ва методларини танлай билиши;

– замонавий педагогик ва ахборот технологиялари тўғрисида чуқур маълумотларга ега бўлиши;

– ўқитувчининг педагогик жамоа орасидаги ҳурмат – еътибори.

5. Ўқитувчи мулоқот асосида *ўқувчиларда ҳам ижодкорлик омилини* такомиллаштириб боради. Ўқувчида унинг сифатлари қуйидаги белгилар билан намоён бўлади:

– маънавий қадриятларни, анъаналарни ўзлаштиришга қизиқишда еҳтиёж ва талабнинг кучлилиги;

– ўрганилаётган фанлар асосларини егаллашга ижобий муносабат;

– маънавий маданият савияси, дунёқараши;

– ўз-ўзига нисбатан талабчанлик;

– табиатга, атроф-муҳитга онгли муносабат;

– янгиликларни ва ахборот технологияларини ўрганишга қизиқиш;

– ижтимоий ва шахсий фаоллиги;

– назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси;

– ташаббускорлиги ва ижодкорлиги.

Ўқувчиларда маънавий маданиятни шакллантириш жараёнининг муваффақиятли бориши таълим мазмунига асосланиб, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри ташкил етиш савиясига боғлиқ. Бу қуйидаги фаолият турларини мукаммал билишни тақозо етади:

Биринчидан, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият ижодкорликни, масъулиятни, фаолликни ва енг асосийси мулоқот маданиятига риоя етишни талаб қилади.

Иккинчидан, ҳар бир дарсда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам белгиланган мақсадни аниқ кўя билиши, амалга ошириладиган вазифаларни тўғри белгилаб олиши лозим.

Учинчидан, дарс жараёнида билимлар мазмунининг илмийлиги, узлуксизлиги, изчиллиги ва тарбиявий характери, ўқитувчининг нотиқлик санъати асосида баён етиш шаклининг мукаммаллиги, қизиқарлилиги ўқувчиларда таълимий ва тарбиявий томондан ўрганиладиган қадриятларга қизиқишни кучайтиради, уларда тарихий, адабий, миллий ва диний характердаги миллий қадриятлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини ошириш иштиёқи ривожланади.

Тўртинчидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, назарий ва услубий тайёргарлиги, ўз касбига, фанига муносабати, олиб борадиган дарси андозасини ва унинг натижасини олдиндан кўра билиш, ҳар бир дарс самарадорлигини таъминловчи техник ва технологик белгилардан биридир.

Бешинчидан, дарс жараёнида ўқувчилар жамоасига еркин фикр юритиш, ўз фикр-мулоҳазасини еркин баён етишга имконият яратиш, ўқувчилар жамоаси фикрига таяниш, уларнинг фикр-мулоҳазалари, истак-хоҳишларини еътиборга олиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларидан кенг фойдаланиш зарур.

Олтинчидан, ўқувчилар билимига, хулқига бериладиган баҳонинг холисона ва адолатли бўлиши барча таълим ва тарбиявий фаолиятни

тўғри ташкил етилишига ижобий таъсир етувчи омил еканлигини унутмаслик керак.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар онгига мулоқот асосида миллий қадриятлар ва маънавий маданиятни шакллантириш, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро мулоқотини ҳозирги замон педагогик талаблари асосида мукаммал ташкил етилишини таъминлайди.

Fanni o'qitish texnologiyasi:
6-mavzu. O'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi muloqot mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	**Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни**	**Амалга оширувчи шахс, вақт**
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1.Дарс мақсади:** Мулоқот ҳақида тушунча бериш, педагогик мулоқотнинг вазифаларини тушунтириш. Мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш. мулоқотга киришиш кўникмаларини шакллантириш. Педагогик мулоқотни оддий муносабатлардан фарқлашга ўргатиш. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Педагогик мулоқотнинг кишилар орасидаги ўзаро муносабатлардан фарқини ажратади. • Педагогик мулоқот бажарадиган вазифаларни текшириб кўради. • Педагогик мулоқот турларини шарҳлайди. **1.3. Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Мулоқот, педагогик мулоқот, педагогик мулоқот функцияси, педагогик мулоқот тузилиши, моделлаштириш, муносабат стили (услуби), авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб, педагогик мулоқот стили, мулоқот-диалог, педагогик назокат. **1.4. Дарс шакли:** Ҳамкорликдаги, ахборот, визуал-маъруза,гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. **1.2. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул.	**Ўқитувчи**

	1.3. Керакли жиҳоз ва воситалар: Маъруза матни, ўқув қўлланма, компютер технологиялари, слайдлар, проектор, қоғоз, маркер, китоб, доска, бўр.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гурухда ишлаш босқичи:** Талабаларга муаммоли савол беради (43 – бет). ***Мавзуга оид муаммолар:*** • Педагогнинг синф билан ҳамкорлик ўрнатиши унинг қандай мулоқотда бўлишига боғлиқ. Мулоқотнинг қандай услубларини биласиз ва сизнингча енг мақбул услуб деб қайси саналади? Фикрингизни изоҳланг. • Ўқитувчининг мулоқот услубларини аниқланг, бир-бири билан таққосланг. Мулоқотнинг қайси услуби ўқувчилар учун маъқул ҳисобланади. Ўқувчининг шахсий хусусиятлари мулоқотда еътиборга олинадими? Агар еътиборга олинса, қандай қилиб? • Педагогик мулоқотда педагогик тактнинг ўрнини нимада деб санайсиз? Педагогик тактга тўла амал қиладиган ва амал қилмайдиган ўқитувчиларни кузатганмисиз? Уларни солиштириб, таҳлил қилинг ва натижасини баҳолашга ҳаракат қилинг. **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. 1. Педагогик мулоқот- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қулай психологик муҳит яратишга йўналтирилган дарс ва дарсдан ташқари вақтдаги профессионал мулоқотдир. 2. Педагогик мулоқот ижтимоий-психологик жараён сифатида қуйидаги функциялар билан характерланади: шахсни англаб етиш, ахборот алмашинув, фаолиятни ташкил етиш, ролларни алмашинув, ҳамдард бўлишлик, ўз мавқеини англаб етиш. 3. Педагогик назокат бу- ўқитувчининг	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	ўқувчиларга мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиши, моҳирона самарали мулоқот ўрнатиш меъёридир. 4. Раҳбарликнинг асосан учта услуби учрайди: *Авторитар услуб.* *Демократик услуб.* *Либерал услуб.* Буларнинг барчаси педагог учун ҳам хосдир.	
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Педагогик мулоқотнинг асосий вазифаларини таҳлил қилинг. • Педагогик мулоқот турларига ҳаётий мисоллар келтирган ҳолда далиллаб беринг. Фикрингизни ёзма баён етинг. • Мулоқотнинг муносабат кўринишларини аниқланг. • Одамларни мулоқотга киришишга даъват етиш турини айтиб беринг. • Қайси услубда ҳар бир ўқувчининг имкониятлари ва қобилиятлари ҳисобга олинади? • Ҳамкорликда ижодий фаолият юритиш ва дустона муносабат асосидаги мулоқот усулларининг узвий боғлиқлиги ва тафовутларини изоҳлаб беринг. • Масофа сақлаб мулоҳазада бўлиш, қўрқитиш, мазах қилиш орқали мулоқот қилишни қандай баҳолайсиз? Фикрингизни мисоллар билан ёзма баён етинг. • Педагогик назокатнинг моҳияти ва асосий хусусиятларини оғзаки баён етинг. • Назокат инсонлар ҳаётида қандай вазифани бажаради? • Педагогик назокатни қандай тушунасиз? • Назокат ва педагогик назокат тушунчаларини қиёсий таҳлил килинг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (47-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

	тегишли ўзгартиришлар киритади.	

6-mavzu. O'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi muloqot

Асосий саволлар.

1. Педагогик мулоқот ва унинг вазифалари.
2. Ўқитувчининг мулоқот услуби.
3. Ўқитувчининг педагогик назокати.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.

Мулоқот, педагогик мулоқот, педагогик мулоқот функцияси, педагогик мулоқот тузилиши, моделлаштириш, муносабат стили (услуби), авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб, педагогик мулоқот стили, мулоқот-диалог, педагогик назокат.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Педагогнинг синф билан ҳамкорлик ўрнатиши унинг қандай мулоқотда бўлишига боғлиқ. Мулоқотнинг қандай услубларини биласиз ва сизнингча енг мақбул услуб деб қайси саналади? Фикрингизни изоҳланг.
2. Ўқитувчининг мулоқот услубларини аниқланг, бир-бири билан таққосланг. Мулоқотнинг қайси услуби ўқувчилар учун маъқул ҳисобланади? Ўқувчининг шахсий хусусиятлари мулоқотда еътиборга олинадими? Агар еътиборга олинса, қандай қилиб?
3. Педагогик мулоқотда педагогик тактнинг ўрнини нимада деб санайсиз? Педагогик тактга тўла амал қиладиган ва амал қилмайдиган ўқитувчиларни кузатганмисиз? Уларни солиштириб, таҳлил қилинг ва натижасини баҳолашга ҳаракат қилинг.

1-савол бўйича дарснинг мақсади:

Мулоқот ҳақида тушунча бериш, педагогик мулоқотнинг вазифаларини тушунтириш. Мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш. Мулоқотга киришиш кўникмаларини шакллантириш. Педагогик мулоқотни оддий муносабатлардан фарқлашга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Педагогик мулоқотнинг кишилар орасидаги ўзаро муносабатлардан фарқини ажратади.
2. Педагогик мулоқот бажарадиган вазифаларни текшириб кўради.
3. Педагогик мулоқот турларини шархлайди.

1-савол баёни:

Мулоқот-педагогик фаолиятнинг муҳим касбий қуролидир. Педагогик мулоқот- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қулай психологик муҳит

яратишга йўналтирилган дарс ва дарсдан ташқари вақтдаги профессионал мулоқотдир.

Нотўғри педагогик мулоқот – қўрқинч туғилишига диққатни, хотирани, ишчанликни пасайишига, нутқни ривожлантиришни бузилишига, натижада стериотип (бир хил) фикрлашга, мустақил фикрлашнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Оқибат натижада ўқитувчига, кейин еса предметларга нисбатан салбий муносабатларни қарор топтишига сабаб бўлади.

Педагогик мулоқот функциялари.

Педагогик мулоқот ижтимоий-психологик жараён сифатида қуйидаги функциялар билан характерланади:

Шахсни англаб етиш, ахборот алмашинуви, фаолиятни ташкил етиш, ролларни алмашинуви, ҳамдард бўлишлик, ўз мавқеини англаб етиш.

Мулоқотнинг ахборот функцияси, маънавий фикрлар ва материалларни алмашишни таъминлаган ҳолда, биргаликда изланишга, ўйлашга, ўқув-тарбия жараёнининг ижобий мотивларини яратишга шароит очиб беради.

Шахс фаолияти шароитни яратган ҳолда, шахс томонидан бажариладиган ролли мулоқот, ундаги у ёки бу ижтимоий хулқ-атвор ўрнини белгилайди. Ижтимоий ролларни алмашинуви шахснинг кўп қиррали намоён бўлишини, «ниқобни ташлаш», кишини киши томонидан идрок қилиш жараёнига ёрдам берган ҳолда, бошқанинг ролига кириш имкониятини таъминлайди.

Педагогик мулоқотнинг тузилиши.

Профессионал педагогик жараён тузилишига қуйидагилар киради:

1. Синф билан бўладиган мулоқотни олдиндан моделлаштириш (андозасини олдиндан тайёрлаш).
2. Бошланғич мулоқот пайтидаёк бевосита мулоқотни ташкил етиш.
3. Педагогик жараён пайтида мулоқотни бошқариш.

Назорат саволлари:

1. Мулоқот, мулоқот маҳорати, мулоқот маданияти, педагогик мулоқот тушунчаларининг моҳиятини сўзлаб беринг.
2. Педагогик мулоқот:

А.Ўқитувчининг дарс ўтиш усули.

Б. Тарбия бериш воситаси.

В. Ўқитувчининг ўқувчи билан муомала қилишида ёқимли психологик иклим яратиши.

Г. Таълим-тарбиянинг самарали бўлишини таъминлайдиган шароит ҳосил қилиш.

Д. Ўқитувчилар учун педагогик фаолият самарадорлигини ошириш йўли.

3. Педагогик мулоқотнинг асосий вазифаларини таҳлил қилинг.

4. Педагогик мулоқот турларига ҳаётий мисоллар келтирган ҳолда далиллаб беринг. Фикрингизни ёзма баён етинг.





2-савол бўйича дарснинг мақсади:

Талабаларга мулоқотга киришиш ҳақида маълумот берилади. Мулоқот турлари изоҳланади. Педагогик мулоқотнинг самарали йўллари таҳлил қилинади. Ўзгалар билан мулоқотга киришганда, енг таъсирчан йўллардан фойдаланишга ўргатилади. «Педагог-талаба» муносабатларидаги мулоқот турларини баҳолашга одатлантирилади.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Мулоқотнинг муносабат ва ўзаро таъсир кўрсатиш турларининг фарқини ажратади.

2. Педагогик мулоқотнинг авторитар, демократик ва либерал услубларини таққослайди.

3. Педагогик мулоқот услубларини қўллайди.

2-савол баёни:

Мулоқот ўз навбатида икки хил томонга ега: муносабат ва ўзаро таъсир. Бу худди айсбергнинг сув ости ва сув усти қисмларига ўхшайди. Бунда кўринадиган томони- нутқ ва нутқсиз хатти-ҳаракатлар, кўринмайдиган ички томони – еҳиёжлар, мотивлар, қизиқишлар, ҳиссиёт ва ҳ.к.

Текширишлар шуни кўрсатадики, педагогнинг болаларга доимо ижобий муносабати ўқув ишидаги ва хулқ-атвордаги камчиликларга ишни билган ҳолда ёндошиш, хотиржам ва текис оҳангда ўқувчиларга мурожаат қилиш, ўқувчиларни еркин, хушмуомала, ишонувчан бўлишига олиб келади. Ўқувчиларга салбий муносабатда бўлиш («синфларинг жонимга тегди»), ўқитувчининг тутуруқсиз позицияси (кайфиятига қараб ўзгариши)унга бўлган ишончсизлик ва одамовилик,лаганбардорлик каби хусусиятларни келтириб чиқаради.

Психологияда жамоа аъзолари билан мулоқотда бўлиш техникасини таҳлил қилган ҳолда ҳар хил раҳбарлик қилиш турлари ишлаб чиқилган. Ўқитувчи ҳам ўз таъсирини амалга оширувчи раҳбар ҳисобланади. Раҳбарликнинг асосан учта услуби учрайди.

Авторитар услуб.

Ўқитувчи бир ўзи гуруҳ фаолияти йўналишини аниқлайди, ким-ким билан ўтириш, ишлаш кераклигини кўрсатади, ўқувчилар томонидан бўладиган ҳар қандай ташаббускорлик бўғилади, ўқувчилар ҳар хил гумонлар дунёсида яшайди.

Демократик услуб.

Демократик услуб жамоатчилик фикрларига таянган ҳолда иш юритишда кўринади. Ўқитувчи фаолият мақсадларини ҳар бир ўқувчи онгига етказишга ҳаракат қилади.

Либерал услуб.

Бу услуб-тартибсизлиқ, бошбошдоқлик ва бепарволикдан иборат.

Ўқитувчи жамоа ҳаётига аралашмасликка ҳаракат қилади. Фаоллик кўрсатмайди. Саволлар номига кўриб чиқилади. Бу ерда обру ҳақида сўз бўлиши мумкин емас.

Педагогик мулоқот услуби.

Муносабат услуби ва болаларга раҳбарлик қилиш жараёнидаги ўзаро таъсир характери биргаликда педагогик мулоқот услубини ташкил етади.

Булар қуйидагилар:

- Биргаликдаги ижодий фаолиятга, қизиқишга асосланган мулоқот.
- Дустона муносабатга асосланган мулоқот.
- Мулоқот-масофа.
- Мулоқот-чўчиш.
- Мулоқот-ҳазил.

O’QITUVCHI HAM O’Z TA’SIRINI AMALGA OSHIRUVCHI RAHBAR HISOBLANADI. RAHBAR-LIKNING ASOSAN UCHTA USLUBI UCHRAYDI

Avtoritar uslub.

O’qituvchi bir o’zi guruh faoliyati yo’nalishini aniqlaydi, kim-kim bilan o’tirish, ishlash kerakligini ko’rsatadi, o’quvchilar tomonidan bo’ladigan har qanday tashabbuskorlik bo’g’iladi, o’quvchilar har xil gumonlar dunyosida yashaydi.

Demokratik uslub.

Demokratik uslub jamoatchilik fikrlariga tayangan holda ish yuritishda ko’rinadi. O’qituvchi faoliyat maqsadlarini har bir o’quvchi ongiga etkazishga harakat qiladi.

Liberal uslub.

Bu uslub-tartibsizlik, boshboshdoqlik va beparvolikdan iborat. O’qituvchi jamoa hayotiga aralashmaslikka harakat qiladi.

Pedagofik muloqot uslubi.

- Birgalikdagi faoliyatga, qiziqishga asoslangan muloqot.
- Do’stona munosabatga asoslangan muloqot.
- Muloqot-masofa.
- Muloqot-cho’chish.
- Muloqot-hazil.

Назорат саволлари:

1. Мулоқотнинг муносабат кўринишларини аниқланг.
2. Одамларни мулоқотга киришишга даъват етиш турини айтиб беринг.
3. Қайси услубда ҳар бир ўқувчининг имкониятлари ва қобилиятлари ҳисобга олинади?
4. Ҳамкорликда ижодий фаолият юритиш ва дустона муносабат асосидаги мулоқот усулларининг узвий боғлиқлиги ва тафовутларини изоҳлаб беринг.
5. Масофа сақлаб мулоҳазада бўлиш, қўрқитиш, мазах қилиш орқали мулоқот қилишни қандай баҳолайсиз? Фикрингизни мисоллар билан ёзма баён етинг.

3-савол бўйича дарснинг мақсади:

Талабаларга педагогик назокат ҳақидаги назарий билимларни тушунтириш, ўқитувчилар фаолиятидаги назокат кўринишларини қадрлашга одатлантириш.

Талабаларни назокатли бўлишга йўналтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Назокат тушунчасининг моҳиятини айтиб беради.
2. Педагогик назокатнинг оддий назокатлиликдан фарқини аниқлайди.
3. Педагогик назокатни егаллашнинг шартларини тавсифлайди.

3-савол баёни:

«Такт» сўзининг луғавий маъноси «тегиш нуқтаси», деган маънони билдиради. Бу ахлоқий тушунча бўлиб, одамлар орасида ўзаро муносабатларни йўлга қўйишга ёрдам беради. Педагогик назокат (такт) умумий назокат тушунчасидан фарқ қилган ҳолда, фақатгина ўқитувчининг шахсий хусусиятларини кўрсатиб қолмасдан, (ҳурмат, болаларни севиш, хушмуомалалик) ўқувчига тўғри ёндошиш йўлини танлашда, яъни бу тарбияланувчи болаларга амалий таъсир кўрсатадиган воситадир.

Демак,педагогик назокат бу- ўқитувчининг ўқувчиларга мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиши, моҳирона, самарали мулоқот ўрнатиш меъёридир. Педагогик назокат ўқувчилар билан мулоқотда ҳаддан ошиб кетишга (чегарадан чиқиб кетишга) йўл қўймайди. Тарбиявий воситалардан фойдаланишда албатта меъёр қоидасига риоя қилиш керак

бўлади.Худди тиббиётда дорини рецепт бўйича тегишли микдорда қабул қилиш кераклиги каби, ўқитувчи сўзи ҳам меъёрида бўлиши керак. Меъёридан ортиқчалик тескари натижаларга олиб келади. Ҳаддан ташқари талабчанлик- қулоқ солмасликка, кўнгилчанлик – қўполликка олиб келиши мумкин.

Дарс жараёнида педагогик такт.

Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги келишмовчиликларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бўларнинг асосий сабабларидан бири – уларни ташқи кўринишига, ақлига, қобилиятларига қўпол ҳолда танбеҳ беришда кўринади.

Педагогик фаолиятда қуйдагиларга амал қилинса маъқул бўлади:

1. Ўқувчиларга самарали таъсир кўрсатиш учун ўқитувчи ўз шахсини тўғри баҳолай олиши керак.
2. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатлар, ўзаро ҳурмат, ўқувчи ва педагог алоқасини мустаҳкамлаш асосида қурилмоғи керак.
3. Педагогга ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун шароит яратиш ҳам керак бўлади, яъни ўқувчи шахсининг кучли томонларини, қизиқишларини, ишбилармонлиги, билимдонлиги, дунёқараши кенглиги ва ҳ.к ларни бурттирмасдан кўрсата билиш керак.
4. Болалардаги озгина ютуқ, олдинга силжишни пайқаган ҳолда мақташ керак бўлади. Бир ўқувчини мақтаган ҳолда, тенбеҳ бериладиган бўлса алоҳида айтиш лозим.
5. Иш жараёнида кўзда тутилган силжиш амалга ошмаётган тақдирда ҳам ўқувчилардан шикоят қилавермаслик керак.
6. Ўқувчилар билан бўлган мулоқотда шуни есда тутмоқ лозимки, ҳамкасабларининг обруйини қадрлаш керак бўлади.

Назорат саволлари:

1. Педагогик назокатнинг моҳияти ва асосий хусусиятларини оғзаки баён етинг.
2. Назокат инсонлар ҳаётида қандай вазифани бажаради?
3. Педагогик назокатни қандай тушунасиз?

7. Назокат ва педагогик назокат тушунчаларини қиёсий таҳлил қилинг.

«Takt» so’zining lug’aviy ma’nosi «tegish nuqtasi», degan ma’noni bildiradi. Bu axloqiy tushuncha bo’lib, odamlar orasida o’zaro munosabatlarni yo’lga qo’yishga yordam beradi. Pedagogik nazokat (takt) umumiy nazokat tushunchasidan farq qilgan holda, faqatgina o’qituvchining shaxsiy xususiyatlarini ko’rsatib qolmasdan, (hurmat, bolalarni sevish, xushmuomalalik) o’quvchiga to’g’ri

Demak,pedagogik nazokat bu- o’qituvchining o’quvchilarga maqsadga muvofiq ta’sir ko’rsatishi, mohirona, samarali muloqot o’rnatish me’yoridir. Pedagogik nazokat o’quvchilar bilan muloqotda haddan oshib ketishga (chegaradan chiqib ketishga) yo’l qo’ymaydi. Tarbiyaviy vositalardan foydalanishda albatta me’yor qoidasiga rioya qilish kerak bo’ladi.Xuddi tibbiyotda dorini

Pedagogik faoliyatda quydagilarga amal qilinsa ma’qul bo’ladi:

1. O’quvchilarga samarali ta’sir ko’rsatish uchun o’qituvchi o’z shaxsini to’g’ri baholay olishi kerak.
2. O’qituvchi va o’quvchi orasidagi munosabatlar, o’zaro hurmat, o’quvchi va pedagog aloqasini mustahkamlash asosida qurilmog’i kerak.
3. Pedagogga o’z mavqeini mustahkamlash uchun sharoit yaratish ham kerak bo’ladi, ya’ni o’quvchi shaxsining kuchli tomonlarini, qiziqishlarini, ishbilarmonligi, bilimdonligi, dunyoqarashi kengligi va h.k larni burttirmasdan ko’rsata bilish kerak.
4. Bolalardagi ozgina yutuq, oldinga siljishni payqagan holda maqtash kerak bo’ladi. Bir o’quvchini maqtagan holda, tenbeh beriladigan bo’lsa alohida aytish lozim.
5. Ish jarayonida ko’zda tutilgan siljish amalga oshmayotgan taqdirda ham o’quvchilardan shikoyat qilavermaslik kerak.
6. O’quvchilar bilan bo’lgan muloqotda shuni esda tutmoq lozimki, hamkasablarining obruyini qadrlash kerak bo’ladi.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Ўқитувчи фаолиятида педагогик мулоқотнинг ўрнини илмий асослаш.
2. Педагогик назокатни шакллантириш йўлларини ишлаб чиқиш.
3. Турли услубларда мулоқот ўрнатиш кўникмаларини ривожлантириш юзасидан тавсиялар яратиш.

Мустақил иш топшириқлари:

2. Педагогик мулоқатнинг аҳамиятини изоҳланг.
3. Ўқитувчи мулоқат услубларини таърифланг.
4. Ўзингиз билган бирор ўқитувчининг мулоқат маҳоратини таҳлил қилиб чиқинг.
5. Ўз фаолиятингизда мулоқатга қанчалик еътибор беришингизни текширинг.
6. Ўз мулоқат маҳоратингизни шакллантириш юзасидан амалларни бажариб кўринг.
7. Педагогик назокатнинг моҳиятини таҳлил қилинг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Педагогик мулоқот- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қулай психологик муҳит яратишга йўналтирилган дарс ва дарсдан ташқари вақтдаги профессионал мулоқотдир.
2. Педагогик мулоқот ижтимоий-психологик жараён сифатида қуйидаги функциялар билан характерланади: шахсни англаб етиш, ахборот алмашинув, фаолиятни ташкил етиш, ролларни алмашинув, ҳамдард бўлишлик, уз мавқеини англаб етиш.
3. Педагогик назокат бу- ўқитувчининг ўқувчиларга мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиши, моҳирона самарали мулоқот ўрнатиш меъёридир.
4. Раҳбарликнинг асосан учта услуби учрайди:

   Авторитар услуб.

   Демократик услуб.

   Либерал услуб.

   Буларнинг барчаси педагог учун ҳам хосдир.

   Адабиётлар рўйхати:

   Асосий адабиётлар:

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ Т., 1996. 22 б.
2. Основў педагогического мастерства. М., 1989. 27-32 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ғозиев. Е. Педагогик психология асослари. Т., 1997. 36 б.
1. Чориев Р. Педагогик маҳорат –таълим тарбия сифати кафолати. Халқ таълими. 1-сон. 2004 йил

Fanni o'qitish tehnologiyasi
7-mavzu: Pedagogik nazokat va odob-axloq mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1. Дарс мақсади:** Ишонтириш шахсга таъсир етишнинг асосий йўли сифатида еканлигини талабаларга тушунтиради. Уларга педагогик таъсир етишнинг моҳиятини тушуниб етишларига ёрдам беради ва қизиқиш уйғотади. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Ишонтириш - педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли сифатида еканлигининг моҳиятини тушунтиради. • Ишонтиришга қўйиладиган талабларни изоҳлаб беради. • Ишонтириш - педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли еканлигини далиллаб беради. **1.3. Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Ишонтириш, таъсирчанлик, педагогик таъсир кўрсатиш, мантиқий асослаш, таъсирланиш, еътиқод, чин еътиқод, ёлғон еътиқод. **1.4. Дарс шакли:** гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Маъруза матни, ўқув қўлланма, компютер технологиялари, слайдлар, проектор, қоғоз, маркер, китоб, доска, бўр.	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**

3	**Гурухда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради (52 бет) . **Мавзуга оид муаммолар:** • Ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишнинг ҳар хил усуллари, шакллари ва воситалари мавжуд. Аудиторияга педагогик таъсир ета олиш учун педагогда нималар мужассам бўлиши лозим? Асосийлари ва ёрдамчиларини ажратиб кўрсатинг. • Ишонтиришнинг турларини таҳлил қилинг. қайси бири сиз учун мос келади деб ҳисоблайсиз? Сиз ўқувчиларингизга қайси турдан фойдаланиб таъсир етган бўлар едингиз? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Ижтимоий-психологик назарияни ўрганиб чиқиш ва педагогик мулоқот тажрибасига асосланган педагогик таъсир кўрсатишнинг икки йўли қабул қилинган: • Ишонтириш. • Педагогик таъсирчанлик. • Ишонтириш негизида билимлар тизими, дунёқараш, кўникма ва малакалар ётади. • Педагогик жараёнда таъсирчанлик ўқитувчи учун енг зарур сифатлардан биридир. Педагогик таъсирчанлик ўқувчи шахсига мос муносабатда бўлиш орқали йўлга қўйилади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўлларини аниқланг. • Ишонтиришнинг турларини айтинг. • Ҳақикий ва ёлғон ишонтиришни ёзма равишда изоҳланг ва моҳиятини тушунтиринг. • Асослаш мантиқининг моҳиятини очиб беринг. • Ишонтириш – педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли сифатида еканлигини ўз тажрибангиз орқали кўрсатиб беринг. • Дарсга тайёргарлик кўрганингизда ўйлаб чиқинг: қайси жойларда боланинг ақлига, қачон ҳиссиётига	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**

	таъсир етасиз? • Пантомимикани кузатинг, таъсирчанлик даражасини аниқланг. • Дам олиш даврида узингизга ёққан иш билан шуғулланинг, унинг ишонч-еътиқодингизга таъсирини аниқланг.. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (53-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

7-mavzu: PEDAGOGIK NAZOKAT VA ODOB-AXLOQ

Асосий саволлар

1. **Педагогик назокат ҳақида тушунча**
2. **Педагогик назокатнинг моҳияти ва хусусиятлари**
3. **Ўқитувчи назокатида дилкашлик ва педагогик такт**

Ўқитувчининг ўқувчилар муҳитига узвий равишда қўшилиб кета олиши ниҳоятда қийин жараён. Лекин унинг педагогик фаолияти бевосита ўқувчилар орасида олиб борилади. Ўзаро муносабатларни ишонч ва дўстлик туйғулари билан мустаҳкамлаб бориш ўқитувчидан жиддий психологик тайёргарликни талаб қилади. Бунинг учун ўқитувчи аввало, турли характердаги ўқувчилардан иборат бўлган, синф жамоасида тез-тез ўзгариб турадиган педагогик вазиятларга дарҳол ўз муносабатини билдириши ва унга одилона баҳо бериши керак. У ўқувчилар ҳатти-ҳаракатини тўғри идрок етиши, вазиятларни олдиндан кўра билиши, тарбиявий методларни ўз ўрнида қўллаши, ўқувчилар билан муомалада босиқлик, сабр, миллий анъана ва турмуш тарзимиздан келиб чиққан мурувват ва ҳиммат, одамийлик ва меҳр-оқибат туйғуларини кўрсата олиши шарт. Бу вазифалар ўқитувчининг зиммасига юкланадиган ва у риоя қилиши лозим бўлган **педагогик назокат** деб аталмиш фаолиятнинг зарур шартидир.

Педагогик назокат – ўқитувчи ахлоқий-маънавий қиёфасини намоён етувчи меъёр туйғуси ёки хулқ ва одоб қоидаларига риоя қилиши демакдир. Педагогик назокат ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро муносабатини ташкил қилиш воситаси. Психологик тил билан айтилганда, назокат инсоннинг бир қолипдаги барқарор тасаввурларида мужассамлашган шахсий инсоний ҳислатларининг йиғиндисидир.

Педагогик назокат меъёрлари ўқитувчидан аввало комил инсонга хос ҳислатларга ега бўлишни талаб қилади. Зеро, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мақсадларидан бири комил инсон тарбияси бўлиб, у давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб еълон қилинган. Онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш ўқитувчи зиммасида. Шундай екан, ҳозирги демократик жамият ўқитувчисининг ўзи аввало комил инсон бўлиши, мукаммал билимлар соҳиби, етук инсоний фазилатлар егаси бўлиши зарур. Ўқитувчи хулқ-атворида педагогик назокат маълум бир муддатда шаклланиб тугайдиган жараён емас, унинг омиллари ҳам жамият тараққиёти натижасида узлуксиз сайқалланиб боради:

- педагогик назокат ўқитувчининг бутун педагогик фаолиятида сайқалланиб, такомиллашиб борувчи жараён;
- педагогик назокат одатда тугалланган шаклга ега бўлмай, инсоний фазилатлар евазига узлуксиз бойиб боради;
- ўқитувчи педагогик назокатнинг таркибий қисмларини ижтимоий муҳитга ва одамларнинг яшаш тарзига, урф-одатига қараб ўзгартириши мумкин;
- ўқитувчи педагогик назокатнинг нозик қирраларини чуқур егаллашга доимо интилиши талаб етилади;
- педагогик назокатни ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан ўзаро муносабатда ўзи учун енг қулай шаклга келтириб, маълум бир мувозанатда сақлаши лозим.

Ўқитувчи педагогик назокатга таълим ва тарбия жараёнидаги ҳар бир вазиятга адолатли баҳо бериши билан, ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатини тўғри идрок етиши, сабот, ўзини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирлик, виждон, орият каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши билан еришади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи, педагогик фаолиятда ўз касбини сидқидилдан севиши, ҳалоллиги, ростгўйлиги, ахлоқий поклиги, одамийлиги, камтарлиги педагогик назокатнинг зарур талабидир. Ўз касбини севган ўқитувчигина бутун куч ғайратини, қалб нури ва дил ҳароратини шу ишга бағишлайди ва ўз фаолиятида яхши натижаларга еришади. Болаларни севиш, уларга меҳр-муҳаббатли бўлиш ўқитувчи ахлоқий қиёфасида муҳим аҳамиятга ега. Ўқитувчининг меҳрибонлигида талабчанлик ва қаттиққўллик ҳислатлари мужассамлашган бўлиши керак.

Ўқитувчи деярли ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, савол-жавоб қилади, уларнинг яхши хулқ ва езгу ишларини маъқуллайди, билимларини баҳолайди, ножўя ҳатти-ҳаракатлари учун танбеҳ бериб, лозим бўлганда тарбиявий методларни қўллайди.

Педагогик назокат доимий изланишни, ижодкорликни талаб қилади. Доимий ижодий изланишда бўлган ўқитувчи тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ега бўлади, илм-фан муаммолари, тарбия етикаси ва

психологияси юзасидан еркин фикр юрита олади. Хуллас, бўлажак ўқитувчи педагогик одоб ва ахлоқ қоидаларини ўзининг дунёқараши ва ахлоқий тажрибаси билан бойитиб бориши зарур.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг катталар билан мулоқотга киришиш тизимига маълум даражада кириб бориб, уларнинг ички қоидаларини ўрганишга ҳаракат қилиши керак. Бу нарса ўқувчилар билан суҳбатлашиш орқали, феъл-атворини ўрганиш, тенгдошлари ва катталар билан муносабатларини кузатиш, улар ҳаётидаги турли воқеалар ва муаммоларни биргаликда таҳлил қилиш, улар муҳитида рўй бераётган ҳодисаларга нисбатан фикр-мулоҳазаларини билиш асосида амалга ошади. Бунда у ўқувчилар жамоасида рўй бериб турадиган, ташқи томондан кузатганда асло билиб бўлмайдиган яширин ҳодисалар ва воқеаларни ўрганиш имкониятига ега бўлади. Натижада ўқитувчи таълим-тарбиявий жараёнда ўз олдида турган вазифаларни ҳал етишда ўқувчиларнинг ўзларини ҳам жалб қила олади.

Ижобий натижаларга еришиш учун, ўқитувчи ўқувчиларнинг **ишончини** қозона олиши шарт. Ёш ўқувчи “дўст”лар ишончини қозониш ёки ишончига кириш учун педагогик назокат имкониятларини ўз ўрнида қўллай олиши лозим. Ўзаро ишонч муносабатлари ўрнатилгач, ўқувчилар оғир дамларда ўқитувчидан ёрдам сўраб мурожаат қиладилар, ўз мулоҳазаларини у билан баҳам кўрадилар. Ўзаро ишонч норасмий муносабатларда ҳам ўқитувчига ўқувчиларнинг баъзан англаб бўлмайдиган ички дунёсини кўриш имкониятини беради. Ўқувчилар билан муносабатларда педагогик назокатни қўллаш натижасида:

- ўқитувчи ўқувчиларнинг характерини, ички дунёсини яхши билиб олади, шундагина ўқувчилар билан муносабатда хушмуомалали бўлиш имкониятлари пайдо бўлади;
- ўқитувчи ўқувчилар билан чин кўнгилдан бир-бирига яқин бўлади, баъзи дақиқаларда ешитмаслиги керак бўлган уларнинг гапларини ешитмасдан ўтиб кетиши мумкин, негаки ўзгаларнинг унга қаратилмаган гапини тинглаш одобсизликдир;
- ўқитувчи баъзан ўқувчилар жамоасининг кундалик ишларига аралашмаслиги, жамоада рўй берадиган баъзи кўнгилсиз ҳодисаларни ижобий ҳал етишни улар зиммасига ҳавола етиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган кичик ихтилофларига, келишмовчиликларга барҳам беради.

Ҳар қандай мутахассис одоб ва ахлоқ намуналарига ега бўлиши табиий, лекин педагогик назокат ва одоблилик мутлақо ўзгача ҳаракатни ва муомалани талаб қиладиган маҳоратдир. Чунки бу ҳислатлар фақатгина педагогик қобилият ва истеъдодга ега бўлган ўқитувчида йиллар давомида шаклланади.

2. Педагогик назокатнинг моҳияти ва хусусиятлари

Ўқитувчининг педагогик назокати моҳиятида аввало етнопедагогик туйғулар, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, ўзбекона тавозе ва муомала маданияти, ўқувчилар жамоасига сингиб кета оладиган ҳар қандай ижтимоий муҳитга мослашувчи индивидуал қобилиятлар, касбий билим, кўникма ва малакалар мужассамлашган бўлади.

Ҳозирги кунда информацион жараённинг жадал ривожланиши ўқувчи руҳиятига кескин таъсир қилади. Уларнинг психологик хусусиятларини, руҳий ҳолатини бир маромда ушлаб туриш учун ўқитувчидан кучли ирода, муомала маданияти бўлиш ва босиқлик, педагогик маҳоратнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш талаб қилинади. Ёш авлод тарбиясида ўқитувчи енг қийин вазиятларда ҳам педагогик маҳоратнинг қуйидаги ҳолатларига риоя қилиши ва унга ўзини мослаштириши лозим:

- емоционал ҳис-туйғулар ва кечинмаларда, стресс ва аффект ҳолатларида ўзини бошқара олиш қоидаларига риоя қилиш;
- ўзининг хулқ-атвор хусусиятларини доимий бир мувозанатда сақлаган ҳолда қўллаш;
- бачкана қилиқлар, ортиқча ҳатти-ҳаракатлар, педагогик етикага тўғри келмайдиган бемаъни сўзлардан ўзини қатъий тийиш;
- ўқитувчига хос нотиқлик санъати сирларини пухта егаллаш, ўқувчи шахсига оғир таъсир етадиган, унинг руҳиятини жароҳатлайдиган ибораларни ишлатмаслик, муомалада, жазо методларидан фойдаланишда қўпол ва дағал сўзлар қўлламаслик;
- дарс жараёнида ҳиссий, ақлий билим беришда белгиланган муайян психологик ва физиологик меъёрларга асосланиш, манманликка йўл қўймаслик, ўз ҳолатидан бошқа ҳолатга ўтишдан сақланиш;
- ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчилар билан, ота-оналар ҳамда нотаниш кишилар билан муносабатда коммуникатив қобилиятнинг расмий ва қатъий муомала ҳамда ишбилармонлик услубларига асосланиш.

Педагогик назокатни егаллаш тартиби. Педагогик назокат педагогик маҳорат билан бирга йиллар давомида устозлар тажрибасини ўрганган ҳолда ва ўз ҳаётий ҳамда касбий фаолияти тажрибаларидан келиб чиқиб шакллантирилиб борилади. Ўқитувчининг маънавий етуклик даражаси, назокат сирларини ўрганишда ўқувчилар билан мулоқот қилиш кўникма ва малакаларини егаллаши, махсус психологик билимларга ега бўлишида, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши натижасида еришилади. Аввало бу билимлар ўқувчилар психологиясини (ва болаларнинг индивидуал характерини) билиш билан боғлиқ.

Ахлоқ асосларини билиш, ҳатти-ҳаракатларда ахлоқий маънони касб еттириш ҳам катта аҳамиятга ега. Шу билан бирга ўқувчи руҳиятига ижобий-тарбиявий таъсир етиш йўлларини билиш ўқитувчиларнинг кундалик фаолиятига айланиши лозим:

- ўқувчиларни чин кўнгилдан севиш, ўз муҳаббатини ўзаро муносабатда кўрсата олиш;

- ўқувчилар хулқи ва руҳиятидаги яширин ички туйғуларни англашга ҳаракат қилиш, кўриш ва кузатиш;

- синф жамоасидаги ҳар қандай шароит ва муҳитга мослашиш;

- синф жамоаси билан ўзаро ҳамкорликни, таълим-тарбиявий мақсадга мувофиқ йўлини танлаш;

- ўқувчилар билан норасмий суҳбатларда ўз ички ҳиссиётини сездирмаслик, аксинча улар ишончини қозониш.

Педагогик назокатнинг асосий хусусияти шундан иборатки, ўқитувчига мулоқотни ижобий ҳиссиётлар асосида қуришга, болалар билан психологик ҳамкорликка киришиш услубларини сақлашга ёрдам беради. Педагогик назокат хусусиятлари ҳозирги кунда қуйидаги вазиятларда муваффақият пойдевори ҳисобланади:

- ўқитувчи педагогик назокат талабларига амал қилиб, ўзида мулоқотнинг еркин демократик асосини шакллантиради;
- синф жамоасида онгли интизомни вужудга келтиради; ўқувчилар билан ҳақиқий мулоқот маданиятига еришади;
- ўқитувчи синфда якка (авторитар) ҳукмронликдан, еркин мулоқотга ўтиб, демократик принциплар асосида педагогик фаолиятга киришиш шаклини қўллайди;
- ўқувчиларни онгли равишда тартиб-интизомга мулоқот асосида ўргатади.

Педагогик назокат асосида ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотда қарама-қаршиликка йўл қўймаслиги ўзаро муносабатни тўғри ташкил етишга ёрдам беради. Маълумки, ўқитувчининг фикр-мулоҳазаларида нисбийлик ва субъективлик аломатлари ҳам мавжуд. У ҳаммага бирдек, тўғри муносабатда бўла олмаслиги табиий ҳолдир, лекин у моҳиятан барча ўқувчиларга ҳолис ниятли, яхшилик қилишга интилувчи, адолатли киши еканлигига ишонч уйғотиши керак. Бу ҳолат педагогик назокатнинг муҳим хусусиятидир.

3. Ўқитувчи назокатида дилкашлик ва педагогик такт

Педагогикада ахлоқ ва одобнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлмиш дилкашлик инсоннинг атрофдаги одамлар билан барқарор, яқин муносабатда бўлишга интилиши деб таърифланади. Бу интилиш ўқитувчининг ўқувчилар ва атрофидаги кишилар билан тез алоқа ўрната олиши ва белгиланган мақсадга еришишини таъминлайди. Албатта бу жараён бирданига содир бўлмайди, айниқса ёш ўқитувчилардан психологик билим, кишилар билан мулоқотда хушмуомалалик, еҳтиёткорлик талаб қилинади. Психологлар ўқитувчининг дилкашлик хусусияти икки тоифадаги одамлар характерида мужассамлашган деб таъкидлайдилар:

Биринчиси, ***екстраверт*** шахслар: Улар барча ишларда фаол, жиддий ва вазмин, особишталикка ва ташқи таъсирчанликка мойил кишилардир.

Иккинчиси, ***интроверт*** шахслар: Улар фақат ўз ички оламига берилувчан, атрофидаги одамларга аралашмайдиган, ўз-ўзини назорат қилишга, доимо ички хавотирга мойил кишилардир.

Педагог олимлар ўқитувчининг дилкашлиги екстраверт ёки интроверт хусусиятларга ега бўлган шахслар характерининг бирлашувида пайдо бўлишини таъкидлайдилар. Бироқ, кўпинча педагогикада екстраверт типдаги шахслар дилкаш инсонлар сифатида еътироф етилганлар. Ўқитувчида ушбу ҳислатларнинг мавжудлиги, унинг педагогик назокат қоидаларига риоя қилиб дилкашлик хусусиятларини ривожлантириши педагогик маҳорат сирларини такомиллаштириш замини ва шартидир.

Дилкашлик муносабатини доимий равишда ўз касбий фаолиятида мужассамлаштирган ўқитувчи қуйидагиларни унутмаслиги керак:

- синф жамоасига нисбатан бир қолипдаги фикрларнинг муайян тизимига ега бўлиши;
- ўқувчилар билан доимо еркин мулоқот қила олиши, ҳар бир ўқувчига индивидуал шахс сифатида ёндашиши;
- бирорта ҳам ўқувчисининг ёмон бўлишига, уларнинг ҳурмат еътиборини қозонмаслиги мумкин емаслигига ишонч ҳосил қилиши;
- бирор ўқувчига нисбатан ишончсизлик, салбий муносабат синф жамоаси билан ўзаро яхши муносабатни йўлга қўйилишига ҳалақит қилишини билиши;
- ўқувчилар билан мулоқотда ҳаддан ташқари масофани (субординация) сақлаш мумкин емаслиги;
- синф жамоасида содир бўладиган кулгили вазиятларда ўқитувчининг ўта жиддий ва қатъий бўлиши жамоадаги қалтис аҳволни мураккаблаштириб юборишини унутмаслиги;
- ҳар бир ўқувчига бериладиган холисона ва адолатли баҳо (ижобий ёки салбий) ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатни мустаҳкамлайдиган кўприк еканлигини унутмаслик.

Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида дилкашлик фазилати ўқувчилар жамоаси билан қизғин, муваффақиятли мулоқотга киришиб кетишида намоён бўлади. Аввало, ўқитувчи ўзининг касбий-педагогик дилкашлик фазилати ҳақида ва унинг нима еканлигини ва таркибий қисмлари нималардан иборатлиги тўғрисида аниқ маълумотга ега бўлиши лозим. Аввало ўқитувчи ўзининг касбига хос бўлган шахсий фазилатлари нуқтаи назаридан еътибор бериб, дилкашликнинг қандай жиҳатларини ўзида шакллантириш лозимлигини аниқлаши, ва ўз-ўзида коммуникатив ҳислатларни тарбиялашнинг шахсий режасини тузиши керак.

Педагогик коммуникациянинг ўқитувчи касбий фаолиятидаги аҳамияти шундан иборатки, унда ўқитувчининг юксак коммуникатив маданияти қай даражада еканлиги намоён бўлади. Ўқитувчининг коммуникатив маданияти ўз навбатида турли педагогик вазиятларда пайдо бўладиган оддий инсоний дилкашлик хусусиятига таянади. *Ҳар биримизда, ўз шахсий мулоқотимизнинг ва ўзгаларнинг биз билан олиб борадиган ширин хушмуомалали мулоқотидан кўплаб ажойиб таассуротлар хотирамизда сақланади. Ўзаро муомалада дилкашлик фазилатларини намойиш етадиган кўплаб педагог устозларни биламиз. Улар ҳар қандай вазиятларда кишилар билан бемалол мулоқотга киришиб кета оладилар. Бироқ, мулоқотда бутун суҳбат жараёнини фақат ўзига қаратиб, коммуникациянинг қоқ марказида фаолият кўрсатишни истовчи ўқитувчиларни ҳам бор.* Ҳаётда яна шундай ўқитувчилар учрайдики, улар мулоқотда камгап, суҳбатда истар-истамас иштирок етишади, мутлақо фаол коммуникатив ролни бажаришмайди. Фақат коммуникатив хулқи билан суҳбатдошини қўллаб туради. Баъзан ҳеч ким билан умуман мулоқотга кириша олмайдиган тунд тоифали ўқитувчилар ҳам учрайди. Аммо, педагогик фаолиятда мулоқотдаги хушмуомалалилик нафақат инсоний фазилат сифатида, балки ўқитувчилик касбини танлаган ҳар бир кишининг **касбидаги юксак шахсий фазилати** сифатида намоён бўлади. Хушмуомалалилик, Шарқ мутафаккирлари ижодида юксак одоб намунаси сифатида тасвирланган. Дилкашлик, ўқитувчи учун ажойиб безак ҳисобланади ва муошарат одоби сифатида талқин қилиниб, кишилар онгига сингдирилган.

Хушмуомалалилик ва дилкашлик шахснинг инсоний фазилати сифатида ўқитувчининг ҳам касбий фаолиятидаги юксак фазилатларидан бирига айланиб, ўқитувчининг педагогик мулоқоти унумдорлигини таъминлайди. Педагогика олий ўқув муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёрлашда, хушмуомалалилик ва дилкашликни шакллантириш учун махсус тайёргарликдан ўтишни тақозо етади. Ўқитувчининг дилкашлиги – учта таркибий қисмни бирлаштирувчи жараёндир:

- мулоқотда заруриятнинг мавжудлиги;
- мулоқотдан кейин, мулоқот пайтида, мулоқотгача яхши кайфият;
- коммуникатив кўникма ва малакаларга ега бўлиш.

Ушбу таърифда мулоқотнинг ўқитувчи касбий фаолиятидаги ижодий жиҳатлари кўрсатилган. Бироқ, мулоқот учун зарурият ҳамиша мавжудлиги – умуминсоний хусусият бўлиб, у барча касб егаларига тааллуқлидир.

Ҳозирги кунда таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда еканлиги, ўқувчиларни еркин, мустақил фикр юритишга ва онгли интизомга ўргатиш, интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ўқитувчидан чуқур билимга, касбий малака ва кўникмаларга, юксак ахлоқий фазилатларга ега бўлишни талаб қилади. Шу жиҳатдан

ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатида “Педагогик такт” муҳим педагогик қобилият сифатида еътироф етилади.

Такт сўзи азалдан педагогикада тарбиявий таъсир етиш маъносини билдиради ва ўқувчилар билан ўзаро муносабатни бошқаришга ёрдам берувчи ахлоқий категория сифатида таърифланади. Ўқувчилар билан мулоқот жараёнида рўй берадиган енг оғир вазиятларда ҳам педагогик такт ўқитувчидан мутлақо босиқликни, суҳбатдошига нисбатан ҳурмат ва еҳтиромни талаб қилади.

Педагогик такт – ўқитувчи касбий маҳоратининг асоси бўлиб, ўқувчиларга барча демократик талаблар асосида педагогик таъсир ўтказиш, мулоқотни инсонпарварлик туйғулари асосида ўрнатиш ўлчови, ўқувчиларда мустақил фикр юритишни ҳамда онгли интизомни таркиб топтириш кўникмаларини ҳосил қилиш шаклидир. Педагогикада ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабати уларнинг ёш хусусиятларига қараб белгиланиши ва бу қонуниятга амал қилиниши қатъий талаб етилади. Шундай екан, ўқитувчи таълим–тарбия жараёнида ҳали тўлиқ шаклланмаган, таъсирларга ва руҳий кечинмаларга тез берилувчи, ота–онасининг севимли фарзанди бўлган мурғак қалб егалари билан мулоқот қилаётганлигини асло унутмаслиги керак.

Ўқувчилар билан мулоқотда педагогик тактга зид бўлган қўполлик, адолацизлик, кўрқитиш, ҳақорат, менсимаслик, ноўрин жазолаш усулларини қўллаш ва бошқа улар шахсига салбий таъсир қиладиган турли жаргон сўзлар ишлатиш ўқувчилар қалбини умуман тузалмайдиган даражада жароҳатлаб қўйиши, ёки ўқитувчининг обрўсига путур етказиши мумкин. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги бундай қарама-қаршиликлар кўпинча дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда содир бўлади. Бунда айниқса ёш ўқитувчиларнинг педагогик такт сирларини билмаслиги, тажрибасизлиги панд беради.

Ўқитувчининг тактик маҳорати бирданига шаклланиб қолмайди, у йиллар давомида педагогик фаолиятда, устозлар тажрибасини ўрганишда, дарс жараёнида, синфдан ташқари фаолиятда ва тарбиявий соатларда ўқувчилар билан мулоқотда такомиллашиб боради. Дарс жараёнида педагогик маҳоратнинг асоси бўлмиш педагогик тактга ега бўлиш ўқитувчи учун жуда зарурдир.

Коммуникатив жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш тизими индивидуал, берилган тавсиялар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши керак. Табиийки, мулоқотга оид кўп нарсаларни ҳар қандай ўқитувчи ўзининг шунчаки соғлом тафаккури ва тажрибаси билан ишлаб чиқиши мумкин. Масалан, бошқалар билан мулоқотда табиий ноқулайликни ҳис қиладиган одамлар, бундай мулоқотдан кейин ўз тажрибасини онгли равишда орттириши, психологик тўсиқларни маълум бир мақсадни кўзлаб бартараф етиши лозим. Бунинг учун ёш ўқитувчи турли семинарларда, йиғилишларда, ўқитувчилар даврасида кўпроқ чиқиш қилишга интилиши, ҳамкасблари ва кишилар билан мулоқот қилишнинг ҳар бир имкониятидан фойдаланиши керак. Масалан, бирорта муаммо

ҳақида бир нечта ҳамкасбларингиз билан гаплашиш вазифасини қўйинг. Ёши улуғ, тажрибали ўқитувчиларга ўзингизни қизиқтирган муаммоли саволлар билан мурожаат қилинг, дўкон сотувчисининг харидорлар билан муомаласидаги ҳатти - ҳаракатини шарҳлаб беринг ва ҳоказо. Кўчада йўловчининг саволига жавоб берганингизда, у бундан қониқиш ҳосил қилганини тушунишга ҳаракат қилинг. Ҳар сафар дарсга тайёргарлик кўриб, янги материални тушутиришда нафақат педагогик воситалар ва методларни қандай қўллашни, балки синф жамоаси билан қандай мулоқотга киришиш ҳақидаги фикр хаёлингизни банд қилсин. Ўқувчилар билан мактабдан ташқари таълим ва тарбия жараёнида мулоқот қилиш ҳақида ўйланг. Сизга ажойиб таассурот қолдирган, яхши кайфият бағишлаган мулоқотдаги вазиятларни асло унутманг. Ўқувчилар билан мулоқотдаги баъзи муваффақияцизликларни таҳлил қилишга урининг. Хатоларингизни тан олинг ва кўра билинг, сизга қониқиш бағишлаши учун навбатдаги мулоқотларни қандай ташкил қилишни ўйланг.

Сизга мулоқотда нолойиқ инсон еканлигингизни айтишса, асло руҳий тушкунликка тушманг. Хулқингиз, ҳатти-ҳаракатларингиз, ҳаёт ва иш тажрибангиз билан шахсий хусусиятларингиз бунинг акси еканлигига, мулоқотда дилкашлик ва хушмуомалалилик фазилатлари сизда мавжудлигига ўзингизни ишонтиришга ҳаракат қилинг. Тажрибалар асосида ўз устингизда тинимсиз ишлаш, мулоқотда дилкашликни касбий жиҳатдан аҳамиятли хусусиятларини ривожлантириш, коммуникатив қобилиятларни такомиллаштириш, педагогик касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб етади. Агарда таълим ва тарбиядан кўзланган мақсад шахснинг шахсга ижобий таъсири екан, демак, айнан ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик шароитида ўқитувчи уларнинг маънавий дунёсига кириб бориши керак.

Fanni o'qitish texnologiyasi
8-mavzu: Pedagogik nizolar va ularni bartaraf etish texnologiyasi mavzusudagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	**Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни**	**Амалга оширувчи шахс, вақт**
1	**Тайёрлов босқичи:** **Дарс мақсади:** Ўқув материалининг мазмунини билиш, мавзуга оид илмий билимларни ўзлаштириш ва амалга татбиқ етиш технологиясини ишлаб чиқиш;педагогик низолар ва уларни бартараф етиш асосида шахсий ижобий сифатлар ва фазилатларни	**ўқитувчи**

	шакллантириш; шахснинг ақлий камолотини, ўқув-билув қобилиятини, меҳнатга ва жамоага бўлган соғлом муносабатини такомиллаштириш ҳамда соғлом ҳаёт тарзини намойиш етиш. **1.2. Идентив ўқув мақсадлар.** • Педагогик низолар ва уларнинг турларини айтиб беради. • Низоли ҳолатлар ва уларни юзага келиш сабабларини тушунтиради. • Ўқитувчи – низоли ҳолатлар манбаи сифати еканлигини изоҳлайди. • Ўқитувчи-низоли ҳолатларни бартараф етувчи шахслигини исботлайди. • Таълим-тарбиядаги кризисли вазиятларни таҳлил қилади. • Педагогик низолар ва уларни баратараф етиш технологиясини ишлаб чиқади. **1.3. Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** : педагогик низо, муаммо, муаммоли вазият, муносабат, адолат, технология. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза. **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, кузатиш, баҳс-муноазара, ақлий ҳужум, 6х6х6, дебат. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали қуроллар, маъруза, намойиш етиш, савол-жавоб варақлари, тақдимот материаллари,. фан дастури, дарслик, монитор, видеопройектор ва екран.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** Талабаларга муаммоли савол беради. **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Педагогик низолар ечимида ҳар бир жамоанинг ўзига хос хусусияти ва шарт-шароити ўрганилмоғи мақсадга мувофиқ ҳисобланади. • “Педагогик низо” ва “муаммоли вазият”нинг психологик-педагогик моҳияти илмий асослаб кўрсатилиши талаб етилади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	• Педагогик низо педагогик таҳлил ва педагогик танқиднинг моҳияти билан қиёсланиб ўзининг илмий-амалий ечимини топиши лозим. • “Муаммоли вазиятлар” ва “педагогик низо”лар тизим ҳолига келтирилиб, моделлаштирилиши ва уларни ишлаб чиқилмоғи талаб етилади. • Ўқитувчилар жамоасида инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам, меҳнатни илмий асосда ташкил етилиши, касб бурчи ва масъулиятини дилдан ҳис етиш каби тамойилларга асосланилган соғлом ижодий ва рақобат муҳити шакллангандагина педагогик низоларнинг олди олинган бўлади. • Ўқитувчи маҳоратининг нозик томонларидан бири ота-оналар ва жамоатчиликнинг ёшлар тарбиясига таъсирини кучайтириш ҳисобланади.	
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** • Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • “Низо” ва унинг мазмунини тушунтириб беринг. • “Педагогик низо” тушунчасини асосланг. • “Муаммоли вазият” ва “Педагогик низонинг мазмун-моҳиятидаги фарқ ва ўхшашлик қирраларни тушунтиринг. • Низо турлари ва уларни олдини олиш чора-тадбирларини айтиб беринг. • Педагогик низоларни баратараф етишга қаратилган интерфаол методларни шарҳланг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (103-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

8-MAVZU: PEDAGOGIK NIZOLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH TEXNOLOGIYASI

Асосий саволлар

1. Педагогик низолар ва уларнинг турлари.
2. Низоли ҳолатлар ва уларни юзага келиш сабаблари.
3. Ўқитувчи – низоли ҳолатлар манбаи сифатида.

4. Ўқитувчи-низоли ҳолатларни бартараф этувчи шахс.
5. Таълим-тарбияда кризисли вазиятлар.
6. Педагогик низолар ва уларни баратараф этиш технологияси.

Дарснинг мақсади: Ўқув материалининг мазмунини билиш, мавзуга оид илмий билимларни ўзлаштириш ва амалга татбиқ етиш технологиясини ишлаб чиқиш;педагогик низолар ва уларни бартараф етиш асосида шахсий ижобий сифатлар ва фазилатларни шакллантириш; шахснинг ақлий камолотини, ўқув-билув қобилиятини, меҳнатга ва жамоага бўлган соғлом муносабатини такомиллаштириш ҳамда соғлом ҳаёт тарзини намойиш етиш.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар. : педагогик низо, муаммо, муаммоли вазият, муносабат, адолат, технология.

Бугунги глабаллашув шароитида низолар (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий, маданий ва ҳоказо) ва уларнинг йўналиши дунё миқёсида тобора кенг қамровли характерга ега бўлмоқда. Ривожланиш, фан-техника тараққиёти, екологик, тиббий ва тарбиявий муаммолар низоли ҳолатларни табора кучайтирмоқда. Барча низолар ичида педагогик низолар енг мураккаб ва долзарб муаммо саналади. Унинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари шахс тарбияси ва маданияти билан боғлиқ бўлиб, бу борада педагог олимлар, тажрибали ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида истиқболли ишларни амалга оширишлари лозим.

Олимлар ва соҳа мутаҳассислари педагогик низоларнинг беш тури мавжудлигини кўрсатишади. Низоларнинг асосий манбаларидан бири ўқитувчининг ўзи еканлиги исботланган.

Ўқитувчининг ўз касбига қизиқмаслиги, тасодифан касбга кириб келиб қолганлиги, билимининг саёзлиги, педагогик назокат ва одобнинг етишмаслиги, қўполлиги, еҳтиёцизлиги, ўқувчи ва ота-оналар билан муомала қилишни билмаслиги, ўқувчининг қалбига йўл топа олмаслиги, ўқувчини тинглаш маданиятининг пстлиги, касбий педагогик масъулиятни етишмаслиги ва шу каби ҳолатларда ўқитувчини педагогик фаолият билан бемалол шуғулланиб юриши уни низоли вазиятлар ўчоғига (манбаига) айланишига олиб келади.

Ўқувчилик даврида бундай ўқитувчиларнинг касб танлов мотиви шунчаки “диплом олиш”, “ота-она ёки биронта яқин кишисининг тавсиясига кўра олий ўқув юртига кириб ўқишга ундаганлиги” асос бўлиб хизмат қилади. Касбни тасадифан танлаган баъзи бир талабаларни ўқишни ташлаб кетган ҳоллари ҳам кузатилади. Аммо “бир илож қилиб диплом олсам, кейин бир гап бўлар”, истагида иш тутганларни тарбия муассасасига келиб қолиши бугунги кунда тасадифий ёки кутилмаган ҳолат емас. Улар гўё чақирилмаган меҳмон каби мактаб остонасини ҳатлаб кириб келган бўлади. Айнан шундай “ўқитувчилар” ҳисобига низоли ҳолатлар вужудга келади. Бундай шароитда мактаб маъмурияти таълим-тарбия ишида тасодифий инсонларнинг бўлишига йўл қўймаслиги, унинг олдини олиши лозим.

Иккинчи тур низолар барча жамоада учраши мумкин бўлгани каби, ўқитувчилар жамоасида ҳам “қалами ўткир ёзувчилар”, йўқ жойда муаммо ясовчи жанжалкашлар ҳисобига вужудга келади. Сохта обрў кетидан қувган бундай “илғор ўқитувчилар” ўзларининг шикоятлари ва дўқ-пўписалари билан жамоадаги соғлом муҳитни бузиш асосида низоли вазиятларнинг туғилишига сабабчи бўлади. Бундай ўқитувчилар ўқувчилар ва ота-оналар билан ҳам чиқиша олмайди. Ўзларининг шахсий манфаатлари ва ғаразли ниятларини асослаш учун ҳар-хил муаммоли вазиятлар келтириб чиқаради ва низоларнинг авж олишига сабабчи бўлади

Учинчи тур низолар ҳеч ким билан иши йўқ, ҳеч кимга қўшилмайдиган ходимлар ҳисобига вужудга келади. Булар ўзларини кўриб кўрмасликка , ешитиб ешитмасликка, била туриб билмасликка олишади. Бир оғиз огоҳ, танбеҳ ёки жўяли маслаҳатдан ўзларини тийишади. Ҳатто шахсий ҳақ-ҳуқуқлари учун ҳам курашмайди. “Сабрнинг таги олтин” деб юраверишади. Ижтимоий пассив шахслар жамият учун иллат ҳисобланади. Айниқса педагогик фаолиятда оз сонда учрасада бундай шахслар тасадифий ҳисобланади. Чунки педагогик низоларнинг етилиши ва газак олишида педагогик еътиборсизлик ҳам сабаб бўлади.

Тўртинчи тур низолар уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса, касалманд, ҳомиладор, ҳимояга муҳтож, ногирон ва нафақадаги ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиниши ёки уларга еътиборсизлик ҳамда беписандлик билан қаралиш оқибатида келиб чиқади.

Бешинчи турдаги низоларни аслида қўштирноқ ичига олиб айтиш лозим. Бу турга кирувчилар ўз касбини севган, фидоий инсонлар бўлиб, адолацизлик, ҳақсизликни ошкора айтувчилар ҳисобланади. Шундай бўлсада, бундай шахслар ҳам кимларгадир ёқмаслиги, кимларнингдир ҳамиятига қаттиқ таъсир қилиши билиниб туради. Бундай шароитда ҳам муайян низоли ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Аслида ҳақ йўлида ошкора гапирувчи, ўзининг фикрини билдирувчи инсонлар жамоа назаридан четда қолмайди.

Педагогик низоларни келтириб чиқарувчилар ёш ва жинс жиҳатидан унча фарқланмайди. Масаланинг қийин томони, низоли ҳолатларда уни ўзига касб қилиб олганлар ёки низоларни келтириб чиқарувчиларни қайта тарбиялаш, уларга педагогик таъсир кўрсатиш анча мураккаб ва давомли жараён ҳисобланади.

Pedagogik nizo turlari

- O’qituvchining o’z kasbiga qiziqmasligi, tasodifan kasbga kirib kelib qolganligi, bilimining sayozligi, pedagogik nazokat va odobning etishmasligi, qo’polligi, ehtiyotsizligi, o’quvchi va ota-onalar bilan muomala qila olmasligi va b.
- **Ikkinchi tur nizolar** barcha jamoada uchrashi mumkin bo’lgani kabi, o’qituvchilar jamoasida ham “qalami o’tkir yozuvchilar”, yo’q joyda muammo yasovchi janjalkashlar hisobiga vujudga keladi.
- **Uchinchi tur nizolar** hech kim bilan ishi yo’q, hech kimga qo’shilmaydigan xodimlar hisobiga vujudga keladi. Bular o’zlarini ko’rib ko’rmaslikka , eshitib eshitmaslikka, bila turib bilmaslikka olishadi. Bir og’iz ogoh, tanbeh yoki jo’yali maslahatdan o’zlarini tiyishadi.
- **To’rtinchi tur nizolar** urush va mehnat faxriylari, keksa, kasalmand, homilador, himoyaga muhtoj, nogiron va nafaqadagi hodimlarning haq-huquqlarini poymol qilinishi yoki ularga e’tiborsizlik hamda bepisandlik bilan qaralish oqibatida kelib chiqadi.
- **Beshinchi turdagi nizolarni** aslida qo’shtirnoq ichiga olib aytish lozim. Bu turga kiruvchilar o’z kasbini sevgan, fidoiy insonlar bo’lib, adolatsizlik, haqsizlikni oshkora aytuvchilar hisoblanadi.

Педагогик низолар яққол кўзга ташланиб турадиган жамоада ёш, енди педагогик фаолиятга кириб келаётган мутахассисларга ишлаш анча қийин кечади. Тажрибасиз ўқитувчилар бундай шароитда ўзларини ҳимоясиз сезадилар. Психология тилида айтганда ижтимоий мослашув (адаптация) жараёни қисқа ва самарали бўлиши учун раҳбарият тегишли шарт-шароит ва методик ёрдам кўрсатиб бориши лозим. Раҳбарият томонидан ёш мутахассисга бўлган еътиборсизлик, лоқайдлик, ижодий ҳамда соғлом-руҳий муҳитнинг йўқлиги енди иш бошлаган кадрни

педагогик фаолиятдан совишга, оқибатда иш ўрнини ўзгартириб кетишига олиб келиши мумкин.

Жамоани бир ёқадан бош чиқармаслиги, руҳий-педагогик ва маънавий-ахлоқий муҳитнинг сустлиги таълим-тарбия сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Жамоада меҳнат ва ижро интизомининг тез-тез бузилиб туриши, раҳбар билан ходим ўртасида тузилган шартномага амал қилмаслиги, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳининг йўқлиги давомат ҳамда ўқувчилар билим савияси ва айниқса тартиб-интизомни сусайиб кетишига туртки бўлади. Албатта бундай кўнгилсиз ҳолат ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг норозилигига олиб келади.

Педагогик низоли жамоада ишни тубдан янгилаш, раҳбар шахсларнинг ўз ўрнида қолиш ёки қолмаслиги масаласи зудлик билан ҳал етилмоғи лозим.

Кам миқдорда бўлсада педагогик низолар кўп учрайдиган таълим муассасалари ҳали-ҳануз учраб туради-ки, бундай жамоада меҳнатни илмий асосда ташкил етиш, раҳбарлик қобилиятига ега бўлган фидои мутахассисларни ўз ўринга қўйиш долзарб педагогик вазифа ҳисобланади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ҳар хил ижтимоий мавқедаги шахслар бўлиб, “ўқитувчи-ўқувчи”нинг таълим-тарбиявий муносабатига хос низолар, муаммоли вазиятлар турлича содир бўлиши мумкин.

Булар:

- Ўқитувчининг ҳаддан ташқари қаттиқ қўллиги ва талабчанлигига кўра;
- Ўқитувчининг авторитар муносабатига кўра;
- Муаммоли вазиятларни тўғри ҳал ета олмаслигига кўра;
- Ўқувчининг қалбига йўл топа олмаслиги ва унинг ўрнига ўзини қўйиб кўра олмаслигига кўра;
- Талаб ва ижронинг уйғун бўлмаслигига кўра;
- Ибрат ва намунанинг сустлигига кўра;
- Ўқитувчининг қўпол муомаласи ва қўрслигига кўра;
- Ўқувчини адолациз жазоланишига кўра;
- Ўқитувчининг шу даргоҳда ўқиётган фарзандлари ва қариндошлари билан ўқувчилар ўртасида вужудга келадиган муамоли вазиятларга кўра ва ҳоказо.

Педагогик низолар ва уларни бартараф етиш технологияси бугунги кунда фанда тўлиғича ўрганилмаган. Педагогик низолар келиб чиқиши ва содир бўлишига мувафиқ муайян тизим ҳолига келтирилмаган. Алоҳида тадқиқот объекти кўринишида ишланмаган. Аммо педагогик тажрибалар ва бу йўналишда олиб борилаётган изланишлар натижаси ўлароқ педагогик низоларни бартараф етиш технологиясининг мазмун-моҳиятида қуйидаги **илмий-амалий тавсиялар** ётади.

1. Педагогик низолар ечимида ҳар бир жамоанинг ўзига хос хусусияти ва шарт-шароити ўрганилмоғи мақсадга мувофиқ ҳисобланади.
2. “Педагогик низо” ва “муаммоли вазият”нинг психологик-педагогик моҳияти илмий асослаб кўрсатилиши талаб етилади.
3. Педагогик низо педагогик таҳлил ва педагогик танқиднинг моҳияти билан қиёсланиб ўзининг илмий-амалий ечимини топиши лозим.
4. Ўқитувчилар жамоасида инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам, меҳнатни илмий асосда ташкил етилиши, касб бурчи ва масъулиятини дилдан ҳис етиш каби тамойилларга асосланилган соғлом ижодий ва рақобат муҳити шаклланганда гина педагогик низоларнинг олди олинган бўлади.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган тавсиялар ечими педагогик низоларнинг олдини олувчи устун вазифасини ўтайди. Бу жараённинг амалий ифодаси ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратида ўз ифодасини топади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. “Низо” ва унинг мазмунини тушунтириб беринг.
2. “Педагогик низо” тушунчасини асосланг.
3. “Муаммоли вазият” ва “Педагогик низонинг мазмун-моҳиятидаги фарқ ва ўхшашлик қирраларни тушунтиринг.
4. Низо турлари ва уларни олдини олиш чора-тадбирларини айтиб беринг.
5. Педагогик низоларни баратараф етишга қаратилган интерфаол методларни шарҳланг.

Мустақил таълимга қаратилган саволлар

1. Мавзу юзасидан технологик харитани ишлаб чиқинг.
2. “Педагогик низолар ва уларни бартараф етиш йўллари” мавзусида реферат тайёрланг
3. “Педагогик низо ва уни бартараф етиш йўллари” мавзусида баҳс-мунозара уюштиринг.

“Педагогик низо: муаммо ва ечимлар” мавзусида мустақил иш ёзинг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 176 б.
2. Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992.-160 б.
3. Рўбакова М.М. Конфликт и взаимодействие в педагогическом процессе. – М.: Просвеҳение, 1991. – 128 с.

Fanni o'qitish texnologiyasi
9-mavzu: Pedagogik texnika pedagogic mahoratning tarkibiy qismi sifatida mavzusidagi mashg'ulotning texnologik xaritasi

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1.Дарс мақсади:** Талабаларга педагогик техника ҳақида умумий тушунчаларни ва қоидаларни баён етиш.Педагогик техниканинг ўқитувчилик фаолиятидаги ўрнини кўрсатиб бериш. Педагогик техникани егаллашга қизиқиш уйғотиш. Педагогик техника елементларини мунтазам машқ қилиб боришга одатлантириш. **1.2.Идентив ўқув мақсадлари.** • Педагогик техниканинг моҳияти ва ўқитувчи фаолиятидаги аҳамиятини сўзлаб беради. • Педагогик техниканинг таркибий қисмларини гуруҳлаштиради. • Педагогик техника таркиб топтиришда малакалар ҳосил қилишни далиллайди. **1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар.**Педагогик техника, ташқи қиёфа, ҳиссиёт, мимика, пантомимика, технология, асаб тизими, гапириш техникаси, талаффуз, нафас олиш, товуш мароми. 1.4.**Дарс шакли:** гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Ўқув қўлланма, компютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:**	**Ўқитув**

	3.1. Талабаларга муаммоли савол беради ***Мавзуга оид муаммолар:*** • Педагогик техниканинг педагогик маҳоратга еришишдаги аҳамиятини таҳлил қилинг. Ўқитувчи фаолиятида тана ҳаракатининг, юз ҳаракатининг, гапириш техникасининг ва ўқитувчининг ҳиссиётини жиловлай олишнинг аҳамиятини кўрсатинг. • Педагогик техниканинг таркибий қисмларини ўрганиб чиқинг. Сиз педагогнинг фаолиятида қай бирини устун деб ҳисоблайсиз? • Педагогик техника икки асосий гуруҳга ажратилади. Ҳар иккала гуруҳга доир кўникмаларни бир-бири билан таққосланг. Улар ўртасидаги боғлиқликни ва фарқни ажратиб кўрсатинг **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Педагогик техника ўқитувчи фаолиятининг ички моҳияти билан ташқи кўринишини бирлаштирувчи воситадир. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчи билан мулоқотда бўлишнинг усуллари ва воситаларининг йиғиндисидир. • Ўқитувчининг ташқи қиёфаси деганда, унинг тана тузилиши, қадди-қомати, бўй-басти билан бир қаторда, гавдасини тутиши, кийиниши, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши, ҳаракатлари, юриш-туриши тушунилади. • Гапириш билан боғлиқ бўлган касб егалари, айниқса, ўқитувчилар ўз товушларини еҳтиёт қилиши, парваришлаши талаб қилинади. Акс ҳолда товуш аппарати тез шикастланиши мумкин.	**чи-талаба, 40 дақиқа**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Педагогик техника тушунчасининг моҳиятини ўрганиш. • Педагогик техниканинг ўқитувчи фаолиятидаги аҳамиятини айтиб беринг.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**

	• Педагогик техниканинг таркибий қисмларини ўрганиб, бир-бири билан таққосланг. • Мураббийлик фаолиятида ташқи қиёфанинг аҳамиятини изоҳланг. • Ҳиссиётни жиловлай олишнинг қандай тарбиявий аҳамияти бор? • Сизнингча мураббийнинг тана ҳаракати, юз қиёфаси қандай бўлиши лозим? • Ўзингиз билган бирор ўқитувчининг тана, юз ҳаракати ва ҳиссиётини бошқаришини таҳлил қилинг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (30-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

9-mavzu: PEDAGOGIK TEXNIKA PEDAGOGIK MAHORATNING TARKIBIY QISMI SIFATIDA

Асосий саволлар:

1. Педагогик техника ҳақида тушунча.
2. Ўқитувчининг ташқи қиёфаси ва ҳиссиётини бошқариши.
2. Гапириш техникаси.
3. Педагогик техникани егаллаш йўллари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар.

Педагогик техника, ташқи қиёфа, ҳиссиёт, мимика, пантомимика, технология, асаб тизими, гапириш техникаси, талаффуз, нафас олиш, товуш мароми.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Педагогик техниканинг педагогик маҳоратга еришишдаги аҳамиятини таҳлил қилинг. Ўқитувчи фаолиятида тана ҳаракатининг, юз ҳаракатининг, гапириш техникасининг ва ўқитувчининг ҳиссиётини жиловлай олишнинг аҳамиятини кўрсатинг. Шуларнинг орасида енг

аҳамиятлисини аниқланг ва нима сабабдан шундай хулосага келганингизни изоҳланг.

2. Педагогик техниканинг таркибий қисмларини ўрганиб чиқинг. Сиз педагогнинг фаолиятида қай бирини устун деб ҳисоблайсиз?

3. Педагогик техника икки асосий гуруҳга ажратилади. Ҳар иккала гуруҳга доир кўникмаларни бир-бири билан таққосланг. Улар ўртасидаги боғлиқликни ва фарқни ажратиб кўрсатинг.

1-савол бўйича дарснинг мақсади:

1. Талабаларга педагогик техника ҳақида умумий тушунчаларни ва қоидаларни баён етиш.
2. Педагогик техниканинг ўқитувчилик фаолиятидаги ўрнини кўрсатиб бериш.
3. Педагогик техникани егаллашга қизиқиш уйғотиш.
4. Педагогик техника елементларини мунтазам машқ қилиб боришга одатлантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Педагогик техниканинг моҳияти ва ўқитувчи фаолиятидаги аҳамиятини сўзлаб беради.
2. Педагогик техниканинг таркибий қисмларини гуруҳлаштиради.
3. Педагогик техникани таркиб топтиришда малакалар ҳосил қилишни далиллайди.

1-савол баёни:

Педагогик техника ўқитувчи фаолиятининг ички моҳияти билан ташқи кўринишини бирлаштирувчи воситадир.

Бошқача қилиб айтганда, ўқувчи билан мулоқотда бўлишнинг усуллари ва воситаларининг йиғиндисидир. Булар ўқитувчига мураккаб ва нозик педагогик вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Педагогик техниканинг таркибий қисмларини 2 гуруҳга бўлиш мумк ин:

1-гуруҳга педагогнинг ўз хулқини бошқариши киради. Унга танани бошқариш (мимика ва пантомимика), ҳиссиёт ва кайфиятни бошқариш (асабийлашмаслик, яхши кайфият ҳосил қилиш), ижтимоий-руҳий қобилиятлар (диккат, кузатувчанлик, хаёл), гапириш техникаси (нафас олиш, овозни ёқимли қилиш, талаффуз, товуш (темпи) тезлиги) мисол бўлади.

2-гуруҳга айрим шахс ва жамоага таъсир етиш укуви киради. Таълим-тарбия жараёнининг технологияси вазифасини бажаради. Бунда дидактик ва тарбиявий, ташкилий ва конструктив, талабчанлик ва мулоқотга киришиш маданияти, жамоа ижодий ишларини ташкил қилиш ва бошқаларга еътибор қаратилади.

Педагогик техника шаклланиши шахснинг унчалик пайқаб бўлмас сифатларига ҳам ривожлантирувчи таъсир кўрсатади. Чунончи, нутқнинг ифодали, саводли, соф бўлиши устида ишлаш фикрлашнинг равон бўлишига таъсир қилади. Психик фаолиятни мустақил тартибга

солиш усулларини егаллаш феъл-атворда бўлган ҳиссий вазминликнинг ривожланишига олиб келади.



Назорат саволлари:

1. Педагогик техника тушунчасининг моҳиятини ўрганиш.
2. Педагогик техниканинг ўқитувчи фаолиятидаги аҳамиятини айтиб беринг.
3. Педагогик техниканинг таркибий қисмларини ўрганиб, бир-бири бил ан таққосланг.

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

1. Ўқитувчининг ташқи қиёфаси, кийиниш естетикаси, маданий хулқ-атвори ва ҳиссиётини(ички дунёсини) бошқариш ҳақида тушунча бериш.
2. Талабаларни тана тузилиши ва гавданинг хусусиятларига қараб қийиниш ҳамда юриш- туришга одатлантириш.
3. Педагогик нафосатни ҳис етишга ўргатиш.



Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ташқи қиёфа ва ҳиссиётни бошқаришни тушунтиради.
2. Юз ҳаракати, гавдани тутиш ва бошқариш ҳамда товуш техникасини изоҳлайди.
3. Ўқитувчи ташқи қиёфаси ва ҳиссиётининг ўқувчилар таълим-тарбия олишларидаги аҳамиятини баҳолайди.

2-савол баёни:

Мураббийнинг ташқи қиёфаси, турли ҳолатларда ўзини тутиши, ҳис-ҳаяжонини бошқариши ёшларнинг таълим ва тарбия олишларида улкан аҳамиятга ега.

Ўқитувчининг ташқи қиёфаси деганда, унинг тана тузилиши, қадди-қомати, бўй-басти билан бир қаторда, гавдасини тутиши, кийиниши, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши, ҳаракатлари, юриш-туриши тушунилади. Бунда юз ҳаракатларнинг таъсирчанлиги, гавда ва айрим аъзоларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракатланиши, гапирганда сўз ва ҳаракатнинг уйғунлиги еътибордан четда қолмаслиги керак.

Ўқитувчининг ташқи қиёфасида мавжуд бўлган ҳамма нарса бир мақсадга қаратилиши, яъни ёшларнинг комил инсон бўлиб шаклланишига йўналтирилиши зарур.

Ўқитувчининг ташқи қиёфаси, очиқ чеҳраси, ғайрат-шижоати, руҳан тетиклиги, сўз ва ҳаракатларнинг чуқур ўйлаб бажарилиши, ҳеч қачон ўзини «йўқотиб» қўймаслиги, ҳар қандай шароитда ўзини муносиб тутиши билан янада таъсирчанроқ бўлади.

Ҳиссий ҳолатни бошқариш.

Ҳар бир инсон ўзига хос ҳиссий хусусиятларга ега бўлиб, у шароитга қараб ички ва ташқи омилларнинг таъсирида ўзгариб туради. Бу бир томондан индивидуал-руҳий имкониятларга боғлиқ бўлса,

иккинчи томондан ўз-ўзига таъсир етиш ва ўзини бошқариш қобилияти асосида намоён бўлади.

Тана ҳаракати.

Тана ҳаракати ўқитувчини ўқувчилар олдида хушбичим, кўркам, ёқимли қилиш билан бирга, таълим-тарбиявий мазмунга ҳам ега бўлади. Қадди-қоматни тик тутиб, ишончли қадам босиш, ўқитувчининг ўзига, билим ва маҳоратига ишончни ифодалайди. Бўшанглиқ бошнинг егиклиги, судралиб қадам ташлаш, букчайиш ўзига ишончсизлик ва бефарқликни англатади.

Юз ҳаракати.

Ўқувчиларга таъсир етишнинг кучли воситаларидан бири, ўқитувчининг юз ҳаракатларидир. Юз ҳаракатлар баъзан сўз билан ифодалаш қийин бўлган ҳиссиётларни ўқувчиларга етказиши мумкин. Аксарият ҳолларда юз ҳаракати сўзнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Мураббийлик фаолиятида ташқи қиёфанинг аҳамиятини изоҳланг.
2. Ҳиссиётни жиловлай олишнинг қандай тарбиявий аҳамияти бор?
3. Сизнингча мураббийнинг тана ҳаракати, юз қиёфаси қандай бўлиши лозим?
4. Ўзингиз билган бирор ўқитувчининг тана, юз ҳаракати ва ҳиссиётини бошқаришини таҳлил қилинг.



3-савол бўйича дарснинг мақсади:

1. Талабаларга гапириш техникаси ҳақидаги маълумотларни етказиб бериш.
2. Товушнинг бошқарилиши, тарбияланишини тушунтириш. Товушнинг таъсирчан ва ёқимли бўлиш йўлларини ўргатиш.
3. Ҳар бир талабанинг ўз товушини яхшилашга ҳаракат қилишини таъминлаш



Идентив ўқув мақсадлари:

1. Гапириш техникасининг хусусиятларини қайд қилади.
2. Одамнинг гапириш аъзолари жойлашиши ва бажарадиган вазифаларини фарқлайди.
3. Гапириш техникасининг хусусиятларини ўрганиб чиқиб, камчиликларини йўқотади ва такомиллаштиради.

3-савол баёни

Гапириш техникаси инсонга хос хусусият бўлиб, бир неча омилларнинг таъсири остида шаклланади. Ирсият омилининг таъсирида гапириш аъзолари ривожланиб, товуш чиқариш, уни турлича ифодалаш имкони пайдо бўлади. Ижтимоий муҳит маълум бир тилда сўзлашишни ўргатади. Таълим ва тарбия орқали мазмунли, таъсирчан, ифодали, мақсадли гапириш таркиб топади.

Гапириш инсон дунёга келганидан кейин, маълум муддат давомида ҳосил бўлади ва шаклланиб боради.

Машқ қилиш ва ўз устида ишлаш орқали нутқни енг юқори даражага кутариш мумкин. Бунга мисол сифатида қадимги юнон олими

ва давлат арбоби Демосфен ва рус шоири В. Маяковскийларнинг машқларини келтириш мумкин.

Чиройли ва таъсирчан гапиришни истаганлар учун енг замонавий усуллар ва жиҳозлар мавжудки, ўзини ортиқча қийнамасдан нотиқлик маҳоратини егаллаб олишга имкон яратади.

Гапириш техникасининг зарур хусусиятларидан бири нафасни ростлашдир.

Нафас инсон учун ҳаётий еҳтиёж бўлиши билан бирга, гапиришнинг енергия манбаи вазифасини ҳам ўтайди. Шунинг учун нафас олиш техникасига риоя қилиш аҳамиятлидар.

Нафас олишнинг тўрт тури бўлиб:

а) юқори нафас, б) кўкрак нафаси, в) диафрагмалар нафаси ва г) қобирға-диафрагмалар нафасига бўлинади.

Гапириш учун тез ва чуқур нафас олиниб, секинлик билан товушга қўшиб чиқарилади. Актёрлар, радио ва телевидение дикторлари соатлаб нафас олиш, чиқаришни машқ қиладилар. Уларнинг гапираётганларида нафас олиш ва чиқаришлари сезилмайди. Шу ҳолатни профессор А.Каттабеков ва доцент Қ.Самадовларнинг (Аллоҳ жойларини жаннатдан қилган бўлсин) нутқларида кўриш мумкин еди.Доцент Ҳ. Мирҳайдаровнинг нутқи ҳам бунга ёққол мисол бўлади.

Гапириш билан боғлиқ бўлган касб егалари, айниқса, ўқитувчилар ўз товушларини еҳтиёт қилиши, парваришлаши талаб қилинади. Акс ҳолда товуш аппарати тез шикастланиши мумкин.

Ўқитувчининг товуши аниқ, тоза, жарангдор бўлиши, маълум тезликка амал қилиши зарур. Жуда тез ёки ўта секин гапириш тингловчидаги қизиқишни сўндириши, толиқтириши, зериктириб қўйишга олиб келади.

Педагог нутқининг бошқа хусусиятлари «Нутқ маҳорати» мавзусида тўлароқ ўрганилишини ҳисобга олган ҳолда айрим томнларига тухталинмади.



Назорат саволлари:

1. Гапириш аъзоларининг жойлашуви ва бажарадиган вазифаларини ёзма ифодаланг.
2. Уларнинг ўзига хос хусусиятларидаги фарқини кўрсатинг.
3. Ўзингизнинг ва яқин кишингизнинг гапириш техникасига қандай амал қилинишини таҳлил килинг.
4. Гапириш сифатини яхшилаш учун қандай машқларни бажариш сизга фойдали ва уларни қандай тартибда амалга оширасиз?
5. Ўзингизнинг гапингизни тинглашга ва таҳлил қилишга ҳаракат қилинг. Менинг гапим тингловчига етиб бораяптими, тушунарлими, талаффузим аниқми, қандай ютуқ-камчиликларим бор? Бу саволларга жавоб топинг, мунтазам нутқингизни такомиллаштириб боришга ҳаракат қилинг.

4-савол бўйича дарснинг мақсади:

Педагогик техникани егаллаш учун гуруҳ шаклида, якка тартибда ва мустақил билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишнинг йўллари тушунтирилади.

Талабаларда ўзларининг педагогик техникага доир хусусиятларини шакллантириш учун қизиқиш уйғотиш.

Ташқи қиёфа, ички дунё ва нутқ техникасини ўстириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Педагогик техниканинг педагогик фаолият юритишдаги ўрнини изоҳлайди.
2. Гуруҳ шаклида ва якка тартибда педагогик техника егаллаш йўлларини қўллайди.
3. Педагогик техникани ўзида шакллантириш йўлларини ишлаб чиқади.

4-саволнинг баёни:

Педагогик техникани егаллашнинг асосий йўллари ўқитувчи раҳбарлигидаги машғулотлар, педагогик техникани ўрганиш ва мустақил машқ қилиш касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялашдир. Педагогик техника малакаларининг индивидуал-шахсий тарзда еканлигини ҳисобга олиб, уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни талабанинг ўзида моҳир ўқитувчи шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи рол ўйнайди.

Касб сирларини юксак даражада егаллаш ҳаракатида ҳам педагогик техника муҳим ўрин тутмоғи лозим.

Психологларнинг фикрича педагогик техникани гуруҳга бўлиб ўргатиш қулайлик яратади. Уларнинг тажриба ишида бундай гуруҳларнинг енг қулай миқдори 10-14 кишидан иборат бўлиши кераклиги кўрсатилади. Қатнашчиларнинг худди шундай миқдори улардан ҳар бирига кишилар билан бирга ишлашнинг индивидуал психологик муаммоларини жуда тўлиқ равишда аниқлаб, ҳал етиш, кўникма ва мослашиш даражасини жиддий ошириш, педагогик фаҳм-фаросатни ривожлантириш, бошқаларга таъсир етиш воситаларини кенгайтириш имконини беради.

Шу нарса муҳимки, гуруҳ қатнашчилари, бўлажак педагоглар касбий жиҳатдан бирга ишлаш малакаларини егаллашга фаол интилишлари, ўз-ўзини билиш ва касбий жиҳатдан тарбиялаш бўйича мунтазам иш олиб боришига психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак.

Барча ҳолларда ҳам индивидуал, ҳам гуруҳий машғулотлар бошланишидан олдин педагогик техникани егаллашнинг алоҳида дастури тузилиб чиқилиши лозим. Бундай дастурни тузиш учун аввало педагогик техникани аниқлаб олиш зарур. Бироқ тажрибанинг кўрсатишича, одатда, мазкур босқичда гап фақат малакалар ҳақидагина емас, шу билан бирга дастлаб автоматлаштирилган таълимни бошлаш вақтига келиб куникамалар ҳақида ҳам бориши мумкин екан. Булар масалан, нафас олиш ва овознинг табиий йўлга қуйилиши, тўғри талаффуз, бундан олдинги тарбиянинг натижаси бўлган саводли, ифодали нутқ мимик ва пантомимик аниқлик ва бошқалар бўлиши мумкин.

Олий ўқув юртидаги касбий тайёргарлик жараёнида педагогик техникани егаллаш ўқитувчига ўзининг касб йўналишининг бошланишидаёқ кўпгина хатолардан ҳоли бўлишда, ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг юксак самарадорлигига еришишда ёрдам беради.

Назорат саволлари:

1. Педагогик техника кўникма ва малакалари қандай пайдо бўлади?
2. Педагогик техникани егаллашда гуруҳ бўлиб шуғулланишнинг афзаллик томонларини сўзлаб беринг.
3. Педагогик техника сирларини егаллашда олий ўқув юртидаги таълим-тарбиянинг аҳамиятини изоҳлаб беринг. Мутахассислик фанлари, педагогик-психологик фанларнинг аҳамиятини очиб беринг.
4. Педагогик техникани шакллантиришнинг шахсий режасига риоя қиласизми? Уни қандай тартибда амалгам оширасиз?
5. Сиз учун педагогик техниканинг қайси бир йўналиши аҳамиятли ҳисобланади?
6. Педагогик техникани ҳосил қилиш ва шакллантириш ҳақида ўз фикр-мулохазаларингизни ёзма баён етинг.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Педагогик техниканинг педагогик маҳоратдаги ўрнини аниқлаш.
2. Педагогик техниканинг педагогик технологияларни қўллашдаги аҳамиятини илмий асослаш.
3. Педагогик техника кўникмаларини шакллантириб, тарбиялаб бориш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Педагогик техникани егаллаш бўйича тавсиялар беринг.
2. Педагогик техникани шакллантириш тизимини ишлаб чиқинг.
3. Педагогик техникани шакллантириш методикасини яратинг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Педагогик техника ўқитувчи фаолиятининг ички моҳияти билан ташқи кўринишини бирлаштирувчи воситадир. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчи билан мулоқотда бўлиш усуллари ва воситаларининг йиғиндисидир.
2. Ўқитувчининг ташқи қиёфаси деганда, унинг тана тузилиши, қадди-қомати, бўй-басти билан бир қаторда, гавдасини тутиши, кийиниши, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши, ҳаракатлари, юриш-туриши тушунилади.
3. Гапириш билан боғлиқ бўлган касб егалари, айниқса, ўқитувчилар ўз товушларини еҳтиёт қилиши, парваришлаши талаб қилинади. Акс ҳолда товуш аппарати тез шикастланиши мумкин.

Асосий адабиётлар:

1. Верб. М.А. Куценко. В.Г. Педагогическая техника. М.1974. 32-34 б.
2. Основў педагогического мастерства. Под редакций И.А.Зязюна. М.,1989. 96-113

Қўшимча адабиётлар:

3. Жўраев. Н. Агар огоҳ сен… Т. 1998.27 б.
4. Очил.С. Мустақиллик мафкураси ва тарбия асослари. Т. 1994. 32 **б.**

Fanni o'qitish texnologiyasi
10-mavzu. O'qituvchining nutq mahorati mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1.1.Дарс мақсади:** Нутқ ва педагогик нутқ, ўқитувчининг коммуникатив одоби, уларнинг узвий боғлиқлигини очиб бериш. Нутқ маданияти талабларига мос ҳолда гапиришга одатлантириш.	**Ўқитувчи**

	1.2.2. Идентив ўқув мақсадлари. • Оддий нутқдан педагогик нутқни фарқлайди. • Коммуникатив одобни намоён етади. • Педагогик нутқ ва коммуникатив одобга доир мисоллар келтиради. **1.2.3. Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**Нутқ санъати, нутқ техникаси, ижобий ҳиссиётлар, педагогик нутқ, коммуникатив хулқ, ўқитувчи нутқи шакллари, ўқитувчи нутқи вазифалари, нутқ хусусиятлари, нутқни шакллантириш йўллари. **1.7. Дарс шакли:** Кўргазмали, муаммоли маъруза, гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш. **1.8. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул, шахсий фикр. **1.9. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Ўқув қўлланма, компютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гуруҳда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради (34 бет) . **Мавзуга оид муаммолар:** • Инсон фаолиятида нутқ унинг ички кечинмаларини, еҳтиёжини ифодалаш, тушунтириш ва алоқада бўлиш вазифасини бажаради. Ўқитувчи фаолиятида нутқ қандай вазифани бажаради деб ҳисоблайсиз? Фикрингизни асосланг • Нутқнинг - педагогик нутқ ва оддий нутқ каби турлари мавжуд. Педагогик нутқнинг шаклларини аниқланг. Оддий нутқдан фарқини кўрсатинг. Педагогик нутқда айнан нима еътиборга олиниши лозим? Нутқингизни педагогик нутқ талабларига мос деб ўйлайсизми? Нималарни ўзгартиришингиз зарур? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Ўқув материалини яхши баён қилиш учун	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	ўқитувчи нутқ санъатини мукаммал егаллаган бўлиши керак. Нутқ санъати кўп ҳолларда табиат берган бойлик емас, балки ўз устида мунтазам ишлаш натижасидир. • «Педагогик нутқ» тушунчаси билан «ўқитувчининг коммуникатив ҳулқи» тушунчаси узвий боғлиқ. • Ўқитувчи нутқининг ифодали бўлиш шартларидан бири сўзлаётган нарса, ҳодиса, жараёнларни хаёлан тасаввур қила билишдир.	
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Педагогик нутқнинг хусусиятларини айтинг. • Видеомагнитофонда ўқитувчининг икки хил нутқи тингланади ва таҳлил қилинади. Нутқ ва коммуникатив одобни умумлаштиринг. • Сизни ўқитган ўқитувчилар нутқини есланг. Ютуқ ва камчиликларини таҳлил қиланг. • Қандай «штамп» сўзлар нутққа зарар келтиради. Ёзиб чиқинг. • Педагогик нутқнинг шаклларини ўрганиб чиқинг. • Ҳар бир нутқ шаклларини таҳлил қилинг. • Улар ўртасидаги боғлиқликни изоҳланг. • Бўлажак ўқитувчи нутқини ривожлантириш йўл-йўриқларини айтиб беринг. • Нутқингизни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқинг. • Нутқни ривожлантирувчи машқлар бажаринг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (53-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

10-mavzu. O'QITUVCHINING NUTQ MAHORATI

Асосий саволлар.

1. Ўқитувчининг нутқи педагогик маҳорат шарти сифатида.
2. Педагогик нутқнинг шакллари ва функциялари.
3. Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари, уларни шакллантириш йўллари.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.

Нутқ санъати, нутқ техникаси, ижобий ҳиссиётлар, педагогик нутқ, коммуникатив хулқ, ўқитувчи нутқи шакллари, ўқитувчи нутқи вазифалари, нутқ хусусиятлари, нутқни шакллантириш йўллари.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Инсон фаолиятида нутқ унинг ички кечинмаларини, еҳтиёжини ифодалаш, тушунтириш ва алоқада бўлиш вазифасини бажаради. Ўқитувчи фаолиятида нутқ қандай вазифани бажаради деб ҳисоблайсиз? Фикрингизни асосланг.
2. Нутқнинг - педагогик нутқ ва оддий нутқ каби турлари мавжуд. Педагогик нутқнинг шаклларини аниқланг. Оддий нутқдан фарқини кўрсатинг. Педагогик нутқда айнан нима еътиборга олиниши лозим? Нутқингизни педагогик нутқ талабларига мос деб ўйлайсизми? Нималарни ўзгартиришингиз зарур?

1-савол бўйича дарснинг мақсади:

Нутқ ва педагогик нутқ, ўқитувчининг коммуникатив одоби, уларнинг узвий боғлиқлигини очиб бериш. Нутиқнинг мазмунли ва мантиқли бўлишига одатлантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Оддий нутқдан педагогик нутқни фарқлайди.

1.2. Коммуникатив одобни намоён етади.

1.3. Педагогик нутқ ва коммуникатив одобга доир мисоллар келтиради.

1-саволнинг баёни*:*

Ўқув материалини яхши баён қилиш учун ўқитувчи нутқ санъатини мукаммал егаллаган бўлиши керак. Нутқ санъати аксарият ҳолларда табиат берган ином емас, балки ўз устида кўп ишлаш натижасидир. Нутқ техникасидаги муҳим кўрсатгичлардан бири унинг ҳиссийлигидир. Руҳшунослик фани ижобий ҳиссиётни инсон фаолиятидаги қудратли омил деб ҳисоблайди. Ҳиссий бўёқларнинг имкониятлари фан мазмунига кўп жиҳитдан боғлиқ. Ижтимоий фанлар ўқитувчиларида техника фанлари ўқитувчиларига нисбатан имконият кўпроқ. Бироқ ҳар қандай «қуруқ» фанни жонли, қизиқарли шаклда ифодалаш мумкин. Ўқитувчи нутқи ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш вазифасини бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун ўқитувчи нутқига умуммаданий талаблардан ташқари касбий, педагогик талаблар ҳам қўйилади. Ўқитувчи ўз нутқининг мазмуни ва сифати, унинг

оқибатлари учун жавобгар. Шу сабабли ўқитувчи педагогик маҳоратида унинг нутқи муҳим қисми саналади.

«Ўқитувчи нутқи» тушунчасини одатда, ўқитувчининг оғзаки нутқи ҳақида сўз кетгандагина қўллайдилар. Ўқитувчининг оғзаки нутқи педагог сўзлаганда ҳосил бўладиган нутқдир.

Педагогик нутқ:

А) Педагог ва тарбияланувчилар ҳамкорлигининг самарадорлигини;

В) Ўқитувчининг ўқувчида еътиқод, фаолият мотивларини шакллантиришга ижобий таъсирини;

С) Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини тўғри ташкил қилишни таъминлайди.

«Педагогик нутқ» тушунчаси билан «ўқитувчининг коммуникатив хулқи», тушунчаси узвий боғлиқ. Илмий адабиётларда «ўқитувчининг коммуникатив хулқи» – деганда оддийгина сўзлашув, ахборот етказиш жараёни емас, балки педагог ва ўқувчилар ўртасидаги ҳиссий психологик муҳитли мулоқотни, уларнинг иш услубига таъсир қилувчи нутқ ва унга мос ўқитувчи хулқини ташкил етиш тушунилади. Ўқитувчи коммуникатив хулқининг хусусиятлари: нутқ баландлиги, ўқувчиларга мурожаат қилиш услуби, мимика, нутққа хос ҳаракатлардир.

“O’qituvchi nutqi” tushunchasini odatda, oqituvchining og’zaki nutqi haqida so’z ketgandagina qo’llaydilar. O’qituvchining og’zaki nutqi pedagog so’zlaganda hosil bo’a\ladigan nutqdir.

Pedagog va tarbiyalanuvchilar hamkorligining samaradorligi;

O’qituvchining o’quvchida e’tiqod, faoliyat motivlarini shakllantirishga ijobiy ta’sirini;

O’quvchilarning o’quv faoliyatini to’g’ri tashkil qilishni ta’minlash

NUTQ SAN’ATI AKSARIYAT HOLLARDA TABIAT BERGAN INOM EMAS, BALKI O’Z USTIDA KO’ ISHLASH NATIJASIDIR

“PEDAGOGIK NUTQ” TUSHUNCHASI

Odatda, o’qituvchining og’zaki nutqi haqida so’z ketganida qo’llaydilar. O’qituvchining og’zaki nutqi pedagog so’zlaganda hosil bo’ladigan nutqdir.

“O’qituvchining kommunikativ xulqi” tushunchasi

“O’qituvchining kommunikativ xulqi”,- deganda oddiygina so’zlashuv, axborot yetkazish enas, balki pedagog va o’quvchilar o’rtasidagi hissiy psixologik muhitli muloqitni, ularning ish uslubiga ta’sir qiluvchi nutq va unga mos o’qituvchi xulqini tashkil etish tushuniladi.

Назорат саволлари:

1. Педагогик нутқнинг хусусиятларини айтинг.
2. Видеомагнитофонда ўқитувчининг икки хил нутқи тингланади ва таҳлил қилинади. Нутқ ва коммуникатив одобни умумлаштиринг.
3. Сизни ўқитган ўқитувчилар нутқини есланг. Ютуқ ва камчиликларини таҳлил қиланг.
4. Қандай «штамп» сўзлар нутққа зарар келтиради. Ёзиб чиқинг.

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

1. Педагогик нутқ шаклларини тушунтириш.
2. Педагогик нутқнинг коммуникатив сифатларини аниқлаш.
3. Педагогик нутққа қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва амал қилишга йўналтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Педагогик нутқнинг функцияларини тушунтиради.
2. Педагог-бунёдкорлар нутқидан мисоллар келтиради.
3. Ўз педагогик нутқини таҳлил қилади.

2-саволнинг баёни:

Ўқитувчининг оғзаки нутқи икки хил кўринишда бўлади: монологик ва диалогик.

Монологик нутқнинг енг кенг тарқалган шакллари ҳикоя, мактаб маърузаси, ваъз, тушунтириш, танқидий мулоҳазалардир.

Ўқитувчининг диалогик нутқи савол-жавоб шаклидаги суҳбатлар кўринишида бўлади.

Педагогик вазифаларни амалга ошириш учун ўқитувчи нутқи қуйидаги талабаларга жавоб бериши керак:

- адабий тил меъёрлари;
- орфоепик ва грамматик сўзларни қўллашнинг аниқлиги ва ифодали нутқ талаблари – образли, ҳиссий ёрқинлиги.

Ўқитувчи нутқининг асосий вазифаларидан бири – билимларни тўлиқ етказишдир.

Ўқитувчи нутқининг вазифалари:

- ахборот етказишни ривожлантириш;
- билимга муносабатни шакллантиришга таъсир кўрсатиш;
- билим асосида ҳаракат ва фаолиятга йўллаш.

Ўқитувчи нутқини ўқувчилар идрок қилиш натижалари:

- интеллектнинг бойиши;
- билимни тушуниш, уларни шахсийфазилат деб қабул қилишлари;
- билимдан ўз хулқи учун, раҳбарлик қилиш учун фойдаланиш.


O’qituvchining og’zaki nutqi ikki xil ko’rinishda bo’ladi
Monologik nutqning eng keng tarqalgan shakllari hikoya, maktab ma’ruzasi, va’z, tushuntirish, tanqidiy mulohazalardir.
O’qituvchining dialogik nutqi savol-javob shaklidagi suhbatlar ko’rinishida bo’ladi.


Pedagogik vazifalarni amalga oshirish uchun o’qituvchi nutqi quyidagi talabalarga javob berishi kerak:
ADABIY TIL ME’YORLARI
ORFOEPIK VA Grammatik So’zlarni Qo’llashning Aniqligi Va Ifodali Nutq Talablari
OBRAZLI, HISSIY YORQINLIGI.


O’qituvchi nutqining vazifalari:
axborot etkazishni rivojlantirish
bilimga munosabatni shakllantirishga ta’sir ko’rsatish
bilim asosida harakat



Назорат саволлари:

1. Педагогик нутқнинг шаклларини ўрганиб чиқинг.
2. Ҳар бир нутқ шаклларини таҳлил қилинг.
3. Улар ўртасидаги боғлиқликни изоҳланг.

3-савол бўйича дарснинг мақсади:

Ўқитувчи нутқининг хусусиятларини очиб бериш, бўлажак ўқитувчининг нутқини ривожлантириш йўл-йўриқларини кўрсатиш ва шунга йўналтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўқитувчи нутқининг хусусиятларини тушунтиради.
2. Ўқитувчи нутқининг мазмунини таҳлил қилади.
3. Талаба нутқини ривожлантириш йўл-йўриқларини таққослайди.
4. Ўз нутқини ривожлантириш дастурини тузади.

3-савол баёни:

Бўлажак ўқитувчи нутқини шакллантиришда бир неча йўналиш мавжуд:

1. Ўзини назорат қилиш ва ифодали ўқиш малакасини ривожлантириш.

Ифодали ўқишга талаффуз шартлари, бадиий воситалар (ипитит, метафора) оғзаки, кўргазмали воситалар (асарлардан парча, офаризмлар) асосида еришилади. Нутқнинг жонли, ранг-баранг, ҳиссий бўлишига еътибор берилади.

2. Ўзини назорат қилиш ва коммуникатив кўникма, қобилиятларини ривожлантириш.

Ўқитувчи коммуникатив хулқининг самараси унинг мулоқот услубига боғлиқдир. Бўлажак ўқитувчида бир қанча қобилиятларни ривожлантиришга еътибор бериш керак.

А) ижтимоий –перцептив;

В) ижтимоий-тасаввур қобилияти;

С) ўзини ва ўз руҳий ҳолатини бошқариш ;

Д) таъсирчанлик қобилияти.

3. Ўзини назорат қилиш ва нутқ маданиятини ривожлантириш. Бу ерда сўз ўзида нутқ маданиятини доим ошириш ҳақида бормоқда. Нутқ тўғрилигига алоҳида еътибор бериш керак, (урғуни тўғри қўйиш, талаффуз, сўз тузиш).

Нутқ, малака ва кўникмаларни егаллаш учун зарур бўлган шахсий психофизиологик хусусиятларни ривожлантиришдир. Ўқитувчи нутқининг ифодали бўлиш шартларидан бири сўзлаётган нарса, ҳодиса, жараёнларни хаёлан тасаввур қила билишдир.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари, мазмунини айтиб беринг:

- болаларга йўналтирилганлик;
- Ўқитувчи нутқини болалар икки усул билан қабул қилади, ешитиб ва кўриб;
- Оғзаки нутқ импровизациялари (импровизациянинг икки томони)ни айтиб беринг.

2. Бўлажак ўқитувчи нутқини ривожлантириш йўл-йўриқларини айтиб беринг.

3. Нутқингизни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқинг.
4. Нутқни ривожлантирувчи машқлар бажаринг.





Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Ўқитувчи нутқини шакллантириш йўлларини яратиш.
2. Ўқитувчининг ҳозиржавоблиги, тез ва тўғри фикрлаши, мантиқли ва таъсирчан қилиб гапириш технологиясини ишлаб чиқиш.
3. Ўқитувчининг нутқидаги камчиликларни аниқлаш, тузатиш ва ўзгартириш методикасини илмий асослаш.

Мустақил иш топшириқлари:

4. Ўқитувчи нутқининг шаклларини ўрганиб чиқинг.

5. Нутқ шаклларини ўзаро таҳлил қилинг.

6. Ўзингиз билган бирор ўқитувчининг нутқини таҳлил қилиб чиқинг.

7. Ўз фаолиятингизда нутққа қанчалик еътибор беришингизни текширинг.

8. Ўз нутқингизни шакллантириш юзасидан амалларни бажариб кўринг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Ўқув материалини яхши баён қилиш учун ўқитувчи нутқ санъатини мукаммал егаллаган бўлиши керак. Нутқ санъати кўп ҳолларда табиат берган бойлик емас, балки ўз устида кўп ишлаш натижасидир.

2. «Педагогик нутқ» тушунчаси билан «ўқитувчининг коммуникатив ҳулқи» тушунчаси узвий боғлиқ.

3. Ўқитувчи нутқининг ифодали бўлиш шартларидан бири сўзлаётган нарса, ҳодиса, жараёнларни хаёлан тасаввур қила билишдир.

Асосий адабиётлар:

1. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ» нашриёти, 1998. 12 б.
2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ Т., 1996. 19 б.
3. Қудратов А. Нутқ маданияти асослари. Т., 1999. 26-32 б.
4. Основў педагогического мастерства. М., 1989. 47-61 с.

Қўшимча адабиётлар:

5. Ғозиев. Е. Педагогик-психология асослари. Т., 1997. 28-30 б.

Fanni o'qitish texnologiyasi
11-mavzu. Ishontirish va pedagogik ta'sirchanlik mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	**Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни**	**Амалга оширувчи шахс, вақт**
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1. Дарс мақсади:** Ишонтириш шахсга таъсир етишнинг асосий йўли сифатида еканлигини талабаларга тушунтиради. Уларга педагогик таъсир етишнинг моҳиятини тушуниб етишларига ёрдам беради ва қизиқиш уйғотади. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Ишонтириш - педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли сифатида еканлигининг моҳиятини тушунтиради. • Ишонтиришга қўйиладиган талабларни изоҳлаб	**Ўқитувчи**

	беради. • Ишонтириш - педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли еканлигини далиллаб беради. **1.3. Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Ишонтириш, таъсирчанлик, педагогик таъсир кўрсатиш, мантиқий асослаш, таъсирланиш, еътиқод, чин еътиқод, ёлғон еътиқод. **1.10. Дарс шакли:** гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.11. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.12. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Маъруза матни, ўқув қўлланма, компютер технологиялари, слайдлар, проектор, қоғоз, маркер, китоб, доска, бўр.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гурухда ишлаш босқичи:** **3.1.** Талабаларга муаммоли савол беради (52 бет) . **Мавзуга оид муаммолар:** • Ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишнинг ҳар хил усуллари, шакллари ва воситалари мавжуд. Аудиторияга педагогик таъсир ета олиш учун педагогда нималар мужассам бўлиши лозим? Асосийлари ва ёрдамчиларини ажратиб кўрсатинг. • Ишонтиришнинг турларини таҳлил қилинг. Қайси бири сиз учун мос келади деб ҳисоблайсиз? Сиз ўқувчиларингизга қайси турдан фойдаланиб таъсир етган бўлар едингиз? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Ижтимоий-психологик назарияни ўрганиб чиқиш ва педагогик мулоқот тажрибасига асосланган педагогик таъсир кўрсатишнинг икки йўли қабул қилинган: • Ишонтириш. • Педагогик таъсирчанлик. • Ишонтириш негизида билимлар тизими, дунёқараш, кўникма ва малакалар ётади. • Педагогик жараёнда таъсирчанлик ўқитувчи учун	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	енг зарур сифатлардан биридир. Педагогик таъсирчанлик ўқувчи шахсига мос муносабатда бўлиш орқали йўлга қўйилади.	
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўлларини аниқланг. • Ишонтиришнинг турларини айтинг. • Ҳақикий ва ёлғон ишонтиришни ёзма равишда изоҳланг ва моҳиятини тушунтиринг. • Асослаш мантиқининг моҳиятини очиб беринг. • Ишонтириш – педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли сифатида еканлигини ўз тажрибангиз орқали кўрсатиб беринг. • Дарсга тайёргарлик кўрганингизда ўйлаб чиқинг: қайси жойларда боланинг ақлига, қачон ҳиссиётига таъсир етасиз? • Пантомимикани кузатинг, таъсирчанлик даражасини аниқланг. • Дам олиш даврида ўзингизга ёққан иш билан шуғулланинг, унинг ишонч-еътиқодингизга таъсирини аниқланг.. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (53-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

11-mavzu. ISHONTIRISH VA PEDAGOGIK TA’SIRCHANLIK

Асосий саволлар:

1. Ишонтириш - шахсга таъсир етишнинг асосий йўли сифатида.
2. Педагогик жараёнда таъсирчанлик.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.

Ишонтириш, таъсирчанлик, педагогик таъсир кўрсатиш, мантиқий асослаш, таъсирланиш, еътиқод, чин еътиқод, ёлғон еътиқод.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишнинг ҳар хил усуллари, шакллари ва воситалари мавжуд. Аудиторияга педагогик таъсир ета олиш учун педагогда нималар мужассам бўлиши лозим? Асосийлари ва ёрдамчиларини ажратиб кўрсатинг.
2. Ишонтиришнинг турларини таҳлил қилинг. Қайси бири сиз учун мос келади деб ҳисоблайсиз? Сиз ўқувчиларингизга қайси турдан фойдаланиб таъсир етган бўлар едингиз?

1-савол бўйича дарснинг мақсади:

Ишонтириш шахсга таъсир етишнинг асосий йўли сифатида еканлигини талабаларга тушунтиради. Уларга педагогик таъсир етишнинг моҳиятини тушуниб етишларига ёрдам беради ва қизиқиш уйғотади.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ишонтириш - педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли сифатида еканлигининг моҳиятини тушунтиради.
2. Ишонтиришга қўйиладиган талабларни изоҳлаб беради.
3. Ишонтириш - педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли еканлигини далиллаб беради.

1-савол баёни:

Ўқувчи шахсига тарбиявий таъсир кўрсатиш манбаининг асоси педагог-дир. Ижтимоий-психологик назарияни ўрганиб чиқиш ва педагогик мулоқот тажрибасига асосланган педагогик таъсир кўрсатишнинг икки йўли қабул қилинган:

1. Ишонтириш.
2. Педагогик таъсирчанлик.

Бу иккала йўл бир мақсадга қаратилган, лекин улар ўз хусусиятларига егадир. Ўсиб келаётган бола шахси ижтимоий муҳит ва табиат билан бевосита ўзаро муносабатда бўлади. Улар муносабатининг натижаси еса ишонтиришдир. Ишонтириш негизида билимлар тизими, дунёқараш, кўникма ва малакалар ётади. Ишонтириш-педагогик таъсир кўрсатиш натижаси еканлигини кўриб чиққан ҳолда уни икки турга бўлиш мумкин:

- ❖ Ҳақиқий ишонтириш.
- ❖ Ёлғон ишонтириш.

Ҳақиқий ишонтириш- борлиқ ва воқеликка мос келган, бола шахсини замон талабига жавоб берувчи комил етиб шакллантиради.

Ёлгон ишонтириш еса бола шахсидаги салбий хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишда ўз ифодасини топади.





Назорат саволлари:

1. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўлларини аниқланг.
2. Ишонтиришнинг турларини айтинг.
3. Ҳақикий ва ёлғон ишонтиришни ёзма равишда изоҳланг ва моҳиятини тушунтиринг.
4. Асослаш мантиқининг моҳиятини очиб беринг.
5. Ишонтириш – педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий йўли сифатида еканлигини ўз тажрибангиз орқали кўрсатиб беринг.

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

Педагогик жараёнда таъсирчанликнинг тутган ўрнини талабаларга тушунтиради. Таъсирчанликнинг моҳиятини тушуниб етишларига ёрдам беради ва қизиқиш уйғотади.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Педагогик таъсирчанликнинг моҳиятини тушунтиради.
2. Педагогик таъсирчанликнинг моҳиятини изоҳлаб беради.
3. Педагогик таъсирчанликнинг ўқитувчи педагогик маҳоратида тутган ўрнини очиб беради.

2-савол баёни:

Педагогик жараёнда таъсирчанлик ўқитувчи учун енг зарур сифатлардан биридир. Педагогик таъсирчанлик ўқувчи шахсига мос муносабатда бўлиш орқали йўлга қўйилади. Педагогик таъсир етишда ибрат намунанинг, рағбатлантириш ва жазолашнинг, ўз-ўзига талабчанликнинг ва бошқа таъсир кўрсатиш йўлларидан унумли фойдаланишнинг аҳамияти катта. А.С. Макаренко «менинг асосий усулларимдан бири, бола шахсини ҳурмат қилиш ва талабчан бўлишликдан иборат еди»,- деб ёзган еди. Ёшларга таъсир етишда катталарнинг шахсий намуналари алоҳида аҳамиятга ега. Ўқитувчи ўзида йўқ фазилатларни ўқувчида таркиб топтира олмайди. Айниқса хулқ-атвордаги ўқитувчининг ибрат-намуна бўлиши, педагогик таъсирчанликнинг асосий шартларидан биридир. Ёшларга ишоч билдириш орқали таъсир етилади. Педагогик таъсир етишда рағбатлантириш ва жазолашнинг роли катта бўлиб, ундан усталик билан фойдаланишни, ўз вақтида объектив қўлланишни такозо етади. Рағбатлантириш, жазолаш усуллари боланинг ҳолатига тўла мос келганда фойдали бўлади.

Таъсирчанлик қуйидаги турларга бўлинади:

А. Бошқа инсон тамонидан
Б. Ўз-ўзига таъсир етиш.
В. Мақсадли ва мақсадсиз.
Г. Ижобий ва салбий.
Д. Очиқ ва яширин.
Е. Гипноз остида, оддий ҳолатда.

Таъсир етиш усуллари: очиқ, тўғри, буйруқ, бевосита, ишора, ҳукм қилиш, маъқуллаш.



Мавзу юзасидан ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Педагогик еътиқодга еришиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.
2. Педагогик таъсирчанликни оширишнинг самарали йўлларини аниқлаш.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Педагогик таъсир етиш усулларини ўз тажрибаларингизда қўлланг ва уни ёзма баён қилинг.
2. Педагогик таъсир етиш турларини синаб кўринг ва натижасини таҳлил қилинг.
3. Ишонтириш ва таъсир етишнинг боғлиқ томонларини очиб беринг.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Ижтимоий-психологик назарияни ўрганиб чиқиш ва педагогик мулоқот тажрибасига асосланган педагогик таъсир кўрсатишнинг икки йўли қабул қилинган:
   1. Ишонтириш.
   2. Педагогик таъсирчанлик.
2. Ишонтириш негизида билимлар тизими, дунёқараш, кўникма ва малакалар ётади.
3. Педагогик жараёнда таъсирчанлик ўқитувчи учун енг зарур сифатлардан биридир. Педагогик таъсирчанлик ўқувчи шахсига мос муносабатда бўлиш орқали йўлга қўйилади.

Адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997. 52 б.
2. Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом обҳении. М., 1987. 26-31 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Азаров Ю.П. Искусство воспитўват. М., 1979. 42-44 с.
2. Чориев Р. Педагогик маҳорат –таълим тарбия сифати кафолати. Халқ таълими. 1-сон. 2004 йил

Fanni o'qitish texnologiyasi
12-mavzu. O'qituvchining dars jarayonidagi mahorati mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

Т Ғ р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **Дарс мақсади:** Ўқитувчининг дарс жараёнидаги, умуман ўқувчиларга билим беришдаги маҳорат хусусиятлари тушунтирилади. Дарсни фойдали ва қизиқарли ўтишга қизиқиш ҳосил қилинади. **1.13. Идентив ўқув мақсадлари.** • . Синфда педагогик ҳамкорлик ўрнатишнинг хусусиятларини тушунтиради. • Синфда педагогик ҳамкорликнинг моҳиятини асослаб беради. • Замонавий дарс ва унга қўйиладиган талабларни изоҳлайди. **Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Педагогик ҳамкорлиқ, билим олиш, самарадорлиқ, педагогик фаолият, маданият, дидактик принциплар, изчиллик, тизимийлик, таълим воситалари, интерфаол методлар, ноанъанавий машғулотлар, ижодий ёндашув. **1.14. Дарс шакли:** Ахборот маъруза, биргаликда ўқиш усули ва жадвали **1.15. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** Кўргазмали маъруза, намойиш етиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, тақдимот, Блиц – сўров **1.16. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Маъруза матни, ўқув қўлланма, компютер технологиялари, слайдлар проектор, қоғоз, маркер, китоб, доска, бўр	**Ўқитувчи**
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гурухда ишлаш босқичи:**	**Ўқитув**

	3.1. Талабаларга муаммоли савол беради(слайд -.1) . **Мавзуга оид муаммолар:** • Синфда педагогик ҳамкорлик ўрнатишда «ўқитувчи –ўқувчи», «ўқувчи–ўқувчи» «ўқитувчи-ота-она», «ўқитувчи-ўқитувчи», «ўқувчи-директор» каби муносабатлар мавжуд. Бу муносабатларни аҳамиятига кўра жойлаштириб чиқинг. Нима сабабдан бундай тартибни маъқул кўрдингиз? • Ўқувчилар билим олиш жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида қандай усул, шакл ва воситалардан фойдаланишни маъқуллайсиз? Сиз танлаган йўллар ўқувчига мос келмаса нима қилган бўлар едингиз? Бундан бошқа ҳам самарали йўл бўлиши мумкинми? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Педагогик ҳамкорлик анаънавий усуллардан фарқ қилган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчи биргаликдаги меҳнати орқали билим олишга жалб етишни кучайтиради. • Педагогик ҳамкорликнинг бир қанча шакллари мавжуд: «ўқитувчи –ўқувчи», «ўқувчи–ўқувчи», «ўқитувчи-ота-она», «ўқитувчи-ўқитувчи», «ўқувчи-директор». • Ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига еришиш учун дарсда ўқувчилар билан енг аввало педагогик ҳамкорлик ўрната билиш керак. Бунинг учун ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқиш ҳиссини уйғотиш лозим. Педагогик маҳоратга ега бўлган ўқитувчи дарс ўтишдан олдин, дарсга тааллуқли бўлган қизиқ маълумот бериб ўқувчиларда дарсга қизиқиш ҳиссини кучайтиради.	**чи-талаба, 40 дақиқа**
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Дарс жараёнида ўқитувчи еришиши лозим бўлган тўлиқ мақсадни кўрсатинг. • Педагогик ҳамкорлик вазифаси нималардан иборат?	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**

	•Синфда педагогик ҳамкорлик ўрнатишнинг хусусиятларини тушунтиринг. •Ўқитувчи ўз дарсини ташкил етишда қандай асосий елементларга еътибор бериши кераклигини ёзма равишда изоҳланг. •Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги педагогик ҳамкорликни таққосланг. •Педагогик ҳамкорликнинг моҳиятини асослаб беринг. •Дарс самарадорлиги сифатини нима белгилайди? •Ўқитувчи дарсда мақсадга еришиш учун енг аввало нимага еътибор бериш керак? •Ўқувчилар билим олиш жараёнининг самарадорлигини оширишнинг моҳиятини тушунтиринг. •Ўқувчиларнинг билим олиш самарадорлигини оширишда дидактик категорияларнинг ролини ёзма равишда изоҳлаб беринг. •Дарснинг дидактик категорияларга мослигини билиш учун дарс таҳлилининг тузилишини ёзма равишда асослаб беринг. •Аъанавий ва ноанъанавий дарсларни таққосланг, уларнинг бир-бирига мослик ва фарқли томонларини асослаб беринг.. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (59-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

12-mavzu. O’QITUVCHINING DARS JARAYONIDAGI MAHORATI

Асосий саволлар:

1. Синфда педагогик ҳамкорлик ўрнатишнинг хусусиятлари.
2. Ўқувчиларнинг билим олиш жараёни самарадорлигини ошириш.

.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.

Педагогик ҳамкорлиқ, билим олиш, самарадорлиқ, педагогик фаолият, маданият, дидактик принциплар, изчиллик, тизимлийлик,

таълим воситалари, интерфаол методлар, ноанъанавий машғулотлар, ижодий ёндашув.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Синфда педагогик ҳамкорлик ўрнатишда «ўқитувчи – ўқувчи», «ўқувчи–ўқувчи», «ўқитувчи-ота-она», «ўқитувчи-ўқитувчи», «ўқувчи-директор» каби муносабатлар мавжуд. Бу муносабатларни аҳамиятига кўра жойлаштириб чиқинг. Нима сабабдан бундай тартибни маъқул кўрдингиз?
2. Ўқувчилар билим олиш жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида қандай, усул, шакл ва воситалардан фойдаланишни маъқуллайсиз? Сиз танлаган йўллар ўқувчига мос келмаса нима қилган бўлар едингиз? Бундан бошқа ҳам самарали йўл бўлиши мумкинми?

1-савол бўйича дарснинг мақсади:

Синфда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлигининг хусусиятларини талабаларга тушунтиради. Талабаларни ўқувчилар билан ҳамкорлик қилишга ўгатиш билан бирга педагоглик касбига қизиқиш уйғотади.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Синфда педагогик ҳамкорлик ўрнатишнинг хусусиятларини тушунтиради.
2. Синфда педагогик ҳамкорликнинг моҳиятини асослаб беради.
3. Замонавий дарс ва унга қўйиладиган талабларни изоҳлайди.

1-савол баёни:

Дарс жараёнида ўқитувчи олдида муҳим вазифалар ётади: ўқувчиларни дарсга жалб қила олиш, уларга ўзлари бажарган топшириқларнинг самарасини кўрсата билиш, комилликка ундаш ва ривожлантириш.

Педагогик ҳамкорлик анаънавий усуллардан фарқ қилган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчи биргаликдаги меҳнати орқали билим олишга жалб етишни кучайтиради. Педагогик ҳамкорликнинг моҳияти шундан иборатки, у ижтимоий ҳаёт, тузум ўзгариши билан янгиланиб, такомиллашиб боради. Педагогик ҳамкорлик билим олишда ўқувчиларни еркинлиги ва ўз ихтиёрига ега бўлиш қоидасига таянади. Педагогик ҳамкорлик ўқувчиларни олдиларига қўйган мақсадларига еришишга ўргатади. Уларни ўз устида ишлаш ва ўзини-ўзи таҳлил қилишларига ундайди. Педагогик ҳамкорлик жараёнида ўқувчи ўзини синфнинг ажралмас бир қисми еканини ҳис килади. Маҳоратли ўқитувчи ҳар бир ўқувчи дарсда ўз-ўзига топшириқ бера олишига, ўз баҳосини ўзи белгилашига еришади.

Педагогик ҳамкорликнинг бир қанча шакллари мавжуд: «ўқитувчи –ўқувчи», «ўқувчи–ўқувчи», «ўқитувчи-ота-она», «ўқитувчи-ўқитувчи», «ўқувчи-директор».

Улар ҳар бири ўзига хос хусусиятга ега бўлиб, чуқур илмий асосда таҳлил етилган ҳолда амалга оширилса таълим жараёни самарадорлиги ортиб боради. Бу муносабатлар ичида «ўқитувчи – ўқувчи», «ўқувчи–ўқувчи» муносабатлари енг асосийлари бўлиб, бу ҳамкорлик ҳам билим олишда, ҳам шахс сифатида шаклланишида бола шахсига самарали таъсир кўрсатади.

Назорат саволлари:

1. Дарс жараёнида ўқитувчи еришиши лозим бўлган тўлиқ мақсадни кўрсатинг.
2. Педагогик ҳамкорлик вазифаси нималардан иборат?
3. Синфда педагогик ҳамкорлик ўрнатишнинг хусусиятларини тушунтиринг.
4. Ўқитувчи ўз дарсини ташкил етишда қандай асосий елементларга еътибор бериши кераклигини ёзма равишда изоҳланг.
5. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги педагогик ҳамкорликни таққосланг.
6. Педагогик ҳамкорликнинг моҳиятини асослаб беринг.

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

Ўқувчиларнинг билим олиш жараёни самарадорлигини оширишни талабаларга тушунтиради. Талабаларда ўқувчилар билан ишлаш малакасини ташкил етишга ёрдам беради. Уларда педагоглик касбини егаллашга қизиқшни кучайтиради.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўқувчиларнинг билим олиш жараёни самарадорлигини оширишнинг моҳиятини тушунтиради.
2. Ўқувчиларнинг билим олиш жараёни самарадорлигини оширишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини таққослайди.
3. Билим олиш самарадорлигини таъминловчи фаолият турларини таҳлил қилади.

2-савол баёни:

Дарс - ўқувчи ва ўқитувчи нафақат берилган дарсни мустаҳкамлаши, балки кейинги дарс самарадорлигини ошириши ва ўқувчининг мустақил фикрлаши учун олиб борилади. Уйга вазифа бериш ва текшириш жуда муҳим аҳамият касб етади. Чунки уй вазифасини бажарган ўқувчигина тўлиқ баён қилинган дарсни ўзлаштирган бўлади. Дарс ўзлаштирилган даража еса дарс

самарадорлиги сифатини белгилайди. Ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига еришиш учун дарсда ўқувчилар билан енг аввало педагогик ҳамкорлик ўрната билиш керак. Бунинг учун ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқишни уйғотиш лозим. Педагогик маҳоратга ега бўлган ўқитувчи дарс ўтишдан олдин, дарсга тааллуқли бўлган қизиқ маълумот бериб ўқувчиларда дарсга қизиқиш ҳиссини уйғотади. Ўқитувчи ўқувчиларда сал чарчоқ сезса уларни дарсга қайта тайёрлаш учун ўзига жалб қила олиши керак.

Дарс самарадорлиги қуйидаги дидактик категориялар орқали таҳлил килинади:

1. Дарснинг дидактик принципларга ва ўқув-тарбиявий жараёнга мослиги.
2. Дарснинг бориши ва натижаси дастур, асосий дидактик мақсад талабига жавоб бериши.
3. Дидактик вазифаларнинг бажарилиши ва ўқувчиларга билим, кўникма ва малака беришда мақсадга еришилганлиги.
4. Дарс тартиби ва унинг ички тизимида елементларнинг кетма-кетлигини аниқлиги.
5. Дарсда қўлланилган усуллар ва воситаларнинг дидактик вазифаларини ҳал етишда мос келишлиги ва ўқувчининг юқори даражада билим олиши, таълим-тарбиянинг бирликда берилишига уйғунлиги.
6. Дарснинг умумийлиги ва ҳар бир ўқувчи учун тааллуклилиги , ҳаёт билан боғлиқлиги.

Муҳокама учун саволар:.

1. Дарс самарадорлиги сифатини нима белгилайди?
2. Ўқитувчи дарсда мақсадга еришиш учун енг аввало нимага еътибор бериш керак?
3. Ўқувчилар билим олиш жараёнининг самарадорлигини оширишнинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Ўқувчиларнинг билим олиш самарадорлигини оширишда дидактик категорияларнинг ролини ёзма равишда изоҳлаб беринг.
5. Дарснинг дидактик категорияларга мослигини билиш учун дарс таҳлилининг тузилишини ёзма равишда асослаб беринг.
6. Аъанавий ва ноанъанавий дарсларни таққосланг, уларнинг бир-бирига мослик ва фарқли томонларини асослаб беринг.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Дарснинг самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш.
2. Таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар яратиш.
3. Кафолатланган натижага еришишни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Педагогик ҳамкорлик анаънавий усуллардан фарқ қилган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчи биргаликдаги меҳнати орқали билим олишга жалб етишни кучайтиради.
2. Педагогик ҳамкорликнинг бир қанча шакллари мавжуд: «ўқитувчи –ўқувчи», «ўқувчи–ўқувчи», «ўқитувчи-ота-она», «ўқитувчи-ўқитувчи», «ўқувчи-директор».
3. Ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига еришиш учун дарсда ўқувчилар билан енг аввало педагогик ҳамкорлик ўрната билиш керак. Бунинг учун ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқиш ҳиссини уйғотиш лозим. Педагогик маҳоратга ега бўлган ўқитувчи дарс ўтишдан олдин, дарсга тааллуқли бўлган қизиқ маълумот бериб ўқувчиларда дарсга қизиқиш ҳиссини кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

Асосий адабиётлар:

1. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т. 1997 . 43-48 бетлар.
2. Очил.С. Мустақиллик мафкураси ва тарбия асослари. Т. 1994. 28-32 бетлар.
3. Основў педагогического мастерства. Под редаксией И.А.Зязюна. М., 1989. 113-135 бетлар.

Fanni o'qitish texnologiyasi
13-mavzu. O'qituvchining tarbiyachilik mahorati mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1. Дарс мақсади:** Тарбиячилик маҳоратининг ўзига хос томонлари, хусусиятларини талабалар онгига сингдиради. Тарбиячи фаолияти йўналишларини далиллайди.Тарбиявий фаолият юритишга ҳавас уйғотиш.Ўз шахсида тарбиячига хос хусусиятларни ҳосил қилишга йўналтириш. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Тарбиячилик маҳоратининг моҳиятини айтиб беради. • Тарбиячи фаолиятини изоҳлайди. • Тарбиячилик қобилиятини асослаб беради. **Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**	**Ўқитувчи**

	Тарбиявий фаолият, тарбиячи шахси, тарбиянинг таркибий қисмлари, тарбиявий иш режаси, тарбияланганлик даражаси, тарбияси «қийин» бола. **3. Дарс шакли:** гуруҳ ва микрогуруҳларда. **1.1. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** Кўргазмали маъруза, интерфаол методлар, муҳокама, мунозара, давра суҳбати **Керакли жиҳоз ва воситалар:** Проектор, компютер билан жиҳозланган аудитория.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гурухда ишлаш босқичи:** Талабаларга муаммоли савол беради . **Мавзуга оид муаммолар:** ○Ўқитувчи, тарбиячи, педагог, мураббий, устоз, муаллим, синф раҳбари. Ҳар бирининг касбий сифатларини ёзиб чиқинг. Қайси бирида тарбиячилик маҳорати устун бўлиши зарур деб ҳисоблайсиз? Фаолиятининг тарбияловчилик моҳиятига қараб кетма-кетликда жойлаштириб чиқинг. ○Билимдон, талабчан, қаттиққўл, принципли, айтганини қиладиган ва қилдирадиган, сўзидан қайтмайдиган, хато қилмайдиган, агар қилса ҳам тан олмайдиган ўқитувчи. • Ақлли, очиқ кўнгил, софдил, хушфеъл, меҳрибон, ширинсўз, ғамхўр, содда, ҳар қандай ҳолатда ўқувчига ён босадиган ўқитувчи. • Билими саёз, жаҳлдор, тез ўзгарадиган, ўзини яхши кўрадиган, обрўталаб, кўнгли нозик, дарсни қизиқарли ўтишга ҳаракат қиладиган ўқитувчи. • Қайси бирининг қўлида таълим-тарбия олишни хоҳлар едингиз?. Фикрингизни асосланг. ○9-а синф раҳбари жуда мукаммал тарбиявий иш режасини тузган. Лекин уни изчил бажармайди. 9-б синф раҳбарининг иш режаси номигагина тузилган. Аммо тез-тез қизиқарли ва фойдали тадбирлар ўтказиб туради. 9-в синфнинг раҳбарида кимдандир кўчириб олган иш режаси бор. Тайинли тарбиявий тадбир ўтказмайди, лекин ҳисоботи ҳаммманикидан мукаммал. Қайси	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	синф раҳбарининг ишини юқори баҳолайсиз? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Тарбиячилик маҳорати –бу фақат билим бериш емас, балки тарбия қонуниятлари, болалар жамоаси ҳаётини ташкил қилиш қонуниятларидан келиб чиқадиган усул ва методларнинг амалиётга ижодий татбиқидир. • Педагогикада тарбиячилик маҳорати бутун бир тизим сифатида ўзаро боғлиқ учта таркибий қисмга булинади: Технологик, ижтимоий-психологик (муносабатлар) ва етика.	
4	**Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** **4.1.** Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Тарбиячилик маҳорати билан ўқитувчилик маҳоратини таққосланг. Ўхшаш ва фарқли томонларини ажратиб беринг. • Тарбиячи фаолиятининг хусиятларини мисоллар билан ёзма баён етинг. • Тарбиячилик қобилияти нималарни ўз ичига олишини текшириб кўринг. • Тарбиявий иш режаси, календар тематик режа, ўқув машғулоти режа матнининг ўхшашлик ва фарқли томонларини аниқланг. • Тарбиявий иш режаси ким томонидан тузилади? • Тарбиявий иш режаси қандай тадбирларни ўз ичига олади? • Ўқувчининг тарбияланганлик даражаси нима билан улчанади? **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (65-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

13-mavzu. O'QITUVCHINING TARBIYACHILIK MAHORATI

Асосий саволлар.

1. Тарбиячилик маҳоратининг моҳияти.
2. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмлари.
3. Тарбиявий ишларни режалаштириш ва самарали амалга ошириш йўллари.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.

Тарбиявий фаолият, тарбиячи шахси, тарбиянинг таркибий қисмлари, тарбиявий иш режаси, тарбияланганлик даражаси, тарбияси «қийин» бола.

Мавзуга оид муаммолар:

Ўқитувчи, тарбиячи, педагог, мураббий, устоз, муаллим, синф раҳбари. Ҳар бирининг касбий сифатларини ёзиб чиқинг. Қайси бирида тарбиячилик маҳорати устун бўлиши зарур деб ҳисоблайсиз? Фаолиятининг тарбияловчилик моҳиятига қараб кетма-кетликда жойлаштириб чиқинг.

Билимдон, талабчан, қаттиққўл, принципли, айтганини қиладиган ва қилдирадиган, сўзидан қайтмайдиган, хато қилмайдиган, агар қилса ҳам тан олмайдиган ўқитувчи.

Ақлли, очиқ кўнгил, софдил, хушфеъл, меҳрибон, ширинсўз, ғамхўр, содда, ҳар қандай ҳолатда ўқувчига ён босадиган ўқитувчи.

Билими саёз, жаҳлдор, тез ўзгарадиган, ўзини яхши кўрадиган, обрўталаб, кўнгли нозик, дарсни қизиқарли ўтишга ҳаракат қиладиган ўқитувчи.

Қайси бирининг қўлида таълим-тарбия олишни хоҳлар едингиз?. Фикрингизни асосланг.

9-а синф раҳбари жуда мукаммал тарбиявий иш режасини тузган. Лекин уни изчил бажармайди. 9-б синф раҳбарининг иш режаси номигагина тузилган. Аммо тез-тез қизиқарли ва фойдали тадбирлар ўтказиб туради. 9-в синфнинг раҳбарида кимдандир кўчириб олган иш режаси бор. Тайинли тарбиявий тадбир ўтказмайди, лекин ҳисоботи ҳаммманикидан мукаммал. Қайси синф раҳбарининг ишини юқори баҳолайсиз?

1-савол бўйича дарснинг мақсади:

Тарбиячилик маҳоратининг ўзига хос томонлари, хусусиятларини талабалар онгига сингдиради. Тарбиячи фаолияти йўналишларини далиллайди.Тарбиявий фаолият юритишга ҳавас уйғотиш.

Ўз шахсида тарбиячига хос хусусиятларни ҳосил қилишга йўналтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тарбиячилик маҳоратининг моҳиятини айтиб беради.
2. Тарбиячи фаолиятини изоҳлайди.
3. Тарбиячилик қобилиятини асослаб беради.
4. Тарбиявий иш режаси мазмунини таҳлил қилади.

1-савол баёни:

Тарбиячилик фаолияти бу ташкилотчилик фаолиятидир. Тарбиячилик маҳорати болалар ҳаётининг ташкилотчиси маҳоратининг худди ўзгинасидир. Маҳорат–бу мактаб ўқувчисини ривожлантирувчи педагогик вазиятларни ташкил қила олиш малакасидир. Бу «ўқитувчи-ўқувчи» жуфтлиги масалаларининг бир зумда ечилиши емас, балки жамоа ва шахсга тарбиявий таъсир етувчи жамоа ижодий фаолиятини ташкил қилишдир.

Маҳорат - назария ва амалиётнинг бирлигидир. Тарбиячилик маҳорати –бу фақат билим бериш емас, балки тарбия қонуниятлари, болалар жамоаси ҳаётини ташкил қилиш қонуниятларидан келиб чиқадиган усул ва методларнинг амалиётга ижодий татбиқидир. Билим ва унга асосланган кўникма, малакалар- тарбиячилик маҳорати моҳиятининг асосидир. Тарбиячининг қобилиятига: турли педагогик вазиятларда ҳар бир бола оламида юз бераётган жараёнларни тўғри тушуниш малакаси; тезда илғаш ва диққатни кўчира олиш қобилияти; ишонч ва талабчанлик; болалар билан ўйнаш қобилияти; вазиятни турли томондан баҳолай олиш қобилияти; хилма-хил педагогик фактлардан муҳимини ажрата олиш қобилияти; тасодифий фактларда муҳимликни кўра олиш қобилияти; вазиятларда таъсир етишнинг турли усулларидан фойдалана олиш қобилияти; ҳис-туйғу ва фикрларни сўз билан, мимика ва ҳаракатлар билан аниқ етказа олиш қобилияти киради. Шу билан биргаликда ўқиш, меҳнат, спорт, бадиий фаолиятларда болалар билан алоқа ўрната олиш қобилияти; алоҳида ёндоша олиш; болалар ташаббускорлигини ўстира олиш қобилияти; қийин ҳолатларда болаларга ёрдам бера олиш; ўқувчилар билан доимо маслаҳатлашиш; ўтказилаётган тадбирлар юзасидан болаларнинг фикрларини ўрганиш; ўз-ўзини бошқаришнинг турли шаклларидан унумли фойдаланиш; ҳар бир ўқувчида ижобий фазилатларни кўра олиш; ўқувчиларни севимли ва севимсизга бўлмаслик; ўқувчиларда уларнинг нуқтаи назарида тура олиш қобилиятларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга ега.

Tarbiyachilik faoliyati bu tashkilotchilik faoliyatidir. Tarbiyachilik mahorati bolalar hayotining tashkilotchisi mahoratining xuddi o’zginasidir. Mahorat–bu maktab o’quvchisini rivojlantiruvchi pedagogik vaziyatlarni tashkil qila olish malakasidir. Bu «o’qituvchi-o’quvchi» juftligi masalalarining bir zumda echilishi emas, balki jamoa va shaxsga tarbiyaviy ta’sir etuvchi jamoa ijodiy faoliyatini tashkil qilishdir.

Назорат саволлари:

1. Тарбиячилик маҳорати билан ўқитувчилик маҳоратини таққосланг. Ўхшаш ва фарқли томонларини ажратиб беринг.
2. Тарбиячи фаолиятининг хусиятларини мисоллар билан ёзма баён етинг.
3. Тарбиячилик қобилияти нималарни ўз ичига олишини текшириб кўринг.

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмларини ўргатиш, яхлит тизим сифатида маълумот бериш.

Талабаларда моҳир тарбиячи бўлиш қизиқишини ҳосил қилиш.

Тарбиячига хос фазилатларни егаллашга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмларини тушунтиради.

2. Тарбиячилик маҳоратини ташкил етувчи тизимларин шарҳлаб беради.

3. Ижобий таъсир етиш принципларини текшириб кўради.

2-савол баёни:

Педагогикада тарбиячилик маҳорати бутун бир тизим сифатида ўзаро боғлиқ учта таркибий қисмга бўлинади: Технологик, ижтимоий-психологик (муносабатлар) ва етика.

Технологик тизим ёки технология бу педагогик жараённи режали ва кутилган натижаларга еришишга имкон берадиган, шахсга ва жамоага аниқ тасир кўрсатиш воситалари тизимидир.

Муносабатлар тизими. Тарбиячи маҳорати-бу болалар муносабатларига мўлжал олиш санъатидир. Маҳоратли тарбиячи инсоний муносабатлар қирраларини ажрата олади. Ҳар бир ўқувчини жамоа муносабатларига киришиш учун қуйидагиларга еътибор бериш зарур:

- ҳар бир ўқувчи билан ишлашда яқин педагогик топшириқлар қўйиш;
- ўзаро хайрхоҳлик, ўзаро ёрдам муҳитини шакллантириш;
- оилани тарбиявий таъсирини ҳисобга олиш;
- болаларнинг ўзаро алоқаларини кучайтирувчи, ижодий қобилиятини ривожлантирувчи фаолиятларни ташкил қилиш;
- ўқувчиларга ўзаро тенг, адолатли муносабатда бўлиш.

Етик тизим. Агар тарбиявий восита, усул ва методлар орқасида етакчи ғоя турмаса, технологик тизим ва муносабатлар тизими юқори тарбиявий натижаларни бермайди. Педагог ва жамоа диққат марказида ижобий мотивлар бўлиши керак.

Pedagogikada tarbiyachilik mahorati butun bir tizim sifatida o'zaro bog'liq uchta tarkibiy qismga bo'linadi

Texnologik tizim yoki texnologiya bu pedagogik jarayonni rejali va kutilgan natijalarga erishishga imkon beradigan, shaxsga va jamoaga aniq tasir ko'rsatish vositalari tizimidir.

Munosabatlar tizimi. Tarbiyachi mahorati-bu bolalar munosabatlariga mo'ljal olish san'atidir. Mahoratli tarbiyachi insoniy munosabatlar qirralarini ajrata oladi.

Etik tizim. Agar tarbiyaviy vosita, usul va metodlar orqasida etakchi g'oya turmasa, texnologik tizim va munosabatlar tizimi yuqori tarbiyaviy natijalarni bermaydi.



Назорат саволлари:

1. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмларини айтиб беринг.
2. Тарбия мотивлари педагогик маҳоратнинг қайси таркибий қисмига киради?
3. Педагогик маҳоратни ташкил етувчи ҳар бир қисмга алоҳида ва узвий боғланган тизим сифатида изоҳ беринг.
4. Ахлоқий йўналишдаги суҳбатлар режасини ишлаб чиқинг. Уларни қайси синфларда ва қандай тартибда ўтказишни шархлаб беринг.
5. Тарбияланувчиларга ижобий таъсир етиш тамойилларини тавсифланг.

3-савол бўйича дарснинг мақсади:

Талабаларга тарбиявий ишларни режалаштириш ва самарали ўтказиш ҳақидаги маълумотларни тушунтириш. Режалаштиришнинг тартибини аниқ бир синф мисолида баён етиш. Режа тузиш ва уни бажариш тарбия самарадорлигини оширишнинг асосий йўли еканлигини уқтириш ҳамда келажакда унга амал қилишга тайёрлаш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Тарбиявий иш режасини ўқув ишлари режасидан фарқлайди.
2. Тарбиявий иш режасининг тузилиш тартибини изоҳлайди.
3. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаларини таққослайди.

3-асосий савол баёни:

Маълумки, режалаштириш ижодий жараён. Шунинг учун унинг у ёки бу шаклини ҳамма учун тавсия етиш ноўриндир. Лекин ёш ўқитувчи яхши синф раҳбари томонидан тузилган иш режасининг ғоясини ўзига намуна қилиб олиши мумкин.

Тарбиявий иш режасида меҳнат тарбиясига алоҳида аҳамият берилади. Тарбиячи ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси тизимини берар екан, ўқувчилар меҳнат машаққати, чарчоқ ва ҳордиқ ҳақида аниқ тасаввурга ега бўлишларини ҳисобга олиш керак. Ота-оналар билан ишлаш бўлимида оила, мактаб тарбиясини тавсифлайдиган қисқа ёзувларда берилади. Моҳир педагог тарбиявий иш режасига аниқ бир мақсад қўяди. Режани қуйидаги тартиб асосида тузиш мумкин: нима қилмоқ керак, ким томонидан, муддати.

Педагогик таъсирни аниқлашда қуйидагиларга еътибор қаратиш лозим:

1. Ўқувчиларнинг ижтимоий-ғоявий тайёргарлиги, уларнинг Республикамиз ҳаётига қизиқиши.
2. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллиги.
3. Ўқувчиларнинг ўқишга, билим олишга муносабати.
4. Ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган муносабати.
5. Ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари, бошқаларни ҳурмат қилишлари.
6. Ўқувчиларнинг бадиий ижодлари, естетик маданияти.
7. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, спорт, туризм билан шуғулланишлари.
8. Ўқувчиларнинг онгли интизоми.

Назорат саволлари:

1. Тарбиявий иш режаси, календар тематик режа, ўқув машғулоти режа матнининг ўхшашлик ва фарқли томонларини аниқланг.
2. Тарбиявий иш режаси ким томонидан тузилади?
3. Тарбиявий иш режаси қандай тадбирларни ўз ичига олади?
4. Ўқувчининг тарбияланганлик даражаси нима билан улчанади?

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш.
2. Ёшларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш мезонларини илмий асослаш.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Ўқитувчининг, синф раҳбарининг, ота-онанинг тарбиячилик фаолиятларини қиёсий таҳлил етиш.
2. Аниқ бир синфга намунали тарбиявий иш режасини тузиш.
3. Бир соатлик тарбиявий тадбирнинг режа матнини тайёрлаш.
4. Тарбиявий тадбир ўтказиш ва таҳлил қилиш.
5. Битта ўқувчининг тарбияланганлик даражасини аниқлаш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Тарбиячилик маҳорати –бу фақат билим бериш емас, балки тарбия қонуниятлари, болалар жамоаси ҳаётини ташкил қилиш

қонуниятларидан келиб чиқадиган усул ва методларнинг амалиётга ижодий татбиқидир.

2. Педагогикада тарбиячилик маҳорати бутун бир тизим сифатида ўзаро боғлиқ учта таркибий қисмга булинади: Технологик, ижтимоий-психологик (муносабатлар) ва етика.

Асосий адабиётлар:

1. **Баркамол авлод орзуси. Т., 1998. 12 б.**
2. **Болдиров Н.И. Синф раҳбари. Т. «Ўқитувчи», 1984. 22-32 бетлар**
3. **Основў педагогического мастерства. Под ред. И.А.Зязюна. М., 1989. 135-145 с.**

Қўшимча адабиётлар:

1. Маренко И.С. Мактабда тарбиявий ишларни ташкил етиш ва бошқариш. Т.,1978. 88 б.
2. Шилова М.И. Учителю о воспитанности школников. М., «Педагогика», 1990. 22-40 б.

Fanni o'qitish texnologiyasi
14-mavzu. O'z-o'zini tarbiyalash va o'z ustida ishlash mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	**Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни**	**Амалга оширувчи шахс, вақт**
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.1.Дарсни мақсади: Ўз**-ўзини тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро изчиллиги ҳамда уйғунлигини билиш, уни амалиётга татбиқ ета олиш; тарбиявий мақсад – ўзини-ўзи тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг мазмунида ётган комилликка интилиб яшаш ғояси асосида талабада шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш;ривожлантирувчи мақсад – ушбу мақсадлар уйғунлиги асосида талабада мустақил фикр, ақлий, маънавий-ахлоқий ҳамда касбий қобилиятларни такомиллаштириш. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг моҳиятини айтиб беради. • Тарбия ўз-ўзини тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг изчиллигини изоҳлайди. • Ўз-ўзини тарбиялаш ва унинг шаклланишини	**ўқитувчи**

	тушунтиради. • Мустақил фикр - ўз-ўзини тарбиялашнинг асосий омили еканлигини далиллаб беради. • Ўз-ўзини тарбиялашнинг метод, воситаларини ишлаб чиқади.. **1.3. Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар**: тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш, касбий ўз-ўзини тарбиялаш, изчиллик, уйғунлик, мустақил фикр, ижодий фаолият, ички ва ташқи рефлексия. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** анъанавий-суҳбат (савол-жавоб), кузатиш, замонавий занжир, муз ёрар, ақлий ҳужум, кейс, дебат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** фан дастури, ўқув қўлланма, компютер жамланмаси, тақдимот материаллари.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гурухда ишлаш босқичи:** Талабаларга муаммоли савол беради. **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади.	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** • Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: • Тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг уйғунлигини тушунтиринг. • Ўз-ўзини тарбиялаш ва унинг моҳиятини асосланг. • Ўз-ўзини тарбиялашнинг метод ва усулларини изоҳланг. • Ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро изчиллиги ва уйғунлигини кўрсатинг. • Касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиринг. • Ижтимоий фаол ва иқтидорли талабалар	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**

	фаолиятини ўрганишнинг мазмун-моҳиятини изоҳланг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (86-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

14-mavzu. O'Z-O'ZINI TARBIYALASH VA O'Z USTIDA ISHLASH

Асосий саволлар

1. Тарбия ўз-ўзини тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг изчиллиги.
2. Ўз-ўзини тарбиялаш ва унинг шаклланиши.
3. Мустақил фикр - ўз-ўзини тарбиялашнинг асосий омили.
4. Ўз-ўзини тарбиялашнинг метод, воситалари.
5. Ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг асоси сифатида.

Дарснинг мақсади: Ўзини тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро изчиллиги ҳамда уйғунлигини билиш, уни амалиётга татбиқ ета олиш; ўзини-ўзи тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг мазмунида ётган комилликка интилиб яшаш ғояси асосида талабада шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш;
ушбу мақсадлар уйғунлиги асосида талабада мустақил фикр, ақлий, маънавий-ахлоқий ҳамда касбий қобилиятларни такомиллаштириш.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар: тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш, касбий ўз-ўзини тарбиялаш, изчиллик, уйғунлик, мустақил фикр, ижодий фаолият, ички ва ташқи рефлексия.

Тарбиянинг ўзи нима? Тарбия деб нимага айтилади? Деган саволларга аниқлик киритилади. Бунинг учун интерфаол методлардан "занжир" методидан унумли фойдаланилган ҳолда микрогуруҳлардан тегишли жавоблар олинади. Ўқитувчи томонидан ўртага ташланган савол умумлаштирилади. Унинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Ўз-ўзини тарбиялашни таҳлил етишга бирданига ўтиб бўлмайди. Бунинг учун тарбиянинг ўзи нима еканлиги кўриб чиқилади.

Аввало тарбия кенг ва тор маънога ега бўлади. Кенг маънодаги тарбия бу ижтимоий тарбия бўлиб, шахснинг маънавий, ахлоқий, ақлий, жисмоний ва касбий камолотига қаратилади.

Тор маънодаги тарбия тарбиячи ёки ўқитувчи томонидан тарбиянинг муайян таркибий қисмига кирувчи мавзу таҳлил етилади.

Айтайлик, ахлоқий тарбиянинг таркибига кирувчи жинсий тарбия ҳақида тўхталиш.

Дарс жараёнида ўқитувчи кенг ва тор маънодаги тарбиянинг изчиллиги ва уйғунлигини таъмин етишга асосий еътиборни қаратади. Динамик ўсиш жараёнида ақлий ва жисмоний тарбия интеграцияси муҳим ўрин тутади.

Педагогика – тарбия санъати тўғрисидаги фан еканлиги айнан интеграция моҳиятида ўз еътирофини топмоғи лозим.

Тарбия – инсон фаолиятининг асосий кўриниши ҳисобланиб, ижтимоий аҳамиятга ега бўлган шахсий ва касбий сифатларни шакллантиришга қаратилади. (прийектор орқали екранга чиқарилади).

Тарбия – шахсни муайян мақсад сари йўналтириш жараёни (екранда кўрсатилади).

Тарбия жараёнида муайян муносабатлар мувозанати вужудга келади. Шахслараро мулоқот, ҳамкорлик шаклланади. Жамоа таркиб топади. Шахснинг жамоадаги ўрни белгиланади. Жамоавий фикр шахс фикри кўринишида ёки аксинча ўахс фикри жамоа фикри сифатида майдонга чиқади. Ижтимоий тарбия тобора ривожланиб боради.

Ижтимоий тарбия деб, руҳан, ақлий ва қалбан тўғри ўрнатиладиган муносабатлар маданиятига айтилади. (екранда берилади). Шунга кўра бугунги кунда ижтимоий педагогика ривожига алоҳида еътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда долзарб тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Ижтимоий педагогика табора ўзаро муносабатлар санъати ва маданияти тўғрисидаги фанга айланмоқда.

Ўз вақтида маърифатпарвар инсон, улуғ аллома **Абдулла Авлоний тарбия тўғрисида тўхталиб “...тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир”**, - деган еди. (екранда берилади)

Тарбиянинг мақсади - инсонни бир умр тарбиялашгина емас, бир умр ўз-ўзини тарбиялашга қаратилган бўлиши лозим (екранда берилади).

Юқоридаги фикрлар поёнида шахс тарбиянинг моҳиятини билиши, умуман тарбия асосидагина ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келиши мумкинлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади (мана шу жойда ўқитувчи тўхтаб, савол-жавобга вақт ажратади).

Интерфаол методлардан ақлий ҳужум ва муз ёрар методлари асосида ўз-ўзини тарбиялаш деганда нима тушинилади? У боланинг ҳаёти ҳамда фаолиятида қачондан еътиборан бошланади, деган савол ўртага ташланади. Бу жараёнда турфа хил жавоблар олинади. Кимдир бола бир ёшда ўз-ўзини тарбиялай бошлайди деса, яна қайси бир микрогуруҳ аъзолари бола тўрт ёшидан бошлаб ўз-ўзини тарбиялай бошлайди, деган (асоссиз) фикрларни билдиришади. Бу ерда аввало савол нимага қаратилганлигига аниқлик киритилади. Аввало ўз-ўзини тарбиялаш деганда нима тушинилади? деган саволда муайян якуний фикр, шахс ғоясига асосланилган жавоб олиниши лозим. Бу ўринда кейс ва дебат методлари татбиқ етилади.

Касбий педагогик фаолият жараёнида талаба ўзининг ҳаётий ва амалий тажрибасига асосланиб, яхши инсон бўлиш асосида яхши ўқиш ва кўзлаган мақсадга еришишга ҳаракат қилиш каби саъй-ҳаракатлар ётиши тўғрисида жўяли жавоблар беришга уриниб кўради. Аммо тажрибалар шуни кўрсатдики, талабалар орасида педагогик тафаккурга суянган ҳолдаги мантиқий жавоблар жуда камдан кам ҳолда олинади. Тўғри, баъзан талаба ўзидаги юксак туйғуларни майдонга олиб чиқишдан тортинади.

Аксарият педагогикага оид дарслик ва ўқув қўлланмаларда ўз-ўзини тарбиялаш деганда **шахсни ўзида муайян ижобий сифатларни шакллантириш жараёнига айтилади**, деган таъриф берилган. Аллома Авлонийнинг тарбияга берган таърифларига бир назар соладиган бўлсак, тўғри тарбия инсонни ҳаётда ўз ўрнини топишга, нотўғри тарбия фалокат ва ўлимга олиб келишга чорлаши кўрсатиб ўтилган.

Шундай екан, ўз-ўзини тарбиялаш ижобий ва салбий маъно касб етиши мумкинлигини назарда тутишимиз лозим. Демак, **ўз-ўзини тарбиялаш деганда шахсни ўзида муайян сифатларни (ижобий ёки салбий) шакллантира олиш жараёни тушунилади.**

Ўзини-ўзи тарбиялаш назариясини яратган олимлардан Л.И.Рувинский “Ўз-ўзини тарбиялаш – инсон фаолияти бўлиб, ўз шахсиятини ўзгартиришга йўналтирилган жараён”, - деб ҳисоблайди.

Профессор М.Г. Тайчинов ўзининг назарий ва амалий қарашларида тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашни уйғунликда олиб қарайди. Бола қачонки ўз “Мен”и ва “Мен” еҳтиёжини тор маънода англай бошлагандан еътиборан ўз-ўзини тарбиялаш жараёни бошланади десак асосли бўлади. “Мен” ва уни еҳтиёж кўринишида англаш барча болаларда бир хил кечмайди. Бу жараён турли болада турли ёш даврларига тўғри келиши мумкин. Болада озиқ-овқатга бўлган биринчи табиий еҳтиёж, унинг жисмоний ҳаракатга бўлган еҳтиёжи, ўйин фаолияти ва ўзининг ақлини таниш жараёнидаги еҳтиёжлар изчил равишда шаклланиб боради. Шунга кўра ҳулқ-атвор (ахлоқий), ақлий, жисмоний, маънавий, естетик ўз-ўзини тарбиялаш бола шахсининг ижтимоийлашувида муҳим ўрин тутади.

Боланинг ўсмирлик ёшига ўтиши ундаги тақлид тарбиясига асосланган “Мени”ни бир мунча танқидий “Мен”га айланишида кўзга ташланади. Бу жараёндаги мустақил фикр ўз-ўзини тарбиялашга алоҳида мазмун бағишлайди.Ўсмирларда: “Мен мустақил бўлишни истайман”, “Бу менинг фикрим”, “Мен ўз фикримда қоламан”, “Билган ишимни қиламан”, “Мен енди ёш бола емасман” каби фикрлар ривожи уларни ижтимоий фаолликка ундайди. Аммо бу фаолликда йўналиш тўғри олиниши лозим. Демак, ўқувчидаги ўз-ўзини тарбиялаш билан талаба-ёшлардаги ўз-ўзини тарбиялаш мазмун-моҳиятига кўра сифат жиҳатдан фарқ қилади. Шахсдаги ақлий ва маънавий-ахлоқий камолотда ўз-ўзини тарбиялашда шахсий сифатларнинг ҳам таъсири катта ҳисобланади. Ўсмир ёшдаги ўқувчи билан талабанинг дунёқараши кўлами жиҳатдан фарқ қилади.

Демак, ўз-ўзини тарбиялаш икки томонлама жараён бўлиб, изчил равишда бир-бирини мазмунан тўлдириб боришини юқоридаги фикрлар асосида билиб олса бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш методлари учга бўлиниб, биринчиси ўқувчини ўз-ўзини ва ўзлигини англаш билан чамбарчас боғлиқдир. Булар:

1.1.Ўз-ўзини кузатиш.
1.2.Ўз-ўзини таҳлил қилиш.
1.3.Ўз-ўзини синаб кўриш.
1.4.Ўз-ўзини баҳолаш.

Иккинчиси: ўз-ўзини рағбатлантириш.

Учинчиси: Ўз фаолиятини режалаштириш ёки ўқув-билув фаолиятини ички рефлексияга асосланган ҳолда кузатиб бора олишдир. Айрим ҳолларда кузатув натижалари ўлароқ субъектив хулосалар чиқариши мумкин. Бу жараён ўқувчи фаолиятида алоҳида аҳамиятга ега бўлиб, ички ва ташқи кузатув тобора уйғунлашиб боради. Ўз-ўзини кузатишда маъно ва мазмун шаклланади.

O’Z-O’ZINI TARBIYALASH METODLARI UCHGA BO’LINIB

Birinchisi o’quvchini o’z-o’zini va o’zligini anglash

1.1. O’z-o’zini kuzatish.
1.2. O’z-o’zini tahlil qilish.
1.3. O’z-o’zini sinab ko’rish.
1.4. O’z-o’zini baholash

Ikkinchisi: o’z-o’zini rag’batlantirish

Shaxs erishgan yutuqlariga ko’ra va ayniqsa, boshlagan ishini sifatli qilib bajarganidan so’ng kattalar kabi o’ mehnati natijasidan quvinadi. Aynan mana shu quvinish va qiniqish hosil qilish uning kuchiga kuch, g’ayratiga g’ayrat qo’shadi. Ertangi mehnat faoliyati sari undaydi. Ana shu jarayon o’z-o’zini rag’batlantirishning bir qarashdan eng oddiy, ammo mazmunli ko’rinishi bo’lib, o’quvchi o’zining mehnatidan kelgan moddiy va ma’naviy boylik hisobiga o’quv qurollari, badiiy kitob va biron buyum xarid qilishi mumkin.

Uchinchisi:

O’quvchini yoshligidan rejali, muayyan maqsad sari intilib yashashga odatlanish avvalo uni vaqt byudjetidan unumli foydalanishga o’rgatadi. Uni bekorchilik, loqayd va boqimanda bo’lishidan qutqaradi.

Ўз-ўзини тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялаш педагогик тушунча бўлиб, ўз-ўзини тарбиялаш асосида касбий ўз-ўзини тарбиялаш шаклланади.

Касб тарбияси деб шахснинг касбий фаолиятига қўйиладиган педагогик, психологик ва методик талаблар йиғиндисига айтилади (екранда берилади).

Касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг асосий омили ўқувчи ва талабани назарий ва амалий фаолиятга жалб етишдан иборат.

Кўп йиллик педагогик тажрибалар ва бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқий изланишлар шуни кўрсатадики, касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг асосий моҳияти қуйидаги касбий сифатлар (қобилиятлар) асосида юзага чиқади.

1. Ўз-ўзига ишониш ва ўзининг имкониятларидан оқилона фойдалана билиш ҳамда ўз касбига қизиқиш.
2. Касбий ўз-ўзини таҳлил етиш.
3. Ўзининг фаолиятини ўзи баҳолаш асосида касбий сифатларни ўстириб бориш.
4. Касбий фаолиятда ўз ҳиссиётини бошқара олиш.
5. Касбий ўз-ўзини бошқариш.

Ана шу сифатлар (қобилиятлар) бевосита ахлоқий фзилатлар билан уйғунлашгандагина кафолатли натижани қўлга киртиш мумкин. Булар: адолатли бўлиш, ҳалоллик, очиқ кўнгиллилик, ўз касбини севиш ва киришувчанликдан иборат.

Демак, касбий ўз-ўзини тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, ўз касбига қизиқиши, ўзидаги куч ва имкониятларни юзага чиқара олиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жараён касбий ўз-ўзини бошқаришга олиб келади.

Касбий ўз-ўзини бошқариш мураккаб ва педагогик жиҳатдан кам ўрганилган жараён ҳисобланади. Уни тизим ҳолига келтириб моделлаштириш, унинг тузилмасини ташкил қилувчи ҳар бир бўғини механизмини ҳаракатлантирувчи куч ва ижтимоий педагогик омиллар муайян руҳий-физиологик, иқтисодий ва маданий шарт-шароитлар яратиш ва уни илмий асосда бошқариш алоҳида илмий изланишларни талаб етади.

Ҳозирда бу жараён педагог олимлар (Ҳ. Абдукаримов, Ҳ. Абдураззоқов, А. Жумаев, Ў. Толипов ва бошқалар) томонидан алоҳида тадқиқот объекти кўринишида ўрганиб келинмоқда.

Ушбу жараённинг моҳияти бўлажак ўқитувчилардаги ижтимоий фаолликни аниқлаш, уни мақсадли йўналтириш ва тажриба-синов асосида унинг натижаларини илмий асослаб кўрсатиш ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.



Ижтимоий фаол ёшларни аниқлаш, улардаги интеллект кўрсатгичларни махсус методика асосида даражаларга ажратиб ўрганиш, шу билан бирга айрим ноёб қобилиятга ега бўлган математик, рассомлик, конструктив, креатив, шоирлик, воизлик ва бошқа) талабалар фаолиятини илмий асосда ўрганиш бўйича Гулистон давлат университетининг педагог ва психолог олимлари (Ҳ. Абдукаримов, Ш. Усмонова ва бошқалар) фаолиятини кўрсатиб ўтиш мумкин. Олиб борилаётган илмий изланишлар негизида талаба шахсининг касбий ва ўз-ўзини бошқариш жараёни ва шу асосда таълим-тарбия сифатини янада такомиллаштириш туради.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг уйғунлигини тушунтиринг.
2. Ўз-ўзини тарбиялаш ва унинг моҳиятини асосланг.
3. Ўз-ўзини тарбиялашнинг метод ва усулларини изоҳланг.

4. Ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро изчиллиги ва уйғунлигини кўрсатинг.
5. Касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиринг.
6. Ижтимоий фаол ва иқтидорли талабалар фаолиятини ўрганишнинг мазмун-моҳиятини изоҳланг.

Мустақил таълимга қаратилган саволлар

1. “Ўз-ўзини тарбиялаш ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг моҳияти” мавзусидаги технологик харитани ишланг.
2. Ижтимоий фаол ва иқтидорли талабаларни аниқловчи илмий-тадқиқот методларини кўрсатинг.
3. Социометрия методи ва ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқинг.
4. Ушбу мавзуга квалиметрия методини татбиқ етиш йўл-йўриқларини асослаб беринг.
5. “Касбий ўз-ўзини тарбиялаш” мавзусида реферат тайёрланг.

Асосий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.-176 б.
2. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
3. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2005. – 268 б.

Қўшимча адабиётлар

1. Елканов С.Б. Основў профессионалного самовоспитания будуҳего учителя: учебно пособия. – М.: Просвеҳение, 1989. – 189 с.
2. Рувинский Л.И., Саловева А.Е. Психология самовоспитания. – М.: Просвеҳение, 1982.- 143 с.
3. Тайчинов М.Г. Воспитания и самовоспитания школников: книга для учителя. – М.: Просвеҳение, 1982. – 160 с.

Интернет адабиётлари

1. www. иет. меси. ру.
2. www. счоол еду. ру.
3. www. адприма. сом.

Fanni o’qitish texnologiyasi
15-mavzu. O’qituvchining ota-onalar bilan ishlash mahorati mavzusidagi ma’ruza mashg’ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	**Тайёрлов босқичи:** **1.17. Дарс мақсади:** Оилада бола	Ўқитувчи

	тарбиялашнинг илмий-педагогик асосларини тушунтириш. Халқ педагогикаси намуналарида, ислом таълимотида, оилада болага тарбия беришнинг моҳияти қандай ифодаланганлиги изоҳланади. Ёшларда ота-оналарига, туғишганларига меҳр-муҳаббатли бўлиш ҳисси шакллантирилади. Ўз оиласи, маҳалласи, маҳалладошларини ҳурмат қилишга одатлантириш. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Оилада бола тарбиялашнинг илмий педагогик асосларини сўзлаб беради. • Оиланинг миллий тарбия беришдаги ва ёшларни комил инсонларга айлантиришдаги ўрнини ажратиб кўрсатади. • Халқ педагогикаси намуналари ва ислом таълимотида оиланинг бола тарбиясидаги аҳамиятини изоҳлайди. **1.3. Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Халқ педагогикаси, оила йили, миллий тарбия, халқ университетлари, ота-оналар лекторийси, ота-оналар мажлиси, ота-онлар қўмитаси, «бир болага етти маҳалла – ота-она», маҳалла тарбияси, ижтимоий муҳит, оила етикаси, оилада руҳий ҳолат. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза. **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза-ҳикоя, бахс, видеоусул. **1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали қуроллар, компютер, тарқатма материаллар.	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гурухда ишлаш босқичи:** Талабаларга муаммоли савол беради. Мавзуга оид муаммолар: • Мактаб ва оила ўртасида, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида ҳамкорлик бўлиши зарур. Бу бола таълим-тарбиясининг самарадорлигини оширади. Бундай ҳамкорликнинг қандай шакллари ва	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**

	усулларини биласиз?. Сиз енг самарали деб қайсиларини ҳисоблайсиз? • Ўқувчиларнинг таълим-тарбиясини такомиллаштириш мақсадида ўқитувчининг ўқувчи уйига бориши, ёки ота-оналари мактабга таклиф етилиши мумкин. Қандай ҳолларда ўқитувчининг ўқувчи уйига бориши, бунда ўзини қандай ҳолатда тутиши, мулоқотнинг қайси усулларидан фойдаланиши тўғри деб санайсиз?. Қачон ота-онанинг мактабга чақирилгани маъқул бўлади? • Ота-оналар кенгаши йиғилишида бир-бири билан чиқиша олмайдиган икки ўқувчининг ота-оналари уришиб қолишди. Синф ота-оналари кенгаши икки тарафга бўлинди, бир-бирларини қоралашди. Синф раҳбари вазиятни ўнглаш учун нима қилиши керак? **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ўзбекона таъбир билан айтганда, қуйидагича ифодаланади: фарзандга яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб саводини чиқариш, илмли, касб-ҳунарли, бошини икки ва уйли жойли қилишдан иборатдир. • Ўқитувчи ва ота-оналар болаларнинг асосий тарбиячилари ҳисобланади. Шу сабабли тарбия ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан педагогнинг ота-оналар билан ишлаш кўникмалари, улар билан умумий тил топа билиши, уларнинг ёрдами ва қўллаб қувватлашига боғлиқдир. • Ўқитувчи маҳоратининг нозик томонларидан бири ота-оналар ва жамоатчиликнинг ёшлар тарбиясига таъсирини кучайтириш ҳисобланади.	
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** • Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**

	• Оила - давлат ва жамиятнинг бир бўлаги сифатида бола тарбиясига маъсулдир. Унда ота ва онанинг тарбиявий таъсири алоҳида аҳамиятга ега. Сизнингча бола тарбиясида қайси бирининг роли устун туради? • Инсон ҳаётининг дастлабки даврларида ёшларга тарбия қандай берилган? • Ислом таълимотида оилада болаларга тарбия бериш ҳақидаги фикрлардан намуналар келтиринг ва уларни педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинг. • Жаноб пайғамбаримизнинг (САВ) «Яхшиликни онангга қил, яна онангга, яна онангга қил, кейин отангга» ҳадисларини шархлаб беринг. • Ёшларнинг комил инсонлар бўлиб шаклланишларида оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлигини ёзма баён етинг. • Ўқитувчининг ўқувчи ҳақидаги фикр-мулоҳазалари қандай ифодаланиши мақсадга мувофик бўлади? • Болада ўз кучи ва имкониятига ишонч ҳосил қилдиришда кимнинг роли устун бўлади? • Ўз ҳаётий тажрибангиз асосида ота-оналар билан ўқитувчиларингизнинг сизнинг ўқишингиз ва одоб- ахлоқингизни яхшилаш учун қилган ишларини педагогик нуқтаи назардан изоҳланг. • Ўқитувчининг бола тарбияси ҳақидаги билимларни ота-оналарга қандай усулларда берилганлигини маъқуллайсиз? • Ўқитувчининг ота-оналар билан ҳамкорлик қилишининг аниқ бир режасини, тадбирини тузинг ва мазмунини ишлаб чиқинг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (97-бет). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

15-mavzu. O’QITUVCHINING OTA-ONALAR BILAN ISHLASH

Асосий саволлар:

1. Оилада бола тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари.
2. Ўқитувчининг ота-оналар билан бола тарбиясида ҳамкорлик қилиш йўллари.
3. Жамоатчилик ва ота-оналарни болалар жамоалари билан тарбиявий ишларга жалб етиш.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.

Халқ педагогикаси, оила йили, миллий тарбия, халқ университетлари, ота-оналар лекторийси, ота-оналар мажлиси, ота-онлар қўмитаси, «бир болага етти маҳалла – ота-она», маҳалла тарбияси, ижтимоий муҳит, оила етикаси, оилада руҳий ҳолат.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Мактаб ва оила ўртасида, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида ҳамкорлик бўлиши зарур. Бу бола таълим-тарбиясининг самарадорлигини оширади. Бундай ҳамкорликнинг қандай шакллари ва усулларини биласиз?. Сиз енг самарали деб қайсиларини ҳисоблайсиз?
2. Ўқувчиларнинг таълим-тарбиясини такомиллаштириш мақсадида ўқитувчининг ўқувчи уйига бориши, ёки ота-оналари мактабга таклиф етилиши мумкин. Қандай ҳолларда ўқитувчининг ўқувчи уйига бориши, бунда ўзини қандай ҳолатда тутиши, мулоқотнинг қайси усулларидан фойдаланиши тўғри деб санайсиз?. Қачон ота-онанинг мактабга чақирилгани маъқул бўлади?
3. Ота-оналар кенгаши йиғилишида бир-бири билан чиқиша олмайдиган икки ўқувчининг ота-оналари уришиб қолишди. Ота-оналар кенгаши икки тарафга бўлинди, бир-бирларини қоралашди. Синф раҳбари вазиятни ўнглаш учун нима қилиши керак?

1-савол бўйича дарс мақсади:

Оилада бола тарбиялашнинг илмий-педагогик асосларини тушунтириш. Халқ педагогикаси намуналарида, ислом таълимотида, оилада, болага тарбия беришнинг моҳияти қандай ифодаланганлиги изоҳланади.

Ёшларда ота-оналарига, туғишганларига меҳр-муҳаббатли бўлиш ҳисси шакллантирилади. Ўз оиласи, маҳалласи, маҳалладошларини ҳурмат қилишга одатлантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Оилада бола тарбиялашнинг илмий педагогик асосларини сўзлаб беради.

2. Оиланинг миллий тарбия беришдаги ва ёшларни комил инсонларга айлантиришдаги ўрнини ажратиб кўрсатади.
3. Халқ педагогикаси намуналари ва ислом таълимотида оиланинг бола тарбиясидаги аҳамиятини изоҳлайди.

1-савол баёни:

Оила пайдо бўлганга қадар бола тарбияси ижтимоий тарзда амалга оширилар еди. Бола қабила ёки уруғнинг аъзоси саналиб, шу жамоанинг ехтиёжи ва анъаналари асосида кўпчилик томонидан тарбияланган. Инсон онгли ҳаётининг маълум бир босқичида оила пайдо бўлган. Оила – ер ва аёлнинг биргаликда яшаш, ўзаро муҳаббат кўрсатиш, насл қолдириш, фарзанд тарбиялаш ва жамиятнинг бир бўлаги сифатида фаолият юритиш мақсадида тузиладиган иттифоқидир. Оиланинг пайдо бўлиши ёшларга тарбия беришда инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Ижтимоий тарбияга оила тарбияси қўшилди. Секин-аста тажриба тўпланди. Айрим олимлар бу тажрибаларни умумлаштириб, оилада бола тарбиялашнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар.

Жамиятимизда юз бераётган ҳаётий ўзгаришлар, истиқболлар нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, бола тарбиясида оиланинг вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- оилада соғлом муҳит бўлиши, миллий руҳ ва ўзбекона турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўла олиши, фарзандда ота-онасига, ватанига муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлиш;
- оилада ҳуқуқий тарбияни яхшилаш;
- фарзандларга чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифий ва маънавий, маданиятли бўлиб етишишларини таъминлаш;
- болалар бўш вақтларини педагогик нуқтаи назардан келиб чиқиб, унумли ташкил қилиш;
- фарзандларда мавжуд бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш;

Ота-оналар ўзларининг педагогик ва психологик билимларини доимо ошириб боришга масъулдирлар.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ўзбекона таъбир билан айтганда, қуйидагича ифодаланади: фарзандга яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб саводини чиқариш, илмли, касб-ҳунарли, бошини икки ва уйли-жойли қилишдан иборатдир.

Назорат саволлари:

1. Оила - давлат ва жамиятнинг бир бўлаги сифатида бола тарбиясига масъулдир. Унда ота ва онанинг тарбиявий таъсири алоҳида аҳамиятга ега. Сизнингча бола тарбиясида қайси бирининг роли устун туради?
2. Инсон ҳаётининг дастлабки даврларида ёшларга тарбия қандай берилган?

3. Ислом таълимотида оилада болаларга тарбия бериш ҳақидаги фикрлардан намуналар келтиринг ва уларни педагогик нуқтаи назардан таҳлил килинг.
4. Жаноб пайгамбаримизнинг (САВ) «Яхшиликни онангга қил, яна онангга, яна онангга қил, кейин отангга» ҳадисларини шархлаб беринг.
5. Ёшларнинг комил инсонлар бўлиб шаклланишларида оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлигини ёзма баён етинг.

2-савол бўйича дарснинг мақсади:

Бола тарбиясида ўқитувчи ва ота-оналар ҳамкорлиги муҳим педагогик муаммо еканлиги, бунда ўқитувчининг маҳорати катта аҳамиятга егалигини талабалар онгига етказиш. Талабаларда ота-оналар билан бола тарбиясига доир тадбирлар ўтказиш кўникмаларини ҳосил қилиш.
Талабаларнинг олган назарий билимларини амалиётга татбиқ етишга йўналтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўқитувчининг ота-оналар билан бола тарбиясида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги билимларини сўзлаб беради.
2. Ҳамкорлик қилишнинг усуллари, шакллари ва воситаларидаги фарқини ажратади.
3. Ўқитувчининг ота-оналар билан ҳамкорлик қилиши бўйича тадбирнинг режаси ва мазмунини ишлаб чиқади.



2-савол баёни:

Ўқитувчи ва ота-оналар болаларнинг асосий тарбиячилари ҳисобланади. Шу сабабли тарбия ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан педагогнинг ота-оналар билан ишлаш кўникмалари, улар билан умумий тил топа билиши, уларнинг ёрдами ва қўллаб қувватлашига боғлиқдир.

Ўқитувчининг ота-оналар билан ишлаш усуллари ва шакллари хилма-хилдир. Булар ота-оналар умумий йиғилишларини ўтказиш, ота-оналар гуруҳида ва индивидуал суҳбатлар ташкил етиш, ота-оналарни болалар билан бевосита ишлашга жалб қилиш, ота-оналар орасида педагогик билмларни кенг тарғибот қилиш ва бошқалар. Ўқитувчи шуни билиши керакки, бу кўп усул ва шакллар ҳамма вақт муваффақиятларга олиб келавермайди. Тарбиявий фаолиятнинг мазмуни ва усуллари қандай бўлишидан катъий назар, ота-оналар ва ўқитувчи ўртасида ўрнатиладиган муносабат усули асосан етакчи ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчининг ўқувчи ҳақидаги фикр-мулоҳазалари қандай ифодаланиши мақсадга мувофик бўлади?
2. Болада ўз кучи ва имкониятига ишонч ҳосил қилдиришда кимнинг роли устун бўлади?
3. Ўз ҳаётий тажрибангиз асосида ота-оналар билан ўқитувчиларингизнинг сизнинг ўқишингиз ва одоб ахлоқингизни яхшилаш учун қилган ишларини педагогик нуқтаи назардан изоҳланг.
4. Ўқитувчининг бола тарбияси ҳақидаги билимлари ота-оналарга қандай усулларда берилганлигини маъқуллайсиз?
5. Ўқитувчининг ота-оналар билан ҳамкорлик қилишининг аниқ бир режасини, тадбирини тузинг ва мазмунини ишлаб чиқинг.



3-савол бўйича дарснинг мақсади:

Бола тарбиясида жамоатчилик таъсирини талабаларга тушунтириш. Ота-оналарнинг болалар жамоасида тарбиявий ишларни амалга оширишдаги иштирокини баён етиш.

Жамоатчилик орасида ўзларини яхши тутишга одатлантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Жамоатчилик, маҳалла ва турар жойларнинг ёшлар тарбиясига таъсирини изоҳлайди.
2. Ўқувчилар жамоаларида тарбиявий ишларни ташкил етишда ота-оналарнинг иштирокларини таҳлил етади.
3. Ўқитувчининг ота-оналар ва жамоатчилик билан тарбиявий тадбирларини ўтказишига методик ёрдам кўрсатишларини далиллаб боради.

3-саволнинг баёни:

Ўқитувчи маҳоратининг нозик томонларидан бири ота-оналар ва жамоатчиликнинг ёшлар тарбиясига таъсирини кучайтириш ҳисобланади.

Жамоатчилик ёшларнинг тарбиясига турлича таъсир етиши мумкин. Агар жамоат жойларида, ота-она ва мактаб ўқитувчисининг назоратидан ташқарида бўлган болага атроф-муҳитдагилар бефарқ қараса, уларда айрим салбий одатлар пайдо бўлиши кузатилади. Айниқса, бошқарилмайдиган, ноформал жамоат тўпланмаларида ёшларда турли одоб-аҳлоқ қоидаларининг бузилиш ҳоллари кузатилади. Чекиш, ичиш, гиёҳвандлик, ўғрилик ва бошқа иллатларга дуч келадилар. Баъзан беихтиёр уларга қўшилиб қолиш ҳоллари учрайди.

Ўқитувчининг ота-оналар билан суҳбатлари.

Ота-оналар йиғилишларида педагогик мавзуларга бағишланган суҳбатларни доим ўтказиб туриш мақсадга мувафиқдир. Ота-оналарни маълумотли қилиб, уларни педагогик маданиятини оширади.

Ота-оналар билан ўтказиладиган суҳбатларнинг муҳими деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.



1. Болалар шахси ҳақида қайғуриш ота-оналарнинг инсоний бурчидир.
2. Айнан бир синф учун ўқитувчининг тарбиявий иш методлари ва унинг мазмуни.
3. Бола шахсининг оилада шаклланиши.
4. Оилада боланинг ахлоқий тарбияси.
5. Болаларга яхши ўқиш ва билимларни егаллашга қандай ёрдам кўрсатиш керак?
6. Оилада болалардаги меҳнацеварликни тарбиялаш.
7. Оилада дам олишни ташкил етиш.
8. Болаларда маданиятлиликни тарбиялаш.
9. Бола характеридаги салбий кўринишларини йўқотиш.
10. Бола тарбиясида ота-онанинг обрўйи.

Назорат саволлари:

1. Бошқарилмайдиган, ноформал жамоаларнинг ёшларга салбий таъсирининг олдини олиш учун қандай йўл тутиш зарур деб ҳисоблайсиз?
2. Маҳалла ва турар жойларнинг ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиш имкониятларини мисоллар билан изоҳланг.
3. «Бир болага етти маҳалла ота-она» мақолини қандай тушунасиз?
4. Ота-оналар билан бола тарбияси ҳақида суҳбатлар уюштиришнинг долзарб муаммолари ва уларни ўтказиш методикасини ёзма баён етинг.
5. Ота-оналарни педагогик-психологик билимлар билан қуроллантириш йўллари ва шаклларини тушунтириб беринг.

Мавзу юзасидан ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Бола тарбиясида ота-она, мактаб, маҳалла ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг илмий-педагогик асосларини яратиш.
2. Ота-оналарни педагогик-психологик билимлар билан қуроллантириш тизимини ишлаш.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Оила педагогикасининг илмий асослари билан танишиб чиқиш.
2. Шарқ алломаларининг оилада бола тарбияси ҳақидаги қарашларини ўрганиш.
3. Оилавий муносабатлар психологиясини ўрганиш.
4. Ибратли, бахтли-саодатли оилаларнинг тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Мавзу бўйича асосий хулосалар:

1. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ўзбекона таъбир билан айтганда, қуйидагича ифодаланади: фарзандга яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб саводини чиқариш, илмли, касб-ҳунарли, бошини икки ва уйли- жойли қилишдан иборатдир.
2. Ўқитувчи ва ота-оналар болаларнинг асосий тарбиячилари ҳисобланади. Шу сабабли тарбия ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан педагогнинг ота-оналар билан ишлаш кўникмалари, улар билан умумий тил топа билиши, уларнинг ёрдами ва қўллаб қувватлашига боғлиқдир.
3. Ўқитувчи маҳоратининг нозик томонларидан бири ота-оналар ва жамоатчиликнинг ёшлар тарбиясига таъсирини кучайтириш ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. **Азаров Ю. Семейная педагогика. М., 1986. 26-28 б.**
2. **Мўминжонов Т. Ёшлар тарбиясида мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги. Т., 1966. 10-26 бетлар**

Қўшимча адабиётлар:

1. **Мунавваров А. Оила педагогикаси. Т. 1994. 23-34 бетлар**
2. **Очил.С. Мустақиллик мафкураси ва тарбия асослари. Т. 1954. 32-43 бетлар.**

Fanni o'qitish texnologiyasi
16-mavzu. Ilg'or pedagogik tajribani to'plash va ommalashtirish tizimi mavzusidagi ma'ruza mashg'ulotining texnologik xaritasi

ТҒр	**Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни**	**Амалга оширувчи шахс, вақт**
1	**Тайёрлов босқичи:** **Дарс мақсади:** Илғор педагогик тажрибани тўплаш ва умумлаштириш ҳақида тушунч берилади. Ижодкор ва бунёдкор ўқитувчилар тажрибалари таҳлил қилинади. Педагогис ижодкорлик ва бунёдкорликка қизиқиш ҳосил қилинади. **1.2. Идентив ўқув мақсадлари.** • Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш принципининг моҳиятини тушунтиради. • Илғор педагогик тажрибаларнинг асосий функцияларини фарқлайди. • Илғор педагогик тажрибаларнинг татбиқини изоҳлайди. • .Таълим самарадорлигини оширишда илғор педагогик тажрибаларни аҳамиятини таҳлил қилади. **1.3. Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** илғор педагогик тажриба, ўрганиш, тўплаш, тизим ҳолига келтириш, назария, амалиёт, принцип, бунёдкорлик, ижодкорлик, инновацион фаолият. **1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза **1.4. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** анъанавий-суҳбат, кузатиш, баҳс-мунозара,шахсий фикр, ақлий ҳужум ва дебат.	**ўқитувчи**

	1.5. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали маъруза, намойиш етиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, фан дастури, дасрлик, қўшимча адабиётлар, монитор, компютер ва екран, тақдимот материаллари..	
2	**Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:** **2.1.** Мавзу еълон қилинади. **2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**
3	**Гурухда ишлаш босқичи:** Талабаларга муаммоли савол беради. **3.2.** Талабалар фикри ешитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. **3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. **3.4.** Умумий хулосага келинади. • Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга еришишнинг асосий омили илғор педагогик тажрибаларни аниқлаб, уни оммалаштиришдан иборат. Бунинг учун замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ етишда илмий-ижодий ёндашувлар муҳим аҳамият касб етади. • Назорат топшириқларини босқичли равишда ўқувчиларнинг индивидуал-руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бериш, уларда қобилият кўникмаларини шакллантиришга масъулият билан қараш лозим. • Интегратив ёндашув асосида ўқувчининг илмий дунёқарашини бойитиб боришга еришиш, шу асосда янги маълумотлар банкини ҳосил қилишга оид узлуксиз методик хизматни амалга ошириш билан таълим самарадорлигига еришиш талаб етилади. • Ҳар бир таълим муассасида ўқитувчининг ижодий қобилиятини ошириб бориш, ўз устида ишлаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш билан бирга илғор педагогик тажрибаларни тизимли рағбатлантиришни амалга ошириш лозим.	**Ўқитувчи-талаба, 40 дақиқа**
4	**4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:** • Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:	**Ўқитувчи, 15 дақиқа**

	• Шахсий педагогик тажриба билан илғор педагогик тажрибани қиёслаб тушунтиринг. • Илғор педагогик тажрибани ўрганиш ва оммалаштиришнинг йўл-йўриқларини изоҳланг. • Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқинг. **4.2.** Енг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	**Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:** **5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади. **5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади (112 б). **5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	**Ўқитувчи, 10 дақиқа**

16-mavzu. ILG'OR PEDAGOGIK TAJRIBANI TO'PLASH VA OMMALASHTIRISH TIZIMI

Асосий саволлар

2. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришнинг моҳияти.
3. Илғор педагогик тажрибаларнинг асосий функциялари.
4. Илғор педагогик тажрибаларнинг татбиқи.

Дарснинг мақсади: Ўқув материали ва илмий-назарий материалларни ўқитувчининг касбий фаолиятига асосланган ҳолда педагогик тажриба кўринишида тизим ҳолига келтириш;илғор педагогик тажрибани ўқувчи-ёшларда ақлий ва маънавий фазилатларни шакллантиришдаги ўрнини аниқлаш; илғор педагогик тажрибани илмий-услубий асосда ўрганиш, умумлаштириш ва амалда татбиқ етишнинг шахс камолотидаги мавқеини кўрсатиш.

Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар: илғор педагогик тажриба, ўрганиш, тўплаш, тизим ҳолига келтириш, назария, амалиёт, принцип.

Дарснинг янгилиги - илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умулаштириш ва оммалаштиришга қаратилган назарий ва амалий маълумотлар тоифалашган ёндашув асосида изоҳлаб берилган.

Педагогик назария ва амалиётнинг бирлигини таъмин етиш бугунги кунда тобора долзарб вазифага айланиб бормоқда. Бу жараён дидактик принцип сифатида таълим-тарбиянинг барча жабҳаларини қамраб олади. Аввало назария ва амалиётнинг бирлиги принципи ДТС ва ўқув дастурларида қатъий белгиланиб, таълим мазмуни ва характерига боғлиқ

равишда амалга оширилади. Илмий билимларни пухта егаллаш ва уни амалга татбиқ етишни ўз ичига олади.

Педагогик назария ва амалиётнинг бирлиги принципи “Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели” талабларидан келиб чиқиб , назарий жиҳатдан асосланган илғор педагогик (технологик) тажрибаларни ишлаб чиқаришга татбиқ етишга қаратилади. Шунга кўра узлуксиз таълим тизимида назария билан амалиётнинг бирлиги принципини изчил ва уйғун равишда амалга оширишни, ўқувчиларни ўқув материалларининг туб моҳиятини, табиат ва жамиятнинг тараққиёти қонунларини бугунги глобаллашув даврига хос екологик вазиятлар билан боғлаган ҳолда илмий ёндашувлар асосида атрофлича ўрганиб, келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни егаллаб борадилар.

Назария ва амалиётнинг бирлиги принципи изчил равишда “Илғор педагогик тажрибани тўплаш ва оммалаштириш принципи билан боғланиб кетади. Ушбу принципнинг моҳиятидан келиб чиқиб, “фан – амалиётга” қоидасига мувофиқ илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб етади.

Ҳар қандай илмий муаммонинг ҳал етилиши амалиётнинг яхшиланишига қаратилади. Шунга кўра илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ўз-ўзидан шунчаки шахсий тажрибани ўрганиш бўлмай, бу жараён ўқитувчидан алоҳида ижодий тажриба ва илмий-педагогик тайёргарликни талаб етади. Шу ўринда “илғор тажриба” билан “бунёдкорлик тажрибаси”ни бир-биридан фарқлаш лозим. Илғор тажрибада ўқитувчи янги нарсани яратмайди , инновацион характердаги материални яъни қўлга киритилган бор янгиликни самарали равишда татбиқ етади. Шу асосда илғор тажрибани ўқитувчи изчил равишда ўрганиб қўллай олиши, уни аста-секин шу тажрибанинг соҳибига айлантиради. Чунки бу жараёнда шахсий педагогик тажриба билан ижодий ёндашув уйғунлашиб кетади. Демак, шу тажрибани қўлламаган ва билмаган мутахассислар учун бу жараён илғор педагогик тажриба кўринишида еътироф етилади.

Бунёдкорлик (новаторлик) тажрибасида муаллиф ўзининг илмий асосланган ижодий маҳсулотини ўзи амалда синаб кўриб, педагогик омма ҳукмига тақдимнома кўринишида тавсия етади. Унинг инновацион моҳияти атрофлича таҳлил етилади. Тажриба-синов натижаларидаги кўрсатгичлар, динамик ўсишлар ва ундан келиб чиққан кафолатли натижа оддий, кундалик жараёнда амалга оширилаётган тажрибалар билан қиёсланади. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган тавсияларнинг самарадорлигига асосий еътибор қаратилади. Демак, ҳар иккала тажриба тури ҳам ўзининг йўналиши ва мазмун-моҳиятига қараб инновацион педагогик тажрибалар кўринишида еътироф етилади.

Илғор педагогик тажрибаларни ўрганишда қуйидаги жиҳатларга еътибор қаратиш талаб етилади:

- умумназарий тадқиқотни педагогик туркум фанларнинг қайси йўналишларига тааллуқли еканлиги: тарбия назарияси, дидактика, ижтимоий педагогика ва бошқалар;
- алоҳида мавзулар йўналиши бўйича;
- тавсиялар (ёки тавсияларни амалга татбиқи бўйича).

Мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, илғор педагогик тажрибалар қуйидаги асосий функцияларни бажариши мумкин.

1. Илмий билимларни амалий тажрибалардан олдинда бўлиши, яъни фан янгиликни яратади, аммо ҳали таълим амалиётига тўлиқ етиб бормаган бўлади. Педагогик назария ва амалиёт диалектикаси бир-бирини тўлдириб, назария билан амалиётнинг бирлиги принципига асосланиши лозим.
2. Илмий билимларни амалдаги тажрибалардан ўзиб кетиши, назарий тадқиқотлар ва назарий муаммоларни ҳал етишга қаратилади.
3. Келтирилган тавсиялар асосида педагогик концепциялар ва илғор тажрибаларни турли шароитда синовдан ўтказиш. “Ишончли, илмий асосланган”, деб топилган тажрибаларни оммавий равишда таълим амалиётига татбиқ етиш.

Кўплаб мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар ва ўзининг методик тажрибаларига ега бўлган ўқитувчиларни ҳам илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва касбий педагогик фаолиятларига татбиқ етиш масаласи бўйича етарлича тайёр деб бўлмайди. Чунки аксарият ўқитувчилар педагогик тадқиқот натижалари билан танишиб бориш имкониятига ега емаслар. Тўғри, бугунги глобаллашув даврига хос ахборот технологияси ривожи, жумладан интернет имкониятлари ҳамда масофавий таълим тобора оммавий тус олмоқда. Аммо юқорида таъкидланганидек, педагогик тадқиқотлар натижалари, илмий-амалий тавсиялар чекланган доирада қолиб келмоқда. Қолаверса, педагогик тадқиқотлар мактаб таълими амалиётидаги муаммоларни тўлиқ қамраб олиш имкониятига ега бўлолган емас.





Шундай бўлсада, инновацион технологиялар татбиқига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса илғор педагогик тажрибалар мазмунида интерфаол методлар татбиқини кенг қамровда қўлланилиши илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш омилига айланиб бормоқда.

Бундан ташқари, таълим йўналишида чоп етилаётган илмий ва методик нашрлардан "Таълим муаммолари", "Халқ таълими", "Узлуксиз таълим", "Мактаб ва ҳаёт" журналлари, Хориж нашрларидан "Педагогика", "Инновации в образовании", "Мир образование в мире" каби журналларда, телевизион кўрсатувларда илғор инновацион тажрибалар бериб борилмоқда. Жойларда ташкил топган ахборот ресурс марказларининг имкониятлари тобора кенгайиб бораётгани кузатилди.

Илғор инновацион педагогик тажрибалар кўринишида електрон дарслик, електрон қўлланма ва бошқа електрон нашрларга талабнинг кучайиб бораётганлиги илм-фан тараққиётини яна чуқур егаллаш учун яратилаётган қулай имкониятлардир. Илғор педагогик тажриба кўринишида оммалашиб келаётган електрон адабиётлар ва уларнинг татбиқи давр талаби ҳисобланади.

А. Гуманистик ва демократик йўналиш, жамиятда ўз фуқаролик бурчини англаб етиши, педагогик касби, қизиқиши, еҳтиёжи, қобилияти, билими, ўзини тута билиши ва қизиқиши.
Б. Одоби, қобилияти ва билими.
В. Болаларни севиши ва фуқаролик бурчини англаб етиши.
Г. Ўзини тута билиши ва кийиниши.

3-мавзу: Педагогик техника педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатида

1. Педагогик техника педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатидалигини изоҳланг.
2. Педагогик техниканинг ўқитувчи фаолиятини ташкил қилишдаги аҳамиятини кўрсатинг.
3. Педагогнинг ташқи қиёфасига қўйиладиган талабларни ёзма баён қилинг.
4. Ўқитувчи ҳиссиётини бошқариш маҳорати ҳақида тушанча беринг.
5. Ўқитувчи юз ҳаракатининг таъсирчанлигини тушунтиринг.
6. Асабни (жаҳлни) бошқариш маҳоратининг моҳиятини очиб беринг.
7. Тана ва юз ҳаракатлари уйғунлигини ифодалаб беринг.
8. Гапириш техникасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
9. Педагогик техникани таркиб топтириш йўлларини изоҳлаб беринг.
10. Нафас олиш турларини таҳлил қилинг.
11. Ўқитувчи ташқи ва ички қиёфасини бошқариш маҳоратининг моҳиятини ёритинг.
12. Ўқитувчининг кийиниш нафосатини қандай тасаввур қиласиз?
    А. Мода бўйича.
    Б. Ўзига мос, оддий, тоза.
    В. Қимматбаҳо, фирмали.
    Г. Безаклари кўп.
    Д. Кийинишга еътибор бериш шарт емас.
13. Кайфиятингиз бузилганда ўқувчи билан қандай муносабатда бўласиз?
    А. Ҳар доимгидек.
    Б. Дағал, қўпол.
    В. Ўқувчи билан мулоқотга киришмасликка ҳаракат қиламан.
    Г. Ўзимни бошқара олмайман.
    Д. Еҳтиёткорлик билан.
14. Бошдаги енг таъсирчан аъзо қайси бири деб ҳисоблайсиз?
    А. Кўз ва қош.
    Б. Оғиз, бурун.
    В. Юз, пешона.
    Г. Қулоқ ,бурун.
    Д. Бош ҳаракати.
15. Ўқитувчи фикрининг йўналишини ифодаловчи ҳаракатларни аниқланг.
    А. Психологик ҳаракатлар.

Б. Тасвирловчи ҳаракатлар.
В. Маъқулловчи ҳаракатлар.
Г. Урғу берувчи ҳаракатлар.
Д. В ва Г жавоблар тўғри.

16. Гапириш техникасининг хусусиятини аниқланг.
А. Фикр алмашиш.
Б. Нафасни ростлаш.
В. Ташқи дунёга муносабат билдириш.
Г. Ахборот бериш.
Д. Ахборот қабул қилиш.

4-мавзу: Ўқитувчининг нутқ маҳорати.

1. Педагогик нутқнинг моҳиятини ёритинг.
2. Педагогик нутқнинг шаклларини таҳлил қилинг.
3. Педагогик нутқнинг вазифаларини изоҳланг.
4. Нутқ техникасининг моҳиятини айтиб беринг.
5. Нафаснинг нутқдаги аҳамиятини кўрсатинг.
6. Товуш ва унинг хусусиятларини ифодалаб беринг.
7. Ўқитувчи нутқининг хусусиятларини баён етинг.
8. Ўқитувчи нутқининг жозибадорлиги нимада?
9. Нутқдаги камчиликларни тузатиш усулларини таҳлил қилинг.
10. Ўз нутқингизнинг софлиги, аниқлигини таҳлил қилинг.
11. Ўз нутқини тинглаш, назорат қилиш ва бошқариш юзасидан машқлар бажаринг. (Нутқ ўстириш машқлари). Бу машқларга изоҳ беринг.
12. Гапириш техникасининг хусусиятини аниқланг.
А. Фикр алмашиш.
Б. Нафасни ростлаш.
В. Ташқи дунёга муносабат билдириш.
Г. Ахборот бериш.
Д. Ахборот қабул қилиш.

13. Нафаснинг инсон учун аҳамияти.
А. Тананинг ҳаётий фаолиятини таъминлайди.
Б. Ўпканинг ишлаши учун таъсир етади.
В. Ҳидни сезишга хизмат қилади.
Г. Чарчокнинг олдини олади.
Д. Жисмоний ҳаракатларнинг меъёрини белгилайди.

5-мавзу. Педагогик мулоқот маҳорати.

1. Педагогик мулоқотнинг асосий хусусиятларини баён қилинг.
2. Педагогик мулоқот ҳақидаги илмий – назарий таълимотларни таҳлил қилинг.
3. Педагогик мулоқотнинг ўзаро муносабатлардан фарқини таҳлил қилинг.
4. Мулоқот турларни шарҳлаб беринг.

5. Педагогик мулоқотнинг тузулишини тушунтиринг.
6. Мулоқотга киришиш йўлларини изоҳланг.
7. Педагогик такт тушунчасининг моҳиятини тушунтиринг.
8. Педагогик мулозаматнинг моҳиятини очиб беринг.
9. Дарс жараёнида педагогик мулозаматни таҳлил қилинг.
10. Педагогик мулозаматни егаллаш шартларини изоҳланг.
11. Ўқитувчи ва ўқувчи мулоқот маданиятини асослаб беринг.
12. Педагогик мулоқотнинг вазифаларини кўрсатинг.
13. Ўқитувчиларнинг касбий педагогик билимларини аниқланг.

А. Ўқитувчи педагогика фанининг методологик асослари, таълим ва тарбия жараёнининг ички қонуният ва қоидалари, мақсад ва вазифалари, мазмуни, ташкилий шакл ва усуллари, ўқувчи болаларнинг ёш психологияси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, болалар анатомияси, физиологияси ва мактаб гигиенаси асослари, махсус фанлар назарияси ва уларни ўқитиш методикасини билиши шарт.

Б. Ўқитувчи педагогика фанининг методологик асослари, таълим ва тарбия жараёнининг ички қонуният ва қоидалари, мақсад ва вазифалари, мазмуна ва ўқувчи болаларнинг ёш психологиясини билиши шарт.

В. Ўқитувчи педагогик кўникмаларни ўзлаштириб олиши керак.

Г. Ўқитувчи ташхислаш, лойиҳалаштириш, ахборот бериш кўникмасини, маънавий-аҳлоқий тарбия бериш малакаларини егаллаш зарур.

14. Аудитория диққатини жалб қилишнинг енг асосий методлари.

А. Пассив

Б. Пассив ва ташаббускорона.

В. Ташаббускорона.

Г. Таълим методлари.

15. Мулоқот ўрнатишнинг тўртинчи босқичида педагог нима қилади?

А.. Ўз фикрини баён етади;

Б. Фикр алмашади;

В. Ўз қарашларини объектга етказади.

Г. Объект фикрини тинглайди.

6-мавзу. Ишонтириш ва педагогик таъсирчанлик.

1. Ишонтириш маҳоратининг моҳиятини изоҳланг.
2. Шахсга таъсир етишда ишонтиришнинг аҳамиятини кўрсатинг.
3. Еътиқод турларини далилланг.
4. Педагогик жараёнда таъсирчанликнинг аҳамиятини шарҳланг.
5. Ишонтириш турларини таҳлил қилинг.
6. Ёлғон ишонтириш қачон ўз ифодасини топади?
7. Боланинг шаклланишида ҳақиқий ишонтириш ўрнини изоҳланг.
8. Таъсирчанликнинг турларини таҳлил қилинг.
9. Таъсир етиш усулларини шарҳланг.

10.Таъсир етиш усулларини бир бири билан таққосланг.
11. Педагогик еътиқодга еришиш йўлларини изоҳланг.
12.Педагогик таъсирчанликни оширишнинг самарали йўлларини изоҳланг.
13.Қайси ҳолатда ўқитувчи ва ўқувчилар муносабати еркин, очиққўнгиллик ва хушфеълликка амал қилиши зарур?
А. Дарс жараёнида.
Б. Тарбиявий тадбирда.
В. Синфдан ташқари тадбирда.
Г. Екскурсияда.
Д. Уйин пайтида.
14.Педагогик назокат қандай пайдо бўлади?
А. Туғма қобилият.
Б. Ўқиб ўрганилади.
В. Ўқитувчининг маънавий уйғониши.
Г. Тажрибанинг ортиши билан.
Д. Ўйин пайтида.

7- мавзу. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати.

1. Ўқитувчининг билим бериш маҳорати.
2. Синфда педагогик ҳамкорлик ўрнатишнинг хусусиятлари.
3. Таълимда анъанавий ва нўананавий машғулотларни узвий боғлаб ўтказиш маҳорати.
4. Таълим воситаларидан фойдаланиш маҳорати.
5. Ўқитувчининг билиш жараёни самарадорлигини ошириш.
6. Дарс жараёнида ўқитувчи еришиши лозим бўлган тўлиқ мақсадни кўрсатинг
А. Таълимий, тарбиявий.
Б. Тарбиявий.
В. Тарбиявий, таълимий.
Г. Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи.
Д. Таълимий.
7. Педагогик ҳамкорликнинг вазифаси нималардан иборат?
А. Ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолияти.
Б. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолияти.
В. Билим олиш жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти.
Г. Ўқувчиларнинг билим олишдаги ҳамкорлик фаолияти.
Д. Ўқитувчининг билим беришдаги ҳамкорлик фаолияти.
8. Ўқитувчи дарсда мақсадга еришиш учун енг аввало нимага еътибор бериш керак?
А. Ўқувчилар билан педагогик ҳамкорлик ўрната олиши керак.
Б. Дарс режага асосан ташкил етилиши зарур.
В. Педагогик маҳоратни қўллаш керак.
Г. Анъанавий дарс ўтилишига боғлиқ
Д. Дарс асосий принципларга мос бўлиш зарур.
9. Маҳорат –

А. Касб билимдонлиги.
Б. Тажрибалилик
В. Ижодкорлик
Г. Назария ва амалиёт бирлиги.
Д. Ҳамма жавоб тўғри

10. Тарбиявий иш режаси ким томонидан тузилади?
А. Фан ўқитувчиси.
Б. Мактаб директори.
В. Илмий булим мудири.
Г. Маънавий маърифий ишлар бўйича директор муовини.
Д. Синф раҳбари, тарбиячи.

11. Тарбиявий иш режаси қандай тадбирларни ўз ичига олади?
А. Ўқитувчилар кенгашини тартибли ўтказиш.
Б. Ота-оналар қўмитаси ишини юритиш.
В. Мактабни жиҳозлаш.
Г. Ақлий, ахлоқий, меҳнат тарбияси.
Д. Мактаб маъмурияти ўтказадиган тадбирлар.

8-мавзу. Тарбиячилик маҳорати.

1. Тарбиячи маҳоратининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Тарбиячилик маҳоратининг моҳияти.
3. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмлари.
4. Тарбиявий ишларни режалаштириш маҳорати.
5. Тарбияси «қийин» болалар билан ишлаш.
6. Тарбия натижаларини ҳисобга олиш йўллари.
7. Тарбиячининг шахсий намунаси деганда нимани тушунасиз?
А. Ўқувчиларга ибрат-намуна кўрсатишини.
Б. Мактабда ўзини тутишини.
В. Ўқувчиларни ҳурмат қилишини.
Г. Қизиқарли тадбирлар ўтказиб туришини.
Д. Инсоний ва касб хусусиятларининг мукаммаллигини.
8. Тарбияланувчида ўзига ишонч ҳосил қилдириш:
А. Тарбиячининг асосий мақсади.
Б. Тарбиячининг вазифаси.
В. Тарбиячилик қобилияти.
Г. Обру орттириш йўли.
Д. Фаолиятининг натижаси.
9. Педагогика фанида тарбиячилик маҳорати қайси қисмларга бўлиб ўрганилиши кўрсатилган?
А. Технологик тизимга.
Б. Муносабатлар тизимига.
В. Етик (ахлоқий) тизимга.
Г. Технологик, муносабатлар ва етик (ахлоқий) тизимга.
Д ҳамма жавоб тўғри.
10. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмини аниқланг.

А. Мукаммал режалаштириш.
Б. Муносабатлар тизими.
В. Кенг кўламда тайёргарлик кўриш.
Г. Ижтимоий фаоллик кўрстиш.
Д. Тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш.

11. Тарбия мотивлари педагогик маҳоратнинг қайси таркибий қисмига киради?
А. Технологик тизимга.
Б. Муносабатлар тизимига.
В. Етик (ахлоқий) тизимга.
Г. А ва В жавоб тўғри
Д. А, Б ва В жавоблар тўғри

9-мавзу. Ота-оналар билан ишлаш маҳорати

1. Ота-оналар билан бола тарбиясида ҳамкорлик қилишнинг мазмуни.
2. Маҳалла, турар жой ва ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг фаолиятини йўналтириш шартлари.
3. Ўзбек оиласининг ўзига хослиги ва унда бола тарбияси.
4. Ўқитувчининг ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш маҳорати.
5. Ўқитувчининг ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш йўллари.
6. **Оилада бола тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари.**
7. Ота-оналарни ва жамоатчиликни тарбиявий ишларга жалб етиш.
8. Сизнингча бола тарбиясида кимнинг роли устун туради?
А. Отанинг роли устун туради.
Б. Она асосий рол ўйнайди.
В. Ёшликда онанинг, улғайганда отанинг устунлиги бўлади.
Г. Боланинг жинсига қараб таъсир етади.
Д. Ота ва онанинг биргаликдаги роли устундир.
9. Ёшлар тарбияси ҳақидаги нодир асарлардан бири ҳисобланадиган «Қобуснома»нинг муаллифи ким?
А. Абу Наср Фаробий.
Б. Абу Райхон Беруний.
В. Бурхониддин Марғиноний.
Г. Унсурул Маолий Кайковус.
Д. Ахмад Яссавий.
10. «Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт, ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимини олишлари учун жавобгардирлар», деган қоида қайси ҳужжатда қайд етилган?
А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида.
Б. Мустақиллик декларациясида.
В. «Таълим тўғрисида»ги қонунда.
Г. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида.

Д. Оила педагогикаси китобида.

11. «Ўқитувчи-ота-она» муносабатида асосий ролни ким ўйнайди?

А. Ота.

Б. Она.

В. Ўқитувчи.

Г. Ўқувчи.

Д. Мактаб директори.

12. Ўқитувчининг бола тарбияси ҳақидаги билимлари ота-оналарга қандай усулларда берилганлигини маъқўллайсиз?

А. Илмий-назарий мавзуларда маърузалар қилиш.

Б. Ота-оналарни мактабга йиғиб ваъз ўқиш.

В. Суҳбат ва фикр алмашиш.

Г. Кўргазмалилик ва ибрат-намуна.

Д. Китоб ўқиб бериш.

8. O'TILGAN MAVZULAR BO'YICHA YAKUNIY XULOSALAR:

1. Педагогик маҳорат ўқитувчи касбий хусусиятларининг юксак даражада шаклланганлигининг кўриниши бўлиб, билимдонлик, инсонпарварлик, касбий қобилиятларнинг ривожланганлиги, педагогик техника ва мулоқот маданиятларини ўз ичига олади. Бу сифатлар ҳар бир бўлажак ўқитувчида шаклланиб бориши аниқланади.
2. Ўқитувчи ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш орқали жамият аъзоларининг онглилигини ва ахлоқлилигини таъминлайди. Бу ўқитувчи фаолиятининг ижобий моҳиятини белгилайди. Ўқитувчининг билимлари, кўникма ва малакага айланганда маҳорат шаклланиб бошлайди. Маҳоратнинг юксак кўриниши маданият даражасида намоён бўлади. Ўқитувчининг маданиятли бўлиши шарт ҳисобланади.
3. Педагогик маҳорат фанини муваффақиятли ўзлаштириш, ўзларининг амалий фаолиятларида маҳорат қирраларини таркиб топтиришда қуйидаги услубий тавсиялар фойдадан ҳоли бўлмайди.
4. Педагогик маҳоратнинг ҳар қандай кўриниши педагогик фаолият жараёни маҳсули ва натижаси еканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда бунёдкор, ижодкор, ва илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларига суяниш зарур бўлади.
5. Бунинг учун юксак маҳоратли ўқитувчиларнинг фаолиятлари кузатилиши, таҳлил қилиниши ва умумлаштирилиши фойдали ҳисобланади.
6. Педагогик маҳоратнинг кўп қирралари тинмасдан машқ қилишни, мунтазам такрорлашни, такомиллаштириб боришни тақоза етади. Педагогик техника елементларини ўқитувчи ўзининг шахсий

хусусиятларига мослаштириши, ўзига хос қиёфага ега бўлиши, ўзини ҳар қандай ҳолат ва шароитда бошқара олиши талаб етилади.

7. Ўқитувчининг нутқи аниқ, ифодали, таъсирчан, мазмунли бўлиши учун нутқ устида ишлаш мақсадида, овоз ва тасвир ифодаловчи воситалар ёрдамида магнит тасмаларига ёзиш, қайта ешитиб кўриш фойдалидир. Нутқдаги камчилик ва нуқсонлар шу йўл билан тузатилади.
8. Мулоқот маданияти, дарс ўтиш ва тарбиявий таъсир кўрсатиш учун тегишли кўникма ва малакаларни кундалик ҳаётий тажриба жараёнида тўплаб бориш тавсия етилади.
9. Педагогик маҳорат ўқиш, изланиш ва фаол турмуш тарзи таъсирида тажриба тўплаш ва бойитиб бориш билан ўз такомилига етади.
10. Ўқитувчи дарсининг самарасини ошириш учун ҳар хил махсус диафилм, кинофилм ва тасвир ифодаловчи тасмалар муҳим ўрин тутади. Ҳар бир дарс тарбиявий, таълимий ва ривожлантирувчи мақсадларни кўзда тутиши лозим.
11. Педагогик маҳоратга ега бўлган ўқитувчи дарс ўтишдан олдин, дарсга тааллуқли бўлган қизиқ маълумот бериб ўқувчиларда дарсга қизиқиш ҳиссини уйғотади. Ўқитувчи ўқувчиларда сал чарчоқ сезса уларни дарсга қайта тайёрлаш учун ўзига жалб қила олиши керак.
12. Ота-оналар йиғилишларида педагогик мавзуларга бағишланган суҳбатларни доим ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарни маълумотли қилиш, уларни педагогик маданиятини оширади.

9. FAN BO'YICHA YECHIMINI KUTAYOTGAN ILMIY MUAMMOLAR

1. Педагогик маҳорат фани бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрланиши ва чоп еттирилиши керак.
2. Шарқ алломаларининг педагогик маҳоратларини ўрганиш ва ҳозирги даврда татбиқ етиш йўлларини аниқлаш.
3. Юксак маҳоратли ўқитувчи шахсининг моделини ишлаб чиқиш.
4. Бўлажак ўқитувчиларда педагоик маҳорат елементларини таркиб топтириш шарт-шароитларини аниқлаш
5. Педагогик техника ва технологияларнинг узвий боғлиқлик жиҳатларини тадқиқ етиш.
6. Ўқувчилар жамоасига таъсир етиш ва тарбиявий имкониятларини кучайтириш йўлларини аниқлаш.
7. Ўқитувчи нутқининг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини кучайтириш, мантиқий фикрлаш ва гапириш техникасини шакллантириш хусусиятларини ўрганиш.

8. Ишонч ва еътиқоднинг шаклланишида миллий ғоянинг таъсирини тадқиқ етиш;
9. Ноанъанавий дарслар ва уларда интерфаол методлардан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлашнинг хусусиятлари.
10. Ёшларга миллий ва умуминсоний тарбия беришда ўқитувчи маҳоратининг ўрни.
11. Ёшларни тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги муаммоларини таҳлил қилиш.

10. INFORMATSION – USLUBIY TA'MINOT

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ» – 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т. «Ўзбекистон» – 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида. Т., «Ўзбекистон»-1997.
4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.
5. Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Шарқ»–1998.
6. Каримов И.А. "Юксак маданият-енгилмас куч"Т., "Маънавият", 2008.
7. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., 2006
8. Очил С. Мустақиллик мафкураси ва тарбия асослари. Т. 1994.
9. Верб. М.А. Куценко. В.Г. Педагогическая техника. М.1974.
10. Гайбуллаев Н. ва бошқалар Педагогика. Маърузалар матни. Т.2000.
11. «Основы педогогического мастерство», под. ред. И.А. Зязуна М. 1989.
12. Рувинский Л.И. «Тарбиявий иш методикаси» Т., «Ўқитувчи», 1991.
13. Муомала тренинги. Т., «Шарқ»., 1994.
14. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. Т., «Ўқитувчи», 1995.
15. Маренко И.С. Мактабда тарбиявий ишларни ташкил етиш ва бошқариш. Т.,1978.
16. Саидназарова Ф., Саидназаров И., «Тарбия –одоб ва оқибат», Т., Ўзбекистон 1991.
17. Қудратов А. «Нутқ маданияти асослари», Т., «Ўқитувчи» ,1993.
18. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т., «Фан», 2006
19. Холиқов А. "Педагогик маҳорат", Т., ТДПУ, -2009

Қўшимча адабиётлар:

1. Маънавият юлдузлари. Академик Хайруллаев.М. умумий таҳрири остида Т.,1999.

2. Турсунов И., Нишоналиев У . Педагогика курси Т.,1997.
3. Ҳошимов К., ва бошқалар, Педагогика тарихи.Т.,1996.
4. Мунавваров А. Педагогика .Т.,1996.
5. Мавлонова Р., Тўраева О. Педагогика.Т.,1998.
6. Искандаров И. «Ўзбек педагогикаси антологияси», 1-жилд. Т., 1995.

Интернет адабиётлари:

1. www.адпима.сом.
2. WWW.амазон.сом
3. WWW.ипкпро.ааа.нет.ру
4. WWW.иет.меси.ру
5. WWW.ссинтологу.орг.ру
6. WWW.двгу.ру.ҒумуҒдиджестҒнеwкновҒяр99Ғ
7. 1. ҳттп:ҒҒ W W W . гулдуҒ уз Ғ.
8. 2. ҳттп:ҒҒ W W W . гулдупортал.уз Ғ.
9. 3. ҳттп:ҒҒ W W W . зиуонет. уз Ғ.
10. 4. ҳттп:ҒҒ W W W . гулду. знҒ уз Ғ.

ГЛОССАРИЙ

Аномалия (юнонча – аномал) - меъёрдан, умумий қонуниятлардан четланиш, нотўғри ривожланиш.

Аномал болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш- коррекцион педагогиканинг асосий тушунчаси бўлиб, нуқсоннинг даражаси ва тузилишига мос келадиган метод ҳамда воситалар ёрдамида аномал болаларни фаол ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда фуқаролик сифатларини шакллантириш.

Ахлоқ (лотинча «моралис» - хулқ-атвор маъносини билдиради) - ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йиғиндиси.

Ахлоқий онг – шахсга ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш асосида ҳосил қилинувчи онг шакли.

Ахлоқий тарбия – муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онгига сингдириш асосида уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ва ахлоқий

маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Ақлий тарбия - шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Байналминаллик («интер» – орасида, ўртасида, аро, «натио» – халқ)– ўзга миллат ва елатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ерки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили ҳамда виждон еркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларига зиён етказмасликни ифода етувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилат.

Бакалавриат - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом етадиган таянч олий таълим.

Башоратлаш - бўлажак дарсни ташкил етилишининг турли варианларини баҳолаш ва улардан қабул қилинган мезонларга мувофиқ енг маъқулини танлаб олиш. Таълим-тарбия жараёнини олдиндан кўра билиш, башорат қилиш.

Баҳо – таълим олувчиларга уларнинг таълим олиши, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндошишини рағбатлантириш мақсадида таъсир кўрсатиш воситаси.

Билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс етувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Билим олиш – борлиқни идрок етиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.

Билиш - объектив борлиқнинг инсон онгида акс етиш шакли; илмий билимларни ўзлаштириш жараёни.

Ватанпарварлик (лотинча «патриотес» – ватандош, «патрис» – ватан, юрт) - шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истиқболига бўлган ишончини ифода етувчи юксак инсоний фазилат.

Вербал – билим (маълумот, ахборот)ларни сўз ёрдамида (оғзаки) етказиб бериш, ифода етиш.

Гносеология (юнон тилидан гносис – билим, онг, ўрганиш) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари,

шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот.

Давлат рамзлари - муайян миллат, елатнинг етнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ва мақсади, ҳудудий, ижтимоий-ғоявий бирлик моҳиятини англатишга хизмат қилувчи тасвирий белгилар мажмуи.

Давлат таълим стандарти – 1) таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар еришишлари зарур бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат; 2) ўқув фани бўйича таълимнинг якуний натижаларини белгиловчи асосий ҳужжат; 3) таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, шунингдек, битирувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талаблар.

Дарс - бевосита ўқитувчи раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли.

Дарслик – муайян фан бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлар тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба.

Дидактика (таълим назарияси) – (юнонча «дидактикос» “ўргатувчи”, «дидаско» – “ўрганувчи”) - таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолари)ни ўрганувчи фан.

Дидактика тамойиллари (лотин тилидан «принсипиум» - ҳар қандай назариянинг асосий, бошланғич, дастлабки ҳолати) – таълимни ташкил етишга қўйилган меъёрий талабларни ифодаловчи, шунингдек, таълим жараёнининг асосий мақсади ва қонуниятларига мувофиқ унинг дастлабки ҳолатини белгиловчи қарашлари.

Дидактик ташҳис мақсади – ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Дидактик тизим (юнонча «сйстема» – яхлит, қисмлардан ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлар асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш.

Дидактик ўйин – ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

Дунёқараш - табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва еътиқодлар тизими.

Жазолаш - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо бериш усули.

Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ каби маъноларни англатади) - бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга ега умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ.

Жинсий тарбия - ўзида шахсни жинсий жиҳатдан чиниқтириш, уларни тозалик ва озодаликка ўргатиш, ўз соғлиги учун ғамхўрлик қилиш ва масъулиятли бўлишни таъминлашга қаратилган педагогик фаолият мазмуни.

Жисмоний тарбия - ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.

Жорий назорат – таълим жараёнида ўқувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган муайян мавзуларни ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Идрок – аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни.

Ижтимоий адаптация (юнонча адапто - мослашиш) – аномал болалар индивидуал ёки гуруҳли хулқларининг ижтимоий қадриятлар ва хулқ-атвор қоидалари тизимига мос келиши.

Ижтимоийлашув – ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок етиш асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар - ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, еътиқод ҳамда дунёқарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари.

Ижтимоий педагогика – ижтимоий муносабатлар жараёнида педагогик ғояларнинг тутган ўрни ва роли, шахсни касбий ва ижтимоий фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.

Ижтимоий реабилитация (юнонча реҳабилитас – лаёқати, қобилиятини тиклаш) - аномал боланинг психофизиологик имкониятларига таянган ҳолда унинг ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок етиши учун зарур шароит яратиш, ижтимоий фаолият ва меҳнатга жалб етиш.

Изоҳлаш (тарбия методи сифатида) – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир етиш усули.

Илмий дунёқараш - узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок етиш натижасида барқарорлашган дунёқараш шакли.

Индивид (лотинча "индивидиум" бўлинмас, ягона, алоҳида деган маъноларни англатади) – хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил ета олувчи биологик мавжудот.

Индивидуаллик - шахснинг ўзига хос хусусиятлари.

Институт - билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олий ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи, юридик мақомга ега таълим муассасаси.

Иқтисодий тарбия - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил етиш ва ҳоказолар)ни ташкил етиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Иқтисодий таълим - ўқувчиларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил етиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ёш хусусиятлари - муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш - мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ташкил етилувчи таълим босқичи.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» - «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ҳамда таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига ега бўлган, истиқлол вазифаларини илгари суриш ва ҳал етишга қодир

кадрларнинг янги авлодини шакллантириш мазмунини белгилаб берувчи юридик ҳужжат.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели - шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини акс еттирувчи андоза, лойиҳа Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

Касб-ҳунар коллежи - ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни егаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини берувчи, юридик мақомга ега таълим муассасаси.

Категория - фаннинг моҳиятини очиб берувчи енг муҳим, асосий тушунча.

Компенсация (юнонча «сомпенсатио» – ўрнини тўлдириш, тенглаштириш) - олий нерв фаолиятининг заҳира имкониятларига таянган ҳолда организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш ёки қайта қуриш.

Коррекция (юнонча «соррестиио» - тузатиш) - педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш.

Коррекцион (махсус) педагогика (дефектология - юнонча «дефестус» – нуқсон, камчилик, «логос» – фан, таълимот) – ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка ега, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, саломатлик имкониятлари чекланган боланинг индивидуаллиги ҳамда шахсини ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, қонуниятларини ўрганувчи фан.

Коррекцион-педагогик фаолият - яхлит таълим жараёнини қамраб олувчи ҳамда мураккаб психофизиологик ва ижтимоий-педагогик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутувчи педагогик тизим.

Коррекцион-тарбиявий ишлар - шахснинг аномал ривожланиши хусусиятларига кўра умумий педагогик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тизими.

Кўникма – шахснинг муайян ҳаракат ёки фаолиятни ташкил ета олиш қобилияти.

Кўргазмали методлар - предмет, ҳодиса ёки жараёнлар моҳиятини табиий ҳолатда намойиш қилиш, уларнинг макетларини кўрсатишда қўлланилувчи усуллар.

Лицей (коллежда) маъруза – ўқув материалини ўқувчиларнинг идрок етиш фаолиятларини фаоллаштириш услублари билан биргаликда давомли оғзаки баён етиш (80-90 дақиқа), берилаётган материалнинг схематик моделини тузиш (асосий фикрни тезис ёки лойиҳа кўринишида ёзиб олиш) ва бошқалар.

Лойиҳалаштириш (режалаштириш) - ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш.

Логопедия (юнонча «логос» – сўз, назария, таълимот, «паидеиа» - тарбиялаш) - нутқий нуқсонларни ўрганиш, улар келиб чиқишининг олдини олиш ва уларни қисман ёки тўлиқ тузатиш масалаларини ўрганувчи фан; коррекцион педагогика (дефектология)нинг муҳим соҳаси.

Магистратура - аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муаддати камида икки йил давом етадиган олий таълим.

Маданият («султура» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий еҳтиёжларини

қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Мазмун (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий кўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуллари тизими.

Мактабгача таълим - боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминловчи, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотувчи, уни мунтазам таълим олишга тайёрловчи ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилувчи таълим босқичи.

Мактабгача таълим педагогикаси – **мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.**

Мактабдан ташқари таълим - маданий-естетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда йўлга қўйилувчи, болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-ехтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил етиш мақсадида ташкил етиладиган таълим босқичи.

Малака – муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

Материални оғзаки баён қилиш методлари – ўқув материали моҳиятини озғаки (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси каби шаклларда) ёритишда қўлланилувчи усуллар.

Мафкура (арабча «мафкура» - нақтаи назар ва еътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, шунингдек, маънавий-ахлоқий юксаклиш, маърифий-тарбиявий ишларнинг ривожини таъминловчи, уларнинг мақсад ва йўналишларини аниқлашда етакчи ўрин тутувчи ғоялар тизими.

Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари-_муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуллари.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

Маънавият (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) – моҳиятига кўра ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи.

Маърифат – шахс онгига илмий билим, ахлоқ қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни сингдириш, таълим-тарбияни такомиллаштириш, миллий мерос ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, уларни тарғиб етиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Маъруза – йирик ҳажмдаги ўқув материалини оғзаки баён қилиш шакли.

Менежмент – мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга еришиш учун шахс (ходим) ёки гуруҳга таъсир ўтказиш асосида уларнинг фаолиятини ташкил етиш тамойиллари, шакллари, методлари ва усуллари.

Метод - юнонча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга еришиш йўли» каби маъноларни англатади.

Методика (фан сифатида)– хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Меҳнат тарбияси - шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англатиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Мунозара (тарбия методи сифатида) - тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули.

Назорат (таълим жараёнида)– таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёни.

Нафосат диди - шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабат билдириш тури, объектив нафосат ўлчови.

Нафосат маданияти - гўзалликни ҳис етиш, ундан завқланиш, мавжуд гўзалликларни асраш ва бойитиш йўлида ўзлаштирилган билим ҳамда амалга ошириладиган нафосат фаолиятини ташкил етиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

Нафосат онги - гўзаллик, гўзалликни ҳис етиш, унинг моҳиятини англаш, нафосат ҳис-туйғуси, нафосат диди каби тушунчаларнинг онгда акс етиши.

Нафосат тарбияси (естетик тарбия- лотинча «естезио» гўзалликни ҳис қиламан) - ўқувчиларни воқелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ва турмуш гўзалликларини

англаш, идрок етиш ва тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, улар томонидан гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Оила – кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гуруҳи.

Оилавий муносабатлар – ота-оналар (ёки боланинг камолоти учун масъул бўлган шахслар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил етилувчи муносабатлар.

Оила тарбияси – ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил етилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом етиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

Оралиқ назорат – ўқувчилар томонидан ўқув материалининг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Педагогика (юнонча «паидагогике» бўлиб, «паидагогос» - бола, етаклайман) – ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан.

Педагогик маҳорат – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

Педагогик парадигма (юнонча «парадеигма» - мисол, намуна) – педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал етиш намунаси (модели, стандарти) сифатида илмий педагогик ҳамжамият томонидан еътироф етилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами; таълимнинг концептуал модели.

Педагогик талаб - турли хатти-ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятда иштирок етиш жараёнида ўқувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари.

Педагогик технология_– таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

Педагогик маҳорат – таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Педагогик талаб - турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок етишда ўқувчи амал қилиши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодаловчи вазифа; тарбиянинг енг муҳим усули.

Рағбатлантириш - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш усули.

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода етувчи мураккаб жараён.

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Тарбия жараёни - ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил етилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.

Тарбия мазмуни - шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти.

Тарбия методи (юнонча «методос» – йўл) – тарбия мақсадига еришиш йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир етиш усуллари.

Тафаккур - ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс етиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли.

Ташҳис –дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш.

Таълим – ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён.

Таълим концепциялари (лотин тилидан «сонсептио» –тизим) – таълим-тарбия мазмуни, истиқболини ёритувчи яхлит қарашлар тизими; узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида таълим муассасалари фаолияти йўналиши, мақсад ва вазифаларини белгилашнинг алоҳида усули.

Таълим мақсади (ўқиш, билим олиш мақсади) – таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи ғоя.

Таълим натижаси (таълим маҳсули) – таълим якунининг моҳиятини қайд етувчи тушунча; ўқув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси.

Тест - аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси.

Топшириқ - ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул.

Тушунтириш - ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилиш.

Тўгарак - ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида синфдан ёки мактабдан ташқари шароитда уюштирилувчи қўшимча таълим шакли.

Университет - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи, юридик мақомга ега таълим муассасаси.

Усул - муайян ўқув материалини ўзлаштиришда қўлланилаётган асосий таълим методи билан бирга иккинчи бир таълим методининг айрим елементларидан фойдаланиш.

Фаолият - шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил етилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши.

Шахс - психологик жиҳатдан тараққий етган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга ега бўлган жамият аъзоси.

Шахсни ижтимоийлаштириш - уни жамият томонидан тан олинган хулқ-атвор меъёрлари, билим ҳамда қадриятлар тизимини ўзлаштиришдан иборат ижтимоий ҳаётга жалб етиш жараёни.

Еътиқод - дунёқараш негизида акс етувчи ижтимоий- фалсафий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, естетик, иқтисодий ҳамда екологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч.

Якуний назорат – таълим олувчиларнинг чорак ёки ярим йиллик учун белгиланган ўқув материаллари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Ўз-ўзини баҳолаш - мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари - ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок етишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усуллар.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш - ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд

сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф етишга қаратилган фаолият усули.

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш – шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеридаги зарарли сифатларни йўқотиш, уларни бартараф етишга қаратилган ички фаолияти жараёни.

Ўзлаштириш –таълим жараёнида устувор ўрин тутувчи ижтимоий талабларга мувофиқ шахс томонидан муайян хатти-ҳаракат ва хулқ усулларининг егалланиши.

Ўргатиш - тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлар.

Ўқитувчи (педагог) – педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий сифатларга ега ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс.

Ўқиш – маълум усуллар ёрдамида ташкил етилган билимларни ўрганиш жараёни; ўқувчилар томонидан ўқув фаолияти усулларини егаллаб олишга йўналтирилган фаолият.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши - ўқувчиларнинг жамоа фаолиятини уюштириш ва бошқаришдаги фаол иштироклари.

Ўқув қўлланмаси – 1) маълум ўқув фанлари бўйича методик материаллар, тушунтиришлар, тавсияларни ёритувчи ҳамда ўқитувчи ёки ўқувчилар учун мўлжалланган манба; 2) муайян фан бўйича тайёрланган ҳамда методик жиҳатидан ўқув-тарбиявий жараёнда бевосита фойдаланиш имконини берувчи қўшимча ўқув материаллари.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси - ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил етиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ҳикоя – ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилиниши.

О. СУВОНОВ, Йа. НУРУМБЕКОВА

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

(ўқув қўлланма)

Дизайнер Й. Нурумбекова

Компютерда тайёрловчи Й. Нурумбекова

Гулистон ш, 4-мавзе,
Гулистон давлат университети